

**ЎЗБЕКИСМТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**Улфатхон Муҳибова**

# **БХАКТИ АДАБИЁТИ**

(Монография)



**Тошкент - 2012**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

УЛФАТХОН МУҲИБОВА

# БҲАКТИ АДАБИЁТИ

Тошкент

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
-2012  
ТошDO'TAU  
AXBOROT-RESUR

17778

7.11.11

Бхакти адабиёти ўрта асрлар Ҳиндистон халқлари адабиётининг энг катта меросини ташкил этади. Ушбу монография Тошкент давлат шарқшунослик институтида давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилаётган Ф-1-139 «Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси» номли илмий-тадқиқот лойиҳаси асосида тайёрланди. Монографияда ўзбек шарқшунослигида илк бор Бобурийлар давридаги бхакт шоирлар ижоди мисолида бхакти адабиётини ҳар томонлама ўрганиш мақсад қилиб қўйилган.

Мазкур китоб филология йўналиши бўйича тадқиқот ишларини олиб бораётган адабиётшунослар, шу билан бир қаторда кенг китобхонлар оммаси учун илмий-адабий ва маънавий-эстетик маълумот берувчи манба сифатида хизмат қилади.

**Масъул муҳаррир:** ф.ф.д.проф. Маннонов А.М.

**Тақризчилар:** ф.ф.н. доц. Ходжаева Т.А.  
ф.ф.н.доц. Алимбеков А.

Ушбу монография Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (3-сонли баённома, 01.11.2012 йил)

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2012

## МУНДАРИЖА

**КИРИШ СЎЗИ.....3**

### **I БОБ. XV-XVII АСРЛАР БХАКТИ АДАБИЁТИНИНГ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ВА ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

XV-XVII асрлар ижтимоий ва диний-фалсафий қарашлар тизимида бхакти таълимоти.....6

Бхакти адабиётида анъана ва ворисийлик: бхакти адабиёти ва ҳинд эпослари.....58

Бхакти адабиёти ривожда Бобурийлар сулоласининг туган ўрни.....74

### **II БОБ. XV-XVII АСРЛАР БХАКТИ АДАБИЁТИ.....101**

XV-XVII асрлар ҳинд адабий жараёнлари ва бхакти адабиёти.....101

Бхакти адабий мероси таснифи.....123

### **III БОБ. БХАКТИ АДАБИЁТИДА ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИ.....175**

**ХУЛОСА.....188**

**Фойдаланилган адабиётлар..... 190**

## КИРИШ СЎЗИ

Жаҳон миллий адабиётларининг ривожланиш тарихида, биз, адабий жараёнларнинг турли номлар билан аталишининг гувоҳи бўламиз ва бу номлар, аксарият холларда, шу даврнинг етакчи мафкураси, давр ижтимоий-маданий ҳаётида алоҳида ўрин тутган ва адабий жараёнларга ўз таъсирини ўтказиб, адабиётда туб бурилиш ясаган сулола, ижтимоий қатлам ёки ҳодисалар билан боғлиқ бўлади. Хусусан, ғарбда, биз, куртуаз (трубадурлар) ёки барокко (рицарлик), Хитойда Хан, Мин ёки Тан сулолалари даври адабиёти, Арабистонда Жохилия даври, Уммавийлар, Аббосийлар ёки Мамлуқлар даври адабиёти, Афғонистонда Рушанийлар адабиёти, Эронда Пахлавийлар ёки Сафавийлар даври адабиёти, турк адабиётида эса Усманийлар, Танзимот, Текки даври адабиёти, япон адабиётида Хейан даври адабиёти, Генроку ёки Цид (қайси бири аввал) адабиёти каби номларни учратамиз. Ҳиндистон халқлари адабиёти ҳам бундай номлардан мустасно эмас. Бхакти адабиёти Ҳиндистон халқлари адабиёти ривожининг ўрта асрлар даврининг номи бўлиб, бу ном шу даврдаги ҳукмрон мафкура ва унинг адабиётга таъсири натижасида шаклланган. Ҳинд адабиётининг ундан кейинги давр ривожиди ҳам худди шундай номларни, хусусан, Рити, Бхаратенду ёки Харишчандра даври адабиёти каби номлар мавжуд. Ҳинд адабий меросларининг бу номлари ҳам, таъкидлаб ўтганиганимиздек, шу давр адабий жараёнларида юз берган муҳим янгича қарашларга асос солган шахслар ёки ижтимоий ҳодисаларнинг адабиётда туб бурилиш ясаши натижасида вужудга келган.

Бхакти ҳаракати ҳинд жамияти ижтимоий онгида инқилобий ўзгаришларни амалга оширган диний-ислоҳотчилик ҳаракатидир. Бхакти ҳиндуизм дини ислохоти йўлида илк бор VI асрларда Ҳиндистоннинг жанубида Тамилнаду штатида шаклланган ва X-XII асрлар бхакти ҳаракатининг жанубда энг ривожланган даври бўлиб, тамил алварлари жанубий бхакти адабиётининг энг кўзга кўринган намояндалари сифатида ўрганилади. Бхактининг иккинчи катта ўчоғи Ҳиндистоннинг шимолида XV асрларда Бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида шаклланиб ривожланган ва XVIII аср охириларгача шимол халқининг асосий мафкуравий олами бўлган.

Маълумки, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар доимий ўзгарувчан жараён бўлиб, бу ўзгарувчанлик асосида инсон онгининг ўзгарувчанлиги ётади ва ҳар бир даврнинг ижтимоий ҳодисалари ўзи учун зарур бўлган мафкурага суянади. Ўрта асрларда эса ҳинд жамиятида халқ манфаатлари учун зарур бўлган мафкурага бўлган эҳтиёж шаклланганлигини кузатиш мумкин. Инсон онгини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган бҳакти ҳаракати айнан шу эҳтиёж асосида шаклланди ва ўзининг жамиятдаги фаол ҳаракатлари тўғрисида оддий гоёлар мажмуасидан аниқ мазмунга эга бўлган мафкурага айланди. Давр мафкураси эса, айниқса, у халқ манфаатларига қаратилган бўлса, инваламбор, адабиётда ўз аксини топади. Шу боис бҳакти ҳаракатининг жануб ва шимолдаги иккала даври ҳам ўзидан жуда катта адабий мерос қолдирган.

Бҳакти ҳаракати ўз мазмун-моҳиятига кўра тасаввуф билан ҳамоҳанг ҳаракатдир. Исломи динининг Ҳиндистонда ҳукмрон динлар каторидан ўрин олганлиги бу ерда ҳам тасаввуф гоёларининг кенг ёйилгани ва бу асосда тасаввуф адабиётининг ҳам шаклланганлигини кўрсатди. Тасаввуф адабиёти ҳам бҳакти ҳаракати билан бир даврда ва бир ҳудудда, яъни Бобурийлар салтанати ҳудудларида бунёдга келди.

VI асрларда Ҳиндистоннинг жанубида шаклланган бҳакти ҳаракати XV асрларга келиб Ҳиндистоннинг шимолида кенг ёйилди ва XVIII асрларгача Ҳиндистонда етакчи мафкура бўлиб қолди. Рухий озодлик билан боғлиқ бҳакти ва тасаввуф таълимотлари ўрта аср инсониди ички қувонч туйғуларини шакллантирди ва бу қувонч шеърӣ мисраларда ўз аксини топа бошлади. Адабиётнинг рухий озодлик гоёларини ифода этиш воситасига айланиши халқ орасидан номи жаҳонга танилган иқтидорли шоир, адиб ва адибалар етишиб чиқишига асос бўлди. Адабиётда *бҳакт шоир* номи билан юритиладиган бу иқтидор соҳиблари жануб ва шимолда ҳинд адабиётининг энг катта ва энг сермазмун меросини яратиб қолдирдилар. Мана шу бой меросни, аниқроғи шимолий бҳакти адабий меросини яратган шоирларнинг ижоди, уларнинг бҳакти гоёли асарлари ва бу гоёларни тарғиб этиш йўлида олиб борган фаолиятларини ва уларнинг бугунги кун Ҳиндистон халқлари адабиётида тутган ўрнини манбалар асосида тадқиқ этиш мазкур монографиянинг асосини ташкил этади.

# І БОБ XV-XVII АСРЛАР БҲАКТИ АДАБИЁТИНИНГ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ВА ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

## XV-XVII асрлар ижтимоий ва диний-фалсафий қарашлар тизимида бҳакти таълимоти

*“Яратган Худо нафақат дин пешволариники, балки халқники ҳам эканлиги, шу боис оддий бир инсон ҳам ўз меҳр-садоқати билан Худого етишиши мумкин эканлигини тушуниш қутилмаганда ҳинд халқини чидаб бўлмайдиган ҳақоратлардан озод этди. Бу хушxabар бутун мамлакат бўйлаб ёйилганидан кейин пайдо бўлган адабиёт эса бутунлай янги, халқ адабиёти бўлди” . Рабиндранатх Тагор*

Ҳар бир халқнинг адабиёти, маданияти, ва умуман, маънавий бойлигини ўрганишда биз, албатта, турли даврларда у ёки бу дин билан тўқнашамиз. Шу маънода ҳинд адабиётини диний қарашларсиз, диний мафкуралар тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳинд жамияти ижтимоий онгининг шаклланишида бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келаётган динлар тизими халқ қилувчи аҳамият касб этади. Бу диний тизимлар асосида ҳинд халқининг борлиқ ва худо, инсон ва табиат, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги жамики билимлари асрлар оша адабиёт билан чамбарчас боғлиқ равишда шаклланиб, ривожланиб келган ва бу жараён Ҳиндистонда ўзига хос жараёндир.

Прабхудаял Миттал бҳакти ҳаракатининг Ҳиндистон тарихида тутган ўрни ҳақида гапириб шундай деган эди: “Бҳакти – ҳинд диний мафкуралари оламида веда ва буддавийликдан кейинги учинчи инқилобий мафкурадир”<sup>1</sup>.

Маълумки, ҳинд мутахассислари<sup>2</sup> ҳинд жамияти ижтимоий онги шаклланишида диний қарашларнинг аҳамиятини назарга олган ҳолди

<sup>1</sup> Миталь П. Аштгачхап паричай. Матхура, Агравал пресс, 1949 Б.1.

<sup>2</sup> Ачарья Рамчандра Шукла. Хинди сахитья ка итихас. Дехди. 1986. Вишванатх Трипатхи. Хинди сахитья ка сарал итихас. Дехли, 2010 йй бошқалар.

жамият ошғида инқилобий ўзгаришларни амалга оширган тўрт турдаги мафқурани алоҳида ажратадилар, улар *ведалар*, *ҳиндуизм*, *буддавийлик* ва *бхакти* мафқуралари. Бу мафқуралар ўз-ўзидан адабий жараёнлар мафқурасини ҳам белгилаб беради ва биз, ҳинд адабиётининг XVIII асргача бўлган ривожланиш тарихида тўрт йирик адабий жараённи, яъни даврини – ведалар(ведик давр), эпик давр (ҳиндуизм даври), буддавийлик ва бхакти даврларини ажратишимиз мумкин.

Бу мафқураларнинг бир-бири билан алмашилиш даврлари эса адабиёт ривожининг қисман сусайган даври сифатида баҳоланади. Жумладан, манбаъларда мелоддан аввалги ведик (ведалар) даврдан эпик даврга ўтиш даврига оид алоҳида, ўзига хос аҳамият касб этадиган бирон бир мафқура ёки адабиёт ҳақида сўз юритилмайди. Худди шундай, эпик даврдан буддавий давргача яратилган аҳамиятли адабий мерос кўзга ташланмайди. Ҳиндистон шимолида ўтиш даврига мелоднинг X-XIV асрларини ҳам киритиш мумкин. Ўтиш даври дейилишининг сабаб X аср санскрит тилининг адабий жараёнларда истиқомдан чиқиши ва унинг ўрнига пракрит, яъни табиий (халқ) тилларидаги адабиётнинг шакллана бошланиш даври ҳисобланади. Бу даврдан элдигина шаклланган халқ тилларида эса бадий баркамол шеърлар ҳам яратилиб улгурилмаган чунки, айнан шу давр ҳиндуизмнинг жамиятда мавқеи пасайиб, танқидга учраган, лекин унинг ўрнини боса оладиган бошқа мафқура ҳам ҳали шаклланиб улгурилмаган давр бўлган, шу боис адабиёт тарихида бу давр аҳамиятли бир давр сифатида эътироф этилмайди. Шу тарзда, катта мафқуравий ўзгаришлар ва уларнинг адабий жараёнларда акс этиши жиҳатдан биз бхактигача, фақат икки даврни: эпик ва буддавийлик даврларини тилга олишимиз мумкин.

Эт қадимий давр адабий манбаларидан ҳисобланган *ведалар* Ҳиндистон халқларининг олам, борлик, инсон ва, умуман, табиат ҳодисалари ҳақида маъбудлар тизими<sup>3</sup> орқали ўрганиладиган дастлабки билимлар мажмуасидир. Ҳиндистоннинг қадимий ёдгорликларидан бўлган, мелоддан аввалги 4 минг йилликларда шаклланган ведалар, аввалига, диний китоблар сифатида эпик давргача бўлган адабиёт сифатида тан олинмаган, лекин улардан бошқа ҳеч

<sup>3</sup> Ҳинд тадқиқотчилари ведалар даврига оид табиат ҳодисалари билан боғлиқ жами 11 000 000та маъбуд мавжулгини таъкидлайдилар. (қаранг: Р.К. Нараян, Боги, демоны и другие. М.,1975. Б. 23



брахманларга билим бера оладиган даражага етадилар, оддий, саводсиз халқ учун эса, хаттоки, ибодатхона эшиклари ҳам ёпилади. Бу ходисалар ҳинд жамиятида ҳиндуизм мавқеининг пасайишига ва халқ орасида норозилик ва тушкунлик кайфиятларининг кучайишига олиб келди, натижада жамиятда брахманларга қарши натх, сиддх, бхагавад, жайн каби турли хил халқ секталари шакллана бошлади. Буни биринчилар қаторида сеза бошлаган шу давр файласуфлари ҳиндуизмни тезлик билан ислоҳ қилиш лозимлигини тушуниб етадилар ва бу йўлда қадимий китобларда ёзилган ва қадимда ҳинд жамиятида бўлган кўплаб бхактларнинг<sup>10</sup> ғоялари, яшаш тарзи, уларнинг ўғитлари ва динга бўлган муносабатларини ўрганиш асосида шу давр учун зарур бўлган икки ғоя, яъни “*Яратган олдида барча тенгдир*” ва “*Яратганга меҳрли ва садоқатли бўлиш*” ғоялари асосида ҳиндулар динини ислоҳ қилишга киришиб, бхакти диний-ислоҳотчилик ҳаракатига асос соладилар. Асрлар давомида кастачилик тизимидан эзилиб келаётган ҳинд халқи учун эса бундай ғоялар тарихий заруратга айланган эди.

Бундан ташқари, ўрта асрларда Ҳиндистон ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳам мураккаб шароитни бошидан кечирар эди. XIII-XV асрларда Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудлари кичик-кичик давлатларга бўлиниб кетган бўлиб, бунинг натижасида мамлакатда бирлик йўқолган, марказлашган ҳолда ривожланиш бирмунча тўхтаган эди<sup>11</sup>. Деҳли салтанати ҳам инқирозга юз тутиб, тахт учун ўзаро курашлар бошланиб, оддий халқ диний хилма-хиллик азобларидан ташқари маҳаллий феодаллар зулмидан ҳам қаттиқ эзилар эди. Тахт учун кураш жангларида ҳарбийлар нафақат жанг олиб борганлар, балки деҳқонларнинг далаларини пайҳон қилиб, уларни бор-йўғидан ҳам

---

<sup>10</sup> Жумладан, “Рамаяна” эпосида маъбуд Рам ёки эпосдаги бошқа донишманд авлиёлар ўз ўғитларини тушунтиришда ўзларидан аввал яшаб ўтган, ўзининг юксак эътиқоди ва маънавияти билан ном қолдирган буюк зотларнинг ҳаёт тарзи ва амолларини доимо мисол қилиб келтирганликларининг гувоҳи бўламиз. Худди шундай зотлар, яъни бхактлар номини “Маҳабхарата” эпосида ҳам, қадимий манбаълар бўлган Пуранлар, Веданта ва бошқа турли манбаъларда учратиш мумкин.

<sup>11</sup> Қаранг: Вишванатх Трипатхи. Ҳинди сахитья ка сарал итихас. Деҳли. 2010. Б.1 Нандадуларе Важпей. Ҳинди сахитья ка санкшипта итихас. Деҳли 2010. Б.9.

маҳрум қилганлар. Шоҳликларда рожалар ҳам кетма-кет ўзгаравериб аниқ бир сиёсатни амалга ошириш учун ҳеч қандай имконият қолмаган эди. Халқ қашшоқлашиб, норозиликлар кун сайин ортиб борар эди. Деҳли салтанатининг охириги хукмдори Искандар шоҳ (1489-1517) эса ҳиндуларни ислом динига зўрлаб ўтказиш сиёсатини тўхтатмас ва халқнинг мусулмон бўлмаган қисмидан «жуъзия»<sup>12</sup> олишни давом эттирар эди. Манбаларда айтилишича, Искандар шоҳ сунний бўлиб, ҳиндуларнинг кўплаб ибодатхоналарини вайрон қилдирган, уларнинг ўрнига карвонсаройлар ва мадрасалар курдирган, ҳиндулар учун диний маросимлар ўтказиш ва муқаддас жойларни зиёрат қилишни ман этиб қўйган. 1526 йилда Бобур томонидан йирик бир давлатнинг ташкил этилиши Ҳиндистон шимолининг кўп йиллардан кейин ягона бир марказлашган давлат сифатида бирлашишига олиб келди ва бу давлат “Мўғуллар империяси” (ҳозирда “Бобурийлар салтанати”) номи билан тарихда колгани бизга маълум.

Шундай нотинч шароитларда ҳинд жамиятида ижтимоий онг ҳам ўзининг янги поғонасига кўтарилди, халқ эса ўз ҳақ-ҳуқуқ ва имкониятларини ажрата оладиган даражага етди ва буларнинг барчаси халқни ҳиндулар динига қарши шаклланган ва ўз даври учун тараққийпарвар бўлган бхакти ғояларини қўллаб қувватлашида намоён бўлди.

Бхактининг тенглик ва меҳр-садоқат тушунчалари билан боғлиқ икки муҳим ғояси халқнинг, айниқса, паст табақа вакилларининг эътиборини ўзига жалб этди, уларда ишонч ва эътиқод туйғуларини қайта тиклади ва халқ орасида бхакти ғоялари тарафдорлари сонининг кўпайишига олиб келди. Ўзининг жанублик бхакт Шанкардев ва шимоллик бхакт Сурдаслар ижодини қиёсий ўрганишга бағишланган тадқиқотининг бхакти ҳаракатининг шаклланиш жараёнлари масаласида С.Д. Бансал ҳам “*Ўрта асрларда бхактининг динлардан ҳам аҳамияти кучайиб кетиши жамиятда брахманлар мавқеининг пасайиб кетиши билан изоҳланади*”<sup>13</sup>, - деган фикрни билдириб ўтган.

Бхактига асос солган ҳам, уни халқ орасида тарғиб қилган ҳам ўрта аср файласуфларидир. Агар жанубий бхакти таълимотини оммалаштириш ишлари билан шуғулланган файласуфлар

---

<sup>12</sup> киши бошига олинадиган бож

<sup>13</sup> С.Д. Бансал. Ассам ке бхакт кави Шанкардев экам Сурдас ке кавья ка тулнатмак адхйайан. Мератх. 1985. Б.4

*Шанкарачарья* (VIII аср), *Раманужья* (XI аср) ва *Раманандлар* (XIII аср) бўлса, шимолда бхактини тарғиб қилган энг фаол файласуфлардан *Мадхавачарья* ва *Нимбаркачарья* ((XIV аср), *Валлабхачарья* (XV аср), *Чайтанья* (XVI аср), *Хит Хариванш* (XVI аср), *Шанкардев* (XVI аср) кабилар номини тилга олиш мумкин. Файласуфларнинг бхактини тарғиб қилишдан мақсадлари умидсизликка тушиб қолган ҳинд халқини ҳаётга қайтариш, уларнинг онгида сўнган ишонч ва эътиқодни яна қайта тиклаш, келажакка, эртанги кунга ишониб яшаш туйғуларини мустаҳкамлаш эди. Ҳақиқатан ҳам бхакти тарғиботчилари нафақат бунга эришиш йўлини кўрсатдилар, балки бунинг учун лозим бўлган ҳаёт тарзида, авваламбор, ўзлари яшаб, унинг тўғри эканлигини амалда кўрсатиб, исботлаб бердилар. Бу йўлнинг тўғри эканлигига ўзи шахсан гувоҳ бўлган<sup>14</sup> халқ вакиллари тўла ишонч билан бхакти йўлини танлай бошлайдилар ва тез орада бхакти халқ орасида кенг ёйилиб, ўз даврининг етакчи мафкурасига айланди.

Одатда ҳар бир дин ёки мазҳаб халқ орасига кириб келганида халқпарвар ва демократик тамойилларга асосланган назария, қоида ва қонунлар билан кириб келади, лекин вақт ўтиши билан бу назариялар айрим билимсиз тарғиботчилар қўлига тушганидан сўнг ўзининг асл моҳиятидан узоқлаша боради, бу эса диннинг халқдан ва, ўз навбатида, халқнинг диндан узоқлашишига олиб келади. Мутассавиф олим Н. Комилов ҳам тасаввуфнинг шаклланишига асос бўлган сабабларни кўрсатиб қуйидаги фикрларни билдирган эди: *“Умавия халифалиги даврига келиб сарой хашамлари, дабдабали безаклар, олтин-қумушга берилиш, хазина тўплаш авж олди. Яъни, диний машғулотлар, Худо йўлидаги тоат-ибодат ўрнини дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат эгаллай бошлади. Бу ҳол диний амрларни адо этишни ҳар қандай дунёвий ишлар, бойликлардан устун қўйган эътиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар орасида ҳадис тўпловчи муҳаддислар, илгаридан қашшоқ бўлиб, уй-жой, мол-мулкка эътибор қилмаган саҳобалар ҳам бор эди. Буларнинг бир қисми динни ҳимоя қилиб, очиқ курашга отланган бўлсалар, иккинчи қисми қаноат ва зуҳдни асосий мақсад қилиб олиб, сарой аҳли ва сарватдорлар, бойлар ахлоқида қарши норозилик белгиси сифатида таркидунёчилик гоясини тарғиб этиб, ижтимоий фаолиятдан бутунлай четлашганлар, сурункали*

---

<sup>14</sup> қаранг: У.Муhibaва, “Индийская агиографическая литература”. Т., 2008

тоат-ибодат билан шуғулланганлар.”<sup>15</sup>. Халқдан, амалиётдан узоклашган ҳар қандай мафкура вақт ўтиши билан бошқа, давр талабига ва халқ манфаатларига мос янги мафкурага ўз ўрнини бўшатиб бериши табиий ва тарихий ҳодисадир. Ҳиндуизм ислоҳоти йўлида шаклланган бхакти бу дин доирасидан чиқиб, шу даврдаги бошқа динларга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди

Ислоҳот йўлида бхакти тарғибotchилари диннинг туб моҳияти нимадан иборат, дин ким учун ва нима учун яратилган, унинг асосий вазифалари нимадан иборат деган саволларни дин пешволари ва халққа тушунтиришга шу билан бир қаторда Яратганга етишиш йўлида инсон учун дин ёки дин пешволарининг зарурати йўқлиги, ҳар бир инсон ўзининг оддий меҳри ва садоқати билан, ҳеч қандай ибодатхона ёки руҳонийлар ёрдамисиз Яратганнинг меҳр-мурувватига эришиши мумкинлигини ва бу йўлда ҳар бир инсонда фақат кучли эътиқод ва шу эътиқодга садоқат бўлиши кифоя эканлигини халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилдилар. Бу ҳаракатлар секин-аста бутун Ҳиндистон бўйлаб ёйилди ва бхакти ҳаракати оммавий ҳаракатга айланиб кетди. Бу ислоҳотлар орқали файласўфлар ҳинд жамиятида Рам ва Кришна маъбудларига бўлган аввалги чуқур ишонч ва эътиқодни яна қайта тиклаш вазифасини энг муҳим вазифа сифатида қўйганлар ва бу йўлда “Рамаяна” ва “Маҳабхарата” эпосларидан жуда ҳам унумли фойдаланганлар. Бхакти адабиёти шаклланишида алоҳида аҳамият касб этувчи бу масала кейинги бобларда батафсил ўрганилади.

Кўп асрлар давомида ҳинд жамиятига хизмат қилиб келган ҳиндуизмга бўлган танқидий муносабатлар, аслида, ўрта асрларда эмас, мелоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида шакллана бошлаган эди ва бу қаршилик ҳам, ааввалом бор, ҳиндуларнинг кастачилик тизимига қаратилган, чунки, айнан кастачилик тизими туфайли ҳинд жамиятда тенгсизлик кучайиб, бундан, асосан, паст табақа вакиллари азият чеккан эди. Бунинг оқибатида, халқ орасида ҳиндуизмдаги бир кастадан иккинчи кастага ўтиш мумкин эмас, ҳар бир инсон қайси кастада туғилган бўлса, шу каста вакили сифатида умрининг охирига қадар яшаши лозим, яъни, у паст табақада туғилдими, бу унинг азалий тақдири, уни ўзгартириш мумкин эмас кабилидаги қотиб қолган ғояларга бўлган қаршиликлар кучайиб,

---

<sup>15</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент, 2010. Б. 9

Комбоджа ва бошқалар) халқларининг ҳам эътиборини жалб этиб, улар орасидан миллионлаб тарафдорларини топа олган дин. Бхакти таълимоти билан буддавийлик ўзининг тенглик ғояси билан Ҳамоҳангдир, дейиш мумкин.

*Жейн дхарам* - *жайнлар дини* ҳам Ҳиндуизмга қарши буддавийлик билан бир даврда шаклланган диний таълимот бўлиб, ўрта аср Ҳинд жамияти мафкуравий оламининг етакчи динларидан бири бўлган. Жайнлар таълимоти мелоддан аввалги VI асрларда устоз *Махавир* томонидан шакллантирилган. Жайнлар дини ҳам бу дунё эҳтиросларини енгиш ва нажот йўлини топишнинг ўзига хос назарий йўллари тавсия этади ва бу таълимотлар орасида жайнларнинг “*тенглик*” ғояси буддавийларнинг тенглик ғоясидан ҳам илгарилаб кетиб, улар нафақат инсонлар, балки оламда мавжуд жамики жонзотлар Яратган олдида тенгдир, деган ғояни илгари сурадилар ва бу ғоя жайнларнинг “*ахимса*”<sup>18</sup> (ёки “*ахинса*”), яъни жонзотларга озор етказмаслик таълимотида ўз аксини топган. Жайнлар динининг доираси буддавийликка нисбатан анчагина тор бўлишига қарамасдан, Ҳинд жамиятига ўз даври учун долзарб бўлган кўпгина янги таълимотлар билан кириб келган.

Жайнизмнинг асосий фалсафий таълимоти “*доимий равишда ўзаро таъсирда бўлган икки - жива* (жон ёки рух) ва *ажива* (жонсиз, яъни материя ёки моддий олам) *категорияларининг объектив мавжудлиги*” ғоясига асосланади.<sup>19</sup> Унга кўра, 1) ҳар бир инсоннинг руҳи азалдан уни моддий дунё билан боғлайдиган “*карма*” (инсоннинг моддий оламдаги амоллари) тушунчаси билан боғлиқ; 2) ҳар бир инсон моддий олам билан боғлиқликдан озод бўлиб, руҳий қомилликка эришиши учун интилиши лозим, ўшандагина у тўрт олий хусусиятга (ёки сифатга) эга бўла олади: *чексиз эътиқод, чексиз билим, чексиз куч-қудрат ва чексиз бахт*. 3) инсон танасини руҳ бошқариши лозим, чунки рух танага боғлиқликдан озод бўлганидан кейингина “*мокша*”га<sup>20</sup>, яъни озодликка

<sup>18</sup> Гусева Н.Р. Джайнизм. М., 1968. Б.67

<sup>19</sup> Ўша китоб, Б.66

<sup>20</sup> Мокша - рух озодлиги ҳақида кўпгина китобларда ёзилган, жумладан, «Махабхарата» эпосининг «Мокшалхарма» номли ўн иккинчи китобида ёзилган. “Махабхарата” таркибидаги “Бхагавадгита”нинг олтинчи китоби ҳам шу муаммога бағишланган. VII асрда яшаган санскрит тилида ижод қилган шоир Бхаратрихарининг «Вақьяпадия» - «Сўз ҳақида илм» асарининг 12 боби

эриша олади. 4) Инсон комилликка фақат ўз интилишлари билан эришиши мумкин, бу йўлда унга ҳеч ким ёрдам бера олмайди. Айнан, шу таълимот жайизмни буддизм ва бхакти билан яқинлаштиради. Мокшага эришиш учун ҳар бир жайн куйидаги етти “таттв”ни, яъни етти ҳақиқатни англаб етиши лозим, улар: 1) *жива* (руҳ); 2) *ажива* (материя); 3) *материянинг руҳга жойлашиши*; 4) *руҳнинг материя билан боғланиши*; 5) *руҳнинг бу боғлиқликни енгиб ўтиши*; 6) *руҳнинг материя таъсиридан озод бўлиши*; 7) *мокшага (озодликка) эришиш*. Бундан ташқари, жайнларнинг қонунлар мажмуаси бўлган «Сиддхатта» ва «Кальпасутра» номли китобларида астрономия, география, космогония, хронология, ҳайкалтарошлик, мусиқа ва рақс санъати<sup>21</sup> билан боғлиқ назарий ва амалий характердаги маълумотлар тўплаган. Жайнлар дини ҳиндуизмнинг бошқа турли қарашларига ҳам қарши чиқади, жумладан, «Сиддхатта» китобида брахманлар танқид остига олинади, «ведалар»нинг муқаддаслиги инкор этилади, ҳамда ҳиндуизмдаги тенгсизликка қарши чиққан ҳолда аёллар учун брахманлар томонидан тақиқланган роҳиб бўлиш ва илоҳий китобларни ўқиш ҳуқуқи берилади. Бхакти таълимоти эса жайнлар таълимоти билан *тенглик* ғояси билан бир-бирига яқин таълимотлардир.

Ўрта асрлар ҳинд жамиятида ўзига хос аҳамият касб этган секталардан бири бу *сиддх сампрадай* – сиддхлар сектасидир. Бу халқ орасида доимий равишда фаолият олиб боровчи кичик секталардан бўлиб, уларнинг аниқ бир асосчиси бўлмагани боис уларни “*жан сампрадай*”, яъни “халқ секталари” номи билан юритганлар ва улар жамиятдаги мафкуравий бўшлиқларни тўлдириб турувчи секталар сифатида баҳоланади. Бу секталарга, асосан, халқ вакиллари раҳбарлик қилган ва улар ўз билимлари доирасида секта ғояларини тарғиб қилган. Ҳинд жамиятида бу секталарнинг аҳамияти шундан иборатки, улар динларнинг жамиятда мавқеи пасайиб бораётган бир даврда одамлар учун илм ва ибодат маскани ҳамда эътиқодни сақлаб қолиш воситаси сифатида хизмат қилган ва кўпинча жамиятда мафкуравий ўзгаришлар,

---

бутунлай “мокша” масаласига бағишланган. Китобда «артха» - бойлик, «кама» - севги, «дхарма» - дунё ҳақидаги билимлар ҳам берилган.

<sup>21</sup> Ҳинд жамияти диний қарашларида рақс халқ санъатининг алоҳида бир воситаси сифатида тушунилади ва бу йўлнинг ўзидан мақодалари, усуллари мавжуд бўлиб, улар ҳақида диний китоблар маълумотлар берилган.



Ўтишлар даврида уларнинг фаолияти кучайган. Халқ вакиллари бошқарадиган бу диний ташкилот (секта)ларда ҳам тенглик ғояси алоҳида аҳамият касб этган. Сиддх сектасининг *халқ билан яқинлиги* ва уларда *тенглик ғояларига қатъий амал қилиниши* уларни бхакти ҳаракати билан маънавий жиҳатдан яқинлаштиради.

XII-XIII асрларда ўзининг йога илми билан омма орасида кенг тарқалган секта бу *натх сампрадай - натхлар* сектаси бўлиб, унга шу давр файласуфларидан бири Горакхнатх асос солган. Ўрта асрлар диний фалсафий қарашлар тизимида натх сектаси алоҳида ўрин тутди. Натх сектаси фаолияти билан яқиндан танишган Маниша Шарма секта доирасида эришилган ютуқларга ишора қилиб, "*Натх сектасига ҳинд оламининг бир дунё сир-асрорлари яширинган*"<sup>22</sup>, - деб ёзган. Натх сектасининг ҳинд жамитига олиб кирган асосий таълимоти бу йога таълимоти бўлиб, у инсонда руҳ ва тана поклигининг мутаносиблигини таъминлаган ҳолда танани руҳга бўйсундириш ва шу орқали руҳий озодликка эришиш ҳақидаги таълимотдир. Натх сектаси бхакти ҳаракатидан деярли икки аср илгари омма орасига кириб келган. Бу давр динларнинг мавқеи анча сусайган, шу билан бирга интилиш ва ишониш мумкин бўлган янги ғоялар ва қарашлар хали шаклланмаган бир давр бўлган, шу боис натх сектасининг руҳий озодликка эришиш ҳақидаги янги йога таълимоти кўпчилик томондан ижобий қабул қилинган. Ижобий қабул қилиниш сабабларидан яна бири йога билан ҳар бир инсон, у қайси каста ёки секта вакили бўлишидан қатъий назар, шуғулланиши ва ўзи интилган руҳий озодликка эришиши мумкинлиги бўлган. Шимолий Ҳиндистондаги бхакти адабиётини ўрганган Парашурам Чатурведи ўз вақтида натх сектаси тарғиб қилган йога билими жуда қадимий таълимотлардан бўлиб, у веда даврида ҳам мавжуд бўлганлиги ҳақидаги фикрини билдирган. Рамдхари Синх Динкарнинг айтишича, Мохенжодаро ва Ҳараппа қазилмалари орасидан йога аъёналарига оид манбалар ҳам топилган. Агар унинг ведалар даврида шаклланганлиги инобатга олинса, йога таълимоти ҳинд жамиятида тенглик назариясига асос солган биринчи таълимотдир, дейиш мумкин. Сектада илгари сурилган *тенглик* тамойили йога мактабларига ҳар бир истаган шахснинг кира олиш ҳуқуқини берган ва натижада секта жуда тез оммалашиб кетган. Секта

<sup>22</sup> Маниша Шарма. Горакхвани парампара аор кавьятва. Дилли. 1998. Б.13

фаолияти кенгайиб борган сари унга ҳинду ҳам, фақир мусулмон ҳам ва, ҳатто, паст табақа вакилларида кори<sup>23</sup>, жулахалар<sup>24</sup> ҳам аъзо бўла бошлаган ва сектанинг ўша даврда ўн икки асосий бўлими бўлган.

Натх сектаси ҳам ҳиндуизмнинг айрим назарияларига қарши чиққан ва ўзининг янги назарияларини таклиф этган. Жумладан, улар ҳиндуизмдаги қайта тугилиш таълимотини инкор этган ва жамиятга “устоз ва шогирд” муносабатлари ҳақидаги янги таълимотни олиб кирган. Ҳинд жамиятида устоз-шогирд тизимининг кенг миқёсда қўлланилишини таъминлашда, ҳақиқатан ҳам, натх сектаси вакилларидаги хизмати катта бўлганлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир, чунки сектада бу таълимотнинг назарий асослари пухта ишлаб чиқилган ва аъзолар томонидан унга қатъий риоя қилинган. Натх сектасининг барчанинг ўзаро тенглиги ҳақидаги таълимоти, ўз навбатида, бхактининг “Яратган олдидан барча тенгдир” ва “руҳий такомиллашув йўлида инсонга ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди” деган ғоялари билан ҳамоҳанглик касб этади.

Демак, натх сектаси бхакти ҳаракатидан аввал шаклланган ҳинд жамиятидаги илғор ғоялар асосчиси бўлиб, халқ томондан ижобий қабул қилинган. Сектанинг халқпарварлик, тенглик, устоз ва шогирд, Ҳаққа бўлган соф интилиш каби асосий ғояларини кейинчалик бхакти тарғибчилари ўз таълимотида кенг қўллаган.

Шимолий Ҳиндистонда ўрта асрлардаги хилма хил диний фалсафий қарашлар тизимида XVI аср бошларида яна бир катта янгилик содир бўлади. Бу янгилик Гуру Нанак (устоз Нанак) томонидан асос солинган, кейинчалик *сикх дхарам* - *сикхлар дини* номи билан юритилган жиддий бир таълимотнинг бунёдга келишидир. Бу даврда яна бир янги диний таълимотга асос солинишининг сабаби Ҳиндистонга мусулмонларнинг кириб келиши туфайли ҳиндулар динига етказилган талофотлар кўрсатилади ва ҳиндуизмни мусулмонлардан ҳимоялаш мақсадида шу динга асос солинган<sup>25</sup>, дейилади. Бу даврда Ҳиндистонда бобурий шоҳлардан Аурангзебнинг ҳукмронлик даври бўлиб, у исломнинг ашаддий тарафдори бўлган ва ҳиндуларга жуда кўп талофот етказган, натижада ҳиндуизм ҳимояга муҳтож бўлиб қолган. Гуру Нанак маҳаллий ҳиндулар эътиқоди

<sup>23</sup> ҳиндулар тикувчиси

<sup>24</sup> мусулмонлар тикувчиси

<sup>25</sup> Семёнова Н.И. История сикхского движения в Индии. М.:1963.



сикувга олинганида уларни мусулмонлардан ҳимоя қилиш, жамиятда ҳиндуизмнинг мавқеини кўтариш мақсадида ҳиндулар динининг айрим таълимотларини қайта ишлаб чиқади ва унга давр талабига мос назарияларни киритиб, янги бир таълимотни яратади, мана шу таълимот кейинчалик сикхлар дини номи билан юритилди. Нанакдан кейин бу таълимотлар унинг 9 та шогирдлари томонидан давом эттирилиб, тўлдирилиб борилди, шунга кўра сикхлар динида жами 10 та устоз таълимоти расман тан олинади ва уларнинг ҳар бирининг ўғитига риоя қилиш барча сикхларнинг бурчи, деб тушунилади. Устоз Нанак ва ундан кейинги барча устозларнинг ўғитлари уларнинг шогирдлари томонидан “*Гуругрантх*” (“Устоз ўғитлари”) номли тўпламга жамланган ва бу китоб сикхларнинг муқаддас китоби саналади. Бугунги кунда сикхлар дини Ҳиндистоннинг Панжоб штатида яшовчи панжоб халқи эътиқод қиладиган дин бўлиб қолган.

Сикхлар динининг бҳакти ҳаракати авж олган бир даврда шаклланганлиги бҳакти ҳаракатининг бунга қулай шароит яратиб, файласуфлар томонидан унинг қўллаб қувватланганлигини кўрсатиш билан бир қаторда бҳактидаги бағрикенглик ва тенглик гоёларининг амалий тасдиғи сифатида хизмат қилади. Сикхларда Устозга бўлган садоқат бҳактлардаги Яратганга бўлган садоқатдек мустаҳкам бўлиши лозим, деган тушунчанинг шаклланиши эса сикхларнинг бҳакти ҳаракатига ҳайрихоҳлиги ва ундан таъсирланганликларини ҳамда бу икки таълимот ички моҳият жиҳатдан бир-бирига яқинлигини ҳам кўрсатади.

Илк ўрта асрларда ҳинд жамиятига ташқаридан яна икки дин - *насронийлик* ва *ислом* динлари кириб келган ва ҳар бири секин-аста ҳинд жамиятида ўз тарафдорларига эга бўла борган.

Ҳиндистонга ислом дини илк бор VII асрларда Араб халифалигининг Ҳиндистонга қилган юришлари орқасида кириб келган, лекин бу ерларда қисқа вақт бўлган араб халифалиги ислом дини тарафдорларини кўпайтира олмаган. Мусулмонларнинг Ҳиндистонга иккинчи юриши XII асрда Эронликлар томонидан амалга оширилган ва бу жараёнда Ҳиндистонда мусулмонларнинг сони анчагина кўпайган. Мусулмонларнинг Ҳиндистонга учинчи юриши XVI аср бошида Ўрта Осиёлик саркарда Бобур томонидан амалга оширилганлиги ва бу юришнинг Ҳиндистонда мусулмонларнинг улкан бир салтанатининг барпо этилиши билан якунланганлиги бизга маълум. Бобур

салтанатида ислом динининг етакчи дин ва форс тилининг давлат тили сифатида эълон қилиниши Ҳиндистонда мусулмонларнинг узил кесил галабасини таъминлади ва шу билан бир қаторда ҳиндуларни мусулмонлар динига киритиш ишлари ҳам жадал тус ола бошлади.

Мусулмонлар билан биргаликда Ҳиндистонга Ўрта Осиё ва Хуросондан турли соҳа вакилларининг олиму уламолари, шоир ва адиблар ҳамда суфийлар кириб келган. Натижада, Ҳиндистон шимолида ҳинд *тасаввуф* таълимоти (суфизми) шаклланган ва бу таълимот ҳам ўрта асрлар диний-фалсафий қарашлар тизимида ўзига хос катта ўринни эгаллайди. Тасаввуф ҳам, бхакти ҳам дин мутаассиблигига қарши кураш жараёнида шаклланган диний ҳаракатлар бўлгани ва ҳар икковининг ҳам “*Яратганга чексиз меҳрли ва садоқатли бўлиш*” шиори остида шаклланганлиги уларнинг ҳамоҳангликда ва ҳамжиҳатликда ривожланишига яхши асос бўлган. Бхакти ва тасаввуф бир мазмуннинг икки хил намоён бўлишидир. Шу боис, уларни қиёсий ўрганиш бхакти моҳиятини чуқурроқ англашда алоҳида аҳамият касб этишини инobatга олган ҳолда бу мавзу кейинги бўлимларда батафсилроқ ўрганилади.

Ўрта асрлар қадимий диний китобларга шарҳлар ёзиш анъанасининг кучайган бир даври сифатида ҳам баҳоланади. Бу шарҳлар орасида қадимги ҳинд фалсафий мактаблари - *Чарвака, Локаята, Санкхья, Вайшешика, Нйай, Миманса, Йога*<sup>26</sup> каби мактаблар таълимотига ҳам шарҳлар, яъни сутралар ёзилган. Бу сутралар ўрта аср диний-фалсафий қарашлар тизимининг ўзига хос бир йўналиши ва хусусиятларидан бири бўлиб, адабиётда бу давр “*Типпани кал*”, яъни “шарҳлаш даври” деб номланади ва бу шарҳлар ўрта аср насрини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу тариқа, XIV-XV асрларда Ҳиндистоннинг шимолида юз берган турли ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий ҳодисалар ҳинд жамиятида ҳинду, сикх, жайн, буддавий, мусулмон ва насронийлардан ташкил топган мураккаб бир жамиятни шакллантирди ва уларнинг ҳар бирининг турли секта ва мактабларининг Ҳиндистоннинг шимолий ва марказий худудларида фаолият олиб бориши турлича диний-фалсафий

---

<sup>26</sup>Эрамиздан ав.ги II асрларда шаклланган турли мактабларнинг фалсафий қарашлари, жумладан, тўрт унсур назарияси (Чарвака-Локаята), ведалар илмини тан олиш (Санкхья, Миманса), атомистик таълимот (Вайшешика, Нйай), индивидуал рухнинг мутлоқ рух билан қўшилиш назарияси (Йога).

қарашларининг катта бир мажмуини яратди. Бу хилма хил мафкураларнинг бир даврда ва бир ҳудудда фаолият олиб борганини тадқиқ қилган Маниша Шарма ҳам, “*Ўрта аср Ҳиндистони турли анъаналарнинг ўзаро чатишув даври бўлган*”<sup>27</sup>, - деб бежиз айтмаган. Табиийки, диний эътиқоднинг хилма-хиллиги халқ ўртасида аввалига диний, кейинчалик эса сиёсий тўқнашувларга сабаб бўлиши мумкин. Бу эса бхакти ғоялари шу давр учун жуда долзарб ғоя эканлигини яна бир бор исботлади.

Диннинг аҳамияти кучли бўлган жамиятда туб ўзгаришлар фақат диний ғоялар асосида амалга оширилиши ва бунда, айнан, халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи ғояларга асосланган мафкура орқали халқ онгида тинч йўл билан, лекин инқилобий ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини яхши тушуниб етган файласуфлар ҳинд жамиятида қадимдан мавжуд бўлган бхакти ғояларига мурожаат этадилар.

Бхактида борлиқ, инсон ва Яратувчи ҳақидаги назариялар ҳиндуизм таълимотига асосланади, лекин бхактидаги ҳиндуизмнинг танқиди, асосан, диний қонун-қоидаларга кўр-кўрона ишонишга олиб борувчи назарияларга тузатиш, изоҳ киритиш билан боғлиқдир. Жумладан, қадимий диний-фалсафий шарҳлар китоби бўлган «*Упанишадлар*»да “*пунаржанама*”<sup>28</sup> (қайта туғилиш) ҳақидаги назария мавжуд. Унга кўра инсон ўз қилмишларига кўра жазо ёки мукофот олади, яъни қилмишлари ёмон бўлса, у жонзот сифатида қайта қайта тугилаверади, қилмишлари эзгулик, яхшилик ва руҳни поклашдан иборат бўлса, Олий Ҳаққа кўшилиб, қайта туғилиш занжиридан озод бўлади. Ҳиндуизм дини ҳам инсониятга мана шу қайта туғилишлар занжиридан озод бўлишнинг тўрт йўли мавжудлигини тушунтиради, улар: *карма*, *дхарма*, *гьяна*, *йога* ва *бхакти* йўллари бўлиб, бу йўлларнинг ҳар бири турли қоидаларга риоя қилиш асосида инсон руҳининг Олий Руҳ билан буткул бирлашиб кетишига олиб келади, дейилади. Бу йўлларнинг моҳияти эса қуйидагичадир:

**Карма** (амол) йўли. Бу йўл инсоннинг ҳар бир босган қадами, ҳаёт тарзи билан боғлиқ йўлдир. Унга кўра инсон бу дунёда қилган ишлари билан ўзининг келажаги ва бугунги кунини ҳам белгилайди. Ўз

<sup>27</sup> Маниша Шарма. Горакхвани парампара аор кавьятва. Дехли. 1998. Б. 39

<sup>28</sup> Ҳиндуизм таълимотига кўра инсон руҳининг бир танадан иккинчи танага кўчиб юриш назарияси

қилмишларига кўра инсон буткул озодликка эришиши мумкин. Ёки бўлмаса, турли жонзот қиёфасида (қайси жонзот қиёфасида туғилиши унинг бу дунёда қилган амолларига боғлиқ) жазо учун яна ер юзида туғилиши мумкин, дейилади. Қайта туғилиш эса инсоннинг гуноҳкорлик белгисидир. Шримадбхагавадда бу ҳақда шундай дейилади: *“Ўзликни англаш карма-йогадан бошланиб, бхакти-йога билан тугалланадиган узоқ ва машаққатли йўлдир. Карма йога, яъни фаолият меваларидан воз кечиш бу йўлнинг муқаддимаси ҳисобланади”<sup>29</sup>*. Бу назарияни эса, *агар одам бир қанча умрлар мобайнида эзгу фаолият билан шуғулланса, сохта иккиликдан келиб чиқувчи моддий губорлардан бутунлай фориғ бўлади ва Тангри учун хизмат йўлига киради”<sup>30</sup>*, деб талқин қиладилар *“Йога камолоти”* китобининг муаллифлари. Карманинг аҳамияти инсон камолотида шунчалик каттаки, агар бу дунёда эзгу ишлар билан шуғулланмаса бхакти йўлига кира олмайди ва руҳий озодликка ҳеч қачон эриша олмайди, демак, у қайта-қата жазо учун яна туғилаверади. Ҳинд халқи орасида ҳатто салбий маънодаги *“пунаржсанам ке чаккар ме рахо”*, яъни *“қайта туғилиш занжирида яшагин”* деган дуоибад ҳам мавжуддир. Ислом ва ҳиндуизм таълимотлари бир бирига қарама-қарши бўлган таълимотлар бўлишига қарамасдан, ислом тасаввуфи ва ҳиндуизмнинг бхактиси ўзаро ҳамоханг назарияларга асосланган. Шу боис бўлса керак, ислом оламидаги *“Етмиш икки мазҳаб”*нинг олтита йўналишидаги ўн икки фирқалардан бири ҳиндуизмдагидек қайта туғилиш назариясига ўхшаш қарашлар асосида шаклланганлиги ҳақида ёзилган, жумладан, бу ҳақда, Н.Комилов ўзининг *“Тасаввуф”* номли китобида шундай деб ёзади: *“Етмиш икки мазҳабни олти гуруҳга ажратадилар. Мазкур гуруҳларнинг ҳар бири яна ўн икки фирқага ажралади. Масалан, Рофизия оқими фирқалари: алавия (ҳазрат Али ҳам пайғамбар дегувчилар), адабия (Али пайғамбарликка шерик дегувчилар), шиа (кимки Алини барча сахобалардан афзал деб билмаса, кофирлар дегувчилар), зайдия (имомликка фақат Али авлоди муносиб дегувчилар), аббосия (Аббос ибн Абумуталибдан бошқа имомни тан олмайдианлар), имомия (зойибдан келувчи имом ер юзида доим бор дегувчилар), норисия (кимки ўзини бошқалардан афзал деб ҳисобласа*

<sup>29</sup> қаранг: Йўга камолоти. Т.: 1996 (ҳиндуизмнинг муқаддас китоби Шримадбхагавад асосида тайёрланган китоб). Б.52

<sup>30</sup> Ўша китоб, Б. 52

кофирдир дейдиганлар), мутаносихия (жон чиққандан кейин яна бошқа вужудга кириши мумкин деб ишонувчилар), муртазия (муслмон подшоҳи билан жанг қилиш раво дейдиганлар)".<sup>31</sup> Бу ерда мутаносихия фирқасининг етакчи ғояси ҳиндуизмдаги қайта туғилиш назариясига жуда яқин эканлиги аниқ кўзга ташланади.

**Дхарма** (конун, яъни дин) йўли. Бу Яратган томонидан инсоният учун динлар орқали етказиладиган турли конун қоидалар бўлиб, унга кўра турли каста вакиллари учун турли конун қоидалар мавжуд. Ҳиндуизмга кўра бир каста вакили бошқа каста вакили учун яратилган конунга риоя қилиб яшаши мумкин эмас. Шу боис бу йўлда турли туман тўсиқлар мавжуд бўлиб, айнан мана шу тўсиқлар туфайли ҳиндуизм ҳинд халқининг тараққиёт йўлига ғов бўлиб борди ва ахир оқибатда ўз обрў эътиборининг йўқолишига олиб келди. Дхармада руҳий озодликнинг йўли сифатида маъбудларга қурбонлик келтириш кўрсатилади. Маълумки, камбагал халқда қурбонлик келтириш имконияти йўқ, демак ўз-ўзидан англашиладики, камбагал халқ ҳеч қачон руҳий озодликка, яъни Яратаганга етиша олмайди. Бу эса Яратаган фақат юқори табақа вакиллариники, яъни қурбонлик келтира оладиганларники, халқнинг эса ҳеч кими йўқ, қурбонлик келтирмаганидан кейин ибодатхонага ҳам киришга ҳаққи йўқ, улар жамиятдаги юқори табақа вакилларига тобе бўлишга мажбур, деган фикрни келтириб чиқаради.

**Гьяна** (билим) йўли. Бу билим орқали руҳий озодликка етишиш йўли. Бунга кўра руҳий озодликка эришиш учун инсон муқаддас китоблардаги билимлар билан таниш бўлиши лозимдир. "*Карма йўга билан шуғулланиш натижасида билим орттириб, барча моддий нарсалардан воз кечган одам гьяна-йога, билим йогаси сатхига кўчтарилади*"<sup>32</sup>, дейилади Шримадбхагавад китобида. Халқнинг саводсиз эканлиги эса ўз ўзидан бу йўлнинг улар учун ёпиқлигини англатади.

**Йога** (тана ва руҳ поклиги) йўли. Бу йўлда инсон руҳий озодликка тана ва руҳни баробар пок тутиш йўли билан эришиши мумкин. Бунинг учун эса махсус машқлар мавжуд бўлиб, уларни фақат устоз ёрдамидагина амалга ошириш мумкин. Чунки, бу машқлар руҳ ва тана

<sup>31</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Т., 2009. Б.261-262

<sup>32</sup> <sup>32</sup> қаранг: Йўга камолоти. Т.: 1996 (ҳиндуизмнинг муқаддас китоби Шримадбхагавад асосида тайёрланган китоб). Б.53

поклигини таъминлаш учун бажариладиган машклар бўлиб, уларни тўғри, ўз қондасига риоя қилган ҳолда бажариш тана ва руҳ поклигини таъминлайди ва инсон ахир оқибат Олий Ҳаққа етишиши мумкин, дейилади.

**Бхакти** йўли. Бхакти йўли юқорида санаб ўтилган беш йўл орасида илгари ҳам мавжуд бўлган, лекин халқ орасида етакчи бир мафкуравий қурол сифатида бошқа йўлларга нисбатан кейинчалик, яъни кастачилик тизими ўзининг меъёр чегараларидан чиқиб, инсонни ҳақоратлаш даражасига етган даврда шаклланди, шу билан бир қаторда бхакти бошқа йўлларга нисбатан демократик ва одил йўл сифатида баҳоланади, чунки у ўзида ҳар бир диннинг асл моҳиятини ташкил этган тушунчаларни мужассамлаштирган ва уларга қатъий равишда риоя қилган. Динларнинг асл моҳияти эса инсон қалбида меҳр, садоқат ва тенглик тушунчаларини тарбиялашдан иборат. Бу ғоялар диннинг асосий талаби сифатида таърифланади, лекин амалда, айнан, мана шу ғоялар кўпинча унутилиб, асосий эътибор диний қонун-қоида ва расм-русумларга қаратилади. *“Дин гарчи Худога эътиқодни талаб қилса-да, охираат ҳақида сўзласа-да, аммо у дунёвий ходисадир, ...бирок динларнинг эътиқодий моҳияти илоҳийдир. ...дунёга эмас, Аллоҳга боғланиш Ҳаққа етишиш учун риёзатларни роҳат деб, улуг муҳаббат билан интилиш фақат тасаввуф таълимотига хос”*<sup>33</sup>, - деган фикрлар ортида дин ва тасаввуф ўртасида фарқ ҳам, яқинлик ҳам мавжудлиги аниқ кўзга ташланди.

Биз биламизки, барча динлар шу дин вакили амал қилиши лозим бўлган турли расм-русум ва талаблар<sup>34</sup> мажмуидан иборат. Бхакти эса барча динлардан фарқли равишда ўз тарафдорларига ягона талабни, яъни Яратганга ва у яратган ҳар бир нарса ва мавжудотга меҳрли ва садоқатли бўлиб, уларни тенг кўриш талабини қўяди. Бхакти тарғиботчилари ўз ислоҳотлари билан динларда амал қилинмай қўйилган шу ғояларни қайта тикладилар ва уларга амалий риоя қилиш

---

<sup>33</sup> Ўша китоб, Б. 269

<sup>34</sup> Насронийларда черковга бориш, авлиёларга сиғиниш, муқаддас китобларни ўқиш ва муқаддас жойларни зиёрат қилиш. Ислом динида масжидга бориш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш, ҳаж қилиш. Сикхизмда устоз Гуру Нанак ўғитларини мутолаа қилиш, зиёрат ва ибодат қилиш. Жайнизмда ҳам худди шундай устоз Махавир ўғитларини мутолаа қилиш ва уларга амал қилиш ва ҳ.к.лар.

Яратганга етишиш йўлида ҳал қилувчи аҳамият касб этишини халқ онгига сингдирдилар. Айниқса, кастачилик тизимига бўйсиндирилган ҳинд жамиятида бу нарса сезиларли даражада ўзини намоён этди. Бҳактида инсон қайси дин ёки каста вакили бўлишидан қатъий назар у ўзининг меҳри ва садоқатини борлиққа, инсоният, барча жонзотларга бериши лозим ва фақат шу йўл билангина инсон ўз эътиқоди йўлида бирон бир натижага эришиши мумкин, дейиш бҳакти ғоясининг асосидир. Динлардан фарқли ўларок, бҳактида ғояни тан олиш эмас, балки унга амалда, кундалик ҳаётда, ҳар бир босган қадамида риоя қилиш муҳимдир. Олий Ҳаққа етишиш учун йўлни эса ҳар бир инсон ўз истак-ҳоҳишига кўра танлаши мумкин, муҳими, инсонда ўзи танлаган йўлга нисбатан садоқат ва, албатта, ғояларнинг амалий тадбиқи бўлиши, яъни тил ва дил бирлиги бўлиши лозим. Шу ўринда бҳакти адабиётига оид насрий асарлардан бири бўлган “*Чаураси вейшнаван ки варта*” (“84 вишнунит ҳаёти”) асарида файласуф Валлабхачарья билан унга шогирд тушиб, бҳакти йўлига кириш ниятида бўлган Пурушоттам Жоши ўртасида бўлиб ўтган куйидаги суҳбатни келтириш мумкин: “*Пурушоттам Жоши Устозидан сўрайди: «Устоз энг тўғри йўл қайси – карма (амол) йўлими ёки гьяна (илм) йўлими». Шунда Устоз жавоб беради: «қайси йўлга ишончинг ва садоқатинг кучли бўлса, ўша йўл тўғри. Лекин, шуни унутмаки, карма йўли ҳам, гьяна йўли ҳам бу дунёда сени буткул руҳий озодликка олиб чиқиб, Ҳаққа йўл очиб бера олмайди. Ҳақ йўлини очадиган биргина йўл бор, у ҳам бўлса бҳакти йўлидир*”<sup>35</sup> - деб жавоб беради Устоз ва шундан сўнг Пурушоттам Жоши Валлабхачарьяга шогирд тушади.

Демак, юқорида кўриб чиқилган Ҳаққа етишишнинг турли йўллари инсон олдига турли хил талабларни қўяди, яъни карма йўли яхши амолларни қилиш, гьяна йўли муқаддас китобларни ўқиш, илм олиш, турли машқлар орқали тана ва руҳ мутаносиблигини таъминлаш йўга йўлида, меҳри ва садоқатли бўлиш эса бҳакти йўлининг талабидир. Бу йўллар орасида бҳактидан бошқа тўртала йўлда ҳам саводсиз ва камбағал халқ учун албатта қандайдир тўсиқ мавжуд, бҳактида эса бунга ўрин қолмайди, чунки бу йўл қалб йўли бўлиб, қалб йўлига эса ҳеч ким ва ҳеч қандай куч қудрат тўсиқ бўла олмаслиги барчага аён.

<sup>35</sup> 84 вишнунит ҳаёти” бҳактлар ҳаёти ҳақида ёзилган илк насрий асардаги 35-ҳикоя.

Шуни яхши англаб етган файлсуфлар, айнан, бхакти, яъни меҳр йўлини халқ учун умид, ишонч ва эътиқод йўли сифатида танлаб оладилар ва уни бутун Ҳиндистон бўйлаб тарғиб қилиб, шу даврнинг етакчи мафкураси даражасига кўтариб, миллионлаб оммани ўз издошларига айлантирадилар. Шу нарса эътиборга моликки, файлсуфлар ҳиндуизмга қарши шунчаки ғояларни байроқ қилиб олмайдилар, улар танлаган бхакти ғоялари дин пешволарининг кўз ўнгида инсонни шу даражада тубдан ўзгартириб юборадикки, дин пешволарида бунини тан олмасликнинг иложи қолмайди. Яъни, ҳинд жамиятида ғяна йўлида муқаддас китобларни ўқиб юрган ёки йўга билан шуғулланган ёки бўлмаса диний амолларни тўлиқ бажариб юрадиган инсон эмас, оддий меҳрли ва садоқатли инсонлар, Ҳақ йўлида яхши амолларни бажариб, барчани тенг кўрган инсонлар, яъни бхакти йўлини танлаган инсонларгина Ҳаққа етишадиганига дин пешволари ва жамият пешволарининг шахсан шоҳид бўлиши<sup>36</sup> бхактининг омма ўртасидаги муваффақиятига энг катта асос бўлган. Бу борада файлсуф Валлабхачарьянинг “*бхакти пхалдайак раста хе*” – “бхакти мевали дарахтдир” – деган сўзлари бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Демак, ўрта асрларнинг мураккаб, серкирра ва хилма хил диний-фалсафий қарашлар ва таълимотлар тизимига бас кела олган, ўз ғоялари билан шу давр инсонини тубдан ижобий томонга ўзгартириш асосида бутун жамият онгида инқилобий ўзгаришларни амалга оширган ва даврнинг мафкуравий байроғига айланган ҳаракат бу бхакти диний-ислоҳотчилик ҳаракатидир. Очик эшиклар сиёсатини олиб бориб, ўз ғояларининг тарғиботида дини, эътиқоди, табақаси, яшаш жойи ва миллати ва қайси каста вакили бўлишидан қатъий назар ҳеч кимга чеклов ва таъқиқ қўймаган бхакти ҳаракати ўзининг ислоҳотлари билан ўрта асрлардаги бошқа динларга ҳам таъсир кўрсатган ва уларда ҳам ўз ўзидан ислоҳот ишлари амалга оширилган.

XV-XVII асрларнинг тарихий ва ижтимоий воқеалари, бхакти таъсирида эришилган ютуқлар бу таълимотнинг ҳинд жамиятида жуда катта аҳамият касб этганини кўрсатди. Бхакти дин эмас, диний ҳаракат,

---

<sup>36</sup> Бу дунёнинг ўзида Ҳаққа – ҳиндуизмга кўра Рам ёки Кришнанинг дийдорига етишган инсонлар ҳақидаги маълумотлар “варта” жанридаги асарларда баён этилган, бу ҳақда қаранг: Муҳибова У.У. Индийская агиографическая литература. Т., 2008



унинг муқаддас китоби, махсус қонун қоидалари йўқ, лекин ўзига хос сермазмун, соддагина, барчага тушунарли мафқураси бор. Бхакти таълимоти ва мафқурасини тўғри тушуниш, унинг ички оламини яхши англаш, бошқа динларга ҳам таъсир этиб, бутун Ҳиндистон миқёсида унинг эришган муваффақиятларининг сабабларини билиш учун бу таълимотда кўп учрайдиган, файласуфлар алоҳида урғу берадиган ва ўзлари учун мафқуравий байроқ қилиб олган қуйидаги беш сўзга алоҳида тўхталиш жоиз, улар, “ислоҳ”, “меҳр”, “садоқат”, “тенглик” ва “бағрикенглик” (толерантлик). Бу сўзлар, аслида, ҳеч қандай диний ёки фалсафий мазмун касб этмайди, лекин ўша давр инсони ва жамияти учун шунчалик катта аҳамият касб этганки, динлар амалга ошира олмаган ижтимоий онг инқилобини файласуфлар айнан мана шу сўзлар ёрдамида амалга оширганлар. Бу оддий сўзларнинг чуқур маъноли диний-фалсафий тушунчаларга айланиб кетишига эса бхакти ҳаракати сабаб бўлган, зеро, бу тушунчалар бхактининг амалий натижасини таъминлаган факторлар бўлганига, асло шубҳа йўқдир.

*Художўйлик, меҳр, ибодат, ишонч* ва *садоқат* каби маъноларни англатувчи санскрит тилидаги “*бхакти*” сўзи ўз ғоя ва таълимотлариига асос қилиб *ислоҳ, тенглик, меҳр, садоқат* ва *бағрикенглик* каби тушунчаларни ўзининг мафқуравий байроғи қилиб олди ва бу сўзлар бхакти йўлини танлаган ҳар бир инсоннинг хаёт мазмунига айланди. Қадимда ҳинд жамиятида эътиқоди ва маънавиятининг кучлилиги билан кўпчиликдан ажралиб турадиган шахсларни бхакт деб атаганлар. Лекин, ўрта асрларда давр талаби асосида шаклланган бхакти ҳаракати ҳинд жамиятида оддий инсонларнинг Олий Ҳаққа бўлган интилиш ва унга етишиш йўлида танлаган йўли сифатида шаклланди ва мафқура даражасигача кўтарилиб ҳинд жамиятида деярли олти аср (уч аср, шимолда уч аср) давомида жамиятнинг етакчи мафқуравий байроғи бўлиб қолди. Замирида инсон кадриятларини мужассам этган оддийгина тушунчаларга асосланган кучли мафқура файласуфларга ҳеч қандай қийинчиликларсиз халқ орасига кириб бориш, улар билан тезда тил топишиб, халқнинг меҳр ва эътиборини, ишонч ва ҳурматини қозониш имконини берди.

Бхакти таълимоти ҳинд жамиятида бунёдга келган бутунлай янги, ҳеч бир динда ва ҳеч бир даврда учрамайдиган янги ғояни яратган, десак хато бўлади. Чунки, бу сўзлар, аслида ҳар бир диннинг туб

моҳиятини ташкил этади ва бхакти ҳаракатида эса диннинг айнан шу ғояларига ургу берилади, ривожлантирилади. Жумладан, С.Д.Бансал Урта аср бхакти ҳаракатининг шаклланиши ҳақида шундай фикр билдирган: *“турли ғоялар ва сиёсий ижтимоий нотинчлик ҳукм сурган шимолий Ҳиндистонда шундай бир янги ҳаракат шаклландики, унда ақлга эмас, юрак туйғуларига ургу бериш лозим эди, бу эса бхакти ҳаракати эди”*.<sup>37</sup> Хусусан, жайнлар динидаги жонзотларга озор етказмаслик, буддавийликдаги тенглик ғояси, сиддх ва натх ескгаларидаги халқ манфаатларига қаратилган ғоялар, тасаввуфдаги Яритганга бўлган меҳр ва садоқат, насронийликдаги ўз яқинларингга меҳрли ва оқибатли бўл каби ғоялар бхакти ҳаракатининг ғоявий неосларига буткул мос ғоялардир. Бхактининг янги таълимот эмаслигини таъкидлаган ҳолда, *“Аслида, бхакти янги ҳодиса эмас. Веда ва упанишадларда бхактининг уруги ибодат сўзи мазмунида манжуд бўлган. Кейинчалик мана шу ибодат бхакти ҳаракати сифатида ўзини намоён этган. Упанишадларда эса Брахмага руҳ, ҳаёт, емиш, билим ва роҳат сўраб ибодат қилиш лозим, деган фикрларни учратишимиз мумкин”*, - деб ёзади Сарож Деви Бансал<sup>38</sup>. Ҳақиқатан ҳам, инсон руҳияти такомили учун яратилган ғоя худди иртга аср динларида юз берганидек акс таъсир эта бошласа, унга қарши бошқа ғоянинг шаклланиши табиий бир ҳолдир. Бу ўринда шарқшунос олим А.Куранбековнинг, *“Урта аср буюк шоирлари нима учун реал ҳақиқатни бор бутунича баён қилишмади, ...бунга бирон бир ижтимоий ва мафкуравий таъсир бўлдими ёки тасаввуф ақидалари ўни давр мутафаккирлари кашф этган энг олий Ҳақиқатмиди, деган савол тугилади. ... шу даврни ўрганган олимлар фикрича диний ақидаларда реал ҳаёт билан мос тушмайдиган зиддиятли фикрлар аҷужуда кела бошлаган. Бу зиддиятли дунёқараешларни ҳал қилиш учун тасаввуф аҳли Куръоннинг ташқи маъносига қараб ҳукм чиқариши керак эмас, унинг ботиний маънолари бор. Бу ботиний маъноларни тушуниш фақат пайгамбарларга ва риёзат орқали, поклик орқали гайб сирларига ошно бўлган пир-у муридларга ва Оллоҳ ўз файзидан баҳраманд қилган авлиёларга насиб этган. Бошқа кишилар ақлий мушоҳада ва муқояса усуллари билан ҳукм чиқармасликлари керак,*

<sup>37</sup> Бансал С.Д. Асам ке бхакт кави Шанкардев эвам Сурдас ке кавья ка тулнатмак адйайан. Мератх, 1985. Б.5

<sup>38</sup> Ўша китоб, Б.4

бўлмаса куйфрга кетиб қолади, деб тасаввуф аҳли ўша даврда вужудга келган Калом деб аталувчи рационалистик оқим тарафдорларининг мафкуравий қарашларига қарши Ҳақиқатни фақат дил билан англаб етиши мумкин деган ғояни ўртага ташилади”<sup>39</sup>, - деб айтган мулоҳазалари жуда ўринли эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳақиқатни дил билан англаш эса исломда тасаввуф йўлида бўлган суфий ва авлиё шайхларга ва ҳиндуизмда эса бхакти йўлида бўлган бхакт ва сантларга хосдир.

Бхакти ҳаракатининг шаклланиш тарихи масаласида динни ислоҳ қилиш учун “*файласуфлар бхактига мурожаат этдилар*”, деган фикр ҳам бу ҳаракат давр талабига кўра шаклланган ва мазмуни ибодат жараёнлари билан боғлиқ бўлган ислоҳотчилик ҳаракати эканлигини кўрсатди. Умуман олганда, бхактининг шаклланишига бағишланган тадқиқотларни ўрганар эканмиз, ҳинд тадқиқотчиларига яқдиллик билан бхактининг, аслида қадимда мавжуд бўлганлиги ва ўрта асрларга келиб дин мутаассибликка учрагани туфайли у халқ ҳаракати сифатида давр мафкураси даражасига кўтарилганлигини таъкидлаш хослигини кузатиш мумкин.

Манбалар асосида диний ҳаракат бўлган бхактининг илдиэларини излашда, биз, икки асосга, икки сабабга дуч келамиз, биринчиси, бхактининг *ижтимоий* асоси, иккинчиси, унинг *маънавий* асоси.

Бхакти ҳаракатининг *ижтимоий* асоси деганда, биз, бхактининг жамиятда амалга ошириш учун ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини назарда тутамиз. Ҳинд жамиятида бхакти ҳиндуизмни *ислоҳ қилиш* йўлида шаклланди ва, айнан, шу мақсад бхактини *ижтимоий мафкурага* айланишига асос бўлди. Бхактининг илдиэларини излашда ҳам ҳинд мутахассислари унинг мана шу “ислоҳ” вазифасига асосландилар ва уни қадимий давр манбаларидан топадилар.

*Ислоҳ* сўзининг туб моҳияти бу инсоннинг, гуруҳнинг ёки жамиятнинг маълум бир қонун-қоида ёки назариядан қониқмаслик кайфияти бўлиб, бунда мавжуд қонун ёки назариянинг эскирганлиги, унинг давр талабига жавоб бера олмай қолганлиги тан олинган ҳолда

---

<sup>39</sup> Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. -Т.: 2010. Б.4

унга танқидий муносабатда бўлиш жараёнидир. Бхакти ҳаракати эса бу сўзининг моҳиятини тўлиқ намоён этган ҳолда ислоҳ қилишни ўзининг энг асосий вазифаси, қолаверса, муқаддас бурчи, деб билган ва бу ислоҳ, даставвал, ҳиндуизмга қаратилган бўлиб, кейинчалик ўрта асрлар Ҳиндистонида мавжуд бўлган бошқа барча динларни ҳам қамраб олган.

Аслида, ҳинд жамиятида ислоҳ билан боглик қарашлар қадимий мннбаълардан бўлган Ведантада ҳам қайсидир маънода мавжуд бўлган деган фикрни билдириб, *“бхактининг даслабки уруғлари диний қарашларга илк бор танқидий муносабат билдирилган упанишадларда ётади”*<sup>40</sup> – деб ёзган бхакти ҳаракатини ўрганган Сарожбала Деви Бансал<sup>41</sup>.

*Вейшнава*<sup>42</sup> бхакти ҳаракатини ўрганган Малик Муҳаммад эса *“Мелоддан аввалги V асрларда вишнуизм яккахудолик назариясини кўтариб чиқиб, илк бор ўздан аввалги қарашларга танқидий муносабат билдирган ва ислоҳ йўлига кирган”*<sup>43</sup>, – деб ислоҳ сўзининг қадимийлигига ишора қилади. Бу фикрларнинг якуни сифатида эса Малик Муҳаммад *“ўрта асрларда шимолий Ҳиндистонда ҳиндулар динида шундай бир касаллик пайдо бўлган эдики, уни фақат жанублик вишнуитларнинг бхакти ҳаракатигина даволай олиши мумкин эди”*<sup>44</sup>, – деб вишнуитларнинг бхакти ҳаракатига таъриф беради ва бхакти илмизларининг қадимийлигини кўрсатади.

Бхактини вишнуитлар билан боғлашнинг яна бир сабаби шуки, ҳинд диний фалсафий қарашларига кўра бхактидаги ислоҳотчилик ҳаракатининг бошида Вишну маъбуди туради. Чунки, Вишну азалдан ҳинд жамиятида “сақлаш” ва “ҳимоялаш” вазифаларини бажарувчи маъбуд сифатида талқин этилади, шу боис, у ер юзида адолат ҳимояси

---

<sup>40</sup> Ўша китоб, Б. 7

<sup>41</sup> Ўша китоб, Б.5

<sup>42</sup> Вишну маъбудига ёки унинг (ердаги инсоний қиёфаси бўлган) тилжисумлари бўлган Рам ёки Кришнага эътиқод қилучилар вейшнава, яъни вишнуит деб юритилади, уларнинг таълимоти асосида эса вишнуизм дини шаклланган.

<sup>43</sup> Малик Муҳаммад. Вейшнава бхакти андолан. Дехли. 1989. Б.23

<sup>44</sup> Ўша китоб, Б.19

учун турли даврларда турли шакл ва қиёфаларда тажассум<sup>45</sup> қилган, дейилади қадимий манбаларда. Ҳимояга, эса, мантиқан олганда, адолатсизликка учраган, ҳимоясиз қолганларгина муҳтож бўлади. Демак, бхакти ҳаракати орқали Вишну ҳимоясиз қолган халқни ўз ҳимоясига олган ва бу йўлда бхакти ҳаракати орқали динни ислоҳ қилган.

Бхакти тарғиботида асосий ўринни эгаллайдиган секталарнинг шаклланишини ҳам файласуфлар бхактининг ислоҳ мазмуни билан боғлайдилар. Унга кўра, брахманларнинг жамиятдаги мавқеининг пасайиб бориши уларга қарши фикрловчи гуруҳларнинг шаклланишига олиб келган ва бу гуруҳлар секин-аста секталарга бирлашиб ўз гоёларини ишлаб чиқиб, уларни тарғиб қилишни бошлаганлар. Ҳақиқатан ҳам, секта, жанубда ҳам, шимолда ҳам, бхакти гоёлари тарғиботида ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Малик Муҳаммад *“Вейшнав бхакти катта бир дарахт бўлса, бу дарахтнинг илдизлари тамил алварларидир ва дарахт қиёфасидаги Вейшнав бхактини яна ҳам кенгайтирган ва ривожлантирган бу бхакти секталаридир”*<sup>46</sup>, - деб бхакти ҳаракати ривожда секталарнинг тутган ўрнига ўз муносабатини билдирган.

Бхакти ҳаракатининг илдизларини излашда уни *брахманизм* билан ҳам солиштириб ўрганадилар ва икки муҳим нарсани аниқлайдилар, яъни брахманизмда муҳим ҳисобланган *“карам канд”* (“бурч”) ва *“яғйа”* (“қурбонлик”) тушунчалари бхактида ҳеч қандай ҳал қилувчи аҳамият касб этмаслигини кузатадилар. Бундай қиёслашдан асосий мақсад, инсоннинг Ҳақ йўлидаги интилишларида диндаги бурч ва қурбонлик тушунчаларидан кўра муҳимроқ, ҳар бир оддий инсон бажариши ва риоя қилиши мумкин ва зарур бўлган бошқа тушунчалар мавжуд бўлиб, улар бхакти мазмунида яширинганлигига ишорадир.

Бхактининг шаклланишида Ҳиндистоннинг қадимий халқлари бўлган *дравидлар* ва *орийларнинг* тутган ўрни масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу масалада С.Д.Бансал бхакти ҳаракатининг шаклланишини дравид халқлари билан боғлайди ва бунга икки маълумотни асос қилиб кўрсатадилар, *биринчидан*, орийларнинг

---

<sup>45</sup> Манбаъларда Вишнунинг жами 28 та тажассуми бор дейилади, бхакти йўлида Вишну уч марта тажаесум қилган, биринчиси Нарайан (5-тажассум) жанубий бхактида, Рам ва Кришна (7 ва 8-тажассумлари) шимолий бхактида.

<sup>46</sup> Уша китоб, Б.6-7

Ҳиндистон ҳудудига четдан кириб келганлиги ва бхактининг эса улар келгунига қадар шаклланиб бўлганлигини, *иккинчидан*, бхакти ғояларининг илк бор Тамилнаду ҳудудида шаклланганлиги ва бу ерлар эса азалдан дравид халқлари яшаб келган макон бўлганлигини кўрсатади: “*руҳ ва жонни меҳр билан тўлдирган бхакти номли бу қуёш жанубдан, Тамилнаду ҳудудидан кўтарила бошлаганига ҳеч қандай шубҳа йўқдир*”<sup>47</sup>, - деб ёзади ўз тадқиқотида. Бхактининг шаклланишида дравид халқлари ҳал қилувчи аҳамият касб этганини асослашда С.Д Бансал учинчи асосни ҳам кўрсатади, унга кўра *орийларда ҳам брахманлардек “бурч” ва “қурбонлик” назариялари ҳал қилувчи аҳамият касб этган...*, *лекин орийлар “меҳр” ва “садоқат” тушунчасига бурч тушунчаси эскириб, ундан узоқлаша бошлаганларидан кейингина эътибор қаратганлар*<sup>48</sup>, - дейдилар.

Демак, бхакти ҳаракатининг *ижтимоий назарий асослари* деб, *биринчидан*, унинг жамият ижтимоий онгини ислоҳ қилиш ва уни ўзгартириш вазифаси билан келганлиги, *иккинчидан*, унинг *қадимийлигининг* исботи сифатида, ислоҳот илдизларининг қадимий ҳинд жамиятидаги шиваизм, вишнуизм, хусусан, “Рамаёна” ва “Маҳабхарата” эпослари ва Упанишадлар билан боғлиқлиги, *учинчидан*, бу ислоҳотга биринчи бор илк ўрта асрларда Ҳиндистон жанубида яшовчи дравид халқлари, хусусан, тамил халқи асос солганлиги ва, айнан, тамил *алварлари*<sup>49</sup> ва *найанмарлари*<sup>50</sup> бхактини умумхалқ ҳаракатига айлантирганлиги, ва ниҳоят, *тўртинчидан*, бхакти ҳаракати иккинчи бор умумхалқ ҳаракати сифатида кеч ўрта асрларда Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларида ҳам кенг ёйилганлигини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Бхакти инсон руҳияти, кўнгли ва, умуман, инсон ички олами билан боғлиқ ҳаракат бўлганлиги боис унинг албатта маънавий илдизларининг бўлиши табиийдир. Айнан шу масалани тадқиқ этган ҳинд тадқиқотчилари бхакти ҳаракатининг ички оламига, унинг ғоявий асослари ва шиорларининг ички мазмунига чуқур кириб бориш асосида бхактининг *маънавий* илдизларини ўрганиб, бу масалага ҳам ўз

---

<sup>47</sup> Ўша китоб, Б.5

<sup>48</sup> Ўша китоб, Б.7

<sup>49</sup> Алвар - тамил тилида “Худого етишган” деган маънони англатади

<sup>50</sup> Найанмар - жанубда Шива маъбудига эътиқод қилувчилар

муносабатларини билдирадилар. Хусусан, Рамчандра Шукла<sup>51</sup> бхактининг азалий илдиэларини инсон ички олаמידан излашга ҳаракат қилиб, ўзи учун шундай жавоб топади: *“Жамиятда инсондаги бурч (“карамканд”) тушунчасига кўнгил (“хридай”) тушунчаси қўшилган кундан бошлаб бхакти ҳаракати бунёдга келган”*<sup>52</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, бхактининг кураш майдони бу инсон маънавияти шаклланадиган унинг кўнгил ва онгидир. Бу майдонлар қанчалик тўғри ғоялар билан бойитилса, тўлдирилса инсоннинг маънавияти ҳам шунчалик юксалиб боради. Бхакти тарғиботчилари ҳам айнан шу иш билан шуғулланиб, ҳинд жамиятида минглаб юксак маънавиятли шахсларни, яъни бхактларни ва сантларни етиштириб берган.

Бхакти ҳаракатининг ички оламига кириб борар эканмиз, унинг ҳақиқатан ҳам, маънавиятга, илмга, амалий натижаларга бой олам эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бхакти оламида ҳар бир инсон учун мақсадга эришиш имконияти чексиздир. Ўрта асрларда бу йўлга кирган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан, албатта, юксалган. Бхактлар ҳаётига бағишланган “варта” жанридаги насрий асарлар мазмунидан шу нарса ойдин бўладики, бхакти йўлига кирган инсон эришган ютуқнинг энг паст поғонасида инсон ҳеч бўлмаганда кўнгил хотиржамлигига эришади, дунёвий муаммолар олдида ожизлик туйғуси йўқолиб, уларда умид ва ишонч пайдо бўлади ва бу нарса уни кўтаринки руҳ билан яшашга ундайди. Бхакти йўлида эришилган энг олий ютуқ эса бхакт инсон бу дунёнинг ўзида Ҳаққа етишиб, Уни ҳис қила олиш даражасига етади<sup>53</sup>.

Бхакти ҳаракатининг тарихи шуни кўрсатдики, аввалига бхакти нима эканлигини одамларга файласуфлар тушунтирган бўлса, вақт ўтиши билан бхакти йўлига кириб, маълум бир натижага эришгандан сўнг бхактларнинг ўзи ўз тажрибалари асосида бхакти нима, бу йўлга кирган инсон нималарга эришиши мумкин эканлиги ҳақидаги

<sup>51</sup> Рамдхари Синх. Санскрит ке чар адхйай. Дилли. 1987. Б. 28

<sup>52</sup> Ачарья Рамчандра Шукла. Сурдас. Дилли. 1988. Б.18

<sup>53</sup> Тадқиқотда бхакт ёки сант деб ўрганилган ҳар бир адиб бхактининг энг олий поғонасига эришган бўлиб, буни уларнинг шеърини, кўрсатган кароматлари орқали англаб олиш мумкин, “варта” насрий жанридаги асарларда эса оддий халқ вакиллари бхакти йўлини танлаб Ҳаққа етишганлиги ҳақида маълумотлар берилган, шу боис варталар ҳинд халқининг оила даврасида мутлоа қиладиган китобларига айланиб кетган.

Ўзларининг бхактига бўлган муносабатларини билдира бошлаганлар. Бхактида инсон рухий олами ўзгаради, ривожлади ва бу ривожланиш натижасида инсон Олий Ҳақиқатни ҳис эта бошлайди. Олий Ҳақиқатни ҳис қила олган инсон эса ўзини, албата, аввалгидан кўра анча эркин ва озод ҳис этади, унда ўзига ишонч туйғуси шаклланиб, кўркув ва гуноҳкорлик ҳисси уни тарк эта бошлайди, унинг борлик, инсон, руҳ ва Олий руҳ ҳақидаги карашлари бутунлай ўзгаради ва ундаги бу ўзгаришлар бхакти йўлига кирганидан кейин содир бўла бошлаганини ҳис қилади ва бхакти ғояларига бўлган ишончи ортиб, у ижобий томонга ўзгара бошлайди. Ўрта асрларда руҳияти айнан шундай олий даражага етган бхактлар жуда кўп бўлган. Тўлиқ эркинликни ҳис қилган бхактлар эса бу туйғуни шеърый мисраларда баён эта бошлаганлар, шу боис уларнинг шеърыйати бошқа шоирлар шеърыйатидан ўзининг мустаҳкам ва аниқ ғоялари ҳамда эркин фикрлилиги билан ажралиб туради. Жумладан, Малукдас бхакти йўлида Олий даражага етган бхактларга таъриф бериб шундай дейди: *"бхактнинг руҳияти ҳеч ким кира олмаган ва ета олмаган манзилларга ети олади, у парлокка"<sup>54</sup> ҳам ета олади. Ҳатто, ҳаво кира олмайдиган маконларга ҳам бхактнинг руҳияти ета олади, у олам эса Вишну оламидир"<sup>55</sup>. Бхактларнинг руҳияти доим чексизликка инстилади. Шу боис уларнинг рухий оламида ҳеч қандай чегара қолмайди ва каромат кўрсатиш бхактлар учун оддий бир ҳолга айланади. Буни биз уларнинг ҳаёт тарзи, турли масалаларга билдирган фикр ва муносабатлари орқали англаб олишимиз мумкин. Бу борада, айниқса, XV асрда яшаган таникли бхакт шоирлардан Кабир ва XVI асрда яшаган сант шоир Малукдас бир-биридан тахминан юз эллик йил фарқ билан яшаган бўлсалар-да, уларнинг ички дунёси, бхактига бўлган муносабатлари, амалга оширган ишлари деярли бир хил, десак хато бўлмайди. Масалан, уларнинг иккови ҳам ўз шеърларида яшаш маконларини пинан бир хил таърифлайдилар, хусусан, Малукдас ёзади:*

*Саахеб мили саахеб бхаэ качху рахи на тамани  
Кахее Малук та гхар гаэ жахан паван на жаи"<sup>56</sup>.*

<sup>54</sup> Парлок ер юзидан ташқарида самода жойлашган дунё

<sup>55</sup> Билдев Ванши. Малукдас. Дехли. 2007. 44 бет

<sup>56</sup> Уша китоб, 44 бет



Маъноси, мен оламни яратган Жаноб Олийлари билан учрашдим ва мен ҳам Жаноб бўлдим, мен шундай жойда яшайманки, у ерга ҳатто ҳаво ҳам кира олмайди, деган бўлса, Кабир бу ҳақда шундай дейди:

*Сур нар мунижан аолия, йех саб урли тиир  
Аллах Рам ка гам нахи, тахан гхар кийо Кабир*<sup>57</sup>

Маъноси, Маъбудлар, дарвешлар (мунилар), авлиёлар ва бошқалар Чейтанья маконида (оламида) яшайдилар, Яратгувчи Рамнинг ҳам оёғи етмайдиган жойда эса Кабирнинг маконидир. Бу ерда бхактлар яшайдиган макон шунчалик олий ва сирли маконки, Малукдас наздида у ерга ҳаво ҳам кира олмайди, Кабирда эса, у ерга, ҳаттоки, маъбуд Рамнинг ҳам оёғи етмайди. Бундай фикрлаш, бир томондан, бхакти йўлида ҳар иккала шоирнинг ҳам руҳияти энг олий даражага етганини кўрсатса, иккинчи томондан, муболага санъатининг гўзал намунасидир. Шу билан бир қаторда, турли даврларда яшаган икки бхактнинг бир масалага деярли бир хил муносабат билдиришлари жуда қизиқарли ҳолдир.

Бхактини таърифлашда ҳинд мутахассислари уни қадимий фалсафий қарашлар билан боғлаш асосида бхактининг ички *моддий оламини* очиб беришга ҳам ҳаракат қилганлар. Улардан бирига кўра, бхакти инсон юраги, қалби билан боғлиқ жараён, инсонда ҳар бир яхши ёки ёмон ўзгариш, руҳий ривожланиш ёки сусайиш, даставвал, юракда, кўнгилда юз беради. Бу жараёни ўрганишда инсон танаси табиатнинг бир бўлаги сифатида табиат билан, аниқроғи сув ва тупроқ билан қиёсланади ва ернинг учдан икки қисми сув, бир қисми тупроқдан иборат деган назарияга таянилади. Инсон танасидаги сув ва тупроқ тақсимооти ҳам шу нисбатдан иборат деган ҳолда сувнинг марказий қисми юрак деб тан олинади. Тўлқинларнинг кўтарилиш ва пасайиш жараёнлари эса тупроқда эмас сувда юз беради. Шу боис, туйғу тўлқинлари, даставвал, юракда бошланади ва секин-аста тананинг бошқа қисмларига тарқалади. Маъбуд Шиванинг саккиз унсуридан бири сув бўлиб, у ҳис туйғунинг сағуни, яъни моддий намоён бўлишидир, деган фалсафий қарашлар билан бхактининг моддийлик томони очиб берилади.

---

<sup>57</sup> Уша китоб, 44 бет

Ҳинд тадқиқотчиларининг юқоридаги фикр ва мулоҳазалари асосида, биз бхакти ҳаракатининг ижтимоий, маънавий ва, ҳатто, моддий асослари мавжудлигини ва у, ҳақиқатан ҳам, ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлган ислоҳ вазифаси билан қадимдан мавжуд бўлганлигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Ислоҳот ишларини амалга оширишда эса бхакти меҳр ва садоқат туйғуларига таянган. *Меҳр* ва *садоқат* инсондаги энг олий сифатлардан бири бўлиб, бхакти тарғиботида файласуфлар инсондаги айнан шу сифатларга урғу берадилар. Чунки, меҳр ва садоқат туйғулари кучли бўлган инсонга ҳар жиҳатдан ишониш, унга суяниш, у билан аниқ бир мақсад йўлида кураш олиб бориш мумкин. Бхакти ғоялари тарғиботини бошлаган ҳар бир файласуф, жумладан, Чайтанья, Валлабхачарья, Мадхавачарья, Нимбаркачарья каби файласуфлар ҳиндуизм мутассиблигига қарши курашда, ўз фаолиятларини дин пешволари билан эмас, халқ орасида тарғибот ишларини амалга ошириш билан бошлаганлар. Улар шимолий Ҳиндистоннинг Деҳли, Агра, Гокул, Барсана, Кама, Говардхан шаҳарлари, Гужарот, Ражастхан ва Бенгал ва бошқа штатларида халқ орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, улар орасидан меҳрли ва садоқатли, вужудда бхакти ғоялари жўш уриб турган инсонларни топиб, улар билан яқиндан танишиб, уларга авваламбор, ўзлари меҳр кўрсатиб, ҳар томонлама уларни қўллаб қувватлаш орқали уларнинг ҳам меҳри ва эътиборини қозонишга эришишдан бошлаганлар ва уларни ўз даврининг етакчи инсонларига, давр қаҳрамонларига айлантириш йўлида заҳмат чекканлар. Жумладан, бхаكتининг тарғиботчиси Валлабхачарья бхакти секталаридан бири бўлган “Пушти”<sup>58</sup> сектасининг асосчиси ҳисобланади. У ўзининг барча шогирдларини халқ орасида юриб, улар билан суҳбатлар уюштириш ва улар орасида меҳр ва садоқат туйғулари кучли бўлган инсонларни танлаш орқали тўплаган. Валлабхачарьяга шогирд тушган ҳар бир инсон “Пушти” сектасининг аъзоси ҳисобланган. Улар орасида нафақат Ҳиндистонда, балки жаҳон миқёсида номи танилган, ўрта асрлар кришнабхакти шеърятининг тожи бўлган Сурдас, у бошчилик қилган “Аштачхап”

---

<sup>58</sup> Пушти санскрит тилида “қўллаб қувватлаш” маъносини аниқлатади. Валлабхачарья Яратган томонидан қўллаб

қувватланиш маъносини назарда тутган ҳолда мазҳаб номи учун шу сўзни танлаган

(“Саккиз шоир итифоки”) шоирларининг номини тилга олиш мумкин. Валлабхачарья аввал Сурдас ва унинг кўшиқлари ҳақида одамлардан эшитади ва у билан танишиш учун шахсан ўзи Сурдаснинг ёнига боради. Тугма кўр бўлган бу 17 ёшлик йигитнинг мунгли овози ва айрилиқ мазмуни билан йўғрилган шеърларини тинглаб, у билан суҳбатга киришади ва унинг юрагида бхактларга хос буюк меҳр ва садоқат яширинганини сезиб, шу кундан бошлаб Сурдасни ўзига шогирдликка қабул қилади ва унга бхакти нима, Кришна ким, борлик ва руҳ, олам ва Олий Ҳақиқат нимадан иборат эканлиги ҳақидаги илмларни ўргатади. Кўзи ожиз бўлгани учун ота-онаси ҳам чиқиштирмаган Сурдас 6 ёшда ота-онаси уйини тарк этиб, ўзини тақдир йўлига ташлаб, Агра яқинидаги бир дарахт тагида кўшиқ куйлаб шу орқали ўз насибасини топиб яшар эди. Валлабхачарья билан учрашгунига қадар Сурдас ҳаёт ташвишлари, айрилиқ ва тушкунлик мазмунидаги кўшиқларни куйлаб яшаган. Валлабхачарья эса унга ҳаёт фақат ғам ва ташвишдан иборат эмаслиги, ҳаётнинг гўзал томонлари ҳам борлигини ва бу гўзаллик Кришна билан боғлиқлиги ҳақида сўзлаб беради ва уни умидли ва ишончли ҳаётга қайтаради. Сурдас илк бор уни Кришна номи билан таништирган Валлабхачарьяни ўз устози деб тан олади ва бутун умрини Кришнани куйлашга бағишлашга қарор қилиб, Ҳиндистон миқёсида кришнабхакти шеърлятида тенги йўқ шиор ва кўшиқчига айланади<sup>59</sup>. Сурастинг бу даражага етишида, албатта, Валлабхачарьянинг хизмати жуда катта эди. Валлабхачарья ўз ҳаёти давомида бундай бхактлардан жуда кўпини халқ орасидаги суҳбат ва зиёратларида топган ва уларнинг ҳар бирини Кришна номи билан, бхакти таълимоти билан таништирган ва ўзига шогирдликка қабул қилган. Валлабхачарья кашф қилган кришнабхакт шоирлардан, кейинчалик “Аштачхап” таркибига кирган Кумбхандас ва Кришнадастарни тилга олиш мумкин. Улар ҳам ўрта аср кришнабхакти шеърлятининг энг йирик номояндлари бўлиб, уларнинг ҳам шу даражага етишига Валлабхачарья сабабчи бўлган. Умуман олганда, кришнабхакти тарғиботида Валлабхачарья ташкил этган “Пушти” сектасининг аҳамияти чексиздир. Чунки, бу секта Валлабхачарьядан кейин унинг ўғли Витхалнатх томонидан, ундан кейин эса Витхалнатхнинг ўғли Гокульнатх, ундан кейин Гокульнатхнинг ўғли

<sup>59</sup> Прабхудааял Миттал. Сурае ки варта. Дехли, 1977.

Хирирай томонидан бошқарилган ва уларнинг барчаси халқ орасида бхакти ғояларининг тарғиботи билан шуғулланиб, шу орқали ҳақиқий бхактларни топиб, уларнинг ҳаётини тубдан ўзгартириш асосида ҳинд жамиятига таниқли шоир, мусиқашунос ва қўшиқчиларни етиштириб берган файласуфлар ҳисобланади. Ҳиндистонда бу сектанинг фаолияти Ырж худудида Валлабхачарья авлодлари томонидан тор доирада бўлса-да ханузгача давом эттирилади, хусусан, XX аср 90-йиллардаги секти раҳбарларидан бири Чиманлалжи билан Ҳиндистон сафарларида мулоқот қилинган. Бхакти йўлида Олий даражага эришган Валлабхачарьянинг шогирдлари ҳақидаги маълумотлар “*Чаураси вейшнаван ки варта*” (“84 вишнуит ҳаёти”) номли асарда, Витхалнатхнинг бхактида руҳияти олий даражага эришган шогирдлари ҳақидаги маълумотлар эса “*До со баван вейшнаван ки варта*” (“252 вишнуит ҳаёти”) номли асарда жамланган.

Пушти сектаси билан бир қаторда худди шу даврда бошқа бир қанча секталар, хусусан, Гория, Нимбарк, Радхаваллабха ва бошқалар бхакти тарғиботи билан шуғулланган ва уларнинг ҳар бирининг ўз таълимоти, унинг шоирлари ва қўшиқчилари бўлиб, уларнинг барчаси халқ орасидан етишиб чиққан бхактлардан ташкил топган<sup>60</sup>.

Бхактида садоқатли инсон нафақат ўз танлаган йўли, дини, ватани, хилқига, балки ўзгалар учун қадрли бўлган ҳар бир қадриятга ҳурмат кўзи билан қарайди, уларни эъзозлайди. Файласуфлар ўзларининг хилқчил ғояларини тарғиб қилишда инсондаги “меҳр” ва “садоқат” туфтуларини ишга солиб, жамиятда уларни фаоллаштириш йўли билан бхактини ривожлантирганлар.

Ҳинд жамиятидаги кастачилик ва динлар хилма хиллиги туфайли шикланган тенгсизликка қарши курашда бхакти тарғиботчилари яна бир оддий сўзга, “*тенглик*” сўзига мурожаат қиладилар. Улар бу сўзнинг амалий аҳамиятини кучайтириш учун “Яратган олдида барча тенгдир” шиорини бхактининг етакчи ғоясига айлантирадилар. Бхактининг тенглик ғоясининг ижобий таъсирини ҳинду ва мусулмонларнинг бир худудда аҳил ва иноқ яшаганликлари ва бир-бирининг динига жуда катта ҳурмат ва эҳтиром кўзи билан қараганликларида кузатиш мумкин. Бир диндан иккинчи динга ўтиш эса ҳеч ким томонидан салбий ҳодиса сифатида муҳокама қилинмаган.

---

<sup>60</sup> Мухибова У.У. “Индийская агиографическая литература”. Т., 2008.

Жумладан, мусулмон шоирлардан Расхон ва Рахимлар бхактининг тенглик гоёси таъсирида кришнабхакти шеърятидан шунчалик таъсирланганларки, улар учун Оллох ва Кришна тушунчаси бир бўлиб кетган ва ўз ижодларини Кришнани куйлашга бағишлаб, кришнабхакти шеърятининг ажойиб мисраларини яратиб қолдирганлар.

Шу асосда, бхакти тарғиботчилари бир қараганда диний китобларда ёзилган мураккаб, кўп қиррали, сермажбурият, инсондан жуда кўп нарсаларни талаб қиладиган, лекин амалиётда ўзини оқламаётган назариялар ўрнига кундалик ҳаётдаги оддий, ҳар бир инсон қалбида мавжуд, ҳар бир инсон учун тушунарли ҳамда тез амалий натижа бера оладиган уч сўзга, яъни *меҳр*, *садоқат* ва *тенглик* сўзларига ургу берадилар ва уларни дин пешволарига қарши кураш йўлида ўзларига мафкуравий қурол қилиб оладилар ва инсонлардаги шу сифатларга катта бир ишончли куч сифатида қараб, бхакти ҳаракатига асос соладилар. Бхакти ва тасаввуфнинг ўхшашлиги, моҳиятан яқинлиги бу масалада ҳам яққол кўзга ташланади, яъни тасаввуфда шафқат концепцияси бўлиб, унда уч тушунча кенг тарғиб қилинади, улар – *муҳаббат*, *шафқат* ва *муруват*. Бу тушунчаларни назарий жиҳатдан асослашда эса *мулоимлик* ва *қаттиқлик*, *руҳ* ва *жисм*, *инсонийлик* ва *ҳайвонийлик*, *назокат*, *латофат* каби тушунчаларга мурожаат этилади<sup>61</sup>. Инсоннинг энг пок туйғулари билан боглик бхакти ҳаракатининг жамиятда кенг тарқалиши ҳинду учун мандир, сикх учун гурудвар, мусулмон учун масжид ва насроний учун черков эшиklarини кенг очиб берди. Энди турли этникодли кишилар мажмуидан иборат халқ вакиллари ҳеч нарсадан ва ҳеч кимдан ҳайиқмасдан, бемалол муқаддас жойларни зиёрат қилиш, у ерда ўз ибодати ва этникоди йўлида баҳра олиш ҳамда шу орқали кўнгил сокинлигини таъминлаш, маънавий ва руҳий озуқа олиш имкониятига эга бўлдилар.

Бхакти мафкурасида алоҳида аҳамият касб этадиган яна бир тушунча мавжудки, у мураккаб ҳинд жамияти учун сув ва ҳаводек зарур эди. Бу тушунча бхактининг қон томирида оқадиган, ҳал қилувчи кучга эга бўлган *бағрикенглик* (*толерантлик*) тушунчасидир. Бу тушунчанинг амалий аҳамияти жанубга нисбатан шимолда кўпроқ бўлган. Шимол дин ва миллат жиҳатдан жанубга нисбатан анча серқирра бўлганлиги боис шимолни бошқариш анча мураккаброқ кечган. Чунки, жануб

---

<sup>61</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Ғ.: 2009. Б.270-277

шимолдан келган ташки боскинчилар таъсиридан деярли холи бўлиб, у ерда халқ фақат брахманизм, вишнуизм ёки шиваизм каби маҳаллий динлар мутаассиблигидан азият чеккан. Шимол эса, бир томондан, ташқаридан кириб келган боскинчилар ва улар туфайли шаклланган кўпдинлиликдан азият чексалар, иккинчи томондан, ҳиндуизмнинг маҳаллий вакиллари кучайтириб юборган диндаги мутаассибликдан азият чекканлар.

Бхактидаги бағрикенглик ва тенглик гоёлари эса шу даврда ҳинд жамиятида ўзига хос назарий ва амалий аҳамият касб этган. *Назарий аҳамияти* шундан иборатки, у бхактида икки - *сагун* ва *ниргун* бхакти нуналишларининг шаклланишига асос бўлган. *Амалий аҳамияти* шуки, турли хил дин, миллат, тил ва каста вакилларида ташкил топган шимолнинг мураккаб жамиятида тинч тотувликни таъминлашда айнан ҳар бир инсондан бағрикенг бўлиш ва барчанинг ўзаро тенг эканлигини тушуниб етиш талаб этилар эди. Бхакти асосчилари одамларда худди мана шундай ҳислатларни шакллантиришга алоҳида аҳамият берганлар ва бу нарса, ҳақиқатан ҳам, ўзининг амалий натижасини берган, яъни бир ҳудудда яшаётган турли дин вакиллари бир-бирларининг эътиқоди, муқаддас китоблари, урф-одат ва маросимларига ҳурмат кўзи билан қараганлар. Бу борада Акбаршоҳ яратган *"Дин-и шлахи"* сиёсатининг исосида ҳам, айнан, бағрикенглик ва тенглик тамойиллари ётган, десак муболаға бўлмайди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, жаҳонда турли миллат, элат, диний-фалсафий қарашлар, турли туман маданиятлар манжуд экан бағрикенглик, толерантлик тушунчаси ўз аҳамиятини йўқотмайди. Лотин тилида бардошлилик (выносливость), чидамлилик (терпимость), меъёр даражасида меъёрдан чиқиш каби маъноларни инглатувчи бу сўз адабиётда, кўпинча, чидамлилик, бағрикенглик маъноларида қўлланилади, лекин толерантликнинг яратувчанлик моҳиятини ўрганган Минбаева И. бу сўзга, *"Толерантность это не только терпимость и сострадательность, но и любовь к разнообразию человеческого мира, проявляющемуся в культурах, религиях, антропологических типах. Важно только, чтобы это разнообразие не выходило за рамки общепризнанной нормы гуманизма. Толерантность предполагает компромисс, но не беспринципность"*, - деб ўринли таъриф беради. Зеро, толерантлик, бағрикенглик тушунчалари давлат конституциялари мазмунидан, хусусан,

Ўзбекистон Республикаси конституциясидан<sup>62</sup> ҳам ўрин олганлиги бизга маълум. Конституция қонунларининг амалий ҳаётдаги исботи сифатида турли миллат ва этнокод вакиллари истиқомат қилиши ҳамда Юнесконинг Халқаро ислом ташкилоти томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг “Ислом маданиятининг пойтахти” деб эълон қилинганлиги миллатимизнинг толерантлик, бағрикенглик хусусиятига жаҳон ҳамжамияти томонидан берилган юксак баҳодир, десак адашмаган бўламиз. Бхакти тарғиботчилари ҳам ўз даврининг турли дин, миллат ва каста вакиллари ўртасида ҳамжиҳатлик, бир бирини тушуниб ҳурмат билан яшашни таъминлаш йўлида толерантлик ва бағрикенглик тушунчаларига алоҳида эътибор қаратганлар.

Бхакти мафқурасининг ҳар бир назарияси ҳинд жамиятидаги диний фалсафий қарашларнинг мураккаблиги ва хилма хиллигига асосланади. Бхактидаги сагун ва ниргун йўналишлар ҳам айнан шу ғоялар асосида шаклланган. Сагун ҳиндуизмга тегишли тушунча бўлиб, оламни яратувчи Худо ҳақидаги ҳинд халқининг тасавури билан боғлиқ. Унга кўра Яратган аниқ бир қиёфада намоён бўлиши, одамлар орасида яшаб, турли кароматлар кўрсатиши, ҳиндулар тили билан айтганда *лалалар* қилиши мумкин ва бундай қарашлар, аслида, ведалар давридаёқ шаклланган.

Лексик жиҳатдан, санскрит тилидан олинган “сагун” сўзи икки қисмдан иборат бўлиб, “са” - “жамлаш”, “тўплаш” ва “гун”- “яхши сифат” деган маънони англатади. “Сагун” сўзи эса “яхши сифатлар йиғиндиси” деб таржима қилиниши мумкин. Диний-фалсафий маънода эса бу сўз “барча яхши сифатлар эгаси”<sup>63</sup> деган маънони англатади ва барча яхши сифатларга фақат Яратган эга бўлиши мумкин. “...*фақат Аллоҳгина барча яхши, эзгу сифатларни жамлаган Зотдир. Аллоҳни севиш орқали биз абадиятни, абадий Адолат ва Ҳақиқатни севамиз*”<sup>64</sup>, - деб ёзади Н. Комилов ўзининг “Тасаввуф” номли китобида. Демак, Оламни яратган бекаму кўст Худо аниқ бир қиёфада намоён бўла олади, деган назария сагун бхактига асос бўлган. Лекин, ҳинд жамиятида Яратганнинг ҳеч қандай қиёфаси бўлмайди, у мавҳум бир куч-қудратдир, деган қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, бу асосда ниргун

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12, 29 ва 31 бандлари.

<sup>63</sup> Ислом динида бу тушунча “беайб Парвардигор”, “бекаму кўст Худо” деган тушунчаларга тўғри келади.

<sup>64</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Т.: 2009. Б.50

бхакти шакланган. Бу ерда “на” префикси инкор маъносини англатади ва унда Яратган ҳеч қандай сифатларга эга бўлмаган абстракт бир куч қудратдир, деган қараш илгари сурилади.

Бундан келиб чиққан ҳолда, шуни айтиш лозимки, Яратганнинг аниқ қиёфаси<sup>65</sup> бор деб билувчилар сагун бхакти йўналишида ва, аксинча, унинг ҳеч қандай қиёфаси йўқ, у мавҳум бир куч-қудратдир, деб билувчилар (яъни ислом дини вакиллари ёки Кабирдек Яратганни фақат инсон қалбида деб билувчилар) *ниргун бхакти* йўналиши вакили ҳисобланади.

Турли давр файласуфлари, сагун ва ниргун масаласига ўзларининг турли муносабатларини билдириб келганлар. Қадимий диний китобларда бу масалага катта-катта боблар ҳам бағишланган, хусусан, михрштрлик сант Гйанешварнинг “Гйанешвари” (XIII аср) китобининг XII боби сагун бхакти назариясига бағишланган, дейди Шубхадра Равиндра Патил<sup>66</sup>.

Сагун ва ниргун бхакти ҳақидаги юкоридаги қарашларга кўра бу икки тушунча бир бирига тескари назария бўлиб, улар ўртасида аниқ бир девор бордек туюлади, лекин ҳиндларнинг диний қарашларида яна бир шундай тушунча ҳам борки, унга кўра бу бу тушунчалар ўртасидаги фарқ ёки девор вақти-вақти билан йўқолиб туриши ҳам мумкин, яъни ниргундан сагунга ва сагундан ниргунга ўтиш ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳодиса инсон онгининг ўзгарувчан жараёнлардан иборат эканлиги сифатида талқин этилади. Масалан, бхакти йўлини тинлаган махараштрлик Гйанешварнинг энг олий мақсади инсонга хизмат қилиш бўлган ва буни у ҳақиқий бхакти деб билган. Инсонга хизмат қилиш эса мавҳум жараён бўлиб, ниргун ҳодисага киради, демак, бу шоир ниргун бхакти йўлида, шу сабаб китобларда Гйанешварга бхакт эмас, сант нисбаси берилади. Лекин, унинг шеърлари ва фалсафий қарашларини кузатиш орқали шунга амин бўламанки, у ниргун бхактидан сагун бхактига осонликча ўтиб кетаверади. Бунга Гйанешварнинг бхактисига таъриф берган Ш.Р. Патилнинг куйидаги сўзлари орқали ишонч ҳосил қилишимиз мумкин: *“Гйанешвар одамларнинг оғирини енгил қилар, билимсизларга билим*

---

<sup>65</sup> Брахма, Вишну, Шива, Рам, Кришна, Гуру Нанак, Махавир. Будда, нисронийларда Исо ва Мария кабилар

<sup>66</sup> Шубхадра Равиндра Патил. Махараштр ка сант парампара. Дилли. 1995. В 63



Эришмоқчи бўлдинг ҳақиқий Устозга расмиятчилик йўлида,  
Мана жой олди кўнглингдан ахири Рамане<sup>80</sup>

**Мусулмонлар танқиди:**

22.11 Шайх, агар сен ҳаёт ҳақиқатини тан олишга ожиз бўлсанг,  
нега Каабага (ҳажга) бординг.

Қарори қатъий бўмаган ким Яратганни топа олибди<sup>81</sup>.

24.1 Қўлга тасбеҳ олиб Яратган номини такрорлайдилар,  
юракда эса дунё лаззатарига бўлган хавас жўш урар<sup>82</sup>.

24.7 Тасбеҳ санаш бефойда, унинг гуноҳи кўнглингга бўлади юк.  
Ташқаридан дарвеш кийимидасан, кўнглинг эса гуноҳ макони.<sup>83</sup>

24.10 Тасбеҳ санаш бефойда, (агар) сенда бхакти бўлмаса.  
Соч соқолинг қирдириб, йўлинг бўлди гуноҳкорлар йўлида<sup>84</sup>.

**Йоғачилар танқиди:**

24.17 Тана йогаси билан шуғуланувчилар кўп, лекин, кўнгли йўгаси  
билан ҳеч ким шуғуланмайди.

Барча сиддхлар<sup>85</sup> саҳажга эришдилар, (чунки) кўнгли йўгаси билан  
шуғулландилар<sup>86</sup>.

Бундай танқидий мисраларни деярли ҳар бир сантнинг шеърятида,  
фалсафий карашларида ва кундалик фаолиятида кузатиш мумкин.

Ниргун ва сагун тушунчалари адабий жараёнларда ҳам алоҳида  
аҳамият касб этади. Яъни, манбаларда бхакти ғоялари таъсири остида  
шаклланган айрим шоирларга бхакт, айримларига эса сант нисбаси  
берилишининг гувоҳи бўламиз. Масалан, сант Кабир, сант Малукдас,  
санти Даду, сант Ражжаб ва ҳоказолар. Лекин, Сурдас, Тулсидас,  
Мирабаи, “Аштачап” шоирлари, қўйингки бирон бир аниқ қиёфага эга  
бўлган маъбудга эътикод қилувчиларнинг барчасига бхакт нисбаси

<sup>79</sup> Ўша китоб, Б.79

<sup>80</sup> Ўша китоб, Б.71(Раване- ёвузлик тимосли)

<sup>81</sup> Ўша китоб, Б.76

<sup>82</sup> Ўша китоб, Б.78

<sup>83</sup> Ўша китоб, Б.78

<sup>84</sup> Ўша китоб, Б.79

<sup>85</sup> Ғайритабиий куч қудратга эга бўлган ва руҳий озодликка эришган 84та

авлиё

<sup>86</sup> Ўша китоб, Б.79

берилади. Бхактидаги бу икки хил - сант ва бхакт нисбаларининг асосида ҳам сагун ва ниргун бхакти ҳақидаги назария ётади.

Бхактининг сагун йўналиши, ўз навбатида, ҳудудларга қараб турли йўналишларга ажратилган. Бунга кўра бхакти шаклланган ҳудуд халқи қийси маъбудга эътиқод қилса, бхакти шу маъбуд номи билан юритилган, жумладан, Тамилнаду штатида аввал шивбхакти, кейинчалик вейшнава бхакти шаклланган. Шимолда эса, ўз навбатида, Вишну бхактининг мантиқий давоми сифатида икки йўналиш - Рамбхакти ва Кришнабхакти йўналишлари шаклланган. Рам ва Кришна маъбудлари эса бхакти ҳаракати сусайиб, жамиятда янги жараёнлар, янги ҳаракатлар бошланиб, Ғарб таъсири кучайган бир даврда ҳам ҳинд жамиятидан узоқлашмаган ва ҳанузгача ҳинд халқи эътиқод қиладиган асосий маъбудлар сифатида сақланиб қолмоқда.

Сант ва бхакт масаласини тадқиқ этиш жараёни шуни кўрсатдики, ниргун мавҳумлик, сагун эса аниқлик билан боғлиқ жараён. Яратганнинг қиёфаси бўлмайди, У мавҳум бир куч кудратдир деган назария, асосан, ислом динига хос бўлиб, ислом динида будпарастлик қаттиқ қораланади, лекин ислом динида ҳам бу дунёнинг ўзида Яратганнинг дийдорига етишиш тушунчаси мавжуд ва бу тушунча тасаввуф таълимотига хос. Хусусан, Тасаввуф китобида Яратганнинг зотини тушунтириш учун қуйидаги сўзлар келтирилган: *“Худони ҳамма ҳам мутлақ Қудрат ва абадий-азалий зот деб билади. Унинг исми ҳам, ифодаси ҳам йўқ. ...Зеро, Парвардигор Буюк бир гоҳ, мавҳумият. У бирор шаклга, суратга сизмайди, гарчи жами шакллар, суратлар Ундан бўлса ҳам”*<sup>87</sup>. Бу ерда шундай савол туғилиши табиий, яъни сўфий Яратганнинг дийдори деганда нимани назарда тутати ва нимага етишиш, нимани кўриш ниятида бўлади? Бу саволга сўфийлар Аллоҳга етишганда кўз билан кўриш қийин бўлган, кўзни камаштирадиган даражадаги ёруғ нурга, ёруғликка етиши ва мана шу нур улар учун Аллоҳнинг дийдори эканлиги манбаларда тушунтирилади. Жумладан, Тасаввуф китобида, *“Ҳақ нурига гарч бўлиб, унинг жамоли ҳароратида ёнмагунча Ҳақни англаб бўлмайди”*<sup>88</sup>, - деб айтилган Навоийнинг сўзлари келтирилса, китобнинг бошқа бобида *“Румий тажаллиёт фалсафасининг мутафаккири сифатида*

<sup>87</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Т.:2009. Б.264

<sup>88</sup> Ўша китоб, Б. 40

Аллоҳ нурининг бутун мавжудот бўйлаб тарқалиши, ҳар бир нафислик, оханглар, ҳаракатларда бу нур зуҳур этишини газалаларида тараннум этган”<sup>89</sup>, - деб Жалололдин Румийнинг сўзларини келтиради тасаввуфшунос олим Н. Комилов. “Тасаввуф фалсафасига биноан, Аллоҳ таоло, аввал Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурини яратди. Сўнгра шу нур туфайли оламларни ва одамларни яратди. Шундай қилиб олам асосида Муҳаммад нури ётади”<sup>90</sup>. Ҳинд фалсафасида эса кўз билан кўриш мумкин бўлган ҳар қандай нарса эса аникликка, яъни сагунга йўналтиради, деб ҳисобланади. Бу борада тасаввуфга оид бир ривоятни келтириш мумкин, унга кўра, “Нажмиддик Кубро Табризда Бобо Фараж деган сўфий билан учрашади ва кўнглида унга муҳаббат уйғонади. Бобо Фараж қабулига борганда, бир муддатдан кейин Бобода кучли ўзгариш юз беради... унинг вужуди “худди офтобдай порлаб” кетади”<sup>91</sup>. Демак, ислом тасаввуфида абстрактлик билан бир қаторда, қайсидир маънода, аниклик ҳам мавжудлигини юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан билиб олишимиз мумкин.

Ниргун ва сагун бҳакти масаласида шунини таъкидлаш лозимки, назарий жиҳатдан ниргун ва сагун бир-бирига тескари назариялар ва улар мураккаб ҳинд жамиятида асосли равишда мавжуд. Яна ҳам аникроқ қилиб айтганда, ниргун ва сагун назарияси хилма хил дин вакилларида ташкил топган ҳинд жамиятида бҳактининг тенглик ғоясини таъминловчи бир восита сифатида хизмат қилган. Инсон бу дунёда бўлмаса-да, у дунёда Яратган билан учрашиш, бу дунёда қилган ҳар бир яхши ёки ёмон ишлари учун Яратган олдида жавоб бериши ҳақидаги назария ҳар бир динда мавжуд. Бу ўз ўзидан ниргунликдан сагунликка ўтиш жараёни ҳақиқатан ҳам мавжуд эканлиги ва бу жараён инсонда ўзи билмаган ҳолда содир бўлиши асосли эканлигини кўрсатади.

Демак, бҳактидаги сагун ва ниргун тушунчаларига, хулоса сифатида, шунини айтиш мумкинки, сагун ҳам, ниргун ҳам ўз моҳиятига кўра ўзининг назарий ва амалий асосига эга ва бу ҳодиса ҳинд жамиятида диний-фалсафий жараёнларда ҳам, адабий жараёнларда ҳам ўз тасдигини топган. Лекин, ҳинд жамиятида сагун йўналиши кенгрок, ниргун йўналиши эса торрок доирага эга. Бу хулосанинг асосли

<sup>89</sup> Ўша китоб, Б.268

<sup>90</sup> Ўша китоб, Б. 42

<sup>91</sup> Ўша китоб, Б.45

эканлиги яна шунда намоён бўладики, манбаларда сантга бхакт нисбаси берилганлик ҳолатини кузатиш мумкин, лекин бхактга сант нисбаси берилган ҳолат хали ҳеч бир манбада учратилмади, яъни Кабир, Ражжаб, Дадү, махаштрлик Гйанешвар, Намдев, Тукарам ва бошқаларга баъзан сант ва баъзан бхакт нисбаси берилади, бироқ ҳеч қайси бир манбада Сурдас, Тулсидас, Нанддас, Говиндсвами, Чхитсвами, Кумбхандас ёки жайн бхактлар Хирвижайсури, Вижайсенсури, Шангичандрасури, тамиллик алвар ва найанмарларга, пессимлик бхакт Шанкардевларга сант нисбаси берилган ҳолат умуман учрамади, шу билан бир қаторда, бу масала бўйича ҳинд мутахассислари ҳам сагун бхактларга сант нисбаси берилмаслигини тасдиқловчи фикрларни ҳам билдирадilar. “Аштачхап” шоирларидан Кришнадас ҳақида “Кришнадас, адашиб бўлса ҳам, ниргун бхакти йўналишида биронта ҳам мисра яратмаган”, - деб ёзади ўз талқиқотларида Н.М. Сазанова ҳам.

Сагун ва ниргун масаласига, ўз вақтида, бобурий шоҳлардан Аурангзеб ҳам жуда қизиққан ва ўзи ҳурмат қилган сант Малукдас билан бўлган суҳбатлардан бирида 84 ёшлик Малукдасдан бу ҳақда шундай деб сўраган экан: *“Бобожон, сиз ҳам Аллоҳнинг ягона эканлигига ва унинг ҳеч қандай қиёфаси йўқлигига ишонсангиз, унда айтингчи, ҳиндулар Аллоҳнинг шунча қиёфасини қаердан ўйлаб топдилар, бу ахир қуфрку?”,* - деб сўраганида Малукдас ўта босиқлик билан шундай деб жавоб берган экан: *“Ҳа, Аллоҳнинг яқкалигига ҳеч қандай шубҳа йўқ, шубҳа бўлиши мумкин ҳам эмас. Лекин, ўша ягона Аллоҳ зарра-зарраларда барчамизга само бўлиб кетган ва барчамизда унинг нури мавжуд, шундай экан ўша нурларни кўришнинг нимаси қуфр? Кимдир, ёки Сизнинг ўзингиз, Аллоҳни тўғридан тўғри кўрганмисиз? Тўғридан тўғри кўролмагандан кейин, уни қушларда, жонзотларда, табиатда, барчамизда кўришнинг нимаси ёмон. Менинг наздимда эса Аллоҳ номи билан одамларни табақаларга ажратишни ҳақиқий қуфр, дейиш мумкин”<sup>92</sup>.*

Багрикенглик ва тенглик тушунчаларини камраб олувчи ниргун ва сугун атамалари мураккаб ҳинд жамияти учун зарур бўлган мафкурани ишлаб чиқишда жуда қулай назарий асос бўлиб хизмат қилган. Чунки, бу назария асосида сен Оллоҳга сиғинасанми, Кришна ёки Рамга

---

<sup>92</sup> Балдев Ванши. Малукдас. Дехли. 2007. Б.22 бет

сигинасанми, Исо ёки Буддани тан оласанми бхакт, сант ёки суфий бўла оласан, яъни Яратганга яқинлашиб, бу дунёнинг ўзида унинг висолига ета оласан, деган гоё яширинган. Демак, сагун ва ниргун бхакти барча динларнинг охирги манзили бир эканлигини таъкидлаб, бу йўлда фақат садоқат, тенглик ва бағрикенглик хусусиятларига эга бўлган инсонгина ўзининг олий мақсадига эриша олиши мумкин, деган қарашларни илгари сурган ва бу икки атама бхактининг оммавий тус олишида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этган.

Ниргун ва сагун таълимоти ҳинд жамияти ва бхакти йўлига кирган барча дин вакиллари ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни олдини олди ва уларни, қайси дин, миллат ва каста вакили бўлишидан қатъий назар, бхакти йўлида адашмай, камситилмай, эркин қадам ташлашлари учун қулай имконият яратиб берди. Чунки, бхакти сўзи заминидан ҳар бир маъбуд ягона Яратганнинг минг бир қиёфасидан биридир, кимга эътиқод қилиш эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола, инсон сифатида ҳар бир кишининг бурчи барчанинг эътиқодига ҳурмат ва эҳтиром билан қарашдан иборатдир, деган гоё ётади.

Бхакти бутун Ҳиндистон миқёсида шаклланган ҳаракат, лекин бхакти ҳаракати деганда, албатта, жанубий ёки шимолий бхакти сифатида ўрганилади. Жанубий ва шимолий бхакти ҳаракатларини қисман қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, кўпгина ҳинд тадқиқотчилари, тарихчи ва адабий танқидчилари томонидан бхакти ҳаракатига ва унинг давр руҳига таъсири масаласига, хоҳ у жанубда бўлсин, хоҳ шимолда, бир хил таъриф бериш хосдир. Жумладан, тамил адабиётшунос олими Н. Махалингам жанублик бхакт шоир Аппар ижодига бағишланган ўз тадқиқотида бхактига таъриф бериб, *“Шивбхактининг ажойиб таъсирини Тамилнаду халқининг диний дунёқарашида, санъати, маданияти, архитектураси, мусиқаси ва бошқа бир қанча соҳаларида кузатиш мумкин”*<sup>93</sup>, - деб ёзади. Муаллиф мазкур тадқиқотида Аппар ижодига мансуб 400га яқин падлар (мисра)ни тамил тилидан ҳиндий тилига таржима қилиб, уларни таҳлил қилган, шеърларга изоҳлар ёзган. Аппардан ташқари тамил шивбхактларидан Тиругансамбандхар, Тирумудар, Маниккавачкар,

<sup>93</sup> Махалингам Н. Тамил Шивбхакт кави Аппар. Дилли. 2002. Б.13

Тирувачакма ҳамда Сундармурти Найарлар ижодига оид тадқиқотлар ҳам ҳиндий тилига ўғирилган ва нашр эттирилган.

Шимолий Ҳиндистон бхакти ҳаракати ҳам ўрта асрларда ўзининг уч юз йиллик ҳукмронлик даврида ҳинд жамиятининг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий-маърифий ҳаётида жуда катта ижобий ўзгаришлар содир этган. С. Д. Бансал таърифи билан айтганда: *“Ўрта асрларда бхакти ҳаракати ҳинд жамиятининг ҳаёти, маданияти, синъати ва адабиётига буддавийликдан ҳам кўра кучлироқ таъсир кўрсатди. Бу ҳаракат маданият ва адабиётга янги-янги гоёлар берди. Ҳинд жамиятига шундай бир янги дунёқараш, янги ҳаёт ва янги қадриятлар олиб кирганки, улар бугунги кунгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда”*<sup>94</sup>.

Бхактини нафақат халқ, балки шу даврда ҳукмрон бўлган бобурий шоҳлар ҳам кенг кулоч очиб кутиб олганлар. Ўзининг беғараз шиорлари билан бхакти қаҳри қаттиқ, ашаддик ислом тарафдори бўлган шоҳлардан Аурангзебга ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Дирҳақиқат, диний хилма хиллик мавжуд бўлган жамиятда айнан шундай гоёларга асосланган ҳолда иш юритиш мамлакатни нафақат ички, балки ташқи низолардан ҳам сақлаб қолишда катта аҳамият касб этган. Бу борада Бобурийлар сулоласининг бхакти ҳаракати ривожда тутган ўрни ва, ўз навбатида, бхактининг Бобурийлар салтанати шоҳлари учун сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан катта мафкуравий кўмак бўлиб хизмат қилганлигини ҳинд тадқиқотчилари алоҳида таъкидлаб ўтганликлари ҳақида кейинги бобларда батафсил маълумот берилади.

Халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида бунёдга келган бхакти ҳаракати қадимий ва мураккаб ҳинд жамиятида узоқ вақт давомида ҳинд диний-фалсафий қарашларининг турли назарияларини танқид остига олиб, эркин ва демократик тамойилларга таянган мафкура яратди ва ҳинд жамияти ҳаётининг ҳар бир соҳасига чуқур кириб бориб, ўзидан ҳар бир соҳада битмас туганмас мерос қолдирди. Бу мерос ҳанузгача кўп миллатли Ҳиндистон халқларининг диний, фалсафий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида катта аҳамият касб

---

<sup>94</sup> Сарожбала Деви Бансал. Асам ке бхакт кави Шанкардев эвам Сурдас ке кавья ка тулнатмак адйайан. Мератх, 1985. Б.8

этиб келаётган мерос сифатида баҳоланади. Тенглик тушунчаси эса кўп асрлар давомида кўпмиллатли ва кўпдинли ҳинд жамиятини ўзаро жипслаштириб, уларнинг бир мақсад сари интилишида энг ишончли мафкуравий қурол бўлиб хизмат қилган бўлса, садоқат гоёси билан ҳар бир инсонга ўзи танлаган йўлдан бориш, ўз маъбудига, ўз динига садоқатли бўлиш имкониятини яратди ҳамда уларда бошқалар эътиқодига ҳам ҳурмат кўзи билан қараш хусусиятларини тарбиялади.

Бхакт сўзи Ҳиндистонда, унинг ҳар бир ҳудудидида азалда ҳам, бугунги кунда ҳам ҳар бир ҳиндистонликда илик туйғуларни уйғотувчи сўздир. Бхакт қачон ва қаерда яшаган бўлишидан қатъий назар, у ҳақда ҳар доим ижобий фикрлар билдирилади ва ҳинд халқи улар билан ҳаммиша фахрланади. Хусусан, VI асрда яшаган жанублик бхакт шоир Аппарнинг Тамилнаду ҳудудининг Тирувадигей номли жойида курдирган Шива ибодатхонаси ҳанузгача шивбхактлар учун энг муқаддас зиёратгоҳ саналади, у ерда турли фестивалларнинг уюштирилиши, айниқса, Шива маъбудиди билан боғлиқ тадбирларнинг катта тантана билан нишонланиши, Аппар шеърларининг мутолаа этилиши анъана бўлиб қолган. Тамил ва ҳиндий адабиётларининг йирик мутахассиси бўлган Балсубраманиям раҳбарлигидаги махсус гуруҳ томонидан тамил бхакти адабиёти намуналарини (хусусан, Аппар ва тамил алвар ва найанмарларининг шеърятини) бугунги кунда тамил тилидан ҳиндий тилига таржима ва нашр қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Ёки бўлмаса, XVI аср шимолдан чиққан сант Малукдаснинг Дехлидаги Йога ашрами<sup>95</sup> ҳанузгача фаолият кўрсатиб келади. Айтишларича, у ерда Малукдаснинг ўн тўртинчи авлоди иш юритиб келаётганига Ҳиндистон сафарларида шохид бўлганмиз. Малукдаснинг замондоши бўлган “Пушти” сектасининг асосчиси Валлабхачарьянинг авлодлари ҳам Бراج ҳудудидида ҳанузгача ўз фаолиятларини тор доирада бўлса-да, давом эттириб, секта аъзоларининг адабий меросини ҳиндий тилига ўгириш ишлари билан шуғулланиб келмоқдалар. Умуман олганда, ижоди ҳали махсус ўрганилмаган кўпгина бхакт ва сант шоирлар ҳақидаги янги нашрларнинг асосий қисми XXI аср биринчи ўн йиллигига тегишли эканлиги бхакти ҳаракати қолдирган адабий ва маданий меросга бўлган ҳурмат ва қизиқишнинг бугунги кунда ҳам ҳинд жамиятида

---

<sup>95</sup> Йога бўйича оддий халққа бепул таълим бериладиган даргоҳ

сўнмаганлигини кўрсатади. Бхакти гоёлари Ҳиндистон ҳудудида чиқиши мумкин бўлган турли диний низо ва тўқнашувларнинг олдини олиши йўлида қўйилган энг муҳим қадам сифатида мураккаб ҳинд жимияти учун нафақат ўрта асрларда, балки бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқдир, зеро унинг ҳудудида ҳанузгача турли дин ва миллат вакиллари истиқомат қилиб келмоқда.

Бхактининг кейинги давр ҳинд жамиятида тутган ўрни ҳақида сўз юритадиган бўлсак, унинг кўпгина XIX- XX аср сиёсий ва диний ривожлар дунёқарашига таъсири бўлганини уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолиятлари доирасида айтган сўзлари, амалга оширган ишларида кузатишимиз мумкин, жумладан, XX асрнинг биринчи ярми бутун Ҳиндистон миқёсида мустақиллик учун, инглиз мустамлакачиларига қарши озодлик учун кураш йиллари бўлган. Бу курашларнинг, айниқса, 40-йиллардан кейин жуда авж олгани шу давр абадий меросида<sup>96</sup> яққол кўзга ташланади. Инглизлар ҳинд халқининг кўп йиллик озодлик курашларидан сўнг Ҳиндистондан чиқиб кетган, лекин кетиш олдидан мамлакатни диний тафовутлар асосида иккига ажратиб, ҳиндулар ва мусулмонларни бир-бирига абадий душман қилиб кетиши натижасида дунё харитасида ягона Ҳиндистон ўрнига икки мустақил давлат Ҳиндистон ва Покистон давлатлари вужудга келгани барчамизга маълум.

Ҳиндистон мустақиллиги учун курашлар раҳнамоси бўлган Махатма Ганди озодлик кураши йўлида жайнларнинг “ахинса” - “қуч ишлатмаслик” номи билан юритилган сиёсатини қўллаган ва, айнан, шу сиёсат орқали Ҳиндистонни инглизлардан озод этишга муваффақ бўлган. Гандининг бу сиёсатининг асосида, алабатта, унинг Британияда олган таълими, Жанубий Африкада олиб борган сиёсий курашлари, ижтимоий ва сиёсий фаолият жараёнида орттирган тажрибалари, ва, энг асосийси, унинг диний-фалсафий қарашлари ётади. Махатма Гандининг дунёқарашига, айниқса, ҳиндуизмнинг тараққийпарвар ва жайнизмнинг ахинса таълимотларининг ҳамда ҳиндулар ва мусулмонларни бирлаштиришда бхактининг тенглик ғоясининг

---

<sup>96</sup> Яшпал, Вишну Прабхакар, Сарожини Найду, Назрул Ислам, Файз Аҳмад Файз, Жош Малиҳабади, Аҳмад Надим Қосимий, С.К. Чаухан, М. Гупта ва бошқалар.



таъсири кучли бўлган ва ўзининг амалий фаолиятида ундан жуда кенг фойдаланганини кузатиш мумкин.

Ҳиндистон Миллий озодлиги курашининг етакчиси сифатида Ганди халқ орасида шаклланган камбағалликни енгиллаштириш, аёллар эркинлиги, турли миллат ва динлар орасида биродарлик ва қардошликни ўрнатиш, шахсий дахлсизлик, табақа ва тоифалар дискриминациясига йўл қўймаслик, миллатнинг иқтисодий мустақиллиги ва, энг муҳими, “сваража” – “ўз-ўзини бошқариш” каби Ҳиндистоннинг бошқа давлатлар ҳукмронлигидан озод бўлишига қаратилган турли ҳаракатларга етакчилик қилган.

Ганди дин халқни эзиш, камситиш, уларни бир-биридан ажратиш, бир-бирига душман қилиш қуроли бўлиб қолмаслиги учун курашган ва ўзининг хал манфатларини ҳимоялашга қаратилган сиёсатини шакллантириш ва мустаҳкамлашда, ҳинд халқининг бирдамлигини таъминлаш йўлидагина диний ақидалардан фойдаланган. Ганди ўзининг чиқишларида доим ҳеч қандай янги фалсафий тизимни яратмагани, фақат мавжуд диний таълимотлардан ўзининг сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланганлиги ҳақида гапириб ўтган ва ўзини “амалий идеалист” деб баҳолаган. Ганди ўзининг оммавий чиқишларида Яратган ҳақида жуда кўп гапирган, ўзининг сиёсий мақсадларини диний китоблардаги билимлар ёрдамида асослаган. Фалсафанинг нима бирламчи деган саволига у объектив идеалист сифатида жавоб бериб, “*Худо мен учун адолат ва меҳр, ахлоқ ва ҳулқ, ҳамда довжораклик тимсолидир*”, - деб айтган.

Гандининг дунёқарашига жайнизмнинг “ахинса” таълимотининг таъсири яққол кўзга ташланади. Жайнларнинг бу таълимотини душман билан кураш йўлида қўллаш фикрини кўпчилик сиёсатчилар, хусусан Гандининг сафдошлари ҳам қўллаб-қувватламаган бўлсалар-да, Ганди ўзининг инглизларга қарши курашида бу назарияни энг катта маънавий ва сиёсий қуролга айлантира олган. Жайнларнинг таълимотига Ганди бхактининг меҳр ғоясини қўшиб, “ахинса” таълимотига бутунлай бошқа, янги тус берган. Унинг айтишича, *табиатда биз ўзаро меҳр ришталари билан боғланганмиз. Ҳар бир предмет тортишиш кучига эга. Мана шу тортишиш кучи эса меҳрдир. Қаерда меҳр ҳукм сурса, уша ердагина ҳақиқий ҳаёт бўлиши мумкин*, деб ҳисоблаган Ганди.

Хусусан, шаркшунос олим М. Имомназаров<sup>97</sup> ҳам Исломи минтақа миданияти доирасидаги маънавий такомил босқичлари ҳақида сўз юриганида, бу такомил жараёнини тўрт босқичга ажратиб кўрсатади: биринчи босқич – *Ибрат* (VIII-IX асрлар) Иккинчи босқич - *Илм* (IX-XI асрлар), учинчи босқич - *Риёзат* (XII-XIII асрлар) ва тўртинчи босқич - *Меҳр* (XIV-XV асрлар). Кўришиб турибдики, бу босқичларнинг энг муқиммали бўлган *меҳр* босқичи бхакти ҳаракатининг меҳр ғояси билан бутунлай ҳамоханглик касб этади.

Ахинса таълимотига берилган анъанавий таърифга ҳам Ганди бутунлай бошқача ижобий тус берган, яъни “куч ишлатмаслик” бу “*фаолсизлик*” эмас, аксинча “*фаоллик*” дир, деб таърифлаган. Чунки, бу ғояни амалда қўллаш учун инсонда меҳр ва ирода бўлиши лозим, дейди. Ахинса бу ироданинг намоён бўлишидир. Чунки, кучли инсонгина ўз душманига меҳр бера олади ва унга зарар етказишдан унинг тия олади. Шу боис, у куч ишлатмасликни ва меҳрни бир-бирига ушвий боғлиқ ҳаёт қонуниятлари (категории) деб ҳисоблайди. *Меҳр азобланиш демакдир. Агар, меҳр азобланиш бўлса, демак азобни ҳатто душманинг берса ҳам чидаш лозим. Душманга меҳр бериш эса довуракликдир. Фақат меҳргина ҳамма нарсани энгиш хусусиятига эга, дейди Ганди. “Ахинса” ҳақида унинг куйидаги сўзлари ҳам диққатга сазовордир: «Мен учун ахинса – ҳиндуизмнинг энг катта фахридир. Куч ишлатмасликни кўпинча дарवेशона ҳаёт кечирувчиларга нисбатан талқин қиладилар. Мен бу фикрга қўшилмайман. Мен ўйлайманки, куч ишлатмаслик инсоннинг ҳаёт тарзи бўлиши керак ва Ҳиндустон бунини бутун дунёга намоён этиши лозим»<sup>98</sup>.*

Гандининг кўпгина бошқа қарашлари ҳам бхакти ғоялари билан, бхакт шоирлар фикри билан жуда ҳамоханг бўлган. Масалан, тенглик ғояси ҳақидаги Гандининг қарашларини унинг сўзлари орқали англаш мумкин. Турли дин вакилларида ташкил топган ҳинд жамиятида яшаган, ҳар бир диннинг муқаддас китоби билан таниш бўлган Ганди динларни ўрганиб чиқиш асосида шундай хулосага келади: биринчидан, *ҳар бир дин муқаддасдир*, иккинчидан, *ҳар бир дин ҳам камчиликлардан ҳоли эмас*, учинчидан, *ҳар бир дин мен учун ҳиндуизмдек қадрлидир*. Бхактидаги тенглик ғояси эса айнан шундай

<sup>97</sup> Имомназаров М. Минтақа адабиёти ривожиди тасаввуфнинг ўрни. Қаранг; Бадний адабиёт ва тасавуф тимсоллари. -Т.: 2010. Б.9

<sup>98</sup> Ганди «Моя жизнь». М., 1969. Б.568-569

дунёкарашни талаб этган ва Гандида бу ғоя ўзининг амалий тасдиғини топган. Яратган ва инсон ҳақидаги қарашларда Гандининг фикрлари сант Кабир қарашлари билан ҳамоҳангдир. Кабир - «*Инсонга хизмат қилиш Яратганга хизмат қилиш билан тенгдир*» - деган ва бунга ўзи бутун умр риоя қилган. Ганди ҳам Яратганга бўлган бор меҳрини ўз халқига, ватанига, инсонга хизмат қилиш билан амалда исботлаган. Ганди ҳиндуизм таълимоти асосида *инсонни Яратганнинг зарраси* деб билади, ислом тасаввуфида эса «*қатранинг денгизга қўшилиши, қатра денгиздан нишона, денгизнинг моҳияти қатрада ифодаланган*»<sup>99</sup>, - деб инсон ва Яратгувчи ўртасидаги алоқа даражаси тушутирилади. Сант Кабир эса инсонни Яратгандан ҳам юқори қўйиб шундай дейди: «*ҳали ким буюклиги номаълум, инсонни яратган Худоми ёки Худонинг буюклиғини яратган инсонми*»<sup>100</sup>. Ёки бўлмаса, «*бутун умр худони изладим, ибодатхоналарга бордим, зиёратлар қилдим, охирида маълум бўлдики, у менинг қалбимда (ичимда) экан*»<sup>101</sup>, - деб инсон қалбини Аллоҳнинг уйи, инсон Аллоҳнинг бир зарраси эканига ишора қилган бўлса, тасаввуфшунос олим Н.Комилов «*...инсон қалби Аллоҳнинг уйи, бу уй қанча тоза, саришта бўлса, Аллоҳ нури, Аллоҳ илму ҳикмати унда шунча акс этади*»<sup>102</sup>, - деб ҳинд шоири Кабирга ҳамфикр бўлаётгандек туюлади.

Ганди фаолиятининг бҳактига яқинлиги яна шунда намоён бўладики, у бҳактини тарғиб этган файласуфларга ўхшаб амалий ислоҳотчи бўлган ва ҳар бир ишда панд-насихатдан кўра кўпроқ ўзи шахсан ўша ишни амалда бажариб бошқаларга намуна кўрсатган. Шу боис, диннинг ҳар бир назарияси ва таълимоти Ганди фаолиятида ўзининг амалий тадиғи ва натижасини тез топган. Ҳаттоки, сиёсатчилар тан олмаган «куч ишлатмаслик» таълимотини ҳам Ганди ўз сиёсатининг асосий тамойили сифатида қўллаб, аниқ натижаларга эришган ва Ҳиндистонни инглиз мустамлакачиларидан озод этган. Ҳиндуизм, жайнизм ва бҳактининг энг инсонпарвар ва адолатпарвар ғояларининг гўзал чатишмасида фаолият олиб борган Гандини ҳинд халқи «*Махатма*» – «Буюк қалб эгаси» деб бежиз айтмаган, албатта.

<sup>99</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Т.: 2009 Б 37

<sup>100</sup> Рағхуванш. Кабир эк найи дришти. Илахабад, 2009Б. 28

<sup>101</sup> Уша китоб, Б.33

<sup>102</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Т., 2009. Б.266

Ҳинд халқининг турли даврларда яшаган икки буюк шахси - Ганди ва Кабирнинг дунёқарошига бир назар ташлаш асосида шунини айтиш мумкинки, агар сант Кабир ҳинд халқи учун буюк инсонпарвар шоир бўлса, Махатма Ганди буюк инсонпарвар сиёсатчидир. Тили, дили ва имоли бир бўлган инсоннигина ҳақиқий бхакт дейиш мумкин. Бу мисолида Кабир ва Гандини бхактининг барча талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган инсонлар, деб баҳолаш мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 2007 йил 15 июнда Махатма Ганди туғилган 2 октябрни бир овоздан “*Халқаро дунёга қарши кураш кун*” деб эълон қилиши эса Ганди ва гиндизмнинг жаҳон миқёсида тан олинганлигининг исботидир.

Ҳиндистоннинг Кашмир худудидаги бугунги кун воқеалари ҳам бу худудда бхакти ва ахинса таълимотларининг етишмаслигини кўрсатади, десак хато бўлмайди. Чунки, ҳиндулар ва мусулмонлар Кашмирда азалдан бирга аҳил яшаб келганлар. Ўрта асрларда тасаввуфни бхакти ҳаракатлари таъсирида Кашмирда Лаллешвари, шайх Нуриддин ва бошқа бир қанча<sup>103</sup> таниқли, халқ орасида шеърлари ёд бўлиб кетган суфий шоира ва шоирлар етишиб чиққан. Улар ўзларининг тенглик, меҳр ва садоқат туйғулари билан йўгрилган шеърлари билан Кашмир худудида яшовчи турли эътиқодли кишиларни бирлаштиришга, аҳил ва иноқ бўлиб яшашга ундаганликлари ва бу саъй-ҳаракатлар, албатта, ўз натижасини берганлиги ҳақида Кашмир тасаввуф адабиётини ўрганган Низомиддин ўз тадқиқотида таъкидлаб ўтган<sup>104</sup>.

Демак, бхакти диний-ислоҳотчилик ҳаракати бўлиб, келиб чиқиши жиҳатдан жуда қадимий ҳисобланади. Ўрта асрларда ҳинд жамиятида бхакти ижтимоий ҳаракат сифатида кенг тарқалиб, ўз даврининг мафкуравий байроғига айланган. Мазмун моҳиятига кўра инсон ички олами, дунёқароши ва эътиқоди билан боғлиқ бўлган ва халқ манфаатлари йўлида шаклланган, доимий равишда инсоннинг ички ва шу орқали ташқи оламини ижобий томонга ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган бхакти ҳаракати ҳар бир инсон учун, ҳар бир жамият учун ва ҳар бир давр учун зарур бўлган таълимотдир, дейиш мумкин.

---

<sup>103</sup> XIV - XIX асрларда Кашмирда яшаган суфийлар: Рупбхавани, Саид Мир Кабир Хамадони, Маҳжур, Макбул шах, Вали Аллах Маттух, Бабдйад, Шах Гафур, Маҳмуд Гами, Шаме Факир, Нйам Саҳеб ва б.

<sup>104</sup> Низамуддин. Кашмир ке сант кави шейх Нуриддин, Дехли, 1998

Бхакти адабиёти билан боғлиқ барча манбалар шуни кўрсатдики, бхакти ҳаракати Ҳиндистоннинг жанубида ва шимолида йирик бир мафкуравий империяни яратган. Ҳар бир ҳодиса вақт ўтиши билан ўзининг ҳаққоний баҳосига эга бўла олганидек, бхактига ҳам асрлар ўтганидан кейин назар ташлаш асосида шуни айтиш мумкинки, бхакти, худди суфизмдек, диний-ислоҳотчилик йўлида ҳиндуизм дини мутаассиблигига қарши курашда бунёдга келган бўлса-да, ўша даврда ҳинд жамиятида ҳукмрон бўлган барча динларни ҳам қамраб олиб, уларнинг ҳар бирига ижобий таъсир кўрсатганини шу давр тарихий воқеалари ва адабий мероси орқали англашимиз мумкин. Ҳиндистонда ҳам бхакти даври энг адолатли, халқ манфаатлари юзага чиққан давр сифатида баҳоланади. Ҳиндистон тарихида, агар, иккита “Олтин давр” бўлса, уларнинг бири бхакти даври, аниқроғи, бхактлар билан доимий равишда мулоқотда бўлган, бхактларга ҳурмат кўзи билан қараган, уларни эъзозлаб, Ҳиндистоннинг бебаҳо инсонлари сифатида тан олган бобурий шоҳлардан Акбар шоҳ ҳукмронлик даври тилга олинади. Бхактининг мафкуравий империяси ўрта асрларга тегишли, илдизлари қадимий даврга, лекин унинг бугунги куни бхакт шоирлар ижодини чуқур ўрганиш ҳамда ҳинд жамиятида, айниқса, қишлоқ аҳли ўртасида, бхактлар асарларини ибодатхоналарда ёки оила даврасида мутолаа қилиш анъанасининг давом этиб келаётганлиги билан ҳарактерланади.

### **Бхакти адабиётида анъана ва ворисийлик: бхакти адабиёти ва ҳинд эпослари**

Бхакти ҳаракатининг аниқ ғояларга суянган ҳолда ҳиндуизм мутаассиблигига қарши курашганлиги бизга бхакти адабиётининг илдизларини, яъни манбаларини аниқлаш имконини беради. Шимолий бхактига асос солган файласуфлар вишнуизм йўналишида фаолият олиб бориб, халқ ўртасида Вишнунинг ер юзидаги тажассумлари Рам ва Кришна маъбудларига бўлган эътиқодни қайта тиклаш учун курашганлари боис бу жараёнда эпослар ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Демак, шимолий бхакти адабиётининг биринчи манбаи бу қадимий ҳинд эпосларидир.

Ҳинд адабиёти азалдан ҳиндулар дини (ҳиндуизм) билан узвий алоқада шаклланган. Санскрит тилидаги “Рамаяна” ва “Махабхарата” эпослари Ҳиндистон халқлари адабиётининг пойдевори, дейиш мумкин, чунки иккала эпос ҳам Ҳиндистондаги барча тиллардаги

адабиётларнинг ривожига энг катта таъсир кўрсатган асарлар ҳисобланади. Дин, фалсафа, тарих, адабиёт, шеърят, маънавият ва бошқа соҳаларга оид маълумотлар, назариялар ва билимлар миждасидан иборат “Рамаёна” ва “Маҳабхарата” эпослари ҳинд жамиятида икки муҳим вазифани, бири ҳинд жамиятига ҳиндуизм динини олиб кириш, иккинчиси, ҳиндуизм ғоялари акс этган бадиий асар вазифаларини ўтаган, шу боис иккала эпос ҳам *ҳиндуизм адабиёти* номи билан юритилади. Ҳиндистонда “Рамаёна” ва “Маҳабхарата” эпослари “*ҳалқ учун баён этилган ҳиндуизм*” ёки “*ҳиндуизмнинг халқ учун яратилган китоби*” деб ҳам таърифланади ва адабиёт тарихида бу давр эпик давр номи билан юритилади.

Ўрта асрлардаги ҳиндулар динини ислоҳ қилишга қаратилган ғоялар, энг аввало, адабий асарлар мазмунида ўз аксини топди ва бу адабиёт энди, аввалгидек, ҳиндуизм адабиёти эмас, *бхакти адабиёти*, деб номланди. Ҳиндуизм қарашлари ифода этилган эпослар ҳинд адабиёти ривожланиш тарихидаги қадимий эпик давр билан бхакти даври ўртасида узвий богликлик борлигини аниқ кўрсатди. Демак, бхакти ҳаракати ўз мазмун моҳиятига кўра динлар тизимида ҳиндуизмнинг, адабий жараёнда эса эпик даврнинг мантикий давомидир, дейиш мумкин. Аниқроқ қилиб айтганда, бхакти бу ислоҳ қилинган ҳиндуизм, бхакти адабиёти эса қайта яратилган эпослардир, чунончи қадимги Рамаёна эпосининг ўрта асрлар авадҳи тилидаги “Рамачаритаманаса” асари рамбхакт шоир Тулсидас (XVI аср) қаламига мансуб ёки бўлмаса кришнабхакт шоир Сурдаснинг (XVI аср) халқ тилларидан бири бражда яратган “Сурсагар” асари қадимий “Маҳабхарата” эпосининг бхакти ғоялари сингдирилган ўрта асрлар нусхасидир.

Бхакти ҳаракати туфайли бугунги кунда ҳинд халқи икки турдаги эпосга, бири мелоддан аввалги санскрит тилида яратилган қадимий эпосларга ва ўрта асрларда халқ тилларида яратилган ва бхакти ғоялари сингдирилган иккинчи эпосга эга. Икки давр эпослари ўртасидаги фарқлар масаласига келсак, қадимий эпосларда курашувчанлик, сиёсий ғоялар, қатъийлик, жанговорлик, конун устуворлиги кучли бўлса, бхакти даври эпосларида эса меҳр, мурувват, садоқат ва тенглик ғоялари кучли акс этирилган бўлиб, бу ғоялар эпослардаги ҳар бир образга чуқур сингдирилган.

Воқеалари мелоддан аввалги иккинчи минг йилликларда содир бўлган эпосларга нима сабабдан ўрта асрларда, деярли уч минг йилдан

кейин яна қайта мурожаат этилди, ҳинд жамиятида эпосларга бўлган бундай эҳтиёжнинг сабаби нима, деган саволлар туғилиши табиий ва бу саволларга бхакти адабиётининг ўзидан жавоб топиш мумкин.

Бхакти адабиёти, асосан, икки йўналишда – Рамбхакти ва Кришнабхакти йўналишида шаклланди. Бу йўналишларнинг номи эса ўз-ўзидан “Рамаяна” ва “Махабхарата” эпослари билан боғлиқ кетади. Рамга эътиқод қилувчилар “Рамаяна” эпоси билан боғлиқ воқеаларни ўз шеърятининг асосий мавзуси қилиб олган бўлса, Кришнага эътиқод қилувчилар “Махабхарата” эпоси воқеаларини қуйлади.

Умунан олганда, ижтимоий характерга эга бўлган бхакти ҳаракати халқ тилларидаги адабиётни ривожлантирган ҳаракат ҳисобланади ва бу даврда ким қайси ҳудудда яшаган бўлса, бхакти ғояларини ўз она тилида тараннум этган. Шу боис, Рам ва Кришнага бағишланган шеърят жуда кўп тиллар ва шеваларда - браж, авадхи, ражастхани, гужарати, бундели, чхаттисгархи, каннаужи ва бошқа шу каби кўпгина халқ тилларида яратилган. Лекин, улар орасида кришнабхакти адабиётининг энг катта мероси браж тилида ва Рамбхактининг энг катта мероси авадхи тилида яратилган.

Шу аснода, ўрта асрларда “Рамаяна” ва “Махабхарата” эпослари яна қайта халқ орасига кириб келди ва унинг воқеалари, персонажлари, адолат ва адолатсизлик ўртасидаги кураш, Рам ва Кришнанинг адолат ғалабасини таъминлаши ҳақидаги ҳикоялар халқ оғзида иккинчи марта дoston бўлди.

Шу ўринда ҳинд диний-фалсафий қарашларида ва қадимий манбаъларда<sup>105</sup> Рам ва Кришнага берилган таърифни келтириб ўтиш лозим. Кришна исми “барчани жалб этувчи” ва Рам исми эса “барчани шодлантирувчи” деган маъноларни англатади. Рам ва Кришна сўзларига қўшиб талаффуз қилинадиган *Ҳаре* сўзи эса “Тангрининг садоқатли хизмат қуватига мурожаат”<sup>106</sup> маъносини англатади, шунга кўра ҳиндулар Яратганга “*Ҳаре Рам*” ёки “*Ҳаре Кришна*” деб мурожаат қиладилар.

Маъбуд Рам жамиятда адолат ва тинчликни қонун устуворлиги орқали ўрнатади. Унинг шиори – қонунсизлик ва адолатсизликка қарши

<sup>105</sup> Йўга камолоти. Т.: 1996 (ҳиндуизмнинг муқаддас китоби Шримадбхагавад асосида тайёрланган китоб). Б.58

<sup>106</sup> Уша китоб, Б. 58

кураш ва бу курашда ижтимоий қонунлар ва маънавий поклик Рамнинг асосий қуролидир. Шу боис ҳинд халқининг обод турмуш, адолатли иш ҳақидаги орзулари доим Рам маъбудидан боғлиқ бўлган<sup>107</sup>. Рамда эзгулик ва ёвузлик кучлари деган тушунча мавжуд. Унга инсон табиатида хос бўлган барча ижобий в салбий ҳислатлар киради. Рамнинг маънавий поклиги билан барча ёвуз кучларни енга олади. Рам ва Сита жуфтлиги эса Ҳиндистонда садоқатли жуфтлик ва бахтли оила рамзидир.

Маъбуд Кришнага келсак, у беминнат ва чексиз меҳр-муҳаббат ва мурувват рамзидир. Бу дунёда у меҳрга ва унинг ҳар қандай қурбанишига хизмат қилади. Унинг кураш қуроли ҳам меҳр ва муҳаббатдир. Ҳиндистонда меҳр-муҳаббат билан боғлиқ ҳар қандай ҳодиса Кришна номи билан боғланади, севги ҳақида сўз борганида эса Радха-Кришна жуфтлиги ва уларнинг эхтиросли севгиси тилга олинади. Рамдан фарқли равишда Кришна эзгулик ва ёвузлик кучларини ажратмайди. Унинг фикрича, эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам ўша ягона Тангрининг каромати бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ёвузлик ҳам худди эзгулик каби ҳаётин заруратдир, деб ҳисоблайди Кришна.

Ҳинд диний фалсафий қарашларига кўра инсонга хос бўлган яхши ва ёмон сифатлар “кала”, яъни санъат сўзи билан юритилади. Масалан, сениш санъати, садоқатлилиқ санъати, ўғирлик, ёлғончилик, адолатлилиқ ва бошқа бир қанча санъатларни мисол келтириш мумкин. Ҳиндуларда уларнинг сони жами 64 та. Айтилишича, Рам бу санъатларнинг 12 тасининг соҳиби, Кришна эса барча 64та санъат соҳибидир, демак, Кришнанинг қўлидан келмайдиган ҳеч қандай санъат йўқ. Шуниси қизиқки, Кришнада барча салбий санъатлар ижобийга айланади ва доим эзгуликка хизмат қилади. Бунинг сабаби сифатида Кришнадаги ҳар бир санъат асосида меҳр-муҳаббат ётиши кўрсатилади ва бу санъат яхши ният билан амалга оширилади. Кришна

---

<sup>107</sup> «бахтли халқ ҳукумати деб ҳисобланадиган Кришнараджья ва Рамраджья (Рам ёки Кришна ҳукмронлиги) тушунчаларини бугунги Ҳиндистонда ўз сиёсий партиясининг дастури сифатида Ҳиндистон Миллий Конгресси, Коммунистик партиясидан тортиб Жаната партиягача қўллади. Махатма Ганди эса «Рамраджья» атамасини қўллашни яхши кўрган. Қаранг: Н.М. Сазанова «Океан поэзии Сурдаса» М.: 1983. - Б.68



эса, ўз навбатида, бу санъатларни ўзининг Олий Шахс-Худо<sup>108</sup> қиёфасида тажассум қилиб, Брах халқи орасида оддий чўпон бўлиб яшаганида амалий фаолиятлари билан исботлаб берган. Шу боис унинг “маҳанчўр”, яъни “қаймоқ ўғриси” деган тахаллуси бутун Ҳиндистон бўйлаб энг севимли ном сифатида қабул қилинади.

Демак, Кришна меҳр маъбуд, Рам қонун маъбуд, деб ҳисоблаш мумкин.

Бхакти адабиётининг энг катта йўналиши бу Кришнабхакти бўлиб, бу йўналиш асосан браж тилидаги шеърятдан ташкил топади. Кришнабхакти адабиёти ўзининг қамрови ва мероси жиҳатдан рамбхактидан анчагина катта бўлиб, бу йўналишда ижод қилган шоирларнинг саногии чексиздир. Уларнинг шеъряти, асосан, “Маҳабхарата” воқеалари, Кришнанинг болалик ва ўсмирлик даври саргузаштлари, Кришнанинг Радха билан муҳаббати, пандузодаларнинг адолат учун кураши ва Кришнага садоқатли бўлганлар ва ундан юз ўғирганларнинг ҳоли не кечиши ҳақидаги мавзуларни қамраб олади. Кришнабхакти шеърятининг энг катта меросини Сурдас (XV-XVI асрлар) бошчилигидаги “Аштачхап” шоирлари ва Мирабаи қаламига мансуб асарлар ташкил этади.

Ведалар давридаги маъбуд Индрага бўлган эътиқод “Маҳабхарата” даврида маъбуд Кришна томонидан яқун ясалгани ва Вишну ҳукмронлиги ўрнатилганлиги мавзусига ўрта аср “Аштачхап” шоирларидан бири Кришнадас ўз шеърларидан бирини бағишлаб шундай деб ёзган:

*Яшасин, яшасин Яшода ўғли,  
Индра гурурин синдира олган!  
Говардхан тогини қўлда кўтариб,  
бхактларга бахт улаша олган!  
Тошқиндан асради у чўпонларни –  
етти кунлик курашда енгди Девражни,  
Таъзим қилар Кришнадас Сенинг пойингга!*

ёки,

*Говардхан тогини қўлда кўтариб,  
янги анъанани бошлаган Сенсан,  
Индрага сабоқ бўлди бу,*

<sup>108</sup> Атама “Шримадбхагавад” китобидан олинди

деди таъзим ила у:  
“Мен ноҳақлик қилдим,  
эй, раҳмдил Олий зот!  
Сенга бош эгаман,  
юрагим тўри сенга!”<sup>109</sup>

Пандузода ва крузодалардан иборат икки авлоднинг тахт учун куришлари тасвирланган “Маҳабхарата” эпосида курузодаларнинг амликси Бхим ҳам, курузодаларда учинчи ўғил бўлган вазир Видур ҳам тарихда ақл заковат ва адолат тарозисини қўллашда тенги йўқ зот сифатида ном қолдирган. Бҳакт шоирлар ҳам ўз ижодида дошманлик тимсоли деб таърифланадиган вазир Видурга бағишланган мисраларни кўп яратган. Жумладан,

Уддхао<sup>110</sup>, юр, Видурнинг уйига,  
Бизни хуш кўрмаган Дурьйодхан уйида бизга нима бор?  
У устозга беҳурмат, манман ва мақтанчоқ,  
кутиб олишни ҳам билмайди.

(Видур уйининг) томи эски қамишдан, сув оқиб турар; синган чорпоя.

Аёли (Видурнинг) меҳр билан Кришнани уйига таклиф этди,  
хатто оёқ ювишга сув келтирди.

Ибодан юзин яшириб сўради у, “танаввул учун нима келтирай?”

Сен - уч олам сарвари, сендан нимани ҳам яширар эдим?

Биз эса сенга бўлган меҳр билан яшаймиз ҳар он,

Таътиб кўрарсен менинг сабзавотларимдан!<sup>111</sup>

Кришнабҳакти шеъриятида ижод қилган шоир ва шоиралар ўз ижодида Кришна ва унинг атрофидаги бошқа образлар ва воқеаларни жуда маромига етказиб, маънавий жиҳатдан анчагина бойитиб тасвирлаган. Халқнинг Кришнага бўлган эътиқоднинг кучайишида энг катта омиллардан бири шоирларнинг браж тилида ижод қилганлигидир. Кришнага бағишланган шеърятнинг айнан браж тилида яратилишининг сабаби бҳакти ҳаракати қадимда “Маҳабхарата” воқеалари бўлиб ўтган ҳудудда шаклланган ва бу ерлик аҳолининг она тили эса браж тили бўлган ва бу ҳудуд ҳам шу тил номи билан

<sup>109</sup> Сазанова Н.М. Нет жизни без Кришны. Составитель. М., 1992. Б. 154, 156 (шеърлар рус тилидан муаллиф таржимасида)

<sup>110</sup> Кришнанинг дўсти

<sup>111</sup> Цветков Ю.В. Сурдас и его поэзия. М., 1979. Б.128

“Бражбхуми”<sup>112</sup> деб юритилган. Бхакти ғояларидан таъсирланган халқ эса санскрит тилидаги Махабхарата ва Кришна билан боғлиқ воқеаларни ўз она тили бражда куйлай бошлаган. Диний нуқтаи назардан ҳиндулар браж тилини Кришнанинг тили деб ҳисоблайдилар ва, гўёки, Кришнанинг ўзи бхакти ҳаракати орқали халқ билан яқинлашиш учун айнан Браж юрти ва браж тилини танлаган, деган фикрларни ҳам билдирадилар<sup>113</sup>.

Бхакти ҳаракати ва Кришнани куйлаш орқали браж тили сўзлашув тилидан секин-аста ўрта асрлар адабий тилига айлана борган ва бхакти ҳаракатининг охиригача бу тил кришнабхакти адабиётининг ва, умуман, бхакти адабиётининг асосий тили бўлиб қолган. Ҳинд халқи, хаттоки, браж деганда Кришна ва бхаكتини, бхакти деганда эса Кришна, браж тили ва “Бражбхуми”ни тушунади.

Браж тилини адабий тил сифатида шаклланишида кришнабхакт шоирларнинг, айниқса Сурдас ва унинг атрофидаги шоирларнинг ҳиссаси жуда катта бўлган. Бу жиҳатдан, Сурдаснинг хизматларини Ҳазрат Навоийнинг ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги хизматлари билан қиёслаш мумкин.

Сурдас ўзининг бутун ижодини Кришнани, айниқса, унинг болалик даврларини куйлашга бағишлаган, демак, “Махабхарата” эпоси воқеаларига доимий равишда мурожаат этган. Сурдас ижодида биз “Махабхарата” эпоси воқеаларини ўзгача тарзда, яъни бхакти ғоялари кучли сингдирилган ҳолда қайта яратилганини кузатамиз, айниқса, унинг “Сурсагар” (“Сурдас шеърят уммони”) асари “Махабхарата” эпоси воқеаларини бхакти ғоялари, бхакти дунёқароши билан чамбарчас боғлиқ равишда куйлашга бағишланган. Асарда эпос воқеалари ва персонажлари акс этган бўлиб, унда меҳр оқибат, садоқат ғояларига ургу бериш билан бир қаторда ҳиндуизмдаги мутаассиблик ҳам қаттиқ танқид остига олинган ва бу танқидни Сурдас “Махабхарата” эпосидаги образлар орқали амалга оширган.

Эпоснинг асосий воқеаси, маълумки, буюк Бхаратанинг еттинчи авлодида бўлган ака-укалар, яъни курузодалар ва пандузодалар ўртасидаги тахт учун кураш жанглари бўлиб, бу кураш адолат ва

---

<sup>112</sup> Браж юрти. Бу ҳақда батафсирок маълумот учун қаранг: Муҳибова У.У. Индийская агиографическая литература. Т., 2008.

<sup>113</sup> Бундай фикрларни, айниқса, бхакти тарғиботчиларидан бўлган файласуф Валлабхаярья ва унинг шогирдларининг шеъриятида кўп учратиш мумкин.

идолатсизлик ўртасидаги кураш сифатида асарнинг етакчи ғоясини таъкил этади. Шунга кўра, Сурдас ўз шеърлятида асар персонажларини икки гуруҳга ажратган ҳолда тасвирляйди. Адолат ҳимоячилари бўлган пандузодалар ва уларнинг тарафдорлари адолат йўлида бўлиб, улар маъбуд Кришнанинг ҳимояси остида тасвирланади, идолатсизлик томонида бўлган курузодалар ва уларнинг тарафдорлари идолатсизлик, ноҳақлик йўлида бўлиб, улар, Сурдас наздида, Кришнадан юз ўгирганлар, деб ҳисобланади. Демак, Сурдас эпосда Кришна, пандузода ва курузодалар билан боғлиқ воқеаларга кўпроқ мувожаат қилган. Жумладан, “Маҳабхарата” эпосидаги кичик бир воқеани мисол келтириш мумкин. Асарда адолатсизлик йўлида бўлган курузодаларнинг энг каттаси Дурьодхан ўз куч-кудрати ва ҳокимиятини кўз-кўз қилиш мақсадида пандузодалар томонида бўлган идолатпеша Кришнани меҳмонга чақиради ва унинг келишига хилма хил таомлар ва ширинликлар билан безатилган катта дастурхон ёзади. Лекин, Кришна Дурьодханнинг уйида эмас, содагина хаёт кечирадиган донишманд вазир Видурнинг уйига мемонга боради. Видурнинг уйида Кришнани меҳмон қилиш учун гуручдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Эпосдаги мана шу кичик бир эпизод асар ғоясини ва бхактининг моҳиятини талқин қилишда катта аҳамият касб этади. Чунки, Кришна маъбуд, шу боис у фақат адолатпарвар инсонларнигина қўллаб қувватляйди. Тановул қилишдек оддий бир жараён билан идолат ҳимояси ўртасида ер билан осмончалик фарқ бор. Асарда мана шу кичик бир воқеа орқали Кришна барчага ўзининг асл мақсадини, яъни адолат қаерда бўлса, у шу ерда бўлишини кўрсатмоқчи бўлади. Албатта, бу нарса ҳокимият ва бойликка ружу қўйган Дурьодханнинг нафсониятига тегади ва у пандузодаларга яна ҳам кучлироқ душманга айланади. Кўпчилик учун севимли бўлган қадимий эпосдаги мазкур эпизод орқали бу ўткинчи дунёда моддий бойлик эмас, маъанавий бойлик, адолатсизлик эмас, адолат инсонни Олий мақсадлар сари етаклаши мумкин, деган ғоя илгари сурилса, Сурдас ўзининг “Сурсагар” асарида бу воқеа орқали бхакти ғоясининг куч- кудратини намойиш этган ҳолда Кришна бойлик эмас, меҳр ва садоқат гадоси эканлигини кўрсатмоқчи бўлади. Чунки, Кришна хилма хил таомлар билан безалган бой дастурхон ва ҳокимият эгаси Дурьодхан саройига эмас, камтарона хаёт кечирадиган донишманд Видурнинг меҳр туйғулари билан йўғрилган оддий кулбасидаги гуручни тановул

килишни афзал кўради, чунки Кришнанинг ўз вақтида шундай деб айтган сўзлари бор: *“Кимки Менга муҳаббат ва садоқат ила япроқ, гул, мева ёки сув таклиф қилса, Мен буларни қабул қиламан”*<sup>114</sup>. Сурдас бу эпизодда Кришнанинг оддий халқнинг кундалик таоми бўлган гуручни танлашини унинг халқпарварлигининг рамзи сифатида, Видурга бўлган меҳри ва хурматини эса унинг халққа бўлган меҳрининг рамзи сифатида тасвирлайди. Биз ўрта асрларда яратилган халқ тилидаги иккала эпосда ҳам эпос воқеаларининг аксарият қисми шу тарзда бхакти гоялари билан йўғрилган ҳолда тасвирланганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Сурдаснинг “Сурсагар” асари куйидаги таркибий қисмларга бўлинади: Кришнанинг вазир Видур уйда меҳмон бўлиши, унинг курузода Дурйодхан билан суҳбати, Вишнудан<sup>115</sup> юз ўгирганларнинг аҳволи, Видурнинг туғилиши, Ҳақ йўлини тарк этганларнинг аҳволи, ўз-ўзини англаш, Бхарата ҳақида қисса, Кришнанинг туғилиши, ёвуз Путнанинг чақалоқ Кришна томонидан ўлдирилиши, ёвуз Шридхарани енгиш, Тринаварти туфонининг яксон этилиши, Аннапрашана<sup>116</sup>, Чауган ўйини, брахман Панденинг ташрифи, тупроқ ейиш, қаймоқ ўғирлаш, Радха ва Кришна учрашувлари, Радха ва Кришна рақслари, ёзги ўйинлар, севишганлар ўйини ва бошқалар.

“Маҳабхарата” эпосида ҳам, “Сурсагар” асарида ҳам энг асосий образ Кришна образидир. Кришна асарда икки образда намоён бўлади: чўпон Кришна ва маъбуд Кришна. Кўпинча, диний-фалсафий қарашлар ва ҳиндуизм танқиди билан боглиқ масалаларда Кришна ҳинд жамиятида Вишну ҳукмронлигини ўрнатган, ёвузликка қарши курашувчи, халқ орасида меҳр ва садоқат туйғуларини тарқатувчи, халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи маъбуд сифатида намоён бўлади. Чўпон образидаги Кришна эса халқ орасида яшаб, уларнинг оғирини енгил қилиш, яши ва ёмон кунларда доим бирга бўлиш, керакли маслаҳатларни бериш, ёвуз ва ноҳақ инсонлардан халқни ҳимоя қилиш каби эзгу ишларни амалга ошириб, халқ меҳрини қозонган чўпон образида намоён бўлади.

<sup>114</sup> Йўга камолоти. Т.: 1996 (ҳиндуизмнинг муқаддас китоби Шримадбхагавад асосида тайёрланган китоб). Б.61

<sup>115</sup> Сурдас асарда Яратганни турли номларда, яъни Вишну, Кришна, Харе, Нандкишор, макханчўр каби номларда беради

<sup>116</sup> Кришнанинг биринчи тиши чиқиши муносабати билан ўтказиладиган сиргуруч байрами

Эпосда Кришнанинг маъбудлик хусусияти болалигиданок намоён були бошлаган. Сурдас ижодида эса Кришнанинг маъбудлик хусусиятлари қуйидаги мисраларда кўзга ташланади:

*Путна келди Бразга гўзал аёл қиёфасида,  
Ўвуз рақшас Канса штимосин бажариш учун.  
Чақалоқ Кришнани ўлдириш мақсадида у  
кўкрагига суртди заҳарни.*

*Яшода уйда бу замон, бола Кришнани боқиб ўтирар  
Бир амаллаб чалгитиб уни, кўкрак тутди болага Путна.  
Ахир Кришна маъбуддир, билар ҳар ким ниятин,  
Бир он ўтмай ётар эди Путна бажо этиб бандалиқни.  
Бунни эшитган Канса титрар эди роса кўрқувдан<sup>117</sup>.*

Ўки бўлмаса,

*Яшода ўйлар доим, қачон менинг Канхейам  
атак-чечак қилиб юраркин.  
Қачон унинг биринчи тишлари кўраман.  
Қачон у Нандани отажон, мени онажон деркин.  
Қачон ўз қўллари билан у овқат еркин.  
Шу хаёллар билан Яшода чиқиб кетди ташқарига.  
Шу он ёвуз тўфон Тринаварти босиб келди Браз ерига.  
Кириб бориб Нанда уйига даст кўтарди бола Кришнани.  
Ахир Кришна маъбуд-ку, англади шу он  
Ўвуз мақсадин Тринавартининг.  
Маъбудлик кучини ишга солди У  
Отиб уни қоя тошларга, миниб олди уни бир зумда<sup>118</sup>.*

Шу тарзда Кришна ўзининг маъбудлик хусусиятларини болалиқдан намоён этиб, ҳаётининг ҳар бир босқичида учраган ёвуз кучларни енгиб келгани ҳақидаги мисраларни эпосларда ҳам, бхактлар шоирлар ижодида ҳам кўп учратиш мумкин.

Кришнанинг халқ меҳрини қозонган иккинчи образи бу чўпон Кришна образидир. Бу образни оддий халқ ҳам, барча бхакт шоирлар ҳам севиб қуйлайдилар. Лекин, Сурдас учун энг сеvimли мавзу бу

<sup>117</sup> Цветков Ю.В. Сурдас и его поэзия. М., 1979. Б. 135-136

<sup>118</sup> Ўша китоб, Б. 137

“балкришна”, яъни бола Кришна мавзусини куйлашдир. Кришна болаликда барча учун жуда севимли бўлиб, уни эркалаб турли номлар билан чакиришган, улардан энг машхурлари “макханчўр” (“қаймоқ ўғриси”), “Нандлала” (“Нанданинг эркатойи”), “Канхея” (кулоққа ёқимли), “Нандкишор” (“кичкина Нанду”), “гвала” (“сигир боқувчи”), “Говардхандхари” (“Говардхан тоғини кўтарган”), “Натвар нагар”<sup>119</sup> (“Шивага ўхшаш”) каби тахаллуслари бўлган, лекин бу мавзуни алоҳида меҳр билан куйлаган Сурдас ўз шеърлари билан Кришнанинг “макханчўр” тахаллусини ҳинд шеърятининг шоҳ мавзуси даржасига етказган. Бунинг объектив сабабларидан бири, манбаларда ёзилишича<sup>120</sup>, Сурдаснинг болалиги жуда аччиқ кечган, у меҳрга ва ширин сўзга зор бўлиб ўсган ва ҳаётида илк меҳрни Кришнадан кўрганлиги ҳақида ўз асарларида жуда кўп ёзган. Шу боис, Сурдас Кришнанинг меҳрга тўла болалигига жуда ҳавас билан қараган, бу ҳақда куйлаш унга алоҳида завқ бағишлаган ва бу мавзу ижодининг охирига қадар унинг энг севимли ва шоҳ мавзуси бўлиб қолган. “Балкришна” образини бутун Ҳиндистон шеърятининг етакчи мавзуларидан бирига айлантирган шоир бу Сурдасдир, деб бежиз айтилмаган ва бугунги кунда Ҳиндистон халқлари адабиётида балкришна образини яратишда Сурдасга тенг келадиган шоир йўқлигини барча ҳинд адабиётшунослари бир овоздан тан оладилар. Н.М. Сазанованинг ёзишича, “Қаймоқ ўғриси Кришна” мавзусига Бхагавадпуранда жуда кам, бор йўғи бир неча мисра яратилган... Сурдасда бу мавзуга бағишланган шеърлар 185 мисрани ташкил этади ва улар қуйидаги мавзуларга ажратилади: 1) Кришнанинг қаймоқ ва қатикларни бир неча бор уйда ва ташқарида ўғирлаши; 2) чўпонларнинг Яшодага Кришнадан шикоятлари; 3) Яшоданинг куйинишлари ва Кришнани қаймоқ ўғирламаслик учун койишлари; 4) Яшоданинг Кришнани жазолаш учун дарахтга боғлаб қўйиши, лекин

---

<sup>119</sup> Маҳабхарата эпосида сигирлар суғориладиган дарёнинг сувини илонлар шоҳига захарлаш буюрилганида бола Кришна олти бошли шешнаг илонни енгиб, сувни қайта тозалаб беради ва илоннинг бошида Шива рақсидек рақсга тушади, шундан сўнг унга *натвар нагар* тахаллуси берилган.

<sup>120</sup> Прабхудаийал Миттал. Сурдас ки варта. Матхура, 1951.

Кришинанинг дарахтларни жазолаши; 5) Яшода, Нанда ва *гупи*<sup>121</sup> ларнинг Кришинани жазолаганликлари учун афсусланиши”<sup>122</sup>.

Ҳиндистонда Кришна деганда, ва айниқса, балкришна деганда ҳар бир ҳиндистонликнинг кўз ўнгида Сурдас образининг намоён бўлиши оддий бир ҳолдир. Бунга биз ҳинд кинематографлари томонидан яратилган ва ўзбек телеканаллари орқали кўп марта намоёиш этилган “Харобадан чиққан миллионер” фильми орқали ҳам ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Фильм бош қаҳрамонининг ўйин саволларидан бирига тўғри жавоб излашда болалигида бўлиб ўтган бир воқеани эслаши сабаб бўлади. Унга кўра жамиятнинг ёвуз ниятли инсонлари улар учун кўшиқ куйлаб пул топиши учун унинг дўстининг кўзини ўйиб олганлар. Ўйиндаги саволда берилган шеърий мисраларнинг кўзи ожиз Сурдас бўлганлиги учун у дўстини эслаб туриб тўғри жавобни топади. Фильмда боланинг кўзи ожиз бўлиши ва унинг Кришна ҳақида куйлаши Сурдас ҳақида сўз бораётганини англатади. Ҳиндистонда Сурдас ёки Сур сўзи халқ орасида кўр сўзига ҳам синоним бўлиб кетган, яъни кимнидир “кўр” дейиш ўрнига “Сур” дейиш мумкин.

Кришнабхакти шеъриятининг энг таниқли намояндаларидан яна бири бхакт шоира Мирабаи (XVII аср) бўлиб, мазкур шоира ҳақида ишнинг аёл бхактлар қисмида маълумот бериш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Бхакти ҳаракатининг иккинчи йўналиши сифатида Рамбхакти йўналиши тилга олинади. Рамбхакти деганда “Рамаяна” эпосидаги маъбуд Рамга бўлган эътиқод ва садоқат тушунилади. Рамаяна эпоси ҳам, аслида, ҳинд жамиятида кучайиб кетган ёвузликка якун ясаб, адолат байроғини ўрнатиш йўлида содир бўлган эпик воқеалар баёнидир. Шу боис, халқнинг Яратганга бўлган меҳрини уйғотувчи иккинчи маъбуд бу Рамдир. Эпосда Рам ҳам Кришнага ўхшаб икки образда: шоҳ Рам ва маъбуд Рам образларида иштирок этади. Рам ҳинд жамиятида энг адолатпарвар ва халқпарвар шоҳ сифатида ном қолдирган. Унинг шоҳ сифатида ҳам, маъбуд сифатида ҳам вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат бўлган. Шу билан бир қаторда Рам ҳинд халқи маънавиятини энг юқори чўққига кўтарган шоҳ ва маъбуддир. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир босган қадами, авлиё ва

---

<sup>121</sup> Гўпи браж тилида “қиз бола, аёл киши” маъносини англатади, лекин бхакти ҳаракати туфайли *гупи* сўзи Кришнага меҳр қўйган инсонни англатувчи атама бўлиб кетган.

<sup>122</sup> Сазанова Н.М. Нет жизни без Кришны. Изд. МГУ. М., 1992. Б.16



донишмандлар, оила аъзолари ва яқинлари, аёллар ва сарой аҳли, оддий халқ ва ҳатто душманлари билан бўлган ҳар бир суҳбат ва мулоқотларида адолат, ақл заковат, ахлоқ ва одоб ўзининг энг олий чўққисига етганини кузатиш мумкин. “Рамаяна” сўзининг лексик маъноси “Рам келди” деган маънони англатади, лекин ҳинд халқи буни “адолат, ҳақиқат кириб келди” деб таърифлайди. Ҳиндистон халқлари учун Рам адолат рамзи бўлиб, ўрта аср бхакти ҳаракати туфайли Рамга бўлган меҳр ва садоқат яна қайта, аввалгидан ҳам мустаҳкамроқ тарзда тикланган ва хали ҳануз Рамга бўлган бу меҳр, садоқат ва эътиқод ҳинд халқи ўртасида сақланиб келмоқда.

Ҳиндуизм Ҳиндистон халқлари эътиқод қиладиган дин бўлгани боис унинг ғоялари Ҳиндистондаги ҳар бир миллий адабиётга ҳам кириб борган, демак, ҳиндуизмни ислоҳ қилган бхакти шу даврнинг ҳар бир миллий адабиётига ҳам кириб борган, зеро бу миллатлар адабиётида ҳам Рам ёки Кришнага эътиқод қилувчилар бўлган, демак, эпосларидаги ворисийлик Ҳиндистондаги кўпгина миллий адабиётларга хос хусусият бўлиб, уларда ҳам “Рамаяна” ва “Маҳабхарата” эпосларига яна қайта мурожаат этиш жараёнлари кечган. Жумладан, бу ворисийликни жанубдаги Андхра Прадешнинг телугу адабиётида кузатамиз. IX асрларда шакллана бошлаган телугу адабиётида X асрларда иккита поэма яратилган ва бу поэмалардан бири “*Виратаму*” (“Вират ҳақида поэма”)нинг сюжети “Маҳабхарата”дан олинган, дейилади. Қадимий телугу адабиётида Нанная Бхатта яратган “*Андхра Маҳабхарата*” эпоси эса Ҳиндистонда машҳурликда “Маҳабхарата”дан кейин иккинчи ўринда туради. XI асрда тамил адабиётида ҳам Камбан томонидан тамилча “Рамаяна” яратилган. Муаллифи номаълум “*Каннаш Рамаянам*” қадимий малаялам тилидаги илк асар сифатида тан олинади. IX асрларда жайнлар ҳам “Рамаяна” эпосини яратганликлари ҳақида манбалар маълумот беради.<sup>123</sup>

Ҳинд эпослари кейинги давр Ҳиндистон халқлари адабиёти учун ҳам жуда йирик сюжет, образ ва ғоялар манбаи бўлиб хизмат қилиб келган

---

<sup>123</sup> Сундарам Д.Н. Тамил Рамаяна ки вишештаэн. (Тамил “Рамаяна”сининг ўзига хос хусусиятлари). Дехли, 1982. Б.54

на келмоқда. Жумладан, қадимги ҳинд драматургияси “Маҳабхарата” эпоси сюжетлари асосида шаклланган<sup>124</sup>.

Санскрит адабиётидан кейинги пракрит, яъни халқ тилларидаги илк адабиёт ҳам эпослар асосида шаклланган, жумладан X асрларда яшаган Ражашекхаранинг «Балрамаяна» («Болалар учун Рамаяна») асари анчагина машҳурдир. XII асрда яшаган Жаядева қаламига мансуб “Гитаговинда” (“Чупон кўшиғи”) номли дoston “Маҳабхарата” эпоси персонажлари бўлган Радха ва Кришна муҳаббатига бағишланган.

“Рамаяна” ва “Маҳабхарата” эпослари нафақат Ҳиндистон халқлари адабиёти ривожига, балки кўпгина кўшни мамлакатлар адабиётига ҳам китга таъсир кўрсатганлигининг гувоҳи бўламиз, жумладан, П.А Гринцернинг ёзишича, “переложения древнеиндийского эпоса — поэм в целом или отдельных их частей — появились в Индонезии, Малайе, Непале и Лаосе уже в 7 веке”<sup>125</sup>. Таиланд адабиётига қадимий ҳинд адабиётининг таъсири масаласини ўрганган Ю.М. Осипов ҳам жумладан шундай деб ёзади: «Ҳиндистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари — Малай, Камбоджа, Лаос, Сиам (Таиланд), Бирма ва бошқа мамлакатларининг маданияти тарихига кўрсатган катта таъсирини тўлиқ қамраб олиши мушкул. Бу борада «Маҳабхарата» ва «Рамаяна» каби эпик асарлар, «Панчатантра» ёки Будда ҳақидаги жатакалар ва уларнинг малай, кхмер, лаос, сиам ва бирма адабиётига, ваянг (Ява), нанг ёки кон (Сиам), нандинза (Бирма) каби театр санъати, Явадаги ҳиндулар ибодатхонаси архитектурасига, Ангкора или Пагана хайкалтарошлик санътига таъсирини эслаб ўтиши мумкин. ... Лекин, Рам ҳақида қисса асари “Бешкитоб” ёки “Маҳабхарата”дан олинган сюжетларга нисбатан халқ орасида энг оммабom, энг севимли ва энг ҳурматли асар ҳисобланади»<sup>126</sup>. Ҳинд эпослари турли даврларда бир қанча ғарб адабиётларига, хусусан, америка, инглиз, немис, итальян ва венгер адабиётларига<sup>127</sup> ҳам

---

<sup>124</sup> Санскрит тилида ижод қилган қадимги ҳинд драматурглари Бхаса ва Калидасалар пьесаларининг деярли барчасининг сюжети “Маҳабхарата”дан олинган.

<sup>125</sup> Гринцер П.А. Древнеиндийский эпос. -М.:1974. Б.7

<sup>126</sup> Осипов Ю.М. Сказание о Раме в Сиаме. М.:1984. Б.271

<sup>127</sup> Lal P. Indian Influences on English, American and European Literature, Asia Society. 2001

таъсир кўрсатган, кўпгина ғарб тилларига таржима ҳам қилинган<sup>128</sup> ва эпослар бўйича турли тадқиқот ишлари амалга оширилган<sup>129</sup>.

Ҳиндистоннинг турли миллий адабиётларида эпосларнинг қайта яратилганлиги ўрта аср бхакти ҳаракатида ҳам шундай жараёнлар кечганлигини кўрсатади. Жумладан, тамил бхакти адабиётида (X-XII асрлар) тамил алварлари ҳам Вишну маъбудининг ердаги тажассуми бўлган Нараян<sup>130</sup>га бўлган ўзларининг меҳр ва садоқатларини ўз шеърларида куйлаган. Худди шунингдек, малаялам, телугу, каннара, маратхи, орис ва бошқа миллий адабиётларнинг бхакти адабиётида ҳам сагун бхакти йўналишида Вишну ёки Шивага бўлган меҳр ва

---

<sup>128</sup> “Рамаяна” ва “Махабхарата” эпосларининг таржималари: “Махабхарата” таржималари: синдхи, араб (Абу Салиха ибн Шуаиба ибн Джами), форс («Маджма' ат-таварих» номи билан), тамил (IX аср), телугу (Нанная Бхатта XI асрда, Тиккана XIII асрда, Эррана XIV асрда), каннара (XV асрда), малаялам, маратхи (Муктешвар XVII аср), Акбар шоҳ топшириғи билан (XVI асрда Бадауни таржимасида) форс тилига таржимлари ҳамда Бенгалияда 30 дан ортиқ таржима нусхалари мавжуд. Насрий таржимаси қадимий яван тилига (X аср), XIX асрда янги ҳинд тилларидан: бенгали, малаялам, тамили ва хинди тилларига қайта таржималари, француз, (инглиз тилидан XVIII асрда), немис (XIX аср, Ф. Шлегель таржимасида), итальян (XIX аср), инглиз тилига (XIX асрда ва 2003 йилда Дж. Л. Фицджеральд таржимасида), рус тилига (1840—1850 йиллар илк таржима, XX асрда тўлиқ таржима (В. И. Кальянов), АҚШда (2005 йил) таржималари нашр эттирилган. Булардан ташқари шеърӣ ва насрий таржималар ҳамда сюжетлар баёни нашр эттирилган: *сюжет баёни*: Смирнова А. Г. (1899г.), Ильин Г. Ф. (1958г.) Э. Н. Темкин, В. Г. Эрман (1963г.). *насрий таржима*: Древнеиндийский эпос. М., 1974. С.72-88. «Испытание адом». СПб, 1997. С.51-84. Махабхарата. Калининград, 2002. (Диалог Джанаки и Яджнавалкьи. Царь Джанака и отшельница Сулабха. 71 стр.) *шеърӣ таржима*: Сожжение змей. М., ГЛИ. 1958. Махабхарата. М., ХЛ. 1969. Махабхарата. Рамаяна. М., ХЛ. 1974. Махабхарата. М., 2000. (336 стр).

<sup>129</sup> Гринцер П.А. Древнеиндийский эпос. М., 1974. Осипов Ю.М. “Сказание о Раме в Сиаме (Таиланде)” М.:1974. Танонова Е.В. “Главная героиня древнеиндийского эпоса Махабхарата и эпоса телугу”. Дисс. автореферати. СПб., 2011 ва бошқалар.

<sup>130</sup> Вишнунинг жанубий бхактида Нараян қиёфасидаги тажассуми

сидоқат куйланган. Жануб халқларининг бхакти адабиётида бундай сугун бхактларнинг кўпчилигининг номини тилга олиш мумкин<sup>131</sup>.

Шаклланиши турли даврларга тўғри келадиган ҳинд миллий адабиётларининг кўпчилигига икки хусусият хосдир, биринчиси, уларнинг санскрит адабиёти, хусусан, “Рамаяна” ёки “Махабхарата” эпослари асосида шаклланганлиги бўлса, иккинчиси уларда ҳам “бхакти адабиёти” номи билан юритиладиган давр ва шу даврда яритилган адабий мероснинг мавжудлигидир. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳар бир миллий адабиёт ўзининг ведасига эга бўлмаслиги мумкин, чунки ведалар бутун Ҳиндистон халқлари учун ягона илм манбаи бўлиб, бадий асарлар яратиш манбаи сифатида хизмат қилмаган. Эпослар ҳақида эса бундай дея олмаймиз, чунки Ҳиндистондаги кўпгина миллий адабиётлар ўзларининг «Рамаяна» ёки «Махабхарата» асосида бунёдга келган эпосларига эгадир. Умуман олганда, турли миллий тилларда шаклланган Ҳиндистон халқлари адабиётининг ички бирлигига тил фактори эмас, кўпроқ диний, фалсафий, ижтимоий ва эстетик қарашларнинг ягоналиги асос бўлган *«...қадимий ҳинд адабиётидаги адабий анъаналар бирлиги, ягона эстетик тизим асосига қурилганлиги билан ўзаро боғланган бўлиб, унинг тараққиёти аниқ кетма-кетлик ва ворисийликка эга. Айнан мана шу тарихий бирлик замонавий ҳиндистонликка, шу билан бир қаторда покистонлик ёки Бангладеш фуқаросига қадимий ҳинд адабиётини умуммиллий мерос деб қабул қилишга, этник хилма хиллик бўлишига қарамасдан уни бир халқ адабиёти деб тушунишга имкон беради. Мана шу бирлик туфайлигина қадимий ҳинд адабиёти ўзининг бугунги ворислари бўлган янги ҳинд тилларидаги адабиётига эга»*<sup>132</sup>, - деб таъкидланади “Жаҳон адабиёти тарихи” китобида.

Демек, ўрта асрларда шаклланган бхакти адабиёти номи билан юритиладиган каттагина адабий мерос уч аср давомида шимолий Ҳиндистон халқларининг мафкуравий олами, диний-фалсафий қарашлари, миллий хусусиятлари ва орзу умидларини ўзида тўлик акс эттирган адабиёт бўлиб, бу адабиётнинг илдизи ўз мазмун-моҳиятига

---

<sup>131</sup> Жумладан, тамил бхакти адабиётида Сундарар, Маниккавачкар, Андаал, Киреккал Аммейар, Рамалингам, Карнатакда Ахадеви Аккама, Андхра штатида Атикуури Маолла, Махараштрада Намдев, Гйанешвар, Гйанбаи, Рижистханда Ананддхан, Гужратда Кришнадас ва бошқалар

<sup>132</sup> История всемирной литературы. Т.1. М., 1983. С.205

кўра қадимий ҳинд адабиётига, аниқроғи қадимий ҳинд эпослари бўлган “Рамаяна” ва “Махабхарата” эпосларига бориб тақалади. Бу адабиёт Ҳиндистон халқлари адабиёти тарихида халқ манфаатларини ифода этувчи эпослардан кейинги иккинчи катта мерос сифатида баҳоланди. Бу адабий мероснинг кўпгина қисми хали махсус тадқиқ этилмаган бўлиб, улар келажакда бир қанча илмий тадқиқот ишлари учун асосий манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

### **Бхакти адабиёти ривожда бобурийлар сулоласининг тутган ўрни**

*“Беруний Ҳиндистонни рентгендек очиб берган бўлса,  
Бобур унинг ташқи гўзаллигини очган”.*

Тарих нуқтаи назаридан бхакти ҳаракати ва бобурийлар салтанати бир бирини тўлдирувчи икки тарихий ҳодисадир, десак хато бўлмайди. Чунки, бобурийлар салтанатининг ҳудуди ўз вақтида шимолий бхактининг энг йирик маркази бўлган. Бу ҳақда рус шарқшунос олимларининг<sup>133</sup> бхакт шоирлар Сурдас ва Тулсидас ижоди билан боғлиқ тадқиқотларида бобурийлар сулоласининг йирик вакили Акбаршоҳ билан боғлиқ маълумотлар келтирилган. Лекин, тарихий манбалар бобурийларнинг Акбардан кейинги сулоалари ҳам, ҳатто тарихда қаттол шоҳ номи билан тилга олинadиган Аурангзеб ҳам бхакти ҳаракати ва унинг вакилларига алоҳида ҳурмат ва эҳтиром ила муносабатда бўлганлиги ва, ҳатто, ўзи ҳукмронлик қилган даврда яшаган бхактларни саройга нуфузли хизматларга ҳам таклиф этгани, уларга турли сарой унвонларини бериб, бхактининг ривожига катта йўл очиб берганлигини кўрсатди.

Қуйида биз ҳинд манбалари асосида бхакти ҳаракатининг барқ уриб ривожланиб, Ҳиндистоннинг бутун шимоли бўйлаб кенг тарқалиши ҳамда бхакти таъсирида Ҳиндистонда мавжуд бўлган турли дин вакиллари орасида турли ҳудудларда сон-саноксиз бхактларнинг етишиб чиққани ва бунда, айнан, бобурийлар сулоласи беқиёс ўрин тутгани ҳақида сўз юритамиз.

Ҳиндистон тарихида “Муғуллар империяси” номи билан юритилadиган Бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврга азалдан жаҳондаги кўпгина давлатларнинг тарихшунос, файласуф, диншунос

<sup>133</sup> Сазанова Н.М., Цветков Ю.В., Паевская Е. ва бошқалар

ни адабиётшунос олимлари кизиқиш билдириб, бу даврни чуқур ўрганиб келаётганликлари ва бу ўринда “Бобурнома” асарининг бир қанча шарқ ва ғарб тилларига таржима қилингани бизга маълум. Ўрта Осиёлик саркардаининг Ҳиндистондек азим юртда асос солган салтанатининг салкам уч юз йил давомида ҳукмрон сулола бўлганлиги бу салтанатнинг беқиёс куч-қудратга эга эканлигидан далолат беради. Бу салтанат тарихи мана асрлар оша турли мамлакат мутахассисларининг диққат марказида бўлиб, бу даврга ҳар бир мутахассис ханузгача ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб келмоқда. Бу фикрларнинг аксарияти ижобий бўлиш билан бир қаторда айрим ҳинд тарихчи олимларининг бу сулолага нисбатан салбий қарашлари ҳам баён этилганлигини кузатиш мумкин. Лекин, ўтган икки юз йиллик тарихий давр мобайнида кўпгина салбий қарашлар ўз ўзидан яқун топиб, бугунги кунда Бобурийлар салтанатининг Ҳиндистон тарихида, асосан, ижобий аҳамият касб этгани ҳақидаги фикрлар устун келмоқда.

Ҳинд тарихчилари олимлари томонидан Ҳиндистон тарихига оид “Ўрта аср Ҳиндистони” номли китоб яратилган. Тарихий воқеаларга ҳаққоний баҳо бериш мақсадида улар Бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврни чуқур ўрганган ҳолда китоб таркибига “*Муғуллар империясининг ютуқ ва камчиликлари*”<sup>134</sup> номли бўлим киритганлар ва у ерда Бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр, ҳар бир бобурий шоҳ ҳақида сўз юритилган. Мазкур бўлим даврга объектив баҳо бериш нияти билан суғорилган ва унда бобурийлар сулоласининг Ҳиндистондаги ҳукмронлик давридаги ютуқ ва камчиликлар, уларнинг ижобий ва салбий томонлари ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар очик-ойдин баён этилган. Хусусан, улар бу даврни ҳам ютуқ, ҳам камчиликлардан иборат, деб ҳисоблайдилар.

Бобурийлар сулоласининг *ютуғи сифатида* уларнинг доимий равишда халқ эътиборини қозониш ҳаракатида бўлганликлари ва Бобурдан Аурангзебгача ҳар бир бобурий шоҳ маҳаллий халқнинг вафодорлигига эриша олганликларини, бобурий шоҳларнинг ўз биографиясини, тарихий воқеаларни ёзиб ёки ёздириб бориш анъанасини бошлаганликлари, тил ва адабиёт ҳамда таржима ишларининг ривожига катта ҳисса қўшганликларини, бхакти ҳаракати

<sup>134</sup> Муғул самражъя ки сапхалтаэн аор асапхалтаэн. қаранг: Мадхъякалин Бхарат. Дилли. 1986. Б.550-554

ривожига кенг имкониятлар яратиб берганликлари, бу сулоланинг яратувчанлик фаолиятини, яъни қалъалар, мақбаралар, бинолар, боғ-роғлар ва фавворалар қуриш ишларидаги ютуқлари ҳамда ташқи сиёсат, савдо-сотик масалаларидаги ютуқларини санаб ўтадилар.

Уларнинг камчиликлари сифатида ислом дини қондасига кўра шоҳларнинг кўпхотинли бўлгани, халқни саводли қилиш йўлида пул сарфлаш ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, Акбар яратган мамлакат бирлигининг Аурангзеб даврида инқирозга юз тутиши, бойлик, ҳуқуқ, иқтисод, ташқи савдо алоқалари ва санъат ривожидан аниқ бир тизим ишлаб чиқилмагани, ака-укалар, айниқса, Шоҳжаҳон ва Аурангзеб ўғиллари ўртасида бўлиб ўтган тахт учун курашларнинг олди олинмагани, ҳиндулар ва мусулмонлар бирлиги масаласига эътибор қаратилмаганлиги каби масалаларни айтиб ўтадилар.

Бўлимда, албатта, муаллифларнинг бу даврга баҳо беришда объективликка интиланликлари сезилиб туради, бироқ бобурийлар даври ва бобурий шоҳларнинг сиёсати ҳақида сўз юритганда уларнинг қарашларида бир-бирига қарма-қарши кўпгина фикрларни учратиш мумкин. Жумладан, китобда мўғуллар даврининг барча соҳаларда эришган ютуқлари бирма-бир айтиб ўтилгани ҳолда шу ютуқлар яна қайта камчилик сифатида кўрсатиб ўтилади. Масалан, “Мўғул шоҳлари яхши ҳукмдор бўлиш учун, авваламбор, маҳаллий халқнинг ҳурмат ва эътиборини қозониш кераклигини яхши англаб етганлар ва бунга доим ҳаракат қилиб, Бобурдан Аурангзебгача бу соҳада муваффақиятга эришганлар”<sup>135</sup>, деган фикрга қарама-қарши “Халқ эътиборини қозонмаган давлат узоқ вақт ҳукмронлик қилолмайди” ёки бўлмаса “Мўғул шоҳлари маҳаллий халқни шмми, саводли қилиш йўлида ортиқча сарф ҳаражат қилмадилар, улар ўз сиёсатларида - буюк давлат қуриш учун буюк халқ керак - деган фикрга эътиборларини қаратмадилар”<sup>136</sup>, - деган фикрларни билдирадилар. Бу мулоҳаза ҳақиқатдан йироқлигини Ғ. Сатимовнинг “Бобурийлар даврида маориф тизими” мавзусига бағишланган мақоласидан ҳам англашимиз мумкин, хусусан, мақола муаллифининг ёзишича, “Акбар ҳукмронлик қилган даврда маориф ва шм-фанга эътибор жуда кучаяди, мактаб ва мадрасалар сони кўпаяди, уларда дарс бериш сифати анча кўтарилади.

<sup>135</sup> Ўша китоб, Б.550

<sup>136</sup> Ўша китоб, Б.553

Акбар Агра, Фатехпур Сикри ва бошқа шаҳарларда кўп ўқув масканларини бунёд этади. Акбар ўзининг диний ақидаларига содиқ ҳолда сўнги йилларда хоҳиш билдирган ҳиндуларни ҳам мусулмонлар мадрасаларида таҳсил олишига ижозат беради. Бобурийлар салтанатида ўзига хос хотин-қизлар мактаблари бўлган. Қишлоқ ва шаҳарларда ҳам ҳиндий, санскрит ва маҳаллий аҳоли тилларида мактаблар ишлаб турган”<sup>137</sup>. Яна бир мисол, “Мўғуллар салтанати даврида ташқи алоқалар яхши ривожланди, шимоли-ғарбий ва Европа давлатлари билан савдо алоқалари ўрнатилди. Салтанатда иқтисод, қишлоқ хўжалик ва ишлаб чиқариш ишлари яхши йўлга қўйилди. Салтанатнинг бу муваффақиятларга эришишида халқ ҳам фаол иштирок этди”<sup>138</sup>, - деган жумлаларга қарши “Мўғуллар даврида бойлик тўплаш, иқтисод ва ташқи алоқа масалалари яхши йўлга қўйилмади. Салтанатда ҳокимият, ҳарбий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ривожланиш масалаларига ўрта асрча муносабат кўрсатилди”<sup>139</sup> ёки бўлмаса, бу фикрга қарши яна бир фикр: “Мўғуллар салтанати маданий тараққиётида катта муваффақиятларга эришди. Бу даврда адабиёт, форс, санскрит, ҳинди ва урду тиллари кенг ривожланди. Форс тили давлат тили бўлгани сабаб кўнгина тиллардаги ноёб асарлар бу тилга таржима қилинди. Мусиқа, рассомчилик ва меъморчилик санъати ҳам ривож топди. Бу даврда қурилган бинолар, қалъа, мақбара ва миниатюралар санъати бугун ҳинд маданиятининг ноёб дурдоналаридир”<sup>140</sup>, - дейилиши китобда мўғуллар салтанати ҳақида объектив эмас, карама-қарши фикрлар мажмуаси яратилган, деб баҳолашга асос бўлади. Айниқса, Ҳиндистондаги ҳиндулар ва мусулмонларнинг бирлиги масаласи ҳали бобурийлар сулоласи давридагичалик ижобий ҳал қилинмаган. Лекин, бу масалада ҳам мақола муаллифлари карама-қарши ноҳолис фикрларни баён этадилар, жумладан, “мўғуллар империяси даврида бхакти ҳаракати ривожига кенг йўл очиб берилди. ...айни бхакти даврида Ҳиндистонда нафақат ҳиндулар ва мусулмонларнинг, айниқса, Акбаршоҳ даврида барча дин вакилларининг бирлигига эришилди, -

<sup>137</sup> Сатимов Ф. Бобурийлар давлатидаги маориф тизими. Журн. “Бошланғич таълим”, 1998, №1, Б.2

<sup>138</sup> Ўша китоб, Б.551

<sup>139</sup> Ўша китоб, Б.553

<sup>140</sup> Ўша китоб, Б.551



дейилса, бўлимнинг 551-бетида “мўғуллар даврида ҳинду мусулмонларнинг ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан бирлигига эриша олинмади”, - деб ёзадилар. Ваҳоланки, бу сулоланинг уч юз йиллик ҳукмронлик даврида бу салтанат ҳудудидида ҳиндуни мусулмонга, мусулмонни ҳиндуга ёки бошқа дин вакилларининг бир-бирига қарши чиққани ва, умуман, диний низолар бўлгани ҳақида тарих саҳифаларида бирорта ҳам маълумот учрамайди, бунга эса албатта уларнинг бҳакти ҳаракатига катта ҳайрихоҳлиги сабаб бўлган. Лекин, мазкур китобда айнан шу масалада ҳам қарама-қарши фикрлар баён этилган, яъни, “Диний дунёқарашда мўғуллар бошқаларга нисбатан илгор бўлдилар. Бҳакти ҳаракати мўғуллар даврида, айниқса, ривож топди ва гуру Нанак, Кабир, Даду Дайал каби сантлар ҳинду ва мусулмонларга бир-бирини тушуниш ва қўллаб-қувватлашни ўргатдилар”<sup>141</sup>, - деган фикр кетидан “Мўғуллар ҳинду ва мусулмонларнинг ижтимоий ва сиёсий бирлигига эриша олмадилар. Акбар бошлаган тенглик сиёсати узоқ давом этмади ва Аурангзеб бу сиёсатни умуман йўққа чиқарди”<sup>142</sup>, - деб яна сулолани қораловчи фикрлар баён этилади. Ваҳоланки, барчанинг тенглигини тарғиб этувчи бҳакти ҳаракатини Акбардан Шохжаҳонгача қўллаб қувватлагани ва, ҳаттоки, ислоннинг ашаддий тарафдори бўлган Аурангзеб ҳам бҳакти ва бҳактлардан қаттиқ таъсирланиб, ҳинду ва жайн бҳактларни саройга таклиф этгани, уларга ижод учун қулай шароитлар яратиб, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатгани, кучли бҳактларга сарой унвонларидан ҳам бериб тургани ҳақида манбалар хабар қилади. Бҳакти адабий мероси эса шуни кўрсатдики, Бобурийларнинг айнан шу сиёсати туфайли Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларида бҳактлар етишиб чиқмаган ҳудуд қолмаган.

Бобурийлар даври ҳақидаги якуний фикрлар ҳам бир-бирига қарама-қарши фикр сифатида жаранглайди, яъни бўлимда берилган “Мўғуллар даври Ҳиндистон тарихида буюк давр ва мўғул шоҳлари буюк шоҳлар деб тан олинган”<sup>143</sup>, - деган фикр бўлим охирида: “Хулоса қилиб айтганда, мўғуллар ҳукмронлигини “Миллий империя”(Раштрий шасан) ва мўғуллар даврини “Ҳиндистоннинг миллий юксалиши

---

<sup>141</sup> Ўша китоб, Б.550

<sup>142</sup> Ўша китоб, Б.551

<sup>143</sup> Ўша китоб, Б.551

даври” (*Раштрията ка юг*) дейиш хато фикр бўлган бўлар эди”<sup>144</sup>, - деб якунлайдилар. Ёндашувнинг нохолислиги шуки, XX аср мутахассислари XVI-XVII асрларда яшаган бобурийларни колоқ, ўрта асрча фикрлашда айблаб, XVIII асрда кириб келган инглиз босқинчиларини илғор фикрлилар сифатида китобхонга етказишга ҳаракат қиладилар. Лекин, ўрта асрларда қандай қилиб XX асрча фикрлаш мумкин, ваҳоланки, ҳиндулар ва мусулмонлар бирлиги масаласи ҳали ҳануз, XXI асрда ҳам Ҳиндистон ҳукуматининг ечилмаган муаммолари қаторида туради ва ҳиндулар билан мусулмонларнинг энг катта қонли тўқнашувлари инглизлар сабабли XX аср ўрталарида Ҳиндистон иккига бўлинганидан кейин кучайиб кетганлиги ҳақида XX аср муаллифлари сўз юритмайдилар.

Аслида эса, Ҳиндистон давлатчилиги тарихида унинг шимолий ҳудудларида икки марта йирик марказлашган давлат барпо этилган ва шу икки давлатнинг ҳукмронлик даври Ҳиндистон тарихида “*Олтин давр*” номи билан юритилади, бу икки даврнинг биринчиси мелодий V асрдаги Гупталар сулоласи ҳукмронлик давр бўлса, иккинчиси Бобурийлар сулоласининг ҳукмронлик давридир. Бутун Ҳиндистон тан оладиган мана шу фикрнинг ўзи Бобурийларнинг Ҳиндистондаги ҳукмронлигига берилган энг олий баҳодир, дейиш мумкин.

Тадқиқот объекти бўлган бҳакти адабиётига оид манбаларни ўрганиш асосида бҳактининг тараққиёти ва эришган ютуқларида Бобурийлар сулоласи энг катта ўрин тутган, дейишга тўлиқ асослимиз. Чунки, уч юз йил ҳукмрон мафкура бўлган бҳакти ҳаракати, биринчидан, Бобурийлар даврида ва, айнан, шу салтанат ҳудудларида шаклланган ва ривожланган. Агар Бобурийларнинг мусулмон эканлиги назарга олинса, тарихда аксарият холларда учрайдиган, ўзга дин вакилларига тегишли бўлган бҳакти диний ҳаракатини Бобурийлар босқинчи сифатида яқсон этмаган тақдирларида ҳам, салтанат ҳудудидан четлатишлари, уни мусулмонлар ҳудудида ривожланишига йўл қўймасликлари лозим эди ва бу сиёсатни халқ босқинчиларга хос ҳатти ҳаракат сифатида қабул қилиши мумкин эди, лекин, аслиятда бунинг акси рўй берди, яъни айнан ўзга юртликлар, ўзга дин вакиллари маҳаллий дин пешволаридан кўра тезроқ ва чуқурроқ халқ манфаати йўлида шаклланган бҳакти номли бу диний ҳаракатни тўғри англаб

---

<sup>144</sup> Ўша китоб, Б.552

етиб, унинг туб моҳиятини тушуниб, халқ орасида унинг кенг миқёсда тарқалиши ва ривожланишига барча имконият ва шароитларни яратиб бердилар ва, ҳатто, бҳактини ўз салтанатларининг етакчи мафкурасига айланишининг тарафдори бўлдилар. Ҳақиқатан ҳам манбаларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, бобурийлар ҳайратланарли даражада бҳакти тарафдори бўлганлар ва бу хусусият ҳар бир бобурий шоҳга хос бўлган. Бҳакти шимолда XIV асрлардан бошлаб шакллана бошлаган бўлса, XV асрдан бошлаб секталар фаолияти кенгая борган. XVI-XVII асрларда эса бҳактининг энг катта маркази бобурийлар салтанати бўлиб, бу даврлар Бобурийлардан Бобур, Хумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон ва Аурангзеблар ҳукмронлик даврига тўғри келади.

*Ҳар вақтки, кўргасен менинг сўзимни,  
Сўзимни ўқиб, ёд қилгасен ўзумни.*

Ушбу мисралар Бобурнинг Ҳиндистонда ёзган шеърларини ўз ичига олган, бугунги кунда Рампур навобининг Ризо номли шахсий кутубхонасида сақланаётган Бобурнинг 20 варақдан иборат девонининг қўлёзма нусхасида Бобурнинг ўз қўли билан ёзган мисраларидир. Юрак тубидан чиққан бу сўзларнинг бугунги кунда қанчалик ҳаққоний экалигига асло шубҳа йўқдир.

Тарих саҳифаларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, ҳар бир буюклик ва машҳурлик замирида руҳиятнинг жуда катта маънавий, фалсафий ҳамда жисмоний кураши, турли тўсиқлар билан кураш, энгиш ва энгилишлар, талофот ва кўз ёшлари, бир сўз билан айтганда, ҳар турли азоб-уқубат ва қийинчиликлар ётади. Бу маънода Бобурнинг серкирра, жисмоний ва руҳий курашларга бой мураккаб ҳаёти бизга яққол мисол бўла олади. Зеро, ундан қолган адабий мерос ватан ҳижрони, юрт тупроғига бўлган соғинч ҳамда турли заҳматлар асосига қурилган. Чунончи, Бобурнинг ўзи бу ҳақда қуйидаги мисраларни битган эди:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдим,  
Олам элидан турфа ситамлар кўрдим.  
Ҳар ким бу "Вақоийеъ"ни ўқур, билгайким,  
Не ранжу, не меҳнату, не гамлар кўрдум.*

ёки,

*Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?!*

*Хаста кўнғлум чекмаган дарду балоси қолдиму?*

Бобур жаҳон аҳлига етук бир саркарда сифатида танилган бўлса, бутунги кунда тарих уни иқтидорли шоир сифатида ҳам тан олган. Бобур, дарҳақиқат, қобилиятли шоир бўлган, лекин бошқа шоирлардан фарқли равишда унда саркардалик ва шоирлик, яъни бир-бирига қарима-қарши икки хислат ўзаро мутаносиблашиб, фалсафий қаринслари шунчалик бой бўлганки, тадқиқотчилар тили билан айтганда, шеъриятида *“тарихийлик билан лиризм, ҳаётийлик билан бадийийлик, ҳиссий кайфият билан ҳаққоний ифода ўзаро уйғунлашиб бориши”* кучли ифода этилган.

Шоир сифатида ўзига хосликка эга бўлган Бобур саркарда сифатида ҳам жаҳон саркардаларидан тубдан фарқ қилади. Ҳиндистонни забт этган барча саркардалар орасида Бобур шахсияти мамлакатни ободонлаштириш, эл юрт фаровонлиги йўлида заҳмат чекиш, юрт раиши ва тараққиётини таъминлаш каби буюк ишларни амалга ошириши билан ажралиб туради. Борган ерини обод қилиш хусусияти унга бобоси Амир Темурдан мерос бўлиб ўтган, чунки, Амир Темур Ҳиндистонни забт этганидан сўнг у ерларда бир неча кўркам боғлар қратган ва улардан бирининг марказида улкан кўшк қурдириб, уни ўзининг Ҳиндистондаги жангларини акс эттирувчи расмлар билан безаттирган экан.

1504 йилда Қобулни босиб олган Бобур ҳам у ерда ўн та боғ<sup>145</sup> қратган экан. Бобур ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ҳайратланарли дарижада яхши билган, жумладан, Қобул атрофида жойлашган Дашти Шайх киридаги лоланинг 33 турини аниқлаган. Ҳиндистонда кўрган жомики ўсимликларни бирма-бир баён қилган. Ҳовузлар қурдирган, гулаба қилган Панипат майдонида ҳам боғ яратишга фармон берган. Агрда Жамуна дарёси қирғоқларида Рам боғи, Гвалиор йўлида Чорбоғларни барпо этган. Атиргулни ҳам Ҳиндистонга биринчи бўлиб Бобур олиб кирган, дейилади.

Бобур мусулмон бўла туриб ҳиндулар, яъни бутпарастлар юртига кириб борди ва, кези келганда, ҳиндуларни уларнинг ўзидан ҳам яхши тушуниб етганини унинг авлодлари олиб борган сиёсатларда кузатиш

---

<sup>145</sup> Шаҳраро, Чорбоғ, Жиловхона, Ўрта боғ, Суврат, Моҳтоб, Оухона, Вафо ва бошқалар

мумкин. Унинг барча фикрлари амалий тадбиқи билан бўлгани сабабли унинг ҳар бир иши катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган. Жумладан, у мусулмон бўлмаган аҳоли учун жуда кўп имтиёзлар<sup>146</sup> жорий қилган ҳолда маҳаллий аҳолига нисбатан адолатли сиёсат олиб борган. Ул зотнинг бу адолатпарвар сиёсати, маҳаллий халққа нисбатан ҳурмат ва эҳтироми Ҳиндистон ҳудудида бўлажак “Буюк бобурийлар салтанати”нинг асосини яратишга хизмат қилган. Шу боис, Бобур ва бобурийлар сулоласи ҳақида гапириш ўрта аср Ҳиндистонида бхакти ҳаракати ривожининг асосий сабабини тушунишнинг зарурий омилларидан биридир.

Бобур сиймосини белгилайдиган хусусиятлар орасида унинг теурийлар анъанасини тиклаш, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам давлат тузишга бўлган саъй-ҳаракатлари алоҳида кўзга ташланади. Бу борада унинг ўзи шундай деган эди: *“Мен бу мулкни ўз мулким деб билдим ва уни ё тинч йўл билан, ёки куч билан олишга қарор қилдим”*<sup>147</sup>, - деб ёзган эди. Дарҳақиқат, манбаларда айтилишича, Амир Темур 1398 йилда Дехлига етиб келиб, уни забт этган ва Дехлидан тортиб жанубий Россиягача бўлган катта ҳудудни ўзига бўйсундирган. Томирларида ота томонидан Амир Темурнинг бешинчи авлоди сифатида, она аждодлари томонидан ўн иккинчи бўғин сифатида Чингизхоннинг қони жўш уриб турган етук саркарда ва шоҳ Бобур боболаридек йирик ва марказлашган давлат барпо этишга азм қилади ва бунинг уддасидан чиқади.

Бобур ва унинг авлодлари бобокалонларининг боғдорчилик ва меъморчилик санъатидан ташқари ўз аждодларига хос бўлган мусиқий ва шеърый базмлар уюштириш, ёввойи ҳайвонларни ов қилиш ва шу каби кўплаб одат ва удумларни ҳам Ҳиндистонда жорий қилдилар. Ҳиндистон Республикасининг биринчи Премьер Министри Жавахарлал Неру: *“Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда,*

---

<sup>146</sup>масалан, мусулмонлардан олинадиган тамга солигини бекор қилиш, динидан қатъий назар иқтидорига қараб сарой мансабларига жалб қилиш, маҳаллий халқ эътиқодига ҳурмат билан қараш ва б.

<sup>147</sup> Берк С.М. Акбаршоҳ бобурийларнинг энг буюғи. Т.: “Мумтоз сўз”, 1999. 9 бет.

*мечморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янгича серилҳом тараққиёт юз берди*", - деган эди.<sup>148</sup>

Бобурнинг дунёқарашини икки мамлакат халқлари дунёқарашининг гул бир уйғунлиги сифатида баҳолаш мумкин. Хусусан, унинг диний-фалсафий қарашлари Ўрта Осиёдаги йирик тасаввуф намояндаси, темурийларнинг пири муршиди, нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган арбобларидан бири ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор таъсири остида шаклланган. Бу дунёқараш унга ўзга динлилар юртига келганида ички ва ташқи сиёсат масалаларида теран фикр юритиб муваффақият халқ ҳурматини қозонишида жуда қўл келган.

Бобурнинг Ҳиндистонга олиб кирган энг катта янгиликларидан бири ўз давридаги ҳар бир қилган ишлари тарихини ёзиб бориш эди. Ачинкса, исломий анъаналар юридан келган инсон учун бу юрт ингиликлар ва ажойиботларга тўла бир юрт бўлиб, унинг бу одати, маълумки, кейинчалик, жаҳонга танилган “Бобурнома” асарига асос бўлган. Бобурийларнинг бу ҳислатини ҳинд мутахассислари ижобий баҳолаб, бу ҳақда шундай дейдилар: *“Музуллар империясининг Ҳиндистонга олиб кирган янгиликларидан бири бу тарихни ёзиб бориш саноати бўлиб, ҳар бир шоҳ ўз тарихини, албатта, ёки ўзи ёзиб борган, ёки ёздириб борган. Бу даврда яратилган барча тарихий китоблар бузунги кунда Ҳиндистон тарихи ҳақида қимматли манба сифатида қиммат қилиб келмоқда”*<sup>149</sup>. Кўпгина жаҳон мутахассислари “Бобурнома”га киритилган ҳар бир соҳа бўйича янгилик илмий жиҳатдан пухта, назарий асоси мустаҳкам, ҳеч қандай мутахассис инкор эта олмайдиган даражада тўғри, деб баҳолайдилар. Бу эса Бобур Мирзанинг нафакат саркарда ёки шоир, балки қомусий олим эканлигидан ҳам далолат беради. *“Бобурнинг “Бобурнома” асари шунчалик серқирра, сермазмун ва ноёб маълумотларга бөй асарки, у билан танишаётган китобхон баъзан сиёсий китоб, баъзан бадиий асар, баъзан шеърят китоби, баъзан тарихий, баъзан эса табиат таъсири, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан танишаётгандек ўзини ҳис қилади”*, - деб ёзадилар Бобуршунос олимлар.

<sup>148</sup> Сатимов Ф. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври. Т.: “Гуфур Гулом”, 2008, б. 114.

<sup>149</sup> “Муғул самражъя ки сапхалтаэн аор асаплхалтаэн”. қаранг: Мадхйакалини Бххрат, Делхи, 1988 йил. 551 бет

Бобурнинг ҳар соҳада намоён бўлган иқтидори ва билими унинг деярли барча ўғил, набира ва эвараларига мерос бўлиб ўтган ва улар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистон кўп соҳаларда муваффақиятларга эришган.

Насириддин Ҳумоюн шоҳ Бобур ва Моҳимбегимнинг катта ўғли бўлиб, "Бобурнома"да ёзилишича, 1508 йил март ойида "Бобулнинг шарқида тугилган". Ҳумоюн яхши маълумотли, юмшоқ табиатли, соддадил одам бўлган. У 1530 йил декабр ойида тахтга ўтиради ва ўзини Ҳумоюн шоҳ деб атаydi.

Ҳумоюннинг ижобий хислатларидан бири сифатида шуни айтиш мумкинки, укаларининг унга қилган жиддий ғанимлик ҳаракатларини ҳам бағрикенглик билан авф этган. 1540 йил бошларида Ҳумоюн Шайх Али Эмбер Жоинининг қизи Ҳамидабону бегимга уйланади. Аёл Ҳумоюннинг укаси Шайх Ҳиндолнинг тарбиячиси эди. 1542 йил 23 ноябрда Амаркут шаҳрида Ҳамидабону фарзанд кўради ва унга Акбар деб исм қўядилар. Манбаларда ёзилишича, Лахўрдан чиқиб кетиш олдидан Ҳумоюншоҳ бир туш кўрган. Тушида бир нуроний чол унга ўғил фарзанд кўришини ва унга Жалолиддин Акбар деб ном қўйишини маслаҳат берган экан. Онаси биринчи кун эмизганидан кейин Акбарни бошқа энагалар ҳам эмизган экан. Абулфазл Акбарнинг энагалари жуда кўп бўлганлигини таъкидлайди ва улардан тўққиз нафарининг исмларини тилга олади. Шу воқеадан тўрт кун аввал Ҳумоюншоҳ Байрамхон билан Синд сари юриш бошлаб йўлга чиққан эди. Масъулият туйғуси юқори ва бировнинг ҳаққидан ҳазар қиладиган Ҳумоюн биринчи имкон бўлиши биланоқ қўл остидаги амир ва беклардан олган қарзларини эгаларига қайтариб бериб, фақат белбоғидаги мушқдони билангина қолади. У бир чинни ликобчага мушқондаги мушқни тўкиб, атрофида давра қуриб ўтирган бек ва амирларга бир чимдимдан узата туриб: "Ўғлим туғилиши муносабати билан сизларга берадиган суюнчим мана шу холос. Мушқнинг ҳиди ҳозир уйни тўлғазиб турганидек, Худо хоҳласа, ўғлимнинг шуҳрати ҳам бутун оламга ёйилади", - дея Ҳумоюн ўғил кўрганидан бениҳоя қувониб дуо қилган экан. Келажақда эса Акбар, ҳақиқатан ҳам, буюк инсон, адолатпарвар шоҳ бўлиб танилди.

Ҳумоюншоҳнинг Ҳиндистон тахтидаги ҳукмронлик даври узокка чўзилмади. Ун беш йиллик қувғиндан сўнг Деҳлини қайта ўз тасарруфига олди ва орадан олти ой ўтгач, у тасодифан вафот этади.

1556 йил 11 февралда тахт вориси сифатида Акбар номи подшоҳ хутбасига кўшиб ўқиттирилгани боис Акбар отасининг тахтини эгаллайди.

Акбарда Бобур сифатларининг барча ижобий томонлари тикрорланган, айниқса, диний бағрикенглик, адолатпарварлик ва бунёдкорлик хусусиятлари. Тахтга чиқишдан аввал сарой мулозимлари ёш шахзода Акбарнинг бир неча бор, - *“Мен Худо хоҳлиса, Ер юзининг энг зўр қаймогини қўл остимда сақлайман, етти иқлимдаги бева-бечораларнинг тилагини бажо келтираман”*, - деб килган ниятининг бир неча бор гувоҳи бўлган эканлар. Жаваҳарлал Неру Ҳиндистонга бағишланган асарларида бобурийлар сулоласи ҳақида кўпгина ижобий фикрлар билдирган, ва, айниқса, Акбаршоҳга у унга хос таъриф берган: *“Бобур дилбар шахс эди. Уйғониши даврининг ажойиб султони, кучли тадбиркор кишиси бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севарди. Набираси Акбар эса янада мафтункорроқ бўлиб, янада кўпроқ фазилатларга эга эди”*<sup>150</sup>.

Бобурийлар Шимолий ва Марказий Ҳиндистонни узил-кесил қўлга оладилар. Акбар энди каттагина салтанатни яратган, ҳар бир масалани ўзи мустақил ҳал қиладиган шоҳ сифатида шаклланиб бўлган эди. Ўз давлати чегараларини кенгайтириш йўлида амалга оширган юришларидан сўнг, 1574 йилдан бошлаб маҳаллий аҳолининг унга бўлган ишончини қозониш, уларни жипслаштириш асосида улкан давлатни мустаҳкамлаш ва унинг кудратини ошириш ишларига киришади. Бунинг учун бир қатор ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказилади. Ҳинд жамиятининг мураккаблигини назарда тутган ҳолда ҳам дин, ҳам сиёсат тўғрисида шахсан ўзи бош қотиради. *“Мовароуннаҳр ва Ҳиндистондаги Бобурийлар салтанати ўртасидаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар, асосан расмий равишда Акбаршоҳ ҳукмронлик қилган даврдан бошланади. Бобур тахтининг меросхўри Ҳумоюншоҳ эса ички ва ташқи кучларга қарши курашлар билан чет давлатлар билан расмий муносабатлар ўрната олмаганди”*<sup>151</sup>, - деб ёзди И.Г Низомиддинов.

<sup>150</sup> Джавхарлал Неру. Открытие Индии, М., 1960, с. 73

<sup>151</sup> Низомиддинов И.Г. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон муносабатлари. Т.: “Фан”. 1986, б.23.



Акбаршоҳ даврида турли хил лавозимлар таъсис этилган<sup>152</sup>. “Оинаи Акбарий”да Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида ғайридинларга ҳам имтиёзлар бериш, ҳар бир инсонга бегаразлик ва самимийлик билан инсоф доирасида муомала қилиш ва фуқарога нисбатан ишда ҳам, муомалада ҳам саҳоватли бўлиш талаб этилганлиги ҳақида ёзилган. Акбаршоҳ янгиликларидан яна иккиси бу - 1575 йилдан эътиборан таъсис этилган баённомалар бўлими (Record office) ва 1581 йилдан амалда қўлланила бошланган салтанат ҳудудида истиқомат қиладиган фуқароларни рўйхатга олиш идорасининг таъсис этилишидир. Баённомалар бўлими ҳақида Абулфазл шундай ёзади: “сарой маъмуриятидан чиқадиган ҳар қандай хат (буйруқ) баённомага туширилиши шарт қилиб қўйилган эдики, бу идора ходимлари учун муҳим қўлланма вазифасини ўтаса, маъмурий кўрсатмалар эса ёзма шаклда баённомада сақланиб туриши шарт эди. Аҳолини рўйхатга олиш идораси ходимларига қишлоқма-қишлоқ юриб, аҳоли сонини аниқлаш, уларни тоифалаш ва касбкорини қатъий рўйхатга олиш вазифаси юклатилган эди. Ҳеч кимнинг бирон-бир касб-ҳунарсиз ёки тижоратсиз тирикчилик қилишига йўл қўйилмаслиги талаб этилар эди”.<sup>153</sup>

Диний багрикенгликда Акбаршоҳ Бобурдан ҳам фаолроқ бўлди. Бу борада унда Абулфазл қарашларининг таъсирини кузатиш мумкин. Чунончи, «Абулфазл бошқалардан фарқли ўлароқ будпарастликни ҳиндуларнинг бирдан-бир мақсади деб билмаган. У маъбуд, маъбудларнинг шакл-суратлари фақат фикрни бир ерга жамлаш учунгина хизмат қилган», деб ҳисоблаган. Ҳақиқатни билиш йўлида ва турли динларни ўрганишда Акбар Абулфазлга эргашган. Натижада, динлар хилма-хил бўлгани билан, аслида, уларнинг туб моҳияти бир ғояни, яъни Ҳақни ва у орқали ўзликни англаш йўлини кўрсатишдан иборатдир, деган хулосага келган.

---

<sup>152</sup> сипоҳсолор, девонбеги, бахши, мири одил, садр, қутвол, мир баҳр, фавждор, Қутвол, “битикчи”, хазинадор, конунгўйлар, “патвори” (қишлоқда), Мир замон (сарой ички ишлари), Нозири буютот (корхоналар иши), Мирбахши (қўшин хазинабони), Садрус-судур (диний ва адлия ишлари), воқеанавис қабилар

<sup>153</sup> Мусоев Шониёз, «Латоиф ал-ахбор» – Бобурийлар давлати тарихибўйича муҳим манба (XVII аернинг ўрталари), Тошкент 2007, б. 10

Маҳаллий ҳиндларнинг турли сабабларга кўра камситилишига чек қўйилиши маҳаллий халқ олдида Акбарнинг обрўсини оширган. Акбар мамлакатдаги ҳинду, сикх, жайн ва бошқа динлар вакиллари йиғиб, диний масалалар бўйича мунозара ва баҳслар ташкил қилар, голибларни эса қимматбаҳо совғалар ёки пул мукофоти билан тақдирлар эди. Акбаршоҳни, ҳатто, исломдан қайтганликда айбловчи хатлар ҳам ёзилган экан. Уларга жавобан Акбаршоҳ ҳам *"одамлар ўз ғийбатларида ҳали мен ҳақимдагина эмас, балки Пайгамбар (с.а.в.) ва Аллоҳ ҳақида ҳам нималар тўқиб чиқармайдилар"*, деган маънони англатувчи бир байт ҳам ёзган экан. Байтнинг мазмуни қуйидагича бўлган: *"Эй Худо, одамлар сенинг ўглинг бор дейишади, пайгамбарларни эса жодугар дейишади. Одамларнинг туҳматидан на Худо, ва на пайгамбар қочиб қутула олмаса, мен қутула оламанми?"*<sup>154</sup>.

Буларнинг барчаси салтанатда Акбарнинг диний бағрикенглик сиёсатига қаршиларнинг кўпайишига сабабчи бўлган, жумладан, Бадоуний Акбаршоҳнинг диний бағрикенглик сиёсатидан нафратланган ва шоҳни *"Ҳиндистонни ҳаром-ҳалол фарқланмайдиган, бировнинг нима иш қилаётгани билан ҳеч кимнинг иши бўлмайдиган, ким нимани хоҳласа шуни қиладиган улкан майдонга айлантириб қўйган"*<sup>155</sup> ликда айблаган. Бадоунийнинг *"Маҳабҳарата"*ни ҳинд тилидан таржима қилишда диний қарашлари туфайли ғаразғўйликка йўл қўйгани шоҳга маълум бўлиб қолганида Акбаршоҳ, *"Мен уни тенгги йўқ сўфий деб юрсам, ғаразғўйлик томирини қирқиб бўлмайдиган фақиҳ экан"*<sup>156</sup>, - дея ғазабланган экан.

Акбаршоҳнинг ҳақпарварлиги, адолат тарозусида иш юритиши ва инсонпарварлиги қон қонига сингиб кетган, лекин шоҳлик мансаби уни кўн ҳолатларда қарорни ўз истак хоҳишига зид равишда чиқаришга мажбур этадигандек туюлади, чунки манбаларда ёзилишича, вақт ўтиши билан ёш подшоҳнинг қалбида пайдо бўлган чексиз саволлар унга тинчлик бермас ва бу саволларга жавоб топиш учун тинимсиз изланишлар олиб борар экан. 1561-62 йиллардаги воқеаларни ширҳларлаган Абулфазл Акбаршоҳнинг тинимсиз Ҳаққа етиш

---

<sup>154</sup>Мадхьякалин Бхарат (Муғул самражъя ки сапхалтаэн аор асапхалтаэн). Дили, 1988. Б.332

<sup>155</sup>Ўша китоб, Б.325

<sup>156</sup>Ўша китоб, Б. 327

йўлларини излагани ҳақида ёзган. У гоҳ жўғилар даврасида, гоҳ санниялар ўртасида, гоҳ қаландарлар қуршовида бўлиб, улар билан мулоқотда бўлар ва бу олимлардан Ҳаққа етишиш йўлларини сўраб, уларга кўп муурожаат қилар экан. Бенгалияга қилган кема сайри давомида ҳам унинг ҳамроҳлари Ҳаққа илтижо қилиб айтилган нола-ю хонишларини тинглаб, Акбаршоҳнинг кўзга ёш олганини бир неча бор шоҳиди бўлган эканлар. 1575 йилда қалбидаги руҳий бесаранжомлик туйғуси энг юқори чўққига етганини сезади. У тунлари ухламай Тангри таолога илтижо қилар, азонда туриб сарой ҳовлисидаги тош супада тонгларни тоат-ибодат билан кутиб олишини Абулфазл кўп марта кўрган ва бу ҳақда ўз китобларида ҳам ёзган экан. Акбаршоҳнинг Ҳаққа бўлган чексиз интилишлари, бу йўлдаги руҳий азоблари уни бхактларга нисбатан бўлган ҳурмат ва эҳтироми, уларни қўллаб қувватлаши ва, айтиш жоиз бўлса, уларга маънавий муҳтожлигининг асоси бўлган бўлиши мумкин.

Шундай руҳий азобларда юрган вақтларида Акбаршоҳ ибодатхона қуришга буйруқ беради. Ибодатхона Фатеҳпурдаги сарой боғида қад кўтарган бўлиб, унда тўрт хона бўлган. Ибодатхонага кириш махсус таклифнома орқали бўлиб, бу ерда асосан диний мавзуларда баҳс ва мунозаралар ўтказилган. Дастлаб, у ердаги мажлисларда иштирок этиш учун фақат мусулмонлардан саййидлар, уламолар, шайхлар ва аркони давлат аъзолари таклиф этилган. Мажлислар пайшанба кунлари кечкурун бошланиб, жума куни пешингача давом этган. Бу мажлисларнинг боришини Акбар ўзи шахсан кузатиб борар ва гоҳ у гуруҳ мажлисида, гоҳ бу гуруҳ мажлисида иштирок этар, агар гуруҳлар мурасага келмай қолишса, бунга эътироз билдириб борган. Лекин, баҳсларда борган сари тартибсизлик кучайиб, баъзан жанжалга ҳам айланиб кетарди.

Насроний (христиан) динига эътиқод қилувчилар учун ҳам 1603 йилда махсус фармон орқали ўз динларига сиғинишларига руҳсат этилган, ундан аввалроқ эса урушда аср тушганларга мусулмон динини мажбуран қабул қилдириш тартибини бекор қилиш ҳақида фармон чиқарилган. Ҳиндуларнинг сигирларни муқаддас ҳайвон сифтида эъзазланишини инобатга олган ҳолда мол гўштини истеъмол қилишга йўл қўйилмаган. 1583 йилдан эътиборан ҳафтанинг маълум кунларида айрим ҳайвонларни сўйиш ва уларнинг гўштини истеъмол қилишни таъқиқловчи тартиблар ўрнатилган. Айрим маълумотларга қараганда,

1590-1591 йилларда ҳукиз, кўтос, эчки, қўй, от ва туя гўштини истеъмол қилиш таъқиқлаб қўйилган. Маҳаллий ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасидаги ғанимлик муносабатларини яхшилаш мақсадида Акбар шахсан ўзи ҳиндларнинг *Ракхи, Дипавали, Шивратри* деб аталган байрамларида ҳам иштирок этиб турар экан. Ҳатто, онаси Ҳамидабону вафот этган куннинг эртасига ҳиндуларнинг "Дашеҳра" байрами бўлиб қолганида, ўша куни азани тўхтатиб, уларнинг байрамида иштирок этиб, кейин яна азадорликни давом эттирган экан.

Саройдагиларнинг баъзилари Акбаршоҳни қуёшга сиғинувчи оташпараст деса, бошқалари уни насроний деб ҳисоблар экан, баъзилари эса уни янги дин яратмоқчи эканини айтар, яна бошқалар эса уни мусулмон деб ҳисоблар экан. Хуллас, аҳоли ўртасида Акбаршоҳ ҳақида турли хил мишмишлар юрар экан. Саройга келган роҳиблар ҳам Акбаршоҳнинг қайси динга эътиқод қилишини аниқлай олмаган эканлар. Улар *"У (ғайридин бўлган) ҳиндулар ва жайнлар дини аҳкомларига таяниб ибодат қилади. Порсийларга ўхшаб қуёшга сиғинади. У янги мазҳаб яратган"*<sup>157</sup>, деган фикрларни билдирганлар. Акбаршоҳнинг эътиқодига доимо шубҳа, мазаҳ назари билан қараган Бадоуний насронийлар ҳақида шундай деб ёзган экан: *"Улар Инжилни олиб келиб, ундаги Худо, унинг ўғли Исо ва Исонинг онаси Биби Марямнинг бирлиги ҳақидаги хурофотга Акбарни ишонтирдилар ва Аълоҳазрат насроний динининг ҳаққоний дин эканига ишонди"*<sup>158</sup>, ёки бўлмаса, Акбаршоҳ бир марта баҳс-мунозара ибодатхонасида Бадоунийга тартиб бузганларни мажлисдан чиқариб юборишни тайинлаган. Бадоуний эса ёнидаги одамга шивирлаб: *"Агар ҳамма тартиббузарларни шоҳга етказаверсам, кўпчилик уламолар бу ерда қолмас эди"*<sup>159</sup>, - деб кулган экан. Саройдаги бундай мураккаб, зиддиятли, маънавий қашшоқ сарой аъёнлари ҳамжамиятида Акбаршоҳнинг бхактларни, улар қайси дин вакили бўлишидан қатъий назар, саройга кўпроқ жалб этиши, уларга ҳайрихоҳлик қилиши, улар билан қизгин суҳбатлар қуриши (Даду Дайал ва унинг шогирдлари билан қилган қирқ кечаю, қирқ кундузлик суҳбатлари, жайнлар билан

<sup>157</sup> Сатимов Ғ. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври. Т.: "Ғофур Фулом". 2008. Б. 157

<sup>158</sup> Мадхьякалин Бхарат. Дилли, 1982. Б. 541

<sup>159</sup> Уша китоб, Б.342

ўтказган баҳс мунозалари, кришнабхактлар, сантлар ва бошқа бхактлар билан бўлган учрашувлари), олий даражада хизмат кўрсатганларга сарой унвонларини бериши унга ҳамisha маънавий озуқа, куч-қувват ва ирода, келажакка ишонч, танлаган йўли, олиб бораётган сиёсати тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилишида катта аҳамият касб эганлигидан далолат беради. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бхакти ҳаракатининг бобурийлар сулоласи ҳукмронлик даврида шакллангани ва бхактлар сонининг бутун ҳинд замини бўйлаб лолақизғалдоқдек кўпайиб кетгани бобурийлар ва, айниқса, шоҳ Акбар учун тараққийпарвар сиёсат олиб боришида жуда қўл келган. У билан доимий равишда бирга бўлган, саройнинг юқори мансабларида бўлиб, шоҳнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан воқиф бўлган сарой аъёнлариёса унинг чуқур эътиқоди, бағрикенглиги, илм-фан тараққиёти ва салтанат ободончилиги йўлидаги заҳматларини тушуниб етмаган бир пайтда, кўшни давлатлар ва рожаликлар истаган вақтда ҳужум қилиб, улар яратган империяни йўқ қилиши мумкин бўлиб турган мураккаб ижтимоий сиёсий вазиятда салтанат бўйлаб кенг тарқалган бхакти ҳаракати ва бхактларгина жонига оро кирган, унга куч-қувват бағишлаган. Бхактининг салтанатда ижтимоий сиёсий аҳамиятини нафақат Акбаршоҳ, балки барча бобурий шоҳлар яхши англаб етганликларини шундан ҳам кўриш мумкинки, ҳар бир бобурий шоҳнинг салтанат ҳудудида ва ундан ташқарида ўз севган, ишонган ва маслакдош бўлган бхактлари бўлган ва улар билан доимий равишда маслаҳатда, алоқада бўлиб турган.

Акбаршоҳ саройидаги кўп миллатли таркибга эга бўлган мулозимлари томонидан эришилган муваффақиятларнинг энг юқори чўққиси сифатида саройда ташкил этилган *таржимачилик кенгаши* ва улар томонидан яратилган ноёб асарларни эътироф этиш мумкин. Бу кенгаш аъзолари, асосан, шоҳ атрофидаги фозил кишилар бўлиб, уларнинг қилган ишлари яққол кўзга ташланиб турган. Бадоунийнинг хабар беришича, шоҳ буйруғига биноан, Фатехпурдаги сарой кутубхонаси қошида махсус "мактабхона" ташкил этилиб, бу мактабда олимлар таржимачилик иши билан шуғулланганлар. Абулфазлнинг айтишича, бу мактабда филологлар ҳинд, юнон, араб ва форс тилларида ёзилган ноёб китобларни, арифметика, астрономия, тарих,

география, ҳайвонлар ҳаётига оид турли асарларни<sup>160</sup> форс ва араб тилларига таржима қилиш билан шуғулланганлар.

Таълим соҳасида ҳам бобурийлар жуда кўп фойдали амалларни бажарганлар. Барча масжидлар ва ибодатхоналар қарамоғида мактаблар, ўзига хос хотин-қизлар мактаблари бўлган. Акбаршоҳ маданият ва санъатнинг барча турларига жумладан, шеърят, мусиқа, рассомчилик, меъморчилик ва бошқа кўплаб маданият ва санъат йўналишларида улкан янгиланишларни амалга оширган. Акбаршоҳ ўз даврининг мусиқа илми билимдонларидан бўлиб, унинг икки юзга яқин куй басталагани маълум. Шунингдек, у моҳир ноғорачи ҳам бўлган, дейилади. Бундан ташқари, Акбаршоҳ ҳукмдорлиги даврида Ҳиндистонда наққошлик ва ганчкорлик, шу билан бирга ҳаттотлик санъати мусулмон усталари томонидан энг юқори мавқега кўтарилган. Бобурийлар даврида миниатюра санъати ҳам юзага келган ва Акбаршоҳ даврида дostonлар, ёдномалар ва эпосларни расмлар билан безатишга катта эътибор қаратилган<sup>161</sup>.

Абулфазлнинг хабар беришича, Акбаршоҳ беш тоифа олимлар ва фозилларни жуда ҳурмат қилган ва уларга катта эҳтиром кўрсатган. Абулфазлнинг "Оина-и Акбарий" асарида улардан бир юз қирқ кишининг рўйхати берилади. Шайхлар, файласуфлар ва бошқа соҳа вакилларида иборат бу олимлар орасида ҳиндулар ҳам, мусулмонлар ҳам бўлган.

---

<sup>160</sup> Ҳаёт-ул-хайвон" (ҳайвонлар ҳаёти ҳақида) Шайх Муборак томонидан араб тилидан форс тилига, "Лилавати" арифметикага оид асар Файзий томонидан форс тилига, астрономияга оид "Тажак" асари Муҳаммадхон Гужаротий томонидан форс тилига, санскрит тилидаги "Атхарваведа" асар Бадоуний томонидан, кейинчалик Ҳожи Иброҳим Сивдий томонидан форс тилига ўгирилган. Қаранг: *Сатимов Ф. Бобурийлар даврида маориф тизими. "Бошланғич таълим" журн.* 1998. №1, Б. 28-29. Бобурнома, Инжил, "Синхасан Баттиси" (Шоҳ тахти ҳақида ўттиз икки ҳикоя"), Кришна ҳаётига бағишланган "Ҳарибас", "Калила ва Димна", "Маҳабҳарата" ва "Рамайна" каби асарлар таржима қилинган. Қаранг: *Антонова А.К. Очерки общественных отношений и политического строя могольской Индии времен Акбара (1556-1605).* М.: 1952. Б. 23

<sup>161</sup> "Чингизнома", "Зафарнома", "Акбарнома", "Нал ва Дамаянти", "Айёри Дониш", "Калила ва Димна", эпик асарлардан "Рамайна", "Рамзнома" ва бошқаларга миниатюралар ишланган

Бобурийлар салтанати ҳудудида асосан Кришна бхакти йўналиши кенг тарқалган бўлиб, бу ҳудудлар маҳаллий халқ тили бўлган браж тилига асосланиб Бражбхуми деб аталар эди ва айнан шу ҳудуд халқи Кришна бхактига алоҳида ихлоси билан ажралиб турган.

XVII асрда бхакти адабиётида шаклланган авлиёлар ҳаётига бағишланган “варта” жанридаги насрий асарлар саҳифасида Акбар шоҳнинг бхакт шоирлар иттифоқи “Аштачхап” вакиллари Сурдас, Кришнадаас ва бошқалар билан, Акбаршоҳ авлодларининг эса бошқа сантлар, вишнуит ва жайн бхактлар билан бўлган учрашув ва суҳбатлар қилганликлари, уларнинг шеърлятига юксак баҳо берган ҳолда уларга сарой шоири бўлиш таклифини киритганликлари ҳақида ҳам сўз юритилади. Лекин, “Аштачхап” шоирлари, Акбаршоҳга миннатдорчилик билдириб, уларга ўз танлаган йўлларида боришларига руҳсат беришини, саройда эркинлик чекланган бўлиб, бу нарса улар учун оғирлик қилишини айтганлари, бхактларнинг асосий бурчи Кришна ва у яратган оламни куйлашдан иборат эканлигини тушунишини сўраганлари ва, албатта, бағрикенг Акбаршоҳ бхактлар эътиқодидан ҳайратда қолиб, уларга ўз танлаган йўли ва ўзи истаган ҳаётда яшашлари учун изм бергани ҳақидаги маълумотларни “варта”<sup>162</sup> жанридаги асарларда кузатишимиз мумкин.

Лекин, кейинги давр манбалари шуни кўрсатдики, булар Акбаршоҳнинг бхактлар ва сантлар билан бўлган ягона учрашуви эмас. У ўз салтанати ҳудудида осмон юлдузларидек кўпайиб кетган бхактлар ва сантлар билан доимий равишда мулоқотда бўлган, зарур вақтларда улардан маслаҳат олган, улар билан бирга ўтириб турли диний фалсафий мавзуларда суҳбатлар уюштириш Акбаршоҳнинг доимий одати ва севимли машғулоти бўлиб, бу машғулотлардан у жуда завқланган. Бобурий шоҳларга бхактига бўлган қизиқиш ва ҳурмат буваси Бобур Мирзодан ўтганлигининг ҳам гувоҳи бўламиз. Чунки, ўз даврида Бобур ҳам Ҳиндистонга кириб келиб ўз салтанатига асос солганида бу ҳудудларда бхакти ҳаракати ривожлана бошлаган бўлиб, шу давр бхактларидан Бобур ҳам жуда таъсирланган экан, хусусан, бхактлар ҳақидаги маълумотлар тўпланган “Бхактмала”лардан бирида

---

<sup>162</sup> Муҳибова У.У., Индийская агиографическая литература. Ташкент, 2008. Б.78

Гуру Нанак бхактиси ҳақида гапириб, “*Муғул шоҳи Бобур ҳам Нанакнинг бхактисидан жуда таъсирланган эди*”<sup>163</sup>, - деб ёзилган.

Шу даврнинг таникли сантларидан бири *Даду Дайал* шогирдларининг кўплиги билан ажралиб турган. Унинг 150 дан ортик шогирдлари бўлиб, улар бобурийлар салтанатининг турли худудларида истиқомат қилган. Устоз Даду билан суҳбат қурган шахс у билан яна қайта суҳбат қуриш истагида бўлар экан. Кунлардан бир кун Акбаршоҳ устоз Даду ҳақидаги илиқ гаплардан таъсирланиб, уни саройга таклиф этади. Даду ўзининг етти шогирди билан Акбаршоҳ хузурига ташриф буюради ва шоҳ саройида улар Акбар шоҳ билан қирқ кечаю қирқ кундуз давомида турли мавзуларда суҳбатлар, баҳс мунозаралар ва кечалар ўтказганликлари ҳақида ёзилган<sup>164</sup>.

Барча динларни ўз бағрига олган бхакти ҳаракати жайн дини вакиллари орасида ҳам ўз ўрнини топа олган ва бхакти таъсирида жайнлар орасидан ҳам кўпгина бхактлар етишиб чиққан. Уларнинг диний-фалсафий ва маънавий дунёқараши Акбар шоҳ ва бошқа сарой аъёнлари эътиборини ўзига жалб этган ва улардан кўпчилиги бобурийлар салтанатида сарой хизматида бўлганлар. Жайн бхактлар орасида, айниқса, Акбаршоҳ илтифоти билан саройда юқори мавқеларга эришган бхактлардан Хирвижайсури, Вижайсенсури, Шантичандрасури, Бханучандрасурилар номини алоҳида тилга олиш лозимки, бу маълумотлар Бобурийлар сулоласининг бхакти ва бхактларга бўлган ҳайрихоҳлиги ва ижобий муносабатининг яққол мисоли бўла олади.

Хусусан, жайн бхактлардан Хирвижайсури Акбаршоҳга жайнлар дини сабоқларини, ундаги “ахимса”<sup>165</sup>, яъни жонзотларга озор етказмаслик назариясини ўргатган. Бу сабоқлар Акбаршоҳда жайнлар динига нисбатан ҳурмат туйғуларини уйғотган ва у Хирвижайсурига унинг берган билимлари учун тақдирлаш фикрини билдирган.

---

<sup>163</sup> Келашчандра Шарма. Бхакатмал аор хинди кавья ме уски парампара. Мантхан пабликешан, Дехли. 1983. Б.193

<sup>164</sup> Балдев Ванши. Даду грантхавали. Пракашан санстхан, Дехли, 2005. Б. 122

<sup>165</sup> хинса” сўзнинг луғавий маъноси зарар, зарар етказиш, “а” префикси инкор маъносида ишлатилади, демак, “ахинса” - зарар етказмаслик, озор бермаслик деган маънони англатади.



Хирвижайсури эса бунга жавобан бхактлар берган билими учун туҳфа олмасликларини айтиб, Акбар шоҳга миннатдорчилик билдирган. Акбар шоҳ бўлгани сабаб унинг бирон бир истагини бажариши лозимлигини айтганида, Хирвижайсури зиндонбанд қилинганларни ва кафасда сақланаётган кушларни озод қилишини сўраган, шу ўринда шоҳ ҳам ўз сўзида туриб, бхактнинг бу истагини ерда қолдирмаган экан. Шоҳ Акбар жайнлар динининг “ахимса” назариясидан шунчалик қаттиқ таъсирланганки, кейинчалик ўз салтанатида жайнларнинг “ахимса” кунига бағишланган саккиз кунлик байрамни ўн икки кун давомида нишонлаш ва йилнинг олти ойи давомида ов қилишни ман қилувчи фармон чиқарган. Шоҳ Акбарнинг жайн бхактларга нисбатан ҳурматини яна шунда кўриш мумкинки, у йилнинг фақат уч ойи давомидагина гўштли таомлар истеъмол қилган. Бу масалада Акбарда жайнлар дини таъсирида ўзига хос дунёқараш шаклланган бўлиб, унга кўра *“Ҳаётнинг асосини қон ташкил қилади. Демак, гўшт ейишдан ўзини тийиш, ҳаётни эъозламоқ демакдир”*<sup>166</sup>, ёки бўлмаса, *“Инсон ўз ошқозонини ҳайвонлар қабристонига айлантириб қўймаслиги керак”*<sup>167</sup>, - деган фикрларни қўллаб қувватлаган.

Акбар шоҳ саройида жайн бхактлардан Хирвижайсуридан кейин Шантичандрасури, Бханучандрасури, Вижайсенсури ва Сиддхичандрасурилар шоҳнинг катта ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлганлар. Бханучандрасури салтанат ҳудудига ов қилиш анънасини тақиклаб қўйишни сўраганда, Акбаршоҳ бу истакни ҳам амалга оширган. Акбаршоҳ жайн бхактларнинг салтанатга кўрсатган хизматларини доимий равишда рағбатлантириб турган, хусусан, Хирвижайсурига Акбаршоҳ *“Жагадгуру”* (“Олам устози”) унвонини, Вижайсенсурига эса Дехли шоҳ саройида 3ббта брахманни баҳс ва мунозараларда енгиб чиққани учун *“Саваи Хирвижайсури”* (“Хирвижайсуридан ҳам зукко”) деган унвонни берган. Сиддхичандрасури Акбаршоҳни диний-фалсафий мунозарада лол қолдиради ва унга Акбар *“Кхашаф ҳам”* (“Энг олий”) номли энг юқори унвонни берган. Акбаршоҳнинг “Оина-и-Акбари” асаридаги сарой олимлари рўйхатига жайн бхактлардан Хирвижайсури, Вижайсенсури ва Бханучандрасуриларнинг номи киритилган, дейилади<sup>168</sup>.

<sup>166</sup> Шивкумар Мишра. Бхакти андолан аор бхакти сахитъя. Патна, 2010. Б.77

<sup>167</sup> Уша китоб, Б. 77

<sup>168</sup> Ананддхан Кумарпал Десаи. Дилли, 2008. Б 28

Акбаршоҳ ободончилик ишларига ҳам катта эътибор қаратган бўлиб, боғдорчиликда Акбар шоҳнинг номини алоҳида тилга олиш лозим. У бобурийлар сулоласи орасида биринчи бўлиб Кашмир диёрига қадам қўйган шоҳ бўлиб, у ерда “*Насим*” боғини курдирган. Бундан ташқари Равалпур шаҳрида “*Жхейлам*”, Дехлида отаси Ҳумоюннинг мақбараси атрофида, Аграда ўзига атаб курдирилган мақбара атрофларида ҳам боғ-роғлар барпо эттирган. Чинор дарахтини кўпайтириш ҳам Акбаршоҳ ташаббуси билан амалга оширилган. Шринагар шаҳри, Жхейлам дарёси соҳилларида ва Пахалгам йўлларида, Бижбиҳардаги қатор-қатор чинорлар Акбар шоҳ ташаббуси билан экдирилган чинорлар экан.

Бу анъаналарни Акбарнинг ўгли *Жаҳонгир* ҳам давом эттирган. У табиатшунослик билан шуғулланган. Парранда-ю дарранда ва ўсимликларга у берган таъриф ниҳоятда аниқлиги билан ажралиб турган. Жаҳонгир тарихда “*Энг улуг боғ яратувчи*” номи билан машҳур. Ул зот уч қисмдан иборат “*Шалимар*” (“Севги боғи”), “*Адхабала ва Веринаг*” боғларини, ғарбий Покистонда “*Ваҳ*” боғи, Кашмирда “*Ишрати афзо*” (“Севинч бахш этувчи”), Лаҳорда “*Дилкушо*”, Аграда қайнотасига аталган боғларни яратган. Кашмирдаги Шринагар шаҳрига ҳам Жаҳонгир асос солган. Жаҳонгирнинг завжаси Нуржаҳон ҳам боғдорчиликка жуда қизиққан ва гулоб атрини ҳам Нуржаҳон кашф этган, дейилади. Нуржаҳоннинг акаси эса “*Нешод боғ*” (“Жаннат боғи”)ига асос солган. “Нешод боғи” 12 поғонали боғ бўлиб, ҳар бир боғ 12 бурж белгисини англаган. “*Ачхабал*” боғи ҳам поғонали боғлардан бўлиб, ҳар бир поғонасида турли мевали боғлар, яъни олма, ўрик, олча, нок, олхўри ва бошқа мевалар етиштириладиган боғлардан ташкил топган, боғнинг маълум бир қисмини эса чинорлар эгаллаган. Боғ яратишда Жаҳонгир шоҳ “*чор чинор*” услубини қўллаган экан.

Жаҳонгир шоҳ ҳам бхактларга катта ҳурмат ва эҳтиромли муносабатда бўлиб, улар билан доим мулоқот қилган, уларни саройга таклиф қилиб турган. Айниқса, жайн бхактлар ўзларининг бхактига хос ҳислатлари ва чуқур билимлари билан Жаҳонгир эътиборини тортиб келганлар. Отаси Акбардек, Жаҳонгир ҳам жайн бхактларни сарой ҳудудида фаолият кўрсатиш учун таклиф этган ва лозим топганда уларга сарой мансаб ва унвонларидан берган. Бундай ҳурматга сазовор бўлган жайн бхактлардан бири Вижайдевсури бўлиб, унинг экстазга тушишидан Жаҳонгир қаттиқ хайратга тушар экан ва унга “*Жаҳонгири*

*махатана*”, яъни “Жаҳонгирнинг буюги” унвонини берган. Бобурийлар сулоласи даврида шоҳларнинг илтифоти ва меҳрибончилиги билан жайн бхактлар “ахимса” қоидаларини ҳаётга тадбиқ этиш, жайн адабиётини яратиш ва жайнлар таълимотини мустаҳкамлаш ишларида анчагина муваффақиятларга эришганлар. Шоҳ Жаҳонгир даврида бобурийлар салтанатида яшаб ижод этган ва шоҳ эътиборига тушган жайн бхактлардан яна Сатьявижайжи, Ананддханжи, Яшовижайжи, Вижайанандсури, Вижайпрабхусурилар номи эслаб ўтилади.

Ўзининг “Тож Маҳал”и билан Ҳиндистоннинг доврўғини жаҳонга таратган бобурийлар сулоласининг вакили *Шоҳжаҳон* ҳам ободончилик ишларида, диний бағрикенгликда, илм фан ва савдо ишларининг ривожига бувалари ва отасидан қолишмаган. Шоҳжаҳон боғ яратишдан ташқари, айниқса, фавворалар курдиришда анча фаоллик ва юқори даражада дидлиликни намоён этган. Жумладан, Лахўрдаги “Шалимар” боғи тепасида қора мрамрдан поғонали шаршара курдирган. Шаршара токчаларига ўрнатилган чироқлар ёнганида афсонавий гўзал бир манзара намоён бўлган. Бу шаршара шаклларнинг бир-бирига мослиги ва режа мутаносиблиги билан ажралиб турган. Бу ерда мрамрдан улкан ҳовузлар ҳам курилган, ҳовузнинг ўртасида мрамр супа бўлиб, атрофида 450 та фаввора ҳавога роҳатбахш намлик пуркаб турган. Богда мрамр ва қизил тошлардан ишланган сон-саноксиз уйчалар курилган.

Отасининг тахтини эгаллаган Хуррам (Шоҳжаҳон) шаҳзода *Аурангзебни* Гужаротни бошқариш ишига тайинлайди. Мусулмончилик тарафдори бўлган Аурангзеб Гужарот халқига нисбатан кўп диний ноҳакликлар қилиб, миллий байрамлардан Хўли ва Дивалини нишонлашга қарши чиқади. Лекин, бхакти ҳаракати ва бхактлар ўзларининг кучли эътиқодлари билан қаттол Аурангзебнинг ҳам кўнглини юмшатиб, унга бхакти ва бхактларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромда бўлишни ўргатадилар.

Бхактлар орасида шундай шоирлар ҳам борки, улар ўз ҳаётлари давомида Бобурийлар сулоласининг деярли барча шоҳларини кўрган, улар ҳукмронлик қилган даврларда шу салтанат ҳудудида яшаб ижод этган ва кези келганида улар билан мулоқотда ҳам бўлган шоирлар ҳам бор. Жайн бхактлардан Ананддхан шундай шоирлардан бири бўлиб, у яшаган давр Акбаршоҳдан то Аурангзебгача бўлган даврни камраб

олади. Ражастан ҳудудида тугилиб ўсган Анандхан Бобурий шоҳларнинг ҳарбий юришлари, бу жараёнларда тахт ворисларининг алмашилиш воқеаларининг барчасининг шоҳиди бўлган.

Темурийлар сулоласидан бўлган Бобур ва унинг авлодлари олиб борган кураш ва сиёсатларга назар ташлайдиган бўлсак, темурийлар ва бобурийларга хос бир хилликни кузатиш мумкин. Яъни, Амир Темур ҳам доимий равишда марказлашган катта давлат барпо қилиш йўлида кураш олиб бориб, ён атрофидаги давлатларга юриш қилган, лекин уларни ўз давлатига қўшиб олганидан сўнг ҳокимиятни маҳаллий халқ вакилларига топшириб, ўз сиёсатини халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида шакллантирган. Худди шундай сиёсат бобурийларга ҳам хос, дейиш мумкин. Тарихий воқеаларда бундай ҳолатларни кўп кузатиш мумкин. Жумладан, Мевар давлати мисолида бундай сиёсат яққол кўзга ташланади.

Акбаршоҳ Меварни босиб олиш учун бир неча бор юриш қилиб, ҳар сафар Маҳарана Пратап Сингга курашда ютқазиб келар эди. Лекин, Акбаршоҳнинг Меварни босиб олиш мақсади ҳеч сўнмас эди. Маҳарана Пратапдан кейин тахтга унинг вориси Амарсинг ўтиради ва Акбаршоҳ бу ҳудудни босиб олиш учун энди у ерга қўшин билан шаҳзода Салимни (Жаҳонгир) икки марта жўнатади, лекин бундан ҳам натижа чиқмайди. Бу орада Акбаршоҳ оламдан ўтиб, тахтга шаҳзода Салим ўтиради. Шоҳ Салим ҳам отасининг ишини давом эттириб, шаҳзодалар Парвез, Муҳаббатхон ва Абдуллахонлар билан Меварга қайта юриш қиладилар ва яна душманга ютқазадилар. Охирида Жаҳонгир Меварга шаҳзода Хуррамни (Шоҳжаҳон) катта қўшин билан жўнатади. Шоҳжаҳон Меварни тўрт томондан ўраб олади ва Амарсинг сулҳ тузишга мажбур бўлади. 400 йиллик Мевар давлатининг фаолияти тугатилади. Мевар Бобурийлар империяси билан эркин ва дўстона муносабатларга киришади ва Бобурий шоҳлар Меварни бошқариш ишларини Амарсингнинг ўзига топширадилар ва кўп йиллар давомида Меварни Амарсинг ва ундан кейин Карансинг, Жагатсинг ва Ражсинглар бошқариб борган.

Бу сулолаларга хос яна бир хусусият уруш ва жанглари ўз йўлида ва мамлакат тараққиёти ишларини ўз йўлида олиб бориш хусусиятидир. Хусусан, Амир Темур даври, бир томондан, кўп ҳарбий юришлар ва урушлар даври сифатида баҳоланса, бошқа томондан, унинг давлати ўз даврининг илм-фан, савдо ва бошқа турли соҳалар ривож топган

марказ сифатида ҳам ажралиб турган. Ҳиндистонда Бобурийлар даврига ҳам худди шундай таъриф бериш мумкин. Хусусан, жайн бхакт Ананддхан, сантлардан Ражжаб ва Малукдаслар, юқорида таъкидлаганимиздек, Бобурийлар сулоласи ҳарбий жанглари ва юришлари, шоҳларнинг тахт алмашинув жараёнларини ўз кўзлари билан кўрганлар, лекин айнан шу даврда улар Бобурийлар салтанати худудида яшаб ижод этиб келганлар.

Бу маълумотлар шундан далолат берадики, салтанат худудини кенгайтириш йўлида олиб борилган жанг ва ҳарбий юришлардан, асосан, юриш қилинган худудгина зарар кўрган бўлиши мумкин, бутун салтанат миқёсида эса тинч - тотув ҳаёт ва тараққиёт давом этган. Бхактлар яратган бекиёс адабий мерос бунга яққол далилдир. Чунки, Бобурийлар салтанати худудида яшаб ижод этган бирон бир сант ёки бхакт шоирнинг у яшаган даврда бўлган урушлар, талон-тарож, халқнинг урушдан кўрган азоблари ёки бобурий шоҳлар зулми ҳақида ҳеч бир манбада маълумот учрамайди, аксинча бхакти ғояларидан маст бўлган, шу ғояни тарғиб қилишни ўз ҳаётининг бош мақсади деб яшаган инсонларни ва улардан таъсирланган тинч тотув яшаётган халқ ҳаётини кузатиш мумкин.

Тарих саҳифаларида учрайдиган кўпгина босқинчилик урушларидан фарқли ўлароқ, Бобурийлар сулоласи эгаллаган давлатларни талон-тарож қилиш ва халқини қул қилиш эмас, аксинча, марказлашган кучли давлат барпо этиб, теурийлардек унда халқ учун фаровон ҳаёт яратиб бериш билан боғлиқ сиёсатни олиб борганлар, зеро, қадимда ўз салтанати худудини кенгайтириш шоҳларнинг асосий бурчларидан бири бўлиб, бу бурчни адо этмаган ҳеч бир шоҳ ўзининг шоҳлик даражасини сақлаб қола олмаган. Энг одил шоҳ бўлган Акбар ҳам бу борада, *“Салтанат эгаси доим ўз мавқеини ошириб бориши лозим, акс ҳолда, унинг ганимлари унга қарши қурол кўтаради”*, - деган фикрни билдирган. Шунинг учун бутун ҳаёти давомида турли мазмундаги урушлар олиб бориб, ўзига қарашли ерларни муваффақият билан кенгайтириб борган. Унинг салтанати Қобулдан Бенгалиягача, Кашмирдан Виндиягача бўлган катта худудни ташкил этган.

Бобурий шоҳларнинг аксарияти босқинчилик билан бир қаторда ўзларидаги инсонийлик, халқпарварлик, бағрикенглик ва ободончилик ишлари билан боғлиқ хусусиятларини ҳеч қачон йўқотмаганлар ва Ҳиндистонни ўз она юртлари деб билиб, унинг жамики иқтисодий,

маданий, маънавий ва маърифий бойлигини ҳинд халқи фарвонлиги йўлида сарф қилганликларига тарих шоҳиддир.

Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистон маънавий-маърифий тафаккури тараққиётида тутган ўрни ҳақида ҳар соҳа бўйича беқиёс маълумотлар келтириш мумкин. Юқорида тилга олинган боғ ва шаршаралардан ташқари яна жаҳон аҳлига танилган архитектура ёдгорликларидан: Аградаги “Тож Маҳал”, Дехли ва Аграда қурдирилган “Қизил қалъа”лар, Дехлидаги Президент саройи ховлисида қурдирилган машҳур “Муғуллар боғи”, “Хумоюн макбараси” ва бошқа бир қанча архитектура ёдгорликлари ҳам бобурийлар сулоласи номи билан боғлиқлиги барчага маълум. Турфа гуллар мажмуасидан иборат “Муғуллар боғи” ҳар йили февраль-март ойларида, аynи барча гуллар гуркираб очилган вақтда бир ой мобайнида сайёҳлар ва маҳаллий халқ учун сайлгоҳга айланади.

Демак, бугунги кунда Бобурийлар сулоласи билан боғлиқ тарихий манбалар темурийлардан бўлган Бобурмирзо ва унинг ворисларининг Ҳиндистон маънавий-маърифий тафаккури тараққиётида катта аҳамият касб этишини кўрсатади. Бунга Бобур Мирзо ва унинг ўғилларига хос бўлган ўз халқи ва ватанига, дини, маданияти ва тарихига бўлган чексиз ҳурмат ва муҳаббатнинг кучлилиги сабаб бўлган. Бобур темурийлар сулоласи анъанасини тиклаш учун курашди ва уни Ҳиндистонда тиклади, бу анъаналарни унинг ўғил ва набиралари яна ҳам ривожлантирди. Кўпдинлилик ва кўптиллилик ҳукмрон бўлган Ҳиндистондек азим юртда Бобурийлар сулоласи ўзининг диний багрикенглиги, адолатли сиёсати, маҳаллий халққа бўлган катта ҳурмати, юрт ободончилиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари билан Ҳиндистонда ҳар жиҳатдан мустаҳкам салтанат барпо этдилар ва бу салтанат Ҳиндистонда уч юз йилдан ортиқ давр мобайнида ҳукмрон сулола бўла олди.

Ҳиндистонда “Бобурийлар салтанати”нинг асосчиси номи билан башарият тарихида ўчмас из қолдирган етук саркарда, шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг каламига мансуб қуйидаги мисралар унинг бутун умр яхшилик ва эзгулик йўлида доимо заҳмат чекиб яшаган инсон эканлигини кўрсатади:

*“Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,  
Ким дегайлар даҳр аро қолди, фалондин яхшилик...”*

турли ҳудудларда яшовчи турли қатлам, дин ва миллат вакиллари орасидан юраги меҳр ва садоқатга тўла ва қобилиятли бўлган юзлаб бҳакт шоирларнинг етишиб чиқиши халқнинг бҳактига бўлган ишонч ва эътиқодини яна ҳам кучайтирди ва мустаҳкамлади. Бу эса бҳакти адабиётининг *энг ривожланган учинчи босқичи* бўлди.

Шу тарзда, халқ манфатлари ва уларнинг юрак дардларини ўзида акс эттирган, ҳақиқий инсон аслида қандай бўлиши лозим, ҳаётнинг асл мазмуни нимадан иборат эканлигини очиқ ойдин ифода этиб бера оладиган “Бҳакти адабиёти” бунёдга келди ва у бутун Ҳиндистон бўйлаб ёйилди.

Бҳакти шаклланган ўрта асрлар адабий жараёнида эса, асосан, саккиз турдаги адабиёт мавжуд бўлган, улар: форсий тилдаги сарой адабиёти, туркийзабон адабиёт, сиддх ва натх секталари адабиёти, буддавийлик, жайнлар дини, сикхизм, тасаввуф ва бҳакти ғоялари асосида шаклланган адабиётлар. Булар орасида ўзидан энг катта мерос қолдирган, асарлари деярли тўлиқ равишда етиб келган ва ўз аҳамиятини ҳанузгача йўқотмай келаётган адабиёт бу бҳакти ва тасаввуф адабиётларидир. Сўз ўрта асрлар адабий мероси ҳақида боргани боис ва бу даврнинг етакчи мафкураси бҳакти бўлганлигини назарга олган ҳолда барча адабий меросларга бҳакти мафкуравий олами нуқтаи назаридан маълумот беришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

*Сарой адабиёти* деганда биз шимолий бҳакти ҳаракатининг маркази бўлган Бобурийлар салтанатида яшаган шоир ва ёзувчилар қаламига мансуб форсий, ҳиндавий ва туркий тилларида яратилган адабиётни назарда тутамиз. Лекин, ҳинд адабиётшуносларининг Ҳиндистондаги бобурийлар даври сарой шоирларининг асарлари ёки уларнинг ижоди ўрганилган бирон бир йирик тадқиқот иши хали қўлга киритилмади, лекин, Бобурийлар сулоласи вакилларининг ижоди ҳақида тарихий манбалар орқали айрим маълумотлар аниқланди. Жумладан, Ҳиндистоннинг ўрта асрлар тарихига<sup>169</sup> бағишланган китобда Акбаршоҳ даври ҳақидаги маълумотларда Ҳиндистоннинг шу давр адабий ва маданий ҳаёти ҳақида ҳам анчагина маълумотлар келтирилган.

---

<sup>169</sup> Мадхьякалин Бхарат. Дилли, 1982.

Анилом бор, Акбаршоҳнинг ўзи адабиёт ва санъатга, шеъриятга кизиқиши жуда катта бўлган. У кўпроқ фалсафий, диний ва тарихий мавзудаги шеърий асарларга ҳафсала билан қулоқ тутган. Болалигиданок мистик шеър ва ғазалларни кизиқиш билан тинглаган. Устози Абдуллатиф сўфи билан танишган чоғларидаёқ Ҳофиз кендиларини ёддан билган, кейинчалик, Жалолиддин Румий ва Ҳофиз Шерозий девонларини ёд олган экан. Тарихнавис олим Абулқосим Фариншанинг хабар беришича, Акбаршоҳ унчалик мукаммал шоир бўлмаса ҳам, баъзан ғазаллар ҳам машқ қилиб турар экан. Баъзан бошқа шоирларнинг битикларига тузатишлар киритар ва баъзан ўрни келганида ғазаллардан байтлар ижод қилиб турар экан. Шоҳнинг аммаси Гулбадан бегим, хотини Салима Султон бегимлар ҳам ғазаллар битгани маълум.

Хусусан, Шоҳ Акбар ҳомийлигида ҳиндий, форс ва бошқа тиллардаги адабиёт жуда яхши ривожланган. Насрий асарлар яратиш борисиди ҳам улкан муваффақиятларга эришилган. Ўша даврда ёзилган энг муҳим тарихий асарлар сифатида Мулло Довуднинг "Тарихи Алфи", Абулфазлнинг "Оина-и Акбари", Абдул Боқийнинг "Маосири Рихми" асарлари тилга олиб ўтилади. "Оина-и Акбарий"нинг "Давр шоирлари" деб аталган қисмида ўша даврда яхши шоирлар ҳам, ёмон шоирлар ҳам бўлгани таъкидланади. Баъзи шоирларнинг шеърий лиҳзаларида нозик дид барқ уриб тургани ҳолда, баъзиларида бунинг аксини кўриш мумкин, деб баҳоланади.

Акбаршоҳ ҳинд эпоси "Маҳабхарата" ва "Рамаяна"ни жуда кадрлаб, бу асарлар ўзининг фалсафий, диний ва тарихий қиммати билан ҳинд халқи онги ва руҳиятининг ўсиши, ривожланишига катта ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблар экан. Ҳиндий тилида самарали ижод қилган маориф ишларининг катта ҳомийси бўлган Рожа Ман Сингх, Нарҳари, Харинатх ва Ганж каби машҳур шоир ва ёзувчилар номи тилга олинади. Ўша даврда бадий адабиётнинг энг катта қисми диний адабиёт бўлиб, улар Кришна ёки Рамга эътиқодни кучайтириш руҳида ёзилган асарлар бўлиб, бу борада сермахсул ижодкорлар сифатида Сурдас ва Тулсидаслар алоҳида эслаб ўтилди.

Акбар саройида эллик тўққизта шоир ва бошқа қобилиятли кишилар бўлган ва улар шоҳ ҳимоясида бўлган. Улар яратган асарларни шоҳ Акбар ҳузур қилиб тинглар, аجدодлари сингари у ҳам саройда шеърият усталарига бериладиган *"Форс шеърияти билимдони"*, *"Ҳинд шеърияти*



билимдони" каби фахрий унвонларини таъсис этиб, бу унвонларни етакчи шоирларга бериш анъанасини жорий этган. Ушбу унвонга сазовор бўлганлар орасида Акбаршоҳнинг яқин дўстларидан Файзий ва Бирбаллар ҳам бор бўлган<sup>170</sup>.

Хусусан, бобурий шоҳлардан Шоҳжаҳон даврини ўрганган Нурёғди Тошев ўзининг "Шоҳжаҳон" номли китобида шундай деб ёзади: *"Бобурийларнинг адабиёт, санъат ва илм фан равнақи учун жонкуярлик қилиб, ижод аҳлига ҳомийлик кўрсатиш баробарида ўзлари ҳам шу жабҳаларда самарали ижод этиб, бой мерос қолдирганликлари маълум бўлди. Айниқса, маданият ва меъморчиликка муҳаббат барча бобурийларга хос ҳислат бўлганлигининг гувоҳи бўлди."*<sup>171</sup>

Сарой адабиёти тил жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам хилма хил бўлган. Тил жиҳатдан бу адабиёт форсий, ҳиндавий ва, қисман, туркий<sup>172</sup> тилларида яратилган. Асарлар эса шоҳ ва маликалар, уларнинг яқинлари, жумладан, Бобур, Хумоюн, Акбаршоҳ, Комронмирзо, унинг синглиси, Жаҳонгиршоҳ ва унинг фарзандлари: Доро Шукуҳ<sup>173</sup>, Жаҳоноро Бегим, Шоҳ Шужо кабилар қаламига мансуб асарлар бўлган. Хусусан, Жаҳоноро Бегим отаси Шоҳ Жаҳон етти йиллик уй қамоғидан сўнг қизининг қўлида оламдан ўтганида отасига бағишлаб қуйидаги мисраларни форс тилида битган экан,

*Эй офтоби манки, шўди зойиб зи назар,*

*Оё шаби фироқи туро кай бувад саҳар.*

*Эй подшоҳи оламу эй қиблаи жаҳон,*

*Бикушой чаими раҳмату бар ҳоли ман нигар.*

*Нолам чу най зи гуссаубодам бувад бадаст,*

*Сузам чу шам дар гаму дудам равад аз сар.*

таржимаси:

*Эй, кўзлардан ниҳон бўлган офтобим,*

*Токай фироқингда тонгсиз оқшомим.*

---

<sup>170</sup> Сатимов Ф. Бобурийлар Ҳиндистони адабиёти. Журн. "Гулистон". 1998, №1, Б.16-18

<sup>171</sup> Нурёғди Тошев. Шоҳ Жаҳон. Тошкент, 2002 Б.19

<sup>172</sup> Низаметдинов Н.Ф. XV-XIX аср Ҳиндистон туркийзабон адабиёти. Докт дисс. Автореферати. Т., 2000

<sup>173</sup> Суфизм тарихига оид "Софинат ул-авлиё", "Тариқ ул ҳақиқат" ва "Рисолаи ҳақнома" каби асарлар муаллифи. қаранг.: ўша автореф., Б.17

*Эй подшоҳи олам, қиблайи жаҳон,  
Кўзларинг оч, кўргин недир аҳволим:  
Аламдан тортаман най каби нола.  
Куярман мисли шам, гамдир йўлдошим*<sup>174</sup>.

Шоҳ ва маликалар қаламига мансуб адабиётга, биз, тарихий воқеалар баёни билан боғлиқ шоҳларнинг ўзи томонидан ёки бошқаларга ёздирган автобиографик асарларни, яъни *номаларни*<sup>175</sup> киритамиз ва бу асарлар шу давр сарой адабиёти намуналаридир.

Иккинчи турдаги адабиётга каттагина ҳажмдаги туркийзабон шоирлар қаламига мансуб наср ва назмдаги асарлар киритилади. Туркийзабон адиблар бобурийлар ҳукмронлиги даврида ва шу сулола сultonатида яшаб ижод этган<sup>176</sup>. Хусусан, туркийзабон адабиёт шу давр мифкураси бўлган бхакти ғоялари таъсиридан холи бўлган эмас. Н.Ғ. Низаметдиновнинг ёзишича, *“Туркий тили ва адабиёти, агар 90-йилларда ҳинд қўлёзма фондларида топилган XV асрга тааллуқдор янги манбаларни қўшиб жамлаганда, кенг ё тор маънода эканлигидан қатъий назар, Буюк Бобурийлар салатининг ибтидосидан иштиҳосига қадар Ҳиндистон маданиятида ўтган беш аср давомида ўз ўрнида барқарор қолганлигига амин бўламиз”*<sup>177</sup>. Хусусан, Хумоюн туркий тилда рубойлар ёзгани маълум дейилади ва шу давр туркий тилидаги адабиёт намуналари сифатида подшоҳнинг сафдоши ва саркарда Байрам Хон Хонон ва Комроннинг туркийда тузган девонлари Ҳиндистон туркийзабон адабиётининг ёрқин намуналаридир,, - деб ёшди ва ҳар бир бобурий шоҳлар даврида ижод этган Хони Аъзам Мирзо, Абул Қосим Коҳий, Баҳром Дарвеш Сақо, Аликулихон Бир Хийдар, Содиқ, Майли Хиравий, Муҳаммад Мирак, Шайх Рохий, Висфий, Ҳанжарбек Чиғатой, Фитратий, Мавлоно Ғазанфар Сабрий, Хушқолбек Мирак ва Мир Дўстий каби бир қанча туркийзабон шоир ва тилшунос олимлар номини келтириб ўтади.

<sup>174</sup> Нурғди Тошев. Шоҳ Жаҳон. Тошкент. 2002. Б. 29

<sup>175</sup> Бобурнинг “Бобурнома”си, “Тузуки Жаҳонгирий”, Гулбадан бегимнинг “Хумоюннома”си, Абулфазлнинг “Акбарнома”си ва бошқа шу каби номлар шунда тўтилмақда.

<sup>176</sup> Низаметдинов Н.Ғ. XV-XIX аср Ҳиндистон туркийзабон адабиёти. Докт. дисс. автореф. Ғ., 2000. Б.18

<sup>177</sup> Уша манба., Б. 25

Учинчи турдаги адабиётга саройдан ташкарида маҳаллий халқ орасида фаолият олиб борган *сиддх ва натх* секталари вакиллари томонидан яратилган адабий меросни киритамиз. Бу секталар қайси ҳудудда фаолият олиб борган бўлса, адабий асар ҳам шу ҳудуд тилида яратилган. Шу боис, *сиддх ва натх* секталари адабиётини ҳинд мутахассислари “*халқ адабиёти*” сифатида баҳолайдилар.

Бу секта вакиллари ҳам ўз ғояларини шеърятда баён этганлар ва бу адабиёт, асосан, шу секта фаолият олиб борадиган ҳудудлардаги маҳаллий халқ орасидагина оммалашган. Ҳинд адабиёти тарихида бу мерос, албатта, ўрганилган, лекин шу давр адабиётида катта аҳамият касб этувчи мерос сифатида баҳоланмаган<sup>178</sup>.

Бу икки сектадан *натх* сектасининг адабий мероси ўз мазмун-моҳиятига кўра бхакти ғояларига яқинлиги ҳамда сектадаги “*устоз ва шогирд*” тизимининг мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Бирок, *натх* сектасининг адабий мероси бошқа бхактлар меросичалик чуқур мазмун ва таъсир кучига эга бўлолмаганлиги боис уларнинг мероси ХХ аср биринчи ярмига қадар атрофлича ўрганилмаганлигини ҳинд мутахассислари бир камчилик сифатида баҳолаб келганлар. Мана шу камчиликни бартараф этиш мақсадида *натх* сектаси меросини, биринчилар қаторида, Питамбардатта Бартхавал ўрганган ва 1942 йилда сектага қарашли шеърларни “*Горакхвани*”, яъни “*Горакх овози*” номи билан нашр эттирган. Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида секта асосчиси Горакхнатх шеърлари ва, иккинчи қисмида, сектанинг бошқа аъзолари ижодига мансуб шеърлар тўпланган. Кейинчалик, таниқли ҳинд адабиётшунос олими Хазарипрасад Дживеди ҳам секта фаолияти билан яқиндан танишади ва 1957 йили *Натх* сектаси аъзолари шеърятининг учинчи китобини нашр эттириб, унда секта аъзоларидан 28 кишининг номини бирма бир келтиради.

Лекин, бу секта фаолиятини ҳеч бир мутахассис Маниша Шармачалик чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этмаган. 1993 йили нашр эттирилган Маниша Шарманинг “*Горакхлар анъанаси ва шеърят*” номли катта тадқиқоти *натх* сектаси фаолиятининг якуний баҳоси, дейиш мумкин. Чунки, Маниша Шарма *натх* сектаси фаолиятини,

---

<sup>178</sup> *Натх* сектасини чуқур ўрганган Маниша Шармагина уларнинг жамиятдаги аҳамиятига юқори баҳо берган.

унинг ҳинд жамияти мафкуравий олами ривожига қўшган ҳиссасини шунқ исботлар билан очиб беришга ҳаракат қилган.

Секта фаолиятини ўрганган Маниша Шарма бхактининг тенглик ва сидоқат сўзлари билан ифодаланувчи халқчил ғояларини, аслида, натх сектасининг асосчиси Горакхнатх адабий жараёнга олиб кирган, бхакти ҳаракати эса ҳиндуизм мутаассиблигига қарши кураш йўлида бу ғояларни ўзига мафкуравий қурол қилиб олган ва уларни жамиятда оммалаштириш ишлари билан шуғулланган, деб ҳисоблайди. Жаҳонга танилган сант Кабирнинг инсонпарварлик ғоялари, ва ҳатто, шу давр мусулмон мафкураси бўлган суфизм ғоялари ҳам, аслида, натх сектаси ғоялари асосида шаклланганлигини исботлаш мақсадида, *“Горакхвани” тўпламидаги шеърларни тушунмасдан туриб тасаввуф шеърятини, натхлар кимлигини англамасдан туриб сант кимлигини тушуниш мумкин эмас*<sup>179</sup>, - деб ёзади Маниша Шарма.

Натх сектасининг фаолияти санскрит адабиётига яқун ясалиб, халқ тилларидаги адабиёт шаклланган ўтиш даврига тўғри келади, шу боис, бу секта адабиётида икки унсурни, санскрит ҳамда халқ маданияти унсурларини учратиш мумкин. Маниша Шарма тадқиқотлар натижасида ҳинд маданияти илдизлари билан боғлиқ муҳим бир маълумотни аниқлаганини фахр билан қуйидагича баён этади: *“Натх сектасининг фаолияти ва адабий мероси Ҳиндистон ҳудудида иккита - дравидлар ва орийлар маданияти мавжуд бўлганлиги масаласини узил кесил ҳал қилиб берди*<sup>180</sup>. Бунга асос сифатида дравидларнинг шу ернинг энг қадимий маҳаллий халқи бўлгани ва бхакти ҳаракатига илк бор, айнан, улар асос солганликларини кўрсатиб ўтади.

Секта асосчиси Горакхнатхнинг “Горакхвани” асарининг яратилиш даври масаласида, тадқиқотчилар, уларни тил ва услуб жиҳатдан ўрганиб, шеърларнинг аксарият қисми XIV асрдан аввалги даврга тегишли, деган хулосани берадилар. Натх сектасининг адабий мероси санскрит ва ҳинди тилларида бўлиб, ўз ғояларини халқ орасида тарғиб қилиш учун улар кўпроқ халқ тилларига мурожаат этганликларига ҳинд мутахассислари шубҳа билдирмайдилар. Горакхнатхнинг “Горакхвани” тўпламида йога таълимоти билан бир қаторда турли психотлар, маслаҳатлар ва кундалик ҳаётда керак бўладиган амалий

<sup>179</sup> Маниша Шарма. Горакхвани парампара аор кавьятва. (Горакхлар шиканаси ва шеърятга). – Дехли. 1993. – Б. 11.

<sup>180</sup> Ўша китоб, Б.44

билимларни ҳам учратиш мумкин. Натх сектасининг кўпгина тамойиллари ва ғоялари бхакти ҳаракатида, айниқса, ниргун бхактида ўзининг мантикий давомини топган, деб ҳисоблайдилар. Хусусан, Горакхнатх ва Кабир ижодига мансуб куйидаги дохаларда тил ва мазмун жиҳатдан соф муштаракликни кузатиш мумкин: Горакхнатх ёзади:

*Ҳинду аашей(н) Рам као(н), мусалман кхудааи,  
Жоги ааш алаш као(н), тахаа(н) Рам аччхе на шудааи*<sup>181</sup>.  
мазмунни,

*Ҳинду Рамни дейди, мусулмон Худони дейди,  
Дарвеш учун на Рам ва на Худо, кунӣ ўтса бас.*

Кабир дейди:

*Ҳинду муўе Рам кахи, мусалман кхудааи,  
Кахей Кабир сао живтаа, дуи мей(н) карх на жааи*<sup>182</sup>.  
мазмунни,

*Ҳиндуга Рам керак, мусулмонга Худойим,  
Кабир дейди бандалар, дунё таъвишидан қутулсам дейди.*

Горакхнатх сўзлари:

*Нииджхар жхарне(н) амиирас пиивнаа(н) шатдал ведхйа жааи  
Чанд бихуу(н)гаа чаа(н)динаа, тахаа(н) дедйайаа шрии горан рааи*<sup>183</sup>.

мазмунни,

*Ирмоқлар суви покдир, лекин дон сепсанг кетур бекор,  
Ой нури ҳам жуда соф, лекин кўринмас қидирсанг дон.*

Бу ҳақда Кабир:

*Ман лагаа унманна сао гаган пахуу(н)ча жааи  
Декйаа чанвихуу(н)га чаандинаа, тахаа(н) акхал ниранжан рааи*<sup>184</sup>.  
мазмунни,

*Хаёлга чегара йўқ, самода сузар ой билан,*

---

<sup>181</sup> Ўша китоб, Б.144

<sup>182</sup> Ўша китоб, Б.144

<sup>183</sup> Ўша китоб, Б.144

<sup>184</sup> Ўша китоб, Б.144

*Лекин ой нурида топилмас кичик бир тўқилган дон.*

Шеърлар мазмун жиҳатдан ҳам бир хил ва доҳаларда қўлланилган бир хил сўз ва сўз бирикмалар шеърларда ажратиб кўрсатилган, улар: *ҳинду, Рам, мусалман кхудааи, жсаи, рааи* каби сўзлардир.

Натх ва бхактлар моҳият жиҳатдан бир гоџани илгари сурган бўлсаларда, натхлар ўз таълимотининг асосига йога ва билим тушунчаларини қўядилар, бхактлар эса меҳр ва садоқат муҳимлигини таъкидлайдилар.

Сиддх диний ташкилотининг фаолияти натх сектасидек махсус ўрганилмаган, лекин турли китобларда секта ҳақида умумий маълумотлар учрайди, яъни сиддх секталари халқ секталари бўлиб, кичик ҳудудларда одамларга илм ва эътиқод билан боғлиқ билимлар бериш билан шуғулланиб келган ва уларнинг, худди натх сектасидек, мафкуравий бўшлиқ ёки ўтиш даврларида фаолияти кучайиши таъкидланади. Бу сектанинг натх сектасидек асосчиси бўлмаганлиги ҳам уларнинг ҳақиқий халқ секталари эканлигини кўрсатади ҳамда бу сектанинг адабий мероси етиб келгани ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот қўлга киритилмади.

Демак, сиддх ва натх секталари ўзларининг халқ орасидаги, қайси даражада бўлишидан қатъий назар, доимий фаолияти билан ажралиб туради. Натх сектаси эса озми кўпми ўзининг халқ тилларида яратилган адабий меросига эга бўлиб, бу сектанинг асосий муваффақияти, Маниша Шарма айтганидек, тенглик ва садоқат гоџаларини илк бор халқ орасига ва адабий жараёнга олиб кирганлиги билан белгиланади.

Бхакти гоџлари буддавийлик ва сикхлар динига ҳам таъсир этган ва бу таъсир, асосан, тенглик гоџлари доирасида, яъни ҳинду, сикх ва буддавий шахсларнинг бир-бири билан аҳил ва иноқ яшашини таъминлашда кўзга ташланади. Лекин, бу дин вакилларининг *бхакти адабиёти* номи билан юритиладиган меросининг мавжудлиги ҳақида минбалар ҳозирча ҳеч қандай маълумот бермайди.

*Буддавийликда* бхактлар бўлмаслигини мутахассислар назарий жиҳатдан шундай асослайдиларки, бу динда Яратган эмае, инсон ва унинг онги ҳамда шу онгни такомиллаштириш билан боғлиқ таълимот илгари сурилади ва бу таълимотнинг олий натижаси деб инсоннинг *нирванага*, яъни *руҳий озодликка* эришиши тушунилади. Бу таълимотда

инсоннинг қалб меҳри билан Яратганга етишиш мумкинлиги ҳақида сўз юритилмаганлиги боис “буддавий бхакт” деган тушунча ҳам мавжуд эмас. Буддавийликдаги садоқат тушунчасида эса инсоннинг нирванага етишиш, яъни ўз онгини юқори даражада такомиллаштириш йўлига бўлган садоқати тушунилади. Фарқ шундаки, бхактида Яратганнинг дийдорига етишилади, буддавийликда руҳ қайта туғилиш занжиридан қутулиб буткул озодликка чиқади, лекин Яратганга етишиш тушунчаси умуман назарда тутилмайди.

Худди шунингдек, *сикхлар* динида ҳам бхактлар бўлгани маълум эмас. Гуру Нанак таълимоти Яратганга етишиш, унинг дийдорини кўриш каби бхакти ёки бошқа динлардаги оламни Яратувчи билан боғлиқ гоёлар мажмуидан эмас, балки инсоннинг ижтимоий ва кундалик ҳаёти билан боғлиқ масалалар доирасини қамраб олувчи билимлардан иборат бўлган. Гуру Нанак ва унинг шогирдлари ўз таълимотларини, худди жайнлар дини ва натхлар сектасидек, “устоз ва шогирд” тизими асосида шакллантирган ва улардаги меҳр ва садоқат тушунчалари худди жайнлар ва натхлардек Яратган билан тенг кўриладиган Устозга қаратилгандир. Бу ерда “Устоз ва шогирд” анъанасига қатъий риоя қилиш масаласида жайн, сикх ва натх секталари бир-бирига жуда яқин туришини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу боис сикхларда бхакти деганда, фақат Устозга ва унинг ўғитларига бўлган садоқат ва уларнинг айтган сўзига қатъий риоя қилиш тушунилади. Гуру Нанакнинг ўзи шу давр бхакти тарғиботчилари билан доимий равишда мулоқотда, баҳс мунозараларда бўлган ва улардан фарқли равишда янги бир таълимотга, яъни динга асос солган. Гуру Нанакни эса замондошлари ниргун бхактлар қаторида тилга олади ва унинг “Адигранх” тўплами таркибига киритилган шеърлари бхакти гоёли шеърлар, деб баҳоланади. Бхактлар ҳақидаги манбаларда Гуру Нанак буюк бхакт сифатида баҳоланади, жумладан, Набхадаснинг “Бхактмал” асарининг ниргун бхактлар ҳақидаги бўлимида Нанак ҳақида “У шимолдан чиққан кувёш, унга худонинг ўзи ниргун бхактини тарғиб қилишни буюрган”<sup>185</sup>, - деб ёзилган.

---

<sup>185</sup> Кейлашчандра Шарма. Бхакатмал аор хинди кавья ме уски парампара. Дилли. 1983.Б.192

Бу даврнинг ҳажм жиҳатдан энг катта ва халқ учун жуда сеvimли булган адабий мероси бу бхакти ва тасаввуф адабий меросларидир. Ҳиндистонда бхакти ва тасаввуф адабиётлари бир қанча адабиётшунос олимлар<sup>186</sup> томонидан ўрганилган. Бу икки адабиёт деярли бир даврда ва бир худудда ривожланганлигини инобатга олган ҳолда уларнинг асосий адабий меросини қуйидаги жадвалда келтириш мумкин:

Бхакти адабиёти			Тасаввуф адабиёт		
Асар номи	Муаллиф	Асри	Асар номи	Муаллиф	Асри
Адигрантх Кабиргранх	Кабир	XV	Мираж ул ашикин	Саид Мухмаммад Банданавоз	XIV
Парамананд Сагар	Парманан ддас	XV	Тарана-э ишқ	Аминуддин Али	XIV
Кумбхандас падавли	Кумбхан- дас	XV	Тасаввуф ғояли асарлар	Миран Хусайн шоҳ Хайдар	XIV
Сурсагар	Сурдас	XVI	Чандаян	Мавлоно Довуд	XIV
Кришнадас падавли	Кришнад ас	XVI	Шайх Бурхонга тазкира	Бадаюни	XIV
Кришна падавли	Говинд- свами	XVI	Калемат ал Ҳакаиқ	Бурхониддин Жанам	XV
Чхитсвами падавли	Чхитсвам и	XVI	Севги йулланмаси	Аминуддин Али	XVI
Нандсагар	Нандадас	XVI	Мригавати	Кутубан	XVI
Дадугранхавали	Дадугранх Дайал	XVI	Падмават, Акхрават,	Жаяси	XVI
Малукдас Падавли	Малукдас	XVI	Пемван жоб, Ниранжи	Шайх Ризкуллоҳ	XVI
Расхан	Раскхан	XVI	Читрарекха,А	Падмават	XVI

<sup>186</sup> Асад Али. “Бхактикал аор муслим санскрити”. Дилли. 1971. Умапатирай Чандел. “Хинди суфи кавья ме пураник акхйан”. Дилли, 1976. Чандравали Панде. “Тасаввуф аор суфимат”. Варанаси, 1966. Рампати Рай Шарма. “Ниргун кавьяа пар суфи прабхав”. Канпур, 1977. Шринивас Ватра. “Хинди лор фарси суфи кавьяа ка тулнатмак адхйайан”. Дилли, 1979. “Суфи кавья пар ширнай”. Дилли, 1977. “Суфимат”. Дилли, 1997. “Суфи татха суфимат”. Дилли, 2004



падавали			кхири калам		
Рахим грантхавал и	Рахим	XVI	Мадхумалти	Манжхан	XVII
Радха Кришна Падавли	Гория сектаси	XVI	Читравали	Усмон	XVII
Кришна падавли	Мадхавия сектаси	XVI	Гьяндип	Шайх Наби	XVII
Кришна Радха падавли	Нимбарк сектаси	XVI	Индравати, Анураг бансури	Нур Муҳаммад	XVII
Редас вани	Редас	XVI	Ханс жавахир	Қосимшоҳ	XVIII
Рамачари- Таманаса	Тулсидас	XVII	-	-	-
Ражжаб	Ражжаб	XVII	-	-	-
Ананддхан пад рачна	Ананддха н	XVII	-	-	-
Жайнлар адабиёти	устозга мадҳияла р	XVI- XVII	-	-	-
Варта адабиёти	Гокульна тх	XVII	-	-	-
11600 мисра дашака жанрида шеър	Рамалинг	XIX	-	-	-

Юқорида берилган тасаввуф адабий меросини мазмун жиҳатдан икки турга ажратиш мумкин, биринчи турга – исломий мафкура ва ҳадисларга асосланган ҳолда шоҳлар томонидан яратилган рисолалар кирса, иккинчи турга соф ижод аҳлининг мажоз тариқидаги тасавуфий (илоҳий) ишқ мавзусига бағишлаб яратган бадиий асарлари қиради. Бундай асарлар икки инсоннинг севгисига бағишланган бўлиб, бу севгининг куч қудрати шунчалик кучли тасвирланадики, асарда ошиқ ўз маъшуқасида Яратганни кўра бошлайди, шу боис, ошиқнинг Яратган билан қўшилиб кетиш истаги жуда кучли намоён бўлади. Инсоний ишқнинг олий даражада намоён бўлишини тасвирловчи

бундай тасаввуфий адабиётга Н. Низаметдинов сўзлари билан шундай таъриф бериш мумкин, *бхактий ва туркий қалам соҳиблари кўпинча ўз дунёқарашларини илоҳий эзгуликка тақлид тариқасида тараннум этганлар. Агар айтайлик, “бхактий поэзиясида” инсоний муҳаббат илоҳий садоқатга тенглаштирилса, туркий шеъриятда<sup>187</sup> эса, ишқ-муҳаббатдаги поклик қудратига бўлган ишонч ва садоқат диний этиқод мақомига кўтарилади*<sup>188</sup>.

Ҳиндистонда мусулмонлар тили бўлмиш урду тили ва адабиётининг шиклланишида ҳинд тасаввуфининг аҳамияти катта бўлганини кўпгина ҳинд мутахассислари таъкидлайдилар<sup>189</sup>. Ҳаттоки урду<sup>190</sup> тилида бизгача етиб келган дастлабки ёзма ёдгорликлар ҳам суфийларнинг трактатлари бўлган дейилади. Бу асарлар урду тилининг адабий тилга айланишида муҳим аҳамият касб этган. Улар орасида энг дастлабки ёзма ёдгорлик сифатида Саид Муҳаммад Хусайн Банданавознинг (1318-1422) «*Мираж ул-ашикин*» («Ошиқлар макони (мирожи)») асари тилга олинади. Ушбу асар тасаввуфий дунёқарашдаги, яъни Ҳаққа етишниш ва дунёвий гуноҳлардан фориғ бўлиш йўлларини ўргатувчи кичик бир трактатдир. Асарда Куръон ва ҳадислардан парчалар берилган ва уларга дақхини тилида (илк урду тили) изоҳлар ҳам берилган. Кейинчалик, яна бошқа бир қанча, хусусан, Бурхониддин Жаниамнинг (XV аср) «*Калемат ал-Ҳақайк*» асари. У тасаввуфга оид савол-жавоб услубида форс ва дақхини тиллари аралаш тилда яратилган асар. Асарнинг бир қатори форсийда бўлса иккинчи қатори дақхинида ёзилган. Асардаги дақхини қисми бугунги урду тилининг ҳали яхши сайқалланмаган энг дастлабки насри сифатида тан олинади. Урду тилининг бадиий тилга айланишида мана шу суфиёна мазмундаги асарларнинг хизмати бекиёсдир. Бурхониддин Жанамнинг ўғли Аминулдин Али ҳам отасининг таъсирида «*Севги йулланмаеи*» номли тасаввуфий мазмундаги асарни яратган.

Тасаввуф адабий меросининг кўзга кўринган намуналаридан бўлмиш Манжхоннинг (XVII аср) машҳур “*Мадҳумалти*” асарида муаллиф

<sup>187</sup> Хусусан, Бобир, Хумоюн, Байрамхон, Комрон, Фориғий, Дийда, Фаҳм, Жомилла кабилар

<sup>188</sup> Низаметдинов Н.Ф. XV-XIX аср Ҳиндистон туркийзабон адабиёти. Докт. дисс. Автореф. Т., 2000, Б.25

<sup>189</sup> Юқорида 175- чи иқтибосда ҳинд мутахассисларининг номи келтирилган

<sup>190</sup> Урда асрларда рехта ёки дақхини ёки ҳиндави деб ҳам аталган

Аллоҳ, Муҳаммад (с.а.в.) ва бандаларнинг аслида бир нарса эканлигини асослашга ҳаракат қилган. *Яратган ягона, лекин унинг қиёфаси ҳам, номи ҳам кўп. У ҳаммага сингиб кетган, лекин ҳаммадан алоҳида ҳамдир, У бир вақтнинг ўзида ҳам яратувчи, ҳам олувчи ва ҳам бергувчидир*<sup>191</sup>, деб ёзади Манжхан. Бу асарда Манжханнинг “Яратган ягона, лекин *унинг қиёфаси* ҳам, номи ҳам *кўп*” деган қарашларида сагун бхактининг таъсири Яратганни кўринишга эга бўлган зот сифатида таърифлашида кўзга ташланади.

Урду тили даставвал Декан мактабида, кейинчалик Дехли ва Лакхнау мактабларида анчагина бадий тус олиб, бугунги Ҳиндистоннинг бадий гўзал тилларидан бирига айланган. Тасаввуф адабиёти шаклланишидан аввал урду тили халқ тили сифатида қўлланиб, унда бадий жиҳатдан етук асарлар хали яратилмаган эди. Тасаввуф вакилларининг асл мақсади эса суфиёна ғояларни оддий халқ орасида тарғиб қилишдан иборат бўлган. Шу боис, улар шу мақсад йўлида халқ тушунадиган, халқ кўп ишлатадиган тилни, яъни мусулмонлар тили бўлган урду тилини танлаганлар ва шу йўсинда у бадий жиҳатдан сайқалланиб бориб, кейинчалик форс ва дакхини тилларининг чапишмаси сифатида мусулмонларнинг гўзал (айникса шеърийатда) бир тили сифатида шаклланган. Бугунги кунда эса урду тилина ғазалсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Тасаввуфий асарларда суфизмга оид атамалар, албатта, таржимасиз, ўз холича ишлатилган ва уларга дакхини тилида изоҳлар берилган. Ҳаттоки, Ҳиндистондаги форсийзабон адабиётнинг таниқли шоири Амир Хусрав Дехлавий ҳам форс тили билан бир қаторда дакхинида ҳам ижод қилган, дейилади, лекин бу тилдаги унинг асарлари бизгача етиб келмаган.

Тасаввуфий шоирлар Ҳиндистоннинг турли ҳудудларида яшаб ижод этганлар. Жумладан, Шоҳ Миранжи Бижapurдаги биринчи ҳинд сўфий адибларидандир. У Маккада туғилган, таълимни эса Ҳиндистонда олган. Махаллий ва тасаввуф адабиёти билан яқиндан танишган ва уларнинг таъсирида ўзи ҳам суфиёна мазмундаги шеърлар яратган.

Булардан ташқари бир шогирднинг ўз шайх устозига атаб араб, форс ва дакхини тилларини қўллаб яратган «*Етти буюк*» номли асар ҳам

<sup>191</sup> Манжхан. Мадҳумалти. Дилли. 1987. Б.37

назмида устоз ва шогирд суҳбати услубида яратилган, тасаввуфий ғоялари турли образ ва рамзлар орқали берилган «*Ҳақиқат қурбонлари*» номли асар, Хайдарободлик машҳур сўфи Салу Миран Хусайн Шоҳнинг бир неча шеърӣ тўпламлари, Гужаротдаги урдугужароти аралаш тилда ижод қилган авлиё шайхлар, жумладан, Қози Муҳаммад Дарберпури, унинг ўғли дарвеш Шоҳ Али Муҳаммад Жунон Жани, урду тилида ижод этган сўфий шоирлардан Баба Шоҳ Хусайн, Хуб Муҳаммад Чисти кабиларнинг ижоди урду тилининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган.

Тасаввуф адабиёти Ҳиндистоннинг кўпгина қисмларида шаклланган. Жумладан, Ҳиндистоннинг шимолидаги Кашмир ҳудудлари ҳам унинг кўп сонли азизу авлиёлари ҳамда сўфий шоирлари билан машҳур бўлган. Улардан Саид Мир Кабир Ҳамадонӣ, Булбул Шоҳ, Витмалу Соҳиб, Мир Ҳамза Махдумӣ, Пирдастгир каби сўфийларнинг муқаллас даргоҳлари ва масжидлари бунга далил бўла олади. Кашмир тасаввуф адабиётининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири XIV асрда яшаган шоира Лаллешвари ҳамда ундан кейин яшаган Шайх Нуриддинларни тилга олиш мумкин. Шайх Нуриддин Кашмирда XIV аср охири ва XV аср бошларида дарвешлик анъанасига асос солган биринчи сўфий шоир бўлганлиги сабабли унга «Нундриши», яъни «Нундарвеш» номи берилган. У кашмири тилида ижод этган. Унинг шеърлар тўплами ҳам «*Ришинома*» ёки «*Нурнома*» деб аталади.

Маълумки, бугунги кунда Кашмир Ҳиндистоннинг сиёсий жиҳатдан энг нотинч ҳудудларидан бири ҳисобланиб, бунга, албатта, ҳинду ва мусулмонлар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар сабабдир. Лекин, минбаларда айтилишича, Кашмирда айнан Шайх Нуриддин замонида ва ундан кейин ҳам кўп асрларгача ҳиндулар ва мусулмонлар ўртасида бўлган аҳилликни Ҳиндистоннинг ҳеч бир ҳудудида кузатиш мумкин бўлмаган экан. Бунга эса шайх Нуриддин ва унинг замондоши, ижодида тенглик ғояларини куйлаган шоира Лаллешварининг ижоди сабаб бўлганлиги ҳақида Кашмир тасаввуф адабиётини ўрганган Низомиддин шундай деб ёзади: «*Лаллешварининг мисраларини мусулмонлар ва Нундришининг шеърларини эса ҳиндулар севиб мутолаа қилиб келадилар. Уларнинг икковини Кашмирда ҳиндулар ҳам мусулмонлар ҳам бирдек эзозлайдилар. Кашмирдаги ҳинду ва мусулмонлар ахиллигини ҳанузгача ҳеч бир штатда кузатиш мумкин эмас эди. Бугунги кундаги Кашмирнинг айнан шу масала тўғрисида*

нотинчилиги ҳаммани хайратда қолдирмоқда»<sup>192</sup>. Лаллешварини Кашмирда Лалладья, Лалла Арифа ёки Лалла Йогешвари тахаллуслари билан ҳам атайдилар. XIV асрларда Кашмирда яшаган Лаллешварининг кўпгина қарашлари XV асрда Банораслик сант Кабир қарашари билан деярли бир хиллиги жуда хайратланарли ҳол, жумладан, *Яратганни ташқаридан изласам, У ўзимнинг ичимда экан*, деган қарашлари билан танишган ўқувчи уларнинг дунёқараши нақадар бир хил эканлигига хайратланиши табиий. Худди шундай қарашлар Лаллешваридан анча кейин яшаган шайх Нуриддинга ҳам хос бўлган. Бу эса, бҳакти ва тасаввуф ўхшаш ғояли диний оқимлар эканлигини яна бир бор исботлайди.

Шайх Нуриддин (1378-1438)нинг ота-боблари Кашмирга тахминан юз йиллар аввал Жамму Мандалдан келиб Кашмирнинг бир қишлоғида яшаб қолганлар. Чоршарифда яшаган ва оламдан ўтган Шайх Нуриддиннинг мозорига 1995 йилдаги тўполонларда ўт қўйиб юборилган. Ҳозир бу мазор яна қайта тикланган ва у муқаддас зиёратгоҳга айлантирилганлиги маълум. Шайх Нуриддинни «Нундриши»дан ташқари «Алами шейх» (Олам шайхи), «Аламдари Кашмир» (Кашмир олами), «Шейхи арифин» (Орифлар шайхи), «Шейхи камил» (Комиллар шайхи) деган тахаллуслар билан ҳам ёдга оладилар. Шайх Нуриддиннинг туғилиши ва ҳаёти билан боғлиқ бир қанча афсоналар ҳам мавжуд. Улардан бирида айтишлишича, Нуриддин туғилганидан кейин анча вақтгача ўз онасининг сунтини қабул қилмаган. Бундан оила аъзолари жуда ташвишга тушиб қолганлар. Кунлардан бирида бир авлиё зот айланиб юрганида боланинг бу ишини кўриб қолади ва уни бағрига босиб меҳр билан: «Дунёга келишга уялмабсан, сунт ичишдан нега уяласан?» деб боланинг оғзига ўз бармоқларини солганида бармоқларидан сунт чиқа бошлаган, шундан кейингина бола ўз онасининг сунтини қабул қилган экан. «Тарих-е шайак» номли асарда ҳам мана шу ривоят эслаб ўтилади. У оила куради, икки фарзандли бўлади, лекин фарзандлари болалигидаёқ нобуд бўлади. Шундан сўнг Нуриддин уйда ўтиролмай қолади. Ота-онаси уни ҳар турли ишлар билан чалғитмоқчи бўладилар, лекин барчаси бефойда эди. У табиат қўйнида, ўрмон ва ғорларда ёлғиз юрадиган, фақат худо номини зикр қиладиган бўлиб қолади.

<sup>192</sup> Низамуддин. Кашмир ке сант кави шейх Нуриддин. Дехли, 1998. Б.22

Кунлардан бир кун онаси ўрмонга ўглининг ёнига келиб, уни каттик койийди, агар уйга келмасанг берган сутимга.... дейиши билан Нуриддин каттик ғазаб билан «мана олинг сутингизни» деб тошга жон жаҳди билан бир мушт туширганида, айтишларича, шунда тошдан сут оқиб чикқан экан. Шундан сўнги онаси уни тинч қўйган экан. Шайх Нуриддиниинг ҳаёти билан боғлиқ шунга ўхшаш яна бир қанча ривоятлар мавжуд дейилади. Шайх Нуриддин сўфийларнинг энг катта ютуғи саналмиш нафси бошқаришда энг юкори даражага етган шоирлардан ҳисобланади.

Шайх Нуриддин ижодини ўрганган Низомиддин шоирнинг суфиёна қарашларини ўрганар экан, у исломга, тасаввуфга хос ғояларни кўпинча ҳиндулар дини ва бхакти ғоялари билан қиёслаб, икки диннинг (ислом ва ҳиндулар дини) ва икки диний-фалсафий таълимотининг (бхакти ва тасаввуф) энг асосий қадриятлари, талаблари ягона илдизга асосланишини, ва умуман, инсоният қадриятлари ҳар ерда ҳам, ҳар даврда ҳам бир хил эканлигини ва бу ҳақда қадимий муқаддас китобларда айтиб кетилган сўзлар яхши далил эканлигига ишора қилиб боради. Жумладан, шайх Нуриддин ўз шеърларидан бирида шундай дейди:

*Су мйа нише. Мйа тас нише қарар аав*

*Наҳақ чхондум мйа пардише. Пәне дише мйа яар аав*<sup>193</sup>

Яъни,

*Бежиз Уни (Яратганни) ҳар ердан излаб юрибман,  
у эса менинг ёнимда экан»*

деса, Нуриддиндан деярли юз йил кейин яшаган Кабир эса қуйидаги мисраларни битган:

*Вйартх хи кастуури ко мриг ван ме кхожста пхирта хе  
Жабки во уски набхи ме хоти хе*<sup>194</sup>

Яъни,

*Бекорга уни ҳар ердан излайдилар,  
Аслида У бизнинг ҳар бир нафасимизда-ку!*

Бу ерда тасаввуф ва бхактининг ўхшаш ғоялари, яъни «Оллох инсон қилбидадир» деган ғоя қиёсламоқда. Ёки бўлмаса, шайх

<sup>193</sup> Ўша китоб, Б.20

<sup>194</sup> Ўша китоб, Б.21

Нуриддиннинг кашмири тилидаги куйидаги мисраларига эътибор қаратсак:

*Сайан таравудх рудукх мйа чха  
Мйа чйа хантам дидар*<sup>195</sup>

Маъноси: *Моддий дунёдан воз кечиб борлигини Яратганга бағишлаш ва Уни кўриш орзусида яшаш жаҳаннам оловидан озод бўлиб, Яратганнинг дийдорига етишиш имконини беради, деган қарашлари ҳиндуизмнинг муқаддас китоби «Гита»даги маъбуд Кришнанинг санскрит тилида баён этган куйидаги сўзлари билан Ҳамоҳанглигини сезиш мумкин:*

*Сарвадхарман паритйагйа мамекам шаран вража*<sup>196</sup>

*Борлигини Унга бахшида этсангинга, унга эришишинг мумкин.*

XVI асрда Уттар Прадеш штатида яшаган бхакт шоир Тулсидас эса Рам маъбудига қарата *авадхи* тилида шундай деб ёзган:

*Рам бхаросо, Рам бал, Рамнам висвас.*

*Сумират субх мангал кусал маангат Тулсидас*<sup>197</sup>

Яъни,

*Рамга ишон, Рам куч қудрат, Рам эътиқод*

*Рамни эсла тонгдан асл бахт учун сен ҳам Тулсидас.*

Бу уч тилда (санскрит, кашмири ва авадхи) яратилган мисраларда бхакти, тасаввуф ва ҳиндуизмнинг ўхшаш ғоялари яққол кўзга ташланади.

Нуриддин барча сўфийлар каби дин пешволарини мазах қилади, уларнинг сўзи билан амали бир эмаслигини қаттиқ танқид остига олади. Бу жиҳатдан ҳам унинг қарашлари, фикр-мулоҳазалари сант Кабир билан ҳамнафасдир. Унинг мисраларида диндорларга қарата айтилган сўзлари Кабир шеъриятида ҳам худди шу тарзда жаранглайди. Жумладан, «*Муллаларнинг салласини қаранг, бирам салобатли. Виқор билан юришлари-чи. Оёқларида тилла ранг ковуш, бўйнида чўга*<sup>198</sup>, *қўлтигида овқат ейдиган патнисчаси... Бу савлатли*

<sup>195</sup> Ўша китоб, Б.20

<sup>196</sup> Ўша китоб, Б.23

<sup>197</sup> Ўша китоб, Б.24

<sup>198</sup> Чўга - ичига чўғ солиб бўйинга осиб оладиган печка, Кашмирда қишда совуқдан жон сақлаш учун ишлатилади

қиёфада уларнинг эътиқоди, Яратганга бўлган меҳри жуда томошабон-да», деб дин пешволарини танқид остига олса, худди шундай танқидий сўзларни Кабир ижодида барча дин пешволарига қарата айтилганини жуда кўп мисраларда кузатиш мумкин, жумладан, Кабир хиндуларнинг пандитига қарата «ведаларни, пуранларни ёддан ўқиб, уларда аслида нимани тарғиб қилинганини ханузгача ўзинг тушуниб етмагансан, бошқаларга сен нимани ўргата оласан» деса, мусулмон муллаларига қарата «минорага чиқиб нега бақирасан, сенингча Худо карми», деб хитоб қилади. Шайх Нуриддин айтадики, бу муллалар аслида Яратганга нисбатан меҳр, муҳаббат ва садоқат нима эканлигини ўзлари ҳали тушуниб етмаганлар, меҳр бу отилган нийзадир, унинг оғриғига бардош бера олиш керак, деган фикрлари қуйидаги мисраларда намоён бўлади, яъни,

*Жо прем ме ратбхар жагта хе, уси ко жаннат милта хе*<sup>199</sup>

маъноси, «туну кун Яратганга меҳр билан юраги ёнган инсонгагина жаннат насиб бўлади», деган бўлса, Кабир эса бу ҳақда шунга ўхшаш мисраларни баён этган, яъни

*Бина даг ке, бина папачар киэ ис сансар се жаэга,  
вохи жаннат ме дакхил хога*<sup>200</sup>.

маъноси, «ҳеч қандай доғсиз, гуноҳсиз бу дунёдан ўтган инсонгагина жаннат насиб бўлади».

Шайх Нуриддин Кашмирда Зайнул Авидин (1420-1470) шоҳлик қилган даврда яшаган. Айтишларича, бу шоҳни Кашмир халқи жуда севган. Халқ уни ҳурмат билан *Подшоҳи олам* деб тилга олган. Шоҳ Зайнул ҳам шайх Нуриддинни ҳурматлаб эъзозлаган ва, шайх оламдан ўтганида ўзи шахсан унга тобуткашлик ҳам қилган ва, ҳатто, шайх Нуриддин номи ёзилган тангалар ҳам чиқарган экан. Зайнул шоҳдан кейин кўп асрлар ўтгач Кашмир штати губернатори Ота Муҳаммад ҳам бу тангаларни яна қайта ишлаб чиқарган ва шайх Нуриддин мазорини тиклаб зиёратгоҳга айлантирган. Ҳозир ҳар йили октябрь ойида шайх Нуриддин руҳ покени шод этиш учун махсус зиёрат байрамлари

<sup>199</sup> Уша китоб, Б. 27.

<sup>200</sup> Рағхуванш. Кабир эк найи дришти. Илаҳабад, 2009. Б. 18



ташқил этилади. Шайх Нуриддиннинг кўпгина шоғирдлари бўлган, улардан Баба Насриддин, Қутбиддин, Зайнуддин, Лутфиддин ва бошқаларнинг номини тилга оладилар.

Бхакти ва тасаввуф адабиётлари шаклланган адабий жараёнга бир назар ташлаш бу давр ҳақида қуйидаги хулосалар қилиш имконини беради.

Тасаввуф ва бхакти адабиёти шаклланган давр Ҳиндистоннинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий жиҳатдан гуллаб яшнаган даври бўлган. Ҳинд тасаввуф адабиётини турли тасаввуф мактаблар ва уларнинг аъзолари яратган ва улардан турли жанрлардаги суфиёна мазмундаги асарлар мерос бўлиб бугунги кунгача етиб келган.

Гоявий жиҳатдан бу давр адабий жараёнининг энг муҳим хусусияти бу ҳиндуизм бхактиси ва ислом тасаввуфининг Ҳиндистоннинг шимолида айнан бир давр ва бир ҳудудда, яъни Бобурийлр салтанатида шаклланиб, маънавий ва мафкуравий қарашлар жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган икки адабиётнинг ўзаро таъсирда ривожланганлигини кўрсатди.

Бир қанча диний-фалсафий қарашлар тизимида яратилган адабий мерослар ичида бхакти ва тасаввуф адабий меросларида мавзулар доирасида *ўхшашликлар* суфиёна гоялар, илохий ишқ, инсоний ишқ ҳамда диний-фалсафий мавзулар доирасидан иборат бўлса, тасаввуф адабий меросида бхактидан *фарқли равишда* шоҳларнинг қахрамонлиги, дин ёки диний ҳаракат асосчилари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлар яратилган.

Адабиётдаги жанрлар масаласига келсак, “Рамайна” ва “Маҳабхарата” эпослари доимий равишда маҳаллий халқ тилларидаги адабиётларнинг, улардаги жанр ва услуб масалаларининг шаклланишига асос бўлиб келган. Жумладан, маҳакавья жанридаги бу эпослар асосида тамил, ассам, бенгал ва гужарот адабиётларида сюжети санскрит эпосларидан олинган *эпик поэма* жанри бунёдга келган. Илк ўрта асрларда яшаган Калидасанинг “Мегахдута” (“Хабарчи булут”) асари, XII аср бенгал шоири Дхоининг “*Паванадута*” асари, XIV аср малаялам адабиётида муаллифи номаълум “Уппукили сандешам” (“Уппукили хабари”) каби асарлар эпик поэмаларга мисол бўла олади ва уларнинг кўпчилигининг сюжет манбаи ўша қадимий эпослар бўлган. Эпик поэмалардан ташқари маҳаллий халқлар адабиётида наср ва назм биргаликда ишлатиладиган

чампу, юз мисрадан иборат *шатака*, ўн мисрадан иборат *дашака*, икки мисрадан иборат *доха*, етти мисрадан иборат *сатсаи*, тўрт мисрадан иборат *чаупаи* каби шеърӣ жанрлар, булардан ташқари *шринкха*, *вакх*, *сивейя*, *арилла*, *акхрават*, *какра*, *алифнама*, *вадани*, *чўтиса* каби бир қанча лирик жанрлар ҳамда *лирик поэмалар* бунёдга келган. Ҳинд тасаввуф адабиётидаги шеърӣ жанрлардан биз, ҳинд адабиётига форс адабиёти орқали кириб келган *газал*, *рубойӣ*, *қитъа*, *маснавий*, *мусамма*, *мусаддас* ва бошқа жанрларни эслаб ўтишимиз мумкин. Бу жанрларнинг барчаси ўрта асрлар бхакти ва тасаввуф адабиёти жанрлар таркибини ташкил этади.

Бхакти адабиётини ўрганишда бхактлар ҳақидаги маълумотлар тўпланган “*Бхактмал*”<sup>201</sup> (“Бхактлар гулчамбари” ёки “Бхактлар птологияси”) номли асарлар алоҳида аҳамият касб этади. Илгари улар қўлёзма шаклида бўлган, XVIII асрлардан “Бхактмал”ларни изоҳлар билан нашр эттириш ишлари йўлга қўйилган.

Ўрта асрлар даври ҳинд жамиятига шунчалик кўп бхактларни етиштириб берганки, улар ҳақидаги маълумотларни келажак ашӯдларга етказиш мақсадида “Бхактмал”ларни яратиш анъанаси шаклланган ва бу анъана асосида бир қанча бхактмаллар бунёдга келган. Кейинчалик, улар бошқа муаллифлар томонидан қўшимча изоҳлар билан яна қайта нашр ҳам этирилган. “Бхактмал”лар орасида энг оммавийлари сифатида Набхадас ва Приядасларнинг “Бхактмал” асарлари тилга олинади.

Илк “Бхактмал” 1712 йилда Приядас томонидан изоҳлар билан нашр этирилган. Бхактларга бағишланган бу тўплам ҳиндий адабиётида бхактлар ҳақида аниқ маълумот бера оладиган тўплам саналади. Кейинчалик “Бхактмал”лар ёзиш ҳиндий адабиётида анъанага<sup>202</sup> айланиб кетган. “Малалар” секин аста Ҳиндистоннинг кўпгина бошқа тилларига, хусусан, бенгали, маратхи ва бошқа тилларга ва, ҳатто, инглиз тилига ҳам таржима қилинган, дейилади. Ҳинди адабиётидаги бхактлар ҳақидаги асосий манба сифатида қўлланиладиган қуйидаги малалар бизгача етиб келган, улар:

1. Приядас ка бхактмал - Приядаснинг бхактлар гулчамбари
2. Рагхудас ка бхактмал - Рагхудаснинг бхактлар гулчамбари

<sup>201</sup> “Бхактмал”- форс адабиётидаги тазкираларга ўхшаш асарлар

<sup>202</sup> ҳатто, санскрит тилида ҳам “Бхактмал” яратилган, дейилади

3. Лалдас ка бхактмал - Лалдаснинг бхактлар гулчамбари
4. Рагхавдас ка бхактмал - Рагхавдаснинг бхактлар гулчамбари
5. Дхрувдас бхакатнамавли – Дхрувдаснинг бхактлар номи гулчамбари

Ҳинди адабиётида бхактмаллар бўйича махсус илмий тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилган, улардан “Набхадас крит Бхакатмал аор Приядас крит тика ка патхалочан”<sup>203</sup> ҳамда Кешарчандра Шарманинг<sup>204</sup> тадқиқотлари аҳамиятга моликдир. Ҳинд мутахассислари эса бхактлар ҳақидаги илмий изланишларда, асосан, Набхадас ва Приядаслар тўплаб нашр эттирган “Бхактмал”лардан кўпроқ фойдаланадилар.

Умуман олганда, ҳинд тасаввуф ва бхакти адабиёти шаклланган даврда ўзига хос бир мураккаб адабий жараён ҳукм сурган. Ундаги гоё, мавзу, жанр, сюжет, образ ва тиллар хилма хиллиги бу давр адабиётининг ниҳоятда хилма хил ва бойлигидан дарак беради. Тил жиҳатдан бу даврнинг браж, авадҳи, ҳиндави каби адабий тиллардан ташқари яна бир қанча бошқа тиллар (жумладан, ражастхани, панжоби, гужароти ва бошқалар) ва диалектларда (бундели, чхаттисгархи, каннужи ва бошқалар) ҳам адабий мерос яратилган ва уларда ҳам, асосан, юқорида тилга олинган мавзу, сюжет, гоё ва образлар ўз аксини топган.

Бхакти ва ҳинд тасаввуф адабиёти билан танишиш мазкур мавзу бўйича алоҳида ўрганиш лозим бўлган бир қанча масалаларни юзага чиқарди. *Биринчидан*, ҳинд тасаввуф адабиётини ўрганишда унинг жаҳон тасаввуф адабиёти тизимида тутган ўрнини аниқлаш ва унга бошқа мамлакатлардаги тасаввуф адабиётининг (жумладан, Ўрта Осиё, Эрон ва бошқаларнинг) таъсири ёки ҳинд тасаввуф адабиётининг бошқа қўшни мамлакатлар (Индонезия, Малайзия ва бошқалар) тасаввуф адабиётига таъсири масаласини қиёсий ўрганиш, ёки бўлмаса, турли миллатлар тасаввуф адабиётига шу миллатнинг ўзига хос хусусиятлари таъсирини назарда тутган ҳолда “Тасаввуф адабиётини миллийлик” мавзусида турли миллатлар адабиётини шаклланган тасаввуф адабиётининг фарқли ва ўхшаш томонларини тадқиқ этиш жаҳон тасаввуф адабиётининг янги кирраларини очишга ҳамда турли

<sup>203</sup> Набхадас бхакатмаласи ва Приядаснинг изоҳли бхакатмаласи

<sup>204</sup> Кешарчандра Шарма. Бхакатмал аор хинди сахитъя ме уски парампара. Мантхан пабликешан, Рохтак. 1983.Б.459

миллат вакилларининг мафкуравий оламидаги муштаракликларни назарий жиҳатдан аниқлаш ва асослашга хизмат қилади. *Иккинчидан* эса, Ҳиндистондаги тасаввуф ва бхакти адабиётларининг бир ғоя асосида, бир ҳудуд ва бир даврда шаклланганлиги уларни қиёсий тадқиқ этиб, бхакти ва тасаввуф адабиётлари мазмунидаги, икки бир-бирига қарама-қарши дин вакиллари дунёқарашидаги муштараклик ва фарқланишларни ўрганиш ўрта асрлар адабий жараёнида янги бир саҳифани очиш имконини беради.

Демак, Ҳиндистон шимолидаги XV-XVII асрлар, яъни Бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр ўзининг мураккаб, серқирра ва бой адабий жараён эканлиги билан ажралиб туради. Бу давр адабий жараёнларида жами етти турдаги адабиёт яратилган ва уларнинг ҳар бири маълум бир даражада шу давр адабиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келган. Лекин, у давр адабий меросининг энг каттаси ва давр мафкурасини ўзида тўлиқ акс эттирган мерос бу бхакти ва тасаввуф адабиётидир. Бхакти адабиёти шу даврда мавжуд турли дин ва эътиқод вакилларининг Яратган олдида, *hxf* ўзаро тенглиги ҳақидаги ғояларни кучайтирган бўлса, тасаввуф адабиёти бхактига ҳамоханг равишда Яратганга бўлган меҳр ва садоқатни кучайтириш мавзуларига алоҳида эътибор қаратдилар. Лекин, бу икки адабий мероснинг ҳар иккаласининг моҳиятида Яратганга бўлган меҳр ва садоқатни Яратганнинг энг олий зоти сифатида инсонга кўрсатиш лозимлигига ишора яширинганлигини ҳис этиш мумкин. Айнан шу икки мероснинг қисман қиёсий таҳлили бизга шуни кўрсатдики, бхакти ва тасаввуф мафкураси вакиллари шу давр адабиётини сюжет ва мазмун жиҳатдан бой ва хилма хил асарлар билан бойитиш билан бир қаторда халқ тилларини, хусусан, бхакти адабиёти браж тилини, тасаввуф адабиёти урду тилини бадиий жиҳатдан сайқалланган етук тилга айланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этганлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

### **Бхакти адабий мероси таснифи**

Бхакти ҳаракати ўзининг ривожланиш жараёнида ҳинд жамиятида хилма хил дунёқарашдаги бхактларнинг ва шу асосда хилма хил мазмунидаги бхакти адабиётининг шаклланишига асос бўлган.

Бхакти адабий меросидаги икки сагун ва ниргун бхакти вакилларида, биз, аввал, бхактининг илк бор шаклланишига асос

бўлган сагун бхакти йўналишида ижод қилган шоирлар ижоди билан танишиб чиқамиз.

Сагун бхакти ҳам, ўз навбатида, *шив, жайн ва вейшнав* бхакти йўналишларига ажралади ва уларнинг адабий мероси ҳам шу номлар билан юритилади.

*Шивбхакти адабиёти* илк бор жанубда, аниқроғи, Тамилнаду штатида шаклланган ва кейинчалик бошқа ҳудудларга, хусусан шимолга, ҳам ёйилган. Бунинг асосида жанубликларнинг кўпроқ Шива маъбудига эътиқод қилишлари ётади ва шивбхакти адабиёти деганда, биз, маъбуд Шивани мадҳ этувчи, унга бўлган меҳр ва садоқатни куйловчи адабий меросни тушунамиз. Энг биринчи шивбхакт шоир сифатида илк ўрта асрларда, яъни VI асрда яшаган тамиллик шоир Аппар тилга олинади. Аппар нафақат шивбхакти адабиётига, умуман, бхакти адабиётига асос солган биринчи шоир ҳисобланади. XV-XVI асрларда ижод қилган шивбхакт шоирларга эса Тиругўансамбандхар, Сундарар, Маниккавачкар ва “*Тирсатх шив сантон ки “найанмар”*”, яъни “63 шивбхакт найанмарлар” номи билан машҳур шивбхактлар номи тилга олинади. Шивбхакти адабиёти жанубий бхакти адабиёти ва у илк ўрта асрларга тегишли эканлигини инобатга олган ҳолда бу ҳақда фақат бхакти адабиёти таснифи доирасида маълумот берилди.

Бхакти адабиётининг иккинчи йўналиши бу *жайнбхакти адабиёти*. Бу жайнлар дини вакиллари томонидан бхакти ғояларини тарғиб қилиш йўлида яратилган адабий мерос бўлиб, унинг таркибига шимолий Ҳиндистон ҳудудларида, Бобурийлар салтанатида яшаб ижод этган жайн бхактлар қаламига мансуб асарлар киради. Бу адиблар яратган асарларнинг асосий мазмуни жайн дини ғоялари ва шу динга асос солган устоз Махавирга бўлган садоқат туйғулари билан йўғрилган. Лекин, умуман олганда, жайн адабиётининг жуда кам ўрганилганлиги ҳақида ҳинд мутахассислари алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Хусусан, XX аср бошларигача жайн адабиётининг хронологик тарихини ёритувчи бирон бир китоб яратилмаган, дейилади. Моханлал Даличандра Десаи XX аср бошларида илк бор “*Жейн гуржаркавийон*” (Жайн шоирлари) ҳамда “*Жейн сахитяно итихас*” (Жайн адабиёти тарихи) номли китобларини нашр эттирган. XX аср ўрталарига келиб жайн адабиёти билан шуғулланиб, ўттиз йил давомида турли журнал ва тўпламларда жайн адабиёти билан боглик ўз мақолаларини нашр эттириб келган Натхурам Премика кўп йиллик

меҳнатларининг самараси сифатида барча мақолаларини тўплаб, уларни янги маълумотлар билан бойитиб, XX аср жайн адабиётининг элликка яқин шиорларининг ижодига бағишланган китобини 1942 йилда Бомбейда нашр эттирган.

Ўрта асрлар жайн адабиётига доир тадқиқотлардан Рамакант Шукланинг жайн ва ҳинду динига мансуб икки бхакт ижодини қиёсий ўрганишга бағишланган таққотини тилга олиш мумкин. Тадқиқотда жайн файласуфларидан Равишеннинг ижоди рамбхакти йўналишининг иккили Тулсидас ижоди билан қиёсий ўрганилади. Шу билан бир қаторда Бобурийлар салтанати ҳудудида ҳам жуда кўп жайн бхактлар бўлгани ва улар доимий равишда бобурий шоҳларнинг диққат марказида ва ҳурматида бўлиб келганликлари ҳақида кўпгина манбалар хабар беради, улардан, Акбаршоҳ даврида яшаган Хирвижайсури, Шантичандрасури ва Бханучандрасурилар Акбар, Хумоюн ва Жаҳонгиршоҳ ҳукмронлиги даврида яшаган Вижайсенсури ҳамда унинг замондошлари Сатьявижайанти, Яшовижайжи, Вижайанандсурижи каби жайн бхактлар бўлганки, уларни Бобурий шоҳлар жуда севиб ҳурмат қилган. Жайн бхактларнинг ҳам ижодига мансуб асарлар тўлиқ топилмаган, лекин уларнинг асарларидан айрим нарчалар турли тадқиқотлар мазмунида учрайди. Жумладан, жайн бхакт Яшовижайжи ўз давридаги устозликка даъво қилувчи инсонларга қарата шундай деб ёзган: *“устози кетидан кўр-кўрона юрадиган шогирд ўз бўйнидан келаётган ҳидни излаб югурадиган кийикка ўхшайди. Онгида илми, фалсафий мушоҳадаси ва яхши сифатлари бўлмаган инсон натижасиз қолганида афсусланишидан фойда йўқ. Ўз тинасида ҳаёт машаққатларини ҳис қилиб, ҳали ўзи камолотга етиша олмаган инсон бошқаларга қандай қилиб устозлик қилсин. Бундай инсонлар ўзи тушуниб етмаган ҳақиқатни қидириб умр бўйи сарсон сиргардон бўлиб юраверадилар”*<sup>205</sup>. Жайн бхакт Яшовижайжининг бу сўзлари худди ўзи тушунмаган нарсани бировга ўргатадиган ҳинду пандитларини танқид остига олган сант Кабир ёки бўлмаса устозликни ўзига эп кўрмайдиган жайн бхакт Ананддхан дунёқарашига жуда ўхшаб кетади. Бобурийлар даврида яшаган жайн бхактлардан энг таниқлиси ва ўзига хос бхакти ғояларига эга бўлган бхакт шоир бу Ананддхандир.

<sup>205</sup> Кумарпал Десаи. Ананддхан. Деҳли. 2006. 6 бет

Бобурийларнинг тўрт авлоди - Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон ва Аурангзеблар ҳукмронлиги даврида яшаган шоир бу Ананддхандир (1604-1674). У асли ражастханлик бўлиб, ражастхани ва гужарати тилларида аралаш ижод қилган. Унинг асл исми Лабхананд, лекин унинг бхактида танлаган йўли унга *Ананддхан* тахаллусини олиб келган. Чунки, инсон нимага эришса ҳам, фақат ўзи эришиши мумкин ва унинг роҳати ҳам фақат унга тегишли бўлади, бировнинг танаси ёки руҳини бошқа инсон ҳис қила олиши мумкин эмас ва биров учун биров кураша олмайди, яшай олмайди, ҳар бир инсон ўз ҳаётини ўзи яшайди ва унинг эришган ютуғи ҳам фақат унинг ўзиники бўлади, шу боис ҳар бир инсон ўз роҳатини ўзи яратиши лозим, уни бировдан ўрганиб, бировнинг кўрсатмаси билан яратиб бўлмайди, деган қарашлари орқали “*ниж ананд*”, яъни “фақат ўзи ҳис қиладиган роҳат” деган ўзига хос шиорни ўртага ташлаган ва шу йўлни умрининг охиригача тарк этмаган шоирдир. “*Ананд*” сўзи ҳиндий тилида роҳатланиш, “*дхан*” сўзи бойлик маъноларини англатади, демак, Ананддхан номли исми - “роҳатга бой” деб таржим қилиш мумкин.

Ананддхан аслида йога таълимотига катта эътибор қаратган, лекин ҳаёт йўлида эса бхакти йўлини танлаган. Ананддханнынги “*ниж ананд*” таълимотида унинг йога таълимотининг таъсири ҳам сезилиб туради. Чунки, йога бу ўз танасини ўзи бошқаришга эришиш орқали руҳ ва тананинги олий даражадаги мутаносиблигини таъминлашдир. Бу мутаносибликка эришганда инсон олий даражадаги роҳатга эришади. Ананддхан ўзининг “*ниж ананд*”ида худди шундай роҳатни назарда тутган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бхакти оламида Ананддхан яратган яна бир ўзига хос янгилик бу “*экла чало*”, яъни “ўзинг мустақил юр” шиорига таянишдир. Ананддхан бхактида ҳеч кимда *учрамайдиган янгича бхакти йўлига* асос солган ва ўзининг бу шиорининг тўғрилигини ҳар бир нарсага бўлган муносабати, ўз таълимоти ва ўзининг ҳаёт тарзи билан исботлаб берган. Ҳақиқат ҳам, Ананддханнынги “*экла чало*” ва “*ниж ананд*” шиорлари ҳаётга жуда яқин шиорлардек туюлади, чунки, ҳақиқатан ҳам, ҳеч бир инсоннинг ҳаёт йўли бир-бирига ўхшамайди, бир инсон иккинчи инсон йўлидан ҳеч қачон юра олмайди, ҳар бир инсоннинг ҳаёти ўзига хос ва бетакрор бўлиб, халқ орасидаги “ҳар бир инсоннинг ҳаёти, аслида, бир китобдир” деган гап асосида ҳам худди шу фикр ётгандек туюлади. Бхакти тарихида Ананддхан таълимотини “*эклвир пантх*”, яъни “ягона

Иул” деб ҳам юритадилар ва бу, албатта, бежизга эмас. Бу борада Ананддханнинг ўзи доим ҳайратланиб шундай деяр экан, “*Бировдан маслаҳат сўрасанг, у ўзи танлаган, ўзи яшаётган ҳаёт йўлини кўрсатади, унинг йўлидан бошқалар қандай қилиб юриши мумкин*”<sup>206</sup>. Ананддхан бундай маслаҳатларни эшитганидан кейин шуни англаб етганики, инсон ўз йўлини ўзи топиши, танлаши ва унда ўзи курашиб, ўзи натижага эришиши лозим.

Ананддхан бхакти йўлида ўзининг шу икки шиори остида яшади, яъни ўз йўлини ўзи топди ва бошқаларга ҳам фақат шундай маслаҳат берди. Унинг танлаган йўлига садоқатини шунда ҳам кўриш мумкинки, унинг биронта ҳам шогирди бўлмаган, кўпчилик унга шогирд тушиш истагини билдирган, лекин у ҳаммага “*менинг йўлимдан сен юра олмайсан, ўз йўлингни ўзинг топ ва ўзинг абадий роҳатга эриш*”, - деб уларни қабул қилмас экан. Шу боис, унинг ҳаётида тақлид тушунчасига умуман ўрин қолмаган ва ҳар бир иши, ҳар бир гапи ўзининг шахсий қарашлари, тажрибалари ва шиорларидан келиб чиққан ҳолда айтилганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ананддхан яратган бхакти йўли шунчалик машҳур бўлиб кетдики, унга берилган “ананд”, яъни “роҳат” сўзи Ананддханни англлатувчи сўз бўлиб қолган.

Демак, бхакти ҳаракатининг ўзига хос намояндаларидан бири бўлган Ананддхан бхактида “ниж ананд” ва “экла чало”, “экалвир пантх” шиорларига асосланган янгича турдаги бхакти йўлига асос солган ва ўз шиорларига садоқатли бўлиб, ўз йўлидан фақат ўзи юриб, шогирд қабул қилмай “экла чало” йўлида ягона бхакт бўлиб тарихда ном қолдирган бхакт шоирлардандир.

Жайн бхактлар дунёқарашини ва уларнинг асарларининг мазмуни асосида шуни таъкидлаш жоизки, ҳинду бхактлар ҳиндуизм танқиди йўлида шаклланган бўлсалар, жайн бхактлар эса, аксинча, жайнлар динини мустаҳкамлаш, унга асос солган устоз Махавирга бўлган меҳр ва садоқатни кучайтириш йўлида шаклланган. Демак, Бобурий шоҳлар бхактининг тенглик ғоясининг амалий тасдиғи сифатида нафақат ҳинду бхактларни, балки жайн бхактларни ҳам қўллаб-қуватлаган ва бу орқали жайнлар дини ривожига ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар, десак муболага бўлмайди.

---

<sup>206</sup> Уша китоб, 6 бет



Бхакти адабиётининг учинчи энг катта йўналиши бу *вейшнава бхактидир*. Бу шимолий бхакти ҳаракати асосида яратилган адабиёт бўлиб, унга Вишну маъбудининг ердаги тажассумлари Рам ва Кришнага бўлган меҳр ва садоқатни тарғиб этишга багишланган асарлар киради, демак вейшнава бхакти адабий мероси *рамбхакти* ва *кришнабхакти* адабиётларидан ташкил топади.

Вейшнава бхакти, аслида, жанубда тамил штатида X асрларда илк бор шаклланган ва бу адабиёт Вишну маъбудининг жанубдаги тажассуми маъбуд Нарайан номи билан боғлиқ бўлиб, тамил вейшнава бхактининг энг йирик вакиллари тамиллик бхакт шоирлар, улар ўзларининг маъбуд Нарайанга бўлган меҳр ва садоқатларини шеърий мисраларда куйлаш асосида тамил вейшнава бхакти адабиётига асос солганлар ва улар адабиёт тарихида ҳам “*тамил ке барах алвар*”, яъни “тамиллик 12 алвар” номи билан машхурдирлар. Шимолда эса Вишну Рам ва Кришна қиёфасида тажассум қилгани боис шимолий бхакти адабиёти *рамбхакти* ва *кришнабхакти* адабиёти номи билан юритилади. Шимолда *кришнабхакти* адабиёти *рамбхакти* адабиётига нисбатан анчагина бой ва сермазmun, шу боис *кришнабхакти* шеъриятининг мероси анчагина каттадир. *Рамбхакти* адабиётининг энг катта мероси бу юқорида тилга олинган бхакт шоир Тулсидас ва унинг “*Рамайна*” асаридир.

Кришна бхакти шеърияти ўрта асрлар адабиётининг халқ учун энг сеvimли адабиёти бўлиб, уни яратувчилар сони ҳам кўпчиликни ташкил этади. Уларга, асосан, шу даврдаги Пушти, Гория, Нимбарк, Мадхавачарья ва бошқа турли кришна бхакти секталарининг шоирлари қаламига мансуб асарлар, Мирабаи, Говинддас, Раскхан, Рахим, Редас ва бошқа шоирлар киради.

Булар орасида, энг аввало, бутун Ҳиндистон миёсида машхур бўлган, Кришна бхакти шеъриятининг тожи бўлган Сурдас бошчилигидаги “*Ашгачхап*”<sup>207</sup> шоирлар (Сурдас, Пармананддас, Нанддас, Говиндсвами, Кумбхандас, Чатурбхужадас, Чхитсвами, Кришнадас) иттифоқининг иқтидорда тенги йўқ саккиз шоири номини тилга олиш лозим. “*Пушти*” сектаси қошида XVI аср ўрталарида ташкил этилган “*Ашгачхап*”га “*Пушти*” сектаси раҳбарларидан бири файласуф Витхалнатх асос солган. “*Пушти*” сектаси ўз давридаги бошқа бхакти

---

<sup>207</sup> Саккиз шоир иттифоқи

секталаридан кўп жиҳатдан ажралиб турган ва кришнабхакти шеърияти ривожига ўзининг энг катта ҳиссасини қўшган секта ҳисобланади. Жумладан, “Аштачхап” номли шоирлар иттифоқининг ташкил этилишининг ўзи ҳам бу сектанинг Кришнага бўлган меҳр, муҳаббат ва садоқатини тарғиб қилиш йўлида амалга оширган жиддий қадамлардан бири бўлган, дейиш мумкин. Чунки, бу ташкилот шунчаки саккиз шоир иттифоқи бўлмаган. Ташкилотнинг ҳар бир аъзосининг бхакти тарғиботи йўлида ўзига яраша бурчи ва вазифалари бўлган. Бу иштифалар ташкилот асосчилари томонидан белгилаб берилган ва бу иштифаларни бажаришга ҳар бир шоир сидқидилдан киришган. Ҳар бир шоир умрининг охирига қадар ўз бурчи ва вазифасига садоқатли бўлиб қолган. Жумладан, “Аштачхап” ташкил этилганидан сўнг Витхалнатх бошқа секталардан фарқли равишда сектага қарашли ибодатхоналарда “аштсева”, яъни Кришнага кунига “саккиз марталик хизмат” қилиш ишъанасини йўлга қўйган. Унга кўра, “Аштачхап”нинг саккиз шоири томонидан маъбуд Кришнага кунига саккиз марта хизмат кўрсатилган иш шу хизмат мобайнида Кришнага атаб турли мадҳиялар куйланган. Маदҳиялар мазмуни Кришанинг ҳаёти билан боғлиқ воқеаларга, Кришна давридаги турли фасллардаги миллий байрам ва урф одатларга, Кришна ҳақидаги халқ ўртасида юрадиган фикр ва мулоҳазаларга, Кришнани ўраб турган инсонлар, уларнинг феъл итвори, Кришнага бўлган уларнинг муносабати каби масалалар билан боғлиқ бўлган, аниқроқ қилиб айтганда Кришна қаерда нима қилган, кимга нима деган, қайси масалага қандай фикр билдирган бўлса ҳеч бири мадҳияга солинмай қолмаган.

Шоирлар ибодатхонада амалга оширадиган саккиз хизматнинг ҳар бирининг ўз номи ва мазмуни бўлиб, Витхалнатх уларни “Аштачхап” шоирлари зиммасига қуйидагича юклаган:

1. *Мангла (ёки прабхат*<sup>208</sup> *арти)*- тонгги хизмат: Кришнани уйқудан уйғотиш -Пармананддас бажарган;
2. *Шрингар*:Кришнани кийинтириш, унга болалар ўйини билан боғлиқ қўшиқлар куйлаш - Нанддас бажарган;
3. *Гвал*: Кришнанинг сигирларни боқиши, уларни соғиши, қаймоқ ўгирлаши, дўстлари билан сайрга чиқиши -Говиндсвами бажарган;

---

<sup>208</sup> Эрта тонг маъносини англатади.

4. *Раж бхог*: Кришнага тушлик бериш, тушлик уйкусини ташкил қилиш -Кумбхандас бажарган;

5. *Уттхапан*: Кришнани кундузги уйкудан уйғотиш, сигирларни сугориш ва ўрмонда сайр - Сурдас бажарган;

6. *Бхог*: Кришнанинг тановул қилиб гўпилар ва сигирлар учун най чалиши - Чатурбхужадас бажарган;

7. *Сандхья*<sup>209</sup> *арти*: Шомги хизмат, бу пайт Кришна сигирлари билан ўрмондан қайтариб олиб келинган -Чхитсвами бажарган;

8. *Саккизинчи хизмат*: ёпик алтарда Кришнани тунги уйкуга тайёрлаш -Кришнадас бажарган;

Аштачхап шоирларига Кришна ибодатхоналаридаги бу қатъий хизматнинг топширилиши уларнинг шеърият мавзусини ҳам белгилаб берган. Кришнанинг ҳаёти билан боғлиқ бу воқеалар эса, асосан, “Махабхарата” эпоси воқеаларига асосланган ва шоирлар доим ҳар кунги хизмат учун шу воқеалар билан боғлиқ янги-янги мисраларни яратишлари орқали кришнабхакти шеърияти кун сайин бойиб борган. Витхалнатх Кришна мандирларда “*киртан сева*”, яъни “мадҳия куйлаш хизмати”ни ташкил этиш мақсадида “Аштачхап”га асос солган ва бу, ўз навбатида, шоирларнинг кришнабхакти шеърияти ривожига катта ҳисса қўшишларига имкон яратган.

Демак, шу даврдаги бошқа бхакти секталаридан фарқли равишда Валлабхачарья асос солган “Пушти” сектаси чўпон Кришнанинг кундалик ҳаётининг асосий саккиз “*прахар*”и, яъни *қисмини* (уйғониш, ювиниш-кийиниш, сигирларни сугориш, тушлик, тушликда дам олиш, уйкудан кейинги овқатланиш, пода билан уйга қайтиш, тунги дам олиш) танлаб олиб, улар асосида ибодатхонада Кришнага хизмат аънанасини ташкил этган. Шоирлар ўз киртанларини хизмат вақтидан бир соат олдин куйлашни бошлаганлар, лекин бу қўшиқлар ичкарида эмас, ибодатхона эшиги олдида куйланган, чунки сектада бошқа секталардан фарқли равишда, саккиз марталик хизмат вақтига қатъий риоя қилиниб, Кришна юзидаги парда фақат хизмат вақтидагина очилган, бошқа вақт у ёпик тургани боис мадҳиялар ташқарида куйланган.

Аштачхап шоирлари бу кўп йиллик хизматлар даврида жуда кўп *падлар*, яъни шеърий мисралар яратганлар ва уларни “*сагар*”, яъни

---

<sup>209</sup> Шом пайтини билдиради

“уммон” деб атаганлар, хусусан, “Парманандсагар” (“Пармананд шеърият уммони”), “Сурсагар” (“Сурдас шеърият уммони”) ва “Нандсагар” (“Нанддас шеърият уммони”) каби тўпламлар мавжуд бўлиб, улар кришнабхакти шеъриятининг энг катта ва бой мероси ҳисобланади. “Сурдаснинг “Сурсагар”<sup>210</sup> асариди тўрт мингдан ортиқ наид мавжуд”, - деб ёзади Сурдас ижодини ўрганган Н.М. Сазанова.

Кришнаннинг хаёти билан боғлиқ турли воқеалар “лила”<sup>211</sup> атамаси билан юритилган, жумладан. “Раслила” – севги ўйинлари, “Ратлила” - Тунги ўйинлар, “Шрингарлила” – Безаниш ўйинлари, “Баллила” – Болалик ўйинлари ва бошқа турли ўйинлар. “Аштачхап”нинг барча шоирлари Кришнаннинг Браз журтидаги турли “лила”ларини ўз шеъриятида тараннум этишни энг катта бахт ва ҳаётдаги энг олий мақсадлари деб билганлар ва бу мавзуга бағишланган минглаб мисраларни яратганлар.

Кришнабхакти шеърияти ривожига катта ҳисса қўшган “Аштачхап” шоирларидан бири Кришнадасдир. У ўзининг бутун ижодини “шрингарлила”га, яъни Радха-Кришнаннинг “безаниш ўйинлари”ни қуйлашга бағишлаган ва унинг шеъриятининг асосий қахрамонлари бу Радха, Кришна ва Браз гўпиларидир.

*“Гўпилар доим Кришнани кўриш орзусида яшайдилар, энди аҳвол шу даражага етдики, У ўзини қанчалик олиб қочса, гўпиларда уни кўришга бўлган иштиёқ шунчалик ортиб, касалликка айланмоқда, демак унинг кўриши беришдан бошқа иложи йўқ”<sup>212</sup>, -* деб ёзади Кришнани жонидан ортиқ кўрган гўпилар ҳақида Кришнадас. Ёки бўлмаса, *“Шйамни”<sup>213</sup> таниганларидан бери гўпиларнинг кўзи юмилмайди, кўнгил безовта, ҳеч қандай олди-бердисиз Унга сотилдилар қўйдилар”<sup>214</sup>, -* деган мазмундаги гўпиларнинг Кришнага бўлган бутун меҳрини ўзида мужассам этган қўшиқлар яратган.

*Камал мухх декхат каон агхаи,*

<sup>210</sup> Сазанова Н.М.. Нет жизни без Кришны. М., 1992. С.12

<sup>211</sup> “Ли́ла” ўйин, “сирли ўйин”, саргузашт, деган маъноларни англатади.

<sup>212</sup> Харгулал. Кришнадас. Дехли, 2001. Б.10

<sup>213</sup> *Шйам* қора деган маънони англатади, Кришна қорачадан келган бўлгани боис уни Шйам деб ҳам атаганлар.

<sup>214</sup> Уша китоб, Б.11

*Сунхи сакхи! Мере лочанали мудитрахе аружхай*<sup>215</sup>.  
таржимаси,  
*Нилуфар чехрани кӯриб толиқар кимнинг кӯзи,  
Тингла эй дугона! Кӯзларим хиралашса ҳам кӯргим келадир Уни.*  
ёки бўлмаса,

*Ри! Ихи моҳан ки моҳантамохо меро манс хансу,  
Каха каро, сир пари тхагори сунат мохан бансу*<sup>216</sup>.  
мазмуни,  
*Эй, бу ёқимтой истараси билан ром этди кўнгиларни,  
Нима қилай, лол қолдим тинглаб унинг най навосин.*

Бхакти секталари шоирларининг кўчилигига Радха Кришнанинг севги можаролари, айрилик онлари, ҳижрон азобларини қуйлаш хос бўлса, Кришнадасга кўпроқ Радха-Кришнанинг висол онларини, уларнинг биргаликда ўтказган бахтли дамларини қуйлаш хосдир. Шу боис, Радха-Кришнанинг биргаликда Холи байрами рангларидан завқ олишлари, Дивали шамлари таратаётган ёруғлик нуридан баҳра олишлари, баҳор байрамларини нишонлашлари, ёмғир томчилари остида гулчамбарлардан ясалган арғимчокда учишлари, гўпиларнинг ўз суюклилари бўлган Кришна атрофида гирдикапалак бўлиб, турли ўйинларни ўйнашлари Кришнадас шеърятининг етакчи мавзуларидир. Жумладан, Радха-Кришнанинг эҳтиросли севгисини таърифлаб, икки ошиқнинг муҳаббат онларини “Шйам-Шйама, Шйама-Шйам”<sup>217</sup> номли шеърисида шундай ифодалайди, “Энди уларнинг севгиси бўрон тусига кирди, Радха бир дақиқа ҳам Кришнадан ажралмас ва улар бир-бири билан сут билан сувдек ажралмас даражада қўшилиб кетган эди”<sup>218</sup>, - деб ёзади Кришнадас.

Кришнадас шеърисида айрилик ва ҳижрон онлари ҳақидаги мисралар ҳам мавжуд, лекин бу мисралар висол онларига етишишдан олдин ошиқлар қандай азобларни бошдан кечирдилар, висол онлари нима учун бунчалик тотли ва гўзал эканлигини тасвирлаб бериш

<sup>215</sup> Ўша китоб, Б.10 (шеърлар ҳиндий тилидан китоб муаллифи таржимасида берилган)

<sup>216</sup> Ўша китоб, Б.44

<sup>217</sup> Шйам қора танли маъносини англатади ва бу ерда Шйам – Кришна, Шйама – Радхадир

<sup>218</sup> Ўша китоб, Б.11

учунгина яратилган. Жумладан, Радха номидан у шундай деб куйлайди,

*“Кришнадас” свами жаб мили хенг, табхи тухи,  
дехун мотини ко хаар<sup>219</sup>.*

яъни,

*Жаноб Кришна қачон келсалар,  
Маржон тақардурмен бўйнингизга мен.*

Бошқа бир мисра,

*Абхон қаха карон ри маи,  
Мадан гопал лал бин декхе, пал бхари рахийо на жаи<sup>220</sup>.*

*Кўзимиз Кришнани кўришга муштоқ,  
Уни кўрмагунча юмилмасдир кўз, кўйламасдир тил.*

Гўпилар Кришнани шу даражада севганларки, ҳатто, ўлимдан олдин ҳам бир бор Кришнани кўриб, шундан сўнггина бу дунёни тарк этиш истагида бўлишган ва бу ҳолатни Кришнадас ўз шеърида шундай баён этади,

*Мадҳав моханбадан дикхаваху,  
Рупраси гиридхаран чхабиле, вирахини марти живаваху<sup>221</sup>.*

яъни,

*Эй, жозибадор, ёқимтой, кўрсат юзингни,  
Чеҳраси гўзал Гиридхарнинг ҳижрониди на тирикмиз, на ўлик.*

Сагун бхактининг иккинчи йўналиши бу рамбхакти йўналиши бўлиб, бу шеърият маъбуд Рам номи билан боглик бўлганлиги боис шеърият Рамаяна воқеалари, персонажлари, Рамга бўлган меҳр ва садоқатни куйлаш мазмунида яратилган.

Рамбхакти шеъриятининг шаклланишига энг катта ҳисса қўшган шоир бу XVI-XVII асрларда яшаган Тулсидасдир. Тулсидас Рам маъбудига шунчалик кучли меҳр қўйганки, у худди кришнабхактлардек қадимий санскрит тилидаги “Рамаяна” эпосига бхакти гояларини сингдириб, уни халқ тиларидан бири бўлган авадхи

<sup>219</sup> Ўша китоб, Б.44

<sup>220</sup> Ўша китоб, Б.44

<sup>221</sup> Ўша китоб, Б.46

тилида қайта яратган. Тулсидас қаламига мансуб бу асар “*Рамачаритаманаса*”, яъни “Рам ҳақида қисса” деб номланади ва бу асар бугунги кунда оммабопликда қадимий “Рамаяна”дан анча устун туради. Бунинг сабаби унинг халқ тилида ва бхакти ғоялари кучли сингдирилган ҳолда яратилганлигидадир. Ҳар йили октябрь ойида нишонланадиган “Рамлила” миллий байрамида Рам ибодатхоналарида ўн икки кун давомида авадхи тилидаги Тулсидас “Рамаяна”си бетўхтов ўқиб туширилади ва ўн учинчи кун асардаги ёвуз кучлар тимсоли бўлган Раваннинг катта кўғирчок шаклидаги қиёфаси ёвузлик устидан ғалаба рамзи сифатида ёндирилади ва шу билан ёвузликка якун ясалган ҳисобланади.

Тулсидас ҳам худди бошқа бхактларга ўхшаб, аваламбор, ўзи бхакт қандай бўлиши лозим бўлса, шундай бўлган, бошқаларга бхакти тарғиботини эса худди Сурдасдек, ўз асарлари, хусусан, “Рамаяна” эпоси воқеалари, ундаги персонажлар орқали тарғиб қилган. Жумладан, бхактининг садоқат ғоясини Тулсидас ўзининг “*Рамачаритаманаса*” асарида Рамнинг икки укаси мисолида кўрсатиб берган, яъни Айодхья шоҳи Рамга унинг икки укаси – Лакшман ва Бхараталар садоқат кўрсатишда тарози палласида тенг турсалар-да, лекин Бхаратанинг садоқати Ҳиндистон тарихида алоҳида аҳамият касб этади ва буни Тулсидас алоҳида меҳр ва ғурур билан тасвирлаб берган. Садоқат бобида Бхаратанинг Лакшмандан юқори туриши шунда намоён бўладики, асарда Бхарата, аввалига, акасига хоинлик қилиб, тахтни эгаллаш нистидаги ноинсоф ука сифатида гавдаланади, чунки Рам шоҳнинг биринчи аёли Кошалайнинг ўғли эди, Бхарата эса шоҳнинг иккинчи аёли Кекеянинг фарзанди эди. Кекея унга ўғай бўлган Рам эмас, ўзининг ўғли Бхарат тахтни эгаллашини истар эди, шу боис у умр йўлдоши Рамга таъсир ўтказиб, ўз ўғли Бхаратани тахт вориси қилишга кўндирган эди. Бундан беҳабар бўлган Бхарата онасидан қаттиқ хафа бўлади ва халқ олдида ўз номини оқлаш учун аслият бундай эмаслигини исботлаш учун тахт ворислигидан воз кечади ва тахтга акасининг оёқ кийимини қўйиб ўзи ҳам Рам пойтахтга қайитиб тахтни эгаллагунига қадар ўрмонга кетади ва у ерда Рам билан баб бародар ўн тўрт йил ўрмонда дарбадарликда ҳаёт кечирилади. Бхарата ўзининг бу қарори билан акаси Рамга, она юртига ва Айодхья халқига бўлган садоқати ҳақиқий эканлигини амалда исботлаб беради ва ўзини буткул оқлайди. Шундан сўнг халқ олдида унинг ҳурмати аввалгидан ҳам

ортиб, халқ меҳрини қозонади. Бхаратанинг бу садоқати тилларда дoston бўлиб, ҳинд жамиятида унинг номи садоқат рамзига айланади. Ҳеч қандай ҳолатда синмайдиган, метиндек мустаҳкам бундай садоқат эса бхактининг туб моҳиятини ташкил этади, шу боис бхакти гоҳларини тарғиб этишда шоирлар Бхаратанинг садоқатини ўзгача кайфият, мамнунлик ва гурур билан куйлаганлар. Садоқатнинг бу турдаги намуналарини ҳар иккала эпос персонажларида, хусусан, "Рамаяна"да Хануман, Лакшман, "Махабхарата"да малика Гандхари, мшика Кунти, курузодаларга адолатсизлигини билса ҳам охириги дқиқаларгача садоқатли бўлиб қолган Каран ва бошқа бир қанча образларда учратиш мумкин.

"Рамачаритаманаса" Тулсидаснинг шоҳ асари, лекин унинг қаламига "Доҳавали" номли асар ҳам мансуб. Бунда асар номи "до", яъни "икки" сўзидан олинган бўлиб, "доҳа" икки мисра деган маънони инглади, демак, "Доҳавали" икки мисрали шеърлар тўпламидан иборат. Бу шеърларда ҳам, асосан, Рамга бўлган меҳр ва садоқат, Рамнинг олий куч қудрат эгаси эканлиги ва адолат байроғи унинг қўлида эканлиги ҳақида куйланади, жумладан,

29. *Тулсидас билади, Рамнинг қўлидадир барча олижаноблик,  
барча куч қудрат,*

*Бўлса ер қаърида қанча уруг, осмонда юлдуз*<sup>222</sup>.

ёки,

40. *Рамни олқишламаганнинг тили худди илоннинг тили,  
Оғзи эса худди илоннинг уни*<sup>223</sup>.

Доҳалар мазмунида Тулсидас Рамга хос бўлган барча хусусиятлар, унинг феъл атвори, одамларга ва одамларнинг унга бўлган муносабати меҳр билан куйланади, хуеусан,

43. *Рамнинг олижаноблиги ҳақида тинглаб*

*Юраги бахтдан тўлиб тошмаса,*

*бу юрак эмас, балки қаттиқ тошдир.*<sup>224</sup>

ёки бўлмаса,

50. *Жаноб (Рам) пастда, дарахтлар тагида юрса,*

*Ҳизматкорлари, маймунлар дарахт шоҳида юрса.*

<sup>222</sup> Цветков Ю.В. Тулсидас, Москва, 1987. Б.144

<sup>223</sup> Ўша китоб, Б.144

<sup>224</sup> Ўша китоб, Б.144



*Уларни ўзига тенг кўришдан оринмасдир Рам,  
Бундай оддийлик, камтарлик борми жаҳонда.*<sup>225</sup>

яна бошқа мисраларда,

*161. Рам ўзини койиганда, юраги мисли олмос,  
Бхактлари ҳақида сўз борганда, юраги гулдек юмишоқ.*<sup>226</sup>  
*148 Тулсидас: “Савдогар учун ёруғ кун қутлуг, ўғри учун эса ярим  
тун,  
Рамга эътиқод қилганлар учун кун ҳам, тун ҳам бирдек  
қутлугдир.”*<sup>227</sup>

Тулсидаснинг “Кавитавали” (“Шеърлар тўплами”) номли учинчи шеърини тўплами ҳам Рамнинг болалик ҳаёти ва, асосан, ўрмон саргузаштлари ва Ланка юртига кириш каби воқеалар тасвирига бағишланган.

*1. Бир қиз дугонасига дер эди: “Тонгда мен Авадх юрти саройи  
эшигига бордим.*

*Шоҳ Дашаратх чиқди қўлида Рам билан.  
Мен лол қолдим кўриб барчанинг халоскорин.  
Муъжизавий болани кўриб ҳайратланмаган инсон  
лаънатлансин икки дунёда.*

*Сурмали қора кўзлар солар юракни ларзага,  
хаёлга чўмдим шу он кўриб бу кўзларни мен,  
гуллабди оймомада гўё икки жуфт нилуфар.”*<sup>228</sup>

яна бир шеъри,

*4. Қайсар бўлиб бола Рам, гоҳ ойни сўрар осмондан,  
Гоҳ кўрқиб кетар у, ўз соясидан чўчиб.  
Баъзан чапак чалиб рақсга тушар,  
хурсанд қилиб онасин.  
Баъзан такрор такрор айтиб бир гапни,  
Тиним топар фақат унга эришгач.*

<sup>225</sup> Ўша китоб, Б.145

<sup>226</sup> Ўша китоб, Б.146

<sup>227</sup> Ўша китоб, Б.146

<sup>228</sup> Ўша китоб, Б.155

*Ҳар не бўлсин Авадх юрти ўғиллари  
бўлар дөим Тулсидаснинг юрагида.*<sup>229</sup>

Рамаянада ёвузлик тимсоли бўлган Раван Ланка юртининг шоҳи образида намоён бўлади. Эпосда халққа ноҳақлик ва азоб қилишда ҳар қандай чегарадан чиқиб кетган Раван ҳукмронлигига яқун яшаш Рамнинг бош вазифасидир. Ёвузликда тенги йўқ Раван ҳатто Рамнинг нағли Ситани ҳам ўрмондан ўгирлаб кетади ва уни ўзиники қилиб олиш ишига тушади. Бу орада Рамнинг маъбудлигини англаган ўрмондаги маймунлар шоҳи Хануман куш оёғи етиб бора олмайдиган Ланка юртига Рамнинг киришига ёрдам бериш мақсадида қўл остидаги барча маймунларга Ланка юрти томон занжир сифат тизилиб кўприк яшашни буюради ва маймунлардан ясалган бу кўприк орқали Рам Ланка юртига киришга муваффақ бўлади. У ерда Рам аввал Ситани Равандан озод этади, кейин Раванни ҳам яксон этиб, Ланка халқини азоб-уқубатлар шоҳидан халос қилади ва бу юртда адолат байроғини ўрнатади. Айнан шу воқеалар Тулсидаснинг “*Кавитавали*” (“Шеърлар тўплами”) номли асарида тасвирланган. Ланканинг ёвуз кучлари бўлган рақшаслар маймунлар шоҳи Хануманнинг думини ёқиб юборадилар ва бундан ғазаб отига минган Хануман ёнаётган думи билан бутун Ланка юртига ўт қўяди ва Раванни енгади. Қуйидаги мисралар айнан шу воқеани баён этади:

*3.4 Кўчаларга чиқиб рақшаслар, тўғладилар турли матолар  
Матоларни ёқиб барчалар, ўт қўйдилар маймун думига.*

*Ғазабдан ёнган қалблар бўлди ашаддий душман.*

*Айланди маймунчага жон сақлаш ниятида,*

*Сўнг яна бир думалаб, бахайбат маймун бўлди,*

*Қўлга тутиб оловни ўт қўя кетди ҳар ён.*

*Шаҳар ёнди, қишлоқ ҳам, ёнди уй ва одамлар,*

*Қочар ҳар ким ҳар ёнга сақлаш учун ўз жонин.*

*Танимасди бир бирин, ога ини, жигарлар.*<sup>230</sup>

*9. Само ларзага келди Хануман ғазабидан,  
Шеърдек уқирган унинг забардаст овозидан,*

<sup>229</sup> Ўша китоб, Б.156

<sup>230</sup> Ўша китоб, Б.157.

*Титрар эди кўрқувдан Раван ўели Меғхананд.  
Афсусга ботган Раван ҳар дам тинмай тақрорлар:  
“Ҳаводан тез югурар, тўсиб кўяр нурни ҳам.  
Ўлимдан ҳам даҳшатли, шон шухратда Вишнудек”  
Тулсидас изоҳ берар: “айёр рақшас афсусда деяр эди ҳеч тинмай,  
Агар элчи шу бўлса, Жаноб (Рам) ўзи қандай?  
Ланканинг ҳолига вой?  
Ғазаб отин минганга бас келолмас Шива ҳам”<sup>231</sup>*

Тулсидас бхактида меҳр ва садоқат туйғулари соф бўлган инсонлар қандай бўлиши, халқ севган шоҳ ва шаҳзодалар қандай бўлиши, адолат ғалабаси учун кураш йўлида бўлган инсонлар қандай бўлиши ҳақидаги қарашларини Рам ва унинг атрофидаги персонажлар орқали очиб беради. Рамбхакти йўналишини тарғиб қилган Тулсидас халқ ўртасида Рамга бўлган ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган. Юқорида келтирилган мисоллардан шуни англаш мумкинки, Тулсидас бхакти йўлида ўз меҳр ва садоқатини тўлиқ равишда Рамга бағишлаган ва ижодининг асосий мавзуси сифатида ҳам Рам ва унинг саргузаштлари ва кароматларига бағишлаган. Оламда нимаки яхшилик бўлса, бу Рамнинг иши, унинг кўрсатган адолатидир. Ҳеч ким Рамга бас кела олмайди ва Рамдек бўла олмайди. Рам ўз йўлида учраган ҳар бир ёвузликни яқсон қилган ва халқни адолат ва яхшилик йўлига олиб чиққан. Кимки адолат йўлида бўлса, уни, албатта, Рам қўллайди. Кимки Рамга ишонса, Унинг ўғитларига риоя қилса ҳеч қачон адашмайди. Рам ҳеч ким енга олмаган Ланка юртининг шоҳи Раванни ҳам енгди. Адолат қарор топиши учун курашга отланган Ситанинг халоскори Хануманни ҳам Рамнинг ўзи қўллб қувватлаб, Раванга бас кела олишини таъминлади, деб ҳисоблайди Тулсидас.

Шу тарзда Тулсидас ўзининг Рамга бўлган меҳр ва садоқатини асарларининг ҳар бир сатрига сингдирган. “Рамачаритаманаса”да “Рамаяна” тўлиқ баён этилган бўлса, “Доҳавали” ва “Кавитавали” асарларида Рамнинг ҳаёти ва унинг дунёқараши, ҳиндуизм танқиди ҳамда Рамдан юз ўгирганларнинг ҳоли не кечиши билан боғлиқ шеърлари тўпланган.

<sup>231</sup> Ўша китоб, Б.158

Кўгина бхакт шоирлар ўз шеърятини сагун бхактида ҳам, ниргун бхактида ҳам яратаверганлар, жумладан, Малукдас, Нанак, Кабир, Римлинг ва бошқалар) лекин, Кришнадас, адашиб бўлса ҳам, ниргун бхакти йўналишида биронта ҳам мисра яратмаган, деб ёзади Н.М. Ситнинова. Кришнадас Рамбхакти йўналишида ҳам шеърлар ёзган, хусусан, *дашахра*<sup>232</sup> байрамига бағишланган шеъри маъбуд Рамнинг ёвуз Раванни енгиб чиқиши мавзусига бағишланган. Шеърда шоир Хануман бошчилигидаги армиянинг ёвуз Раван яшайдиган худудни уриб олиши ва Раваннинг бошини узиб, малика Ситани озод этиб, уни Римга топшириши ҳақида ёзган.

Кришнадас, кўриб турганимиздек, ўз шеърятини Махабхарата сюжетининг кўпроқ Радха-Кришна билан боғлиқ воқеаларига бағишлаган.

“Аштачхап” раҳбари Сурдас эса Кришнанинг болалигини, вазир Видур, пандузодалардан Аржун ва Бхим ҳамда ёвузлик тимсоллари бўлган Дурьйодхан, Путна, Тринаварти, Жарбахарата каби образларни ҳамда Кришнадан юз ўгирганлар танқиди ҳақидаги мавзуларни ўз шеърятинида куйлаган. Умуман олганда, “Аштачхап” шоирларининг шеърятини асосан “Махабхарата” воқеалари, персонажлари, Кришна-Радха муносабатлари ва Брах юрти маданияти каби мавзулар доирасида бўлганлигини кузатиш мумкин.

“Аштачхап” шоирларидан Говиндсвами ва Чхитсвами каби шоирларнинг шеърятини ҳам маъбуд Кришна ва Махабхарата эпоси билан боғлиқ воқеаларни акс эттирувчи турли мадҳиялардан ташкил топган. Жумладан, Говиндсвамининг (Пушти сектасида уни Говинддас дейишган) қаламига мансуб Кришнанинг турли саргузаштлари, хусусан, унинг шўх ва гўзал болалиги, Яшоданинг оналик меҳри, Радха билан севги достони, бражликларнинг Кришнага бўлган бекиёс меҳри ва доим уни кўриш иштиёқи билан яшашлари, сигирларни боқиш, ўрмон сайри, маъбудлар туғилган куни ва баҳор байрамларини нишонлаш каби мавзуларга бағишланган жами 252 та шеърини-қўшиғи мавжуд. Жумладан, Кришнанинг Говардхан тоғини жимжилогиди кўтарганида она Яшодадан кечган туйғуларни жуда таъсирчан ифодалаган,

---

<sup>232</sup> Дашахра октябрь ёки ноябрь ойида нишонланадиган ҳиндулар миллий диний байрами.

*Кахо дхон мере баре хо лал Говардхан кейсе утхай кар лино(н),  
Эк хи хатх акеле хи тхаре ненк Балдау на дино(н).*

*Чунват бхуж чаампат урлаават анчра прем жсал бхижо,  
Говинд прабху сапут ларикааи те саб бриж жан сукх дино(н)<sup>233</sup>  
таржимаси,*

*Айтчи, эркатойим, Говардхан тогин кутардинг қандай,  
Бир қўлда, ёлгиз ўзинг, аканг Балдау ёрдамисиз.  
Дея эркаларди ўниб қўлларидан, кўзларида ёш,  
Лекин, Говинд, олам эгаси, бердинг қувонч Браж элига.*

Говиндсвами ижодида ҳам Кришна ва гўпилар мавзуси жуда сермазмун ифодаланган. Унинг ёзишича, “Кришна, бир қарасанг, гўпилар билан жанжаллашади, бир уларнинг кийимини ўгирлайди, баъзан эса, уларнинг елкасига қўлини қўйиб рақс тушади. ...Бражда бирон бир гўпи қолмаганки, Кришнани кўриб ўзини йўқотмаган бўлсин”<sup>234</sup>.

*Сит тан лагат хе ати бхари  
Де хо васан саваре притам дех кампат хе сари  
Нек дая нахи ават нанд нандан ати дукхит браж нари  
Говинд прабху каро маноратх пуран хам то дас тихари<sup>235</sup>.*

мазмунни,

*Совуқдан жуда қотди этларимиз,  
Кийимни қайтар бизга, жону жаҳонимиз.  
Раҳминг келмас Нанда ўгли браж аёллари ҳолига,  
Шафқат қил, ишон, биз буткул сенинг қулингмиз.*

Чхитсвами ҳам кришнабхакти шеъриятига бутун умрини сарфлаган шоир.

У ўз мадҳияларида Кришнанинг туғилиши, унинг шўх болалиги, Браж гўпиларининг ташвишлари, Радха-Кришна билан боғлиқ воқеалар, устозлари Витхалнатх ва Браж юртининг юксаклигини куйлаган. Жумладан, Кришнанинг туғилиши ҳақида у шундай деб ёзади:

<sup>233</sup> Харгулал. Говиндсвами. Дехли, 2003. Б.13

<sup>234</sup> Ўша китоб, Б.14

<sup>235</sup> Ўша китоб, Б.14

*Же Васудев киз пуран тап теи плал пхалит шри валлабх дев.  
Жо гонал хуте гокул ме теи аани баче кари гех.  
Же ве гон вадху хи(н) браж ме теи аб верича бхаи йех.  
Чхитсавми гиридхаран шри виттхал теи эйи эйи теи качху на  
сандех<sup>236</sup>.*

таржимаси,

*Васудев бўлди ижобат барча ибодатларинг,  
Туғилди Гокулда Валлабха (Кришна) бугун.  
Канса қамогидан бўлиб у озод,*

*Чхитсвами, Гиридхар сен билан қўрқма ҳеч қачон.*

Лекин, Чхитсвами кришнабхакти шеърятисида, асосан, ишқ куйчиси сифатида танилган.

“Пушти” сектасининг энг ёш аъзоси Нанддас бошқаларга қараганда ёш бўлишига қарамадан кришнабхакти шеърятининг уммонини яратган. Унинг шеърятининг асосий қисми Радха-Кришна, Браж юрти, турли миллий байрамларни Браж юртида нишонлаш анъаналари ҳамда олам ва руҳ ҳақидаги “Пушти” сектасининг фалсафий қарашларига муносабат каби мавзуларни ёритишга бағишланган.

Кришнанинг туғилишига бағишланган мисралар деярли ҳар бир кришнаит шоир ижодига хос, шу жумладан Нандадасга ҳам. Браж юртида, одатда, фарзанд туғилган хонадонда барча хурсандчилик қилади, барчага совғалар улашилади, табрик учун келганлар ҳам совғалар билан келади, шу анъаналарни Нанддас ўз шеърятисида куйлайди,

*Браж ки нари сабе мили ааи аажу бадхааи рии мааи,  
Судар Нанд махри ке мандир прагатио путр сакал сукхдаи.*

*Жо жаке ман хатиш каамнаа со дишини Нандраай,*

*“Нанддас” ку(н) даиш крипаа кари апне лаллаа ки балаай<sup>237</sup>.*

мазмуни,

*Браж аёллари йигилиб келди табрик учун,  
Тузгал Нанд туғилди бағишлаб барчага бахт.*

*Берар кўнгил истагин ўша Нандрай,  
“Нанддас” дуо қил боланинг бахти учун<sup>238</sup>*

<sup>236</sup> Васант Ямадгани. Чхитсвами. Дехли. 2003. Б. 2

<sup>237</sup> Сарла Чаодхри. Нанддас. Дехли. 2006. Б.30

<sup>238</sup> Ўша китоб, Б.30

Нандас ва, умуман, кришнабхакт шоирларнинг барчаси учун Кришна, унинг болалиги, энагалари Яшода ва Нанда, Кришнанинг муҳаббати, Кришнага ошиқ бўлган Браз юрти гўпилари ҳақида куйлаш шоирлар учун биринчидан, Кришнага бўлган ўзларининг меҳр ва садоқатларини намойиш этиш бўлса, иккинчидан узоқ ўтмишда яшаган, пандузодаларнинг адолат учун курашида уларнинг ҳимоячиси бўлган, бутун ҳинд халқи асрлар оша ибодат қилиб келаётган Кришна ўзи ким, аслида у қандай бўлган, Браз юрти аҳолиси нима учун уни бунчалик севган ва эъзозлаганлигини Кришнанинг ҳам инсонийлик, ҳам маъбудлик хусусиятларини очиб бериш орқали халқ ўртасида Унга бўлган меҳрни мустаҳкамлаш ва яна ҳам кучайтиришдан иборат бўлган.

“Аштачхап” ташкил этилганида Нандадас 17 ёшлиқ ёш шоир бўлган, шоирлар орасида энг бузруги эса 62 ёшлиқ Сурдас бўлган. Манбаларда айтилишича, Чатурбхужадас ва Кумбхандастар ота-бола бўлиб, икковлари ҳам умрларининг охирига қадар “Аштачхап” таркибида “Пушти” сектаси ибодатхоналарида киртанкар бўлиб хизмат қилганлар. 1580-1585 йиллар оралиғида эса “Аштачхап”нинг деярли барча шоирлари ва уларнинг устози Витхалнатх ҳам оламдан ўтади ва шу билан “Аштачхап”нинг 40 йиллик фаолияти якун топади.

Сагун бхактининг кришнабхакти йўналиши жуда катта меросга эга ва бу меросни ўрганиш орқали Кришна, кришнашила, Браз ери, гўпилар, “Махабхарата” воқеалари, унинг персонажлари ва, умуман, бхакти нима деган саволларга етарлича тўлиқ жавоб олиш мумкин.

Демак, сагун бхакти адабиётининг кришна бхакти ва рамбхакти йўналишлари “Махабхарата” ва “Рамаяна” эпослари асосида яратилган бўлиб, шимолий бхакти адабиётининг халқ тилларида яратилган жуда катта мероси ҳисобланади.

Сагун бхактида ўзига хос ноанъанавий бхактига асос солган бхакт шоир бу Рамалингдир. Кеч ўрта асрларда яшаган *Рамалингам Свами* бхакти ҳаракатида ўзининг ноанъанавий бхактиси билан ажралиб турадиган шоирлардандир.

Унинг ноанъанавий бхактиси шундан иборатки, аслида, шивбхактлар оиласидан чиққан Рамалинг уз ҳаётини маъбуд Шивага эмас, шам нурига эътиқод қилиш билан давом эттирган. Рамалинг барча бхактларга ўхшаб Яратганни Шива, Рам ёки, Кришнада, ёки инсон

қилбида эмас *шам нури*да кўрган ва фақат унгагина эътиқод қилган. Рамалингга хос бўлган бу қизиқ ҳақиқат унда болалигидаёқ шакллана бошланганлигини манбалар хабар қилади<sup>239</sup>. Шу боис Рамалингни “*жйоти ке садхак*”, яъни “шам нури гадоси” бўлган бхакт, деб атайдилар.

Рамалинг болалигидан ўқишни ёқтирмас, уни акаси ва кеннойиси зўрлаб ўқисин деб бир хона ажратиб берсалар, Рамалинг хонага кириб олиб, олдига ойна қўйиб, ойна олдига шам ёқиб, шам нурини ойнада томоша қилиб ўтирар ва шу ердан Ҳақни топишга уринар экан. Мактабдан ҳам доим қочиб кетаверар, зўрлаб олиб бориб қўйилса ҳам, синфда олдига ойна қўйиб, ойна олдига шам қўйиб, шам нурини ойнадан томоша қилиб, ўша нур билан гаплашиб ўтирар экан, чунки мактабда бериладиган билимлардан у ҳеч қоникмас экан. У, ҳатто, мактаб билимларидан норозилик оҳанглари жаранглаган мисраларда шундай деб ёзган экан:

*Хе Бхагван! муже на бхежа ниямит патхшала ме тум не  
Правишт кар лийа ниж патхшала ме каруна се  
Дийа самаст гйан вишуддх руп се*<sup>240</sup>

яъни,

*Худойим, мени сен бермадинг лозим мактабга  
Билими йўқ мактабдан бўлдим норози,  
Берган билимлари бир пул, ярамас ҳеч вақога.  
Ололмадим ҳаёт учун лозим сабоқни.*

Бу мисралар Рамалингнинг болалигидан билим йўлидан эмас, бхакти йўлидан боришга тайёр эканлигини кўрсатади. У қаердадир унга керакли ҳақиқий билимлар қони борлигини доим ҳис қилиб яшаган, шу билим ва шу ҳақиқатни у шам нурида кўра олган, шу боис мактаб билимлари унга ҳеч нарсага ярамайдиган, маъносиз, натижаси йўқ бир билимдек туюлган. Унинг ҳаётида ҳақиқатан ҳам шундай бўлган, яъни у шам нури орқали меҳр ва садоқат ғоялари билан сўғорилган бхакти йўлидан борган ва ўзининг энг олий мақсадига эришган. Лекин, ўз ҳақиқатини топгунига қадар Рамалинг 34 ёшигача ҳаётий билимлар йўлида юрганва бу йўлда ҳам анчагина муваффақиятларга эришган

<sup>239</sup> Жйоти садхак Рамалинг свами “Валлалар” вйактитва, крититва эвам дашан”. Дилли. 1999

<sup>240</sup> Ўша китоб, Б.5



бўлиб, турли мавзулардаги баҳс мунозараларда уни ҳеч ким енга олмас экан. Кейинчалик диний билимларни ҳам ўрганади, лекин у ўзи учун керакли, унинг таъбири билан айтганда, ҳақиқий билимни шам нуридан топганини айтади.

Рамалингнинг отаси шивбхакт бўлиб, қишлоқҳлигаилм бериш билан шуғулланган. Рамалинг оилада бешинчи фарзанд бўлган ва у туғилишидан аввал уларнинг хонадонига бир шиваит дарвеш келганида онаси уни жуда яхши кутиб олиб меҳмон қилган. Шунда дарвеш кета туриб, сенга менга ўхшаган бир ўғил ато этсин деб дуо қилган экан, ўша дуодан туғилган фарзанд Рамалингам бўлган. Ота-онаси беш ойлик чақалокни олиб Чидамбарам ибодатхонасига кетаётганларида йўлда чақалоқ қотиб-қотиб кулган экан, ўша ер ҳозирда “*Чиндамба рахасья стхал*”, “*Чидамбанинг сирли ери*” деб номланади. Анча ёшга борганида Рамалингам ўша чақалоқ вақтида кулган ибодатхонага борган ва чақалоқлигида кулганини аниқ эслаб, бу ҳақда қуйидаги шеърий мисраларни ҳам битган,

*Тумне дийа муже “рахасья даршан” ус “шуунья” ке пиичхе  
Мере прабху! Мере аананд! Биж бапан се пуурв хи  
Мей хо гайаа парипакв  
“Пхал” хо гайа муже праант<sup>241</sup>*

таржимаси:

*Бердинг кўриниш менга пинхона ўша бўшлик, ўша самода  
Эгам менинг! Менинг борлигим! Уруг экмай эга бўлдим мевага.*

Рамалингам фалсафаси, асосан, шиваизм ва Веданта таълимотлари билан боғлиқ карашлардир. Рамалингамнинг шам нурига бўлган бхактиси Упанишадларда баён этилган назарияга мос келишини ҳинд мутахассислари тасдиқлайдилар ва Рамалингамнинг ўзи ҳам ўз бхактисини Упанишадларда баён этилган бхактининг амалий тасдиғи, деган фикрни билдирган. Унинг шам нурини Олий ҳақиқат деб тан олиши ҳақидаги қуйидаги мисраларни мисол келтириш мумкин,

*Неки кўрса кўзим менинг бу сенсан, бетақрорсан  
Буларнинг бари сенинг ўйинларингдир.  
Бу чексиз олам Брахма киёфасида асли сенинг маконинг  
Илм сен, ёруглик ҳам сен*

<sup>241</sup> Ўша китоб, Б.3

*Тилаб бизга равшан йулларни, ёритарсан (тунги)ой нури каби<sup>242</sup>.*

ёки бўлмаса,

*Уни Архат дейми, Будда ёки Адидев  
Лекин унинг исми факат бу эмас, у ҳам Брахмадир.*

*Нарайандир, Шив ҳамдир.*

*У куч қудрат, Олий ҳақиқат Поклик тимсоли,  
Аслида барчаси унинг узидир<sup>243</sup>*

Рамалингамнинг ҳаёти бошқа барча бхактлардек сирлар оламига тўла. Унинг тугилиши башорат билан бўлган бўлса, унинг вафоти ҳам жуда сирли бўлиб, ҳанузгача бхакт бўлмаганлар бунинг тагига ета олмайдилар. Рамалинги ўзининг охириги кунлари яқинлашиб қолганини сезади ва куни келиб *Брахмамухурт* (Яратган белгилаган кун)да "*жйоти таттва ме лин хо гайа*", яъни *шам нурига қўшилиб йўқ бўлиб кетган* экан. У оламдан ўгадиган куни ярим кечада ўша ерда мавжуд бўлган одамларга ўзининг охириги шам нури бўлиб яна қайта оламга қайтишини айтиб, бир хонага кириб кетиб, шу бўйи хонадан умуман чиқмаган экан. Хонага кириб уни кидиришганида у ердан ҳеч ким ва ҳеч нарсани топа олишмаган экан. Буни эшитиб, ҳатто инглиз ҳукмдорлари ҳам бу ерга етиб келиб, хонани очтириб, ўзлари ҳам кириб қидирганлар, лекин у ердан ҳеч ким ва ҳеч нарса топилмаган. Ўша эшик ёнида ҳанузгача шам ёниб турар экан. Шивбхактлар Рамалингамни ҳали ҳам нур киёфасида орамизда мавжуд, деб ҳисоблайдилар.

Демак, Рамалингамнинг бхактиси ҳам ўзига хос, ҳеч бир бошқа бхактда учрамайди, у Олий Ҳақни шам нурида кўриб, бу шамга бутун умрини, ижодини, эътиқод ва меҳрини бахшида этган. Бу ерда, албатта, оташпарастлик унсурини кўришимиз мумкин, чунки Рамалингам болалигидан то умрининг охирига қадар шамдан бошқа нарсага мўтиборини қаратмаган.

Юқорида ижоди ўрганилган бхактларнинг бхакти билан боғлиқ қарашлари асосида шуни айтиш мумкинки, *биринчидан*, бхактида, ҳақиқатан ҳам, тенглик ва бағрикенглик гоёлари даврнинг энг кучли

<sup>242</sup> Ўша китоб, Б.6

<sup>243</sup> Ўша китоб, Б.28

гоясига айлана олган ва ўзини амалда буткул оклаган. Чунки, бу даврдан ҳеч бир инсон бир-бирининг эътиқодига танкид кўзи билан қарамаган аксинча, ҳар бир эътиқод ҳурмат қилинган ва эъзозланган. *Иккинчидан* эътиқоднинг энг юқори чўққиси меҳр ва садоқат эканлигини ҳам ҳар бир бҳакт ўз танлаган йўлига бўлган меҳри ва садоқати ҳамда бу йўлда эришган амалий натижалари билан исботлаб берган.

Рамалингам ўз даврида ҳам, кейинги даврларда ҳам ҳинд жамиятида ўз ҳурматига эга бўлган бҳактлардандир. У ҳали ҳаётлигида, яъни 1867 йилда Пондичеридан 62 км узоқликда Парватипурам деган жойда “*Самрас шуддх сатъяа дхарамшала*” (Соф ҳақиқат уйи)га асос солинган ва у ерда ҳанузгача бева бечораларга ҳайр-эҳсон сифатида егуликлар тарқатиб турилар экан.

Рамалингамнинг адабий мероси “Тирумури грантх” тўпламида жамланган ва у жами 3064 пад, яъни шеърый мисралардан иборатдир.

Рамалингам ўз асарларида шивбҳактлар ҳақида ҳам ёзган, хусусан, ўзининг бир асарида Тиругйансамбандхарнинг бутун ҳаётини баён этган. Рамалингам ўз ижодида жами 62 та сант ҳаёти ҳақида турли маълумотларни қолдирган.

Болаликдан шам нурига эътиқод қилган Рамалингамни бу хусусият умрининг охирига қадар тарқ этмаган ва ўзининг шу эътиқодга садоқати билан у бутун оламни ўзига жалб этган бҳактдир. Олий Ҳақни шам нурида кўриш, ўз навбатида, бҳактидаги сагун таълимотига, насронийлардаги “*бог везде и во всём*” деган ғояларга ҳамда оловга сиғиниш таълимотини илгари сурган заратуштра дини билан ўхшашликни кузатиш мумкин.

Демак, Рамалингамнинг ҳаёти ва ижоди бизга шуни кўрсатадики, у келиб чиқиши жиҳатдан шивбҳактлар оиласидан бўлса-да, бҳактида ўзининг шам нурига бўлган эътиқоди ва бу йўлга бўлган садоқати билан бҳактида ўзига хос *янги*ча бир бҳакти йўлига асос солган ва, айнан, шу йўл ҳақидаги қарашларини ўз шеърларида баён этган. Бу эса, бизга, Рамалингамни бҳакти ҳаракати ва бҳакти адабиётида янги турдаги бҳакти асосчиси эканлигини кўрсатади.

### Ҳинд бҳакт аёллар

Бҳакти ҳаракати ёшу-қари, эркак ва аёл, брахман ва шудра, ҳинду ва мусулмон, хуллас, юрагида меҳри ва садоқати бор ҳар бир инсонни ўзига жалб этган ва бу билан бҳактининг *тенглик* ва *базрикенглик*

ғилларининг амалий тасдиғини таъминлаган. Бхакти ҳаракатида аёл Оқиктлар ҳам жамиятда ўзгача аҳамият касб этганлигини алоҳида тикиллаб ўтиш лозим.

Кришнабхакти шеърятининг таниқли, бутун Ҳиндистон миқёсида тани олинадиган шоираси бу Мирабаидир. Унинг асл исми Мира бўлиб, 1612 йилда Шимолий Ҳиндистоннинг Жодхпур шаҳрида таваллуд топган. Айтишларича, Мирабаи болалигида унга бир авлиё-дарвеш мислбуд Кришнанинг Гиридхар Гопал<sup>244</sup> киёфасидаги ҳайкалчасини олиб кетган экан. Ўша пайтданоқ Миранинг меҳри Кришнага тушиб қолган. Мирани 18 ёшида ўзига тўқ бир оиланинг фарзандига турмушга берадилар, лекин кўп ўтмай турмуш ўртоғи оламдан ўтади, шундан сўнг Мира авлиё-дарвешларга хизмат қила бошлайди. Оила аъзолари унинг бу ишига қаршилик билдирадилар, қайн акаси унга бир неча бор тўшунтиради ҳам, лекин фойдаси бўлмагач, оила обрўсини каттақазётган бу бева аёлни ўлдириш лозим деб, унга заҳар солинган бир ичимлик юборади. Бу пайтда Мира ўзини аллақачон Кришнага бағишлаб бўлган эди, шу боис, ўзининг эътиқод кучини ҳамда Кришнанинг Мирани қабул қилганми йўқми, шунини билиш мақсадида заҳар солинган ичимликни ичади. Чунки, умр йўлдоши ташлаб кетган Мира учун энди яшашнинг қизиғи қолмаганди. Яшаш учун унинг охириги истаги бу Кришна эди, агар Кришна ҳам қабул қилмаган бўлса, шу заҳар билан дунёни тарк этишни истаб, заҳарли ичимликни ичади. Лекин, заҳар Мирага умуман таъсир қилмаган экан, шундан сўнг Кришна уни қабул қилганини билгач Меварни ташлаб аввал Кришнанинг она юрти Вриндаванга, кейин эса бражнинг бошқа худуди Гиридхар Гопал ибодатхонаси жойлашган Дваркага кетади ва умрининг охирига қадар шу ибодатхонада Кришнага бағишланган наждларни, яъни мисраларни куйлаб ўтади.

Мира ўз шеърларидан бирида шундай деб куйлаган:

*Ажа парикшан ка кшан хе,*

*Жсутхи хе йа саччи мала.*

*Кийа нахи йади нан прем се,*

---

<sup>244</sup> Диний ривоятларга кўра Бхакти даврида Ҳиндистоннинг шимолий худудларида, аниқроғи Браж худудида Кришна турли киёфаларда кўриниш берган ва шу ерда албатта Кришна ибодатхонаси қурилган. Шундай ибодатхоналардан Шринатхжи, Гиридхар Гопал ва бошқалар номин тилга олиш мумкин.

Яъни,

*Бугун синов куни,  
Таққан гулим аслми ёки ёлгон.  
Агар қалбдан севмаган бўлсам,  
Кулар устимдан бутун олам.*

Яратган билан дийдорлашиш инсоннинг бу дунёдаги энг олий мақсадидир. Мира турмуш ўртоғини йўқотганидан сўнг Яратганнинг дийдорини кўришга интила бошлаган эди. Умр йўлдошини йўқотиш Мирага тушкунлик йўлини эмас, аксинча Ҳақ йўлини кўрсатди ва бу йўлдан Миранинг ўзи ҳам имтиҳон билан ўтишни истаб, ўзининг олий мақсадига эришади. Кришнага хизмат қилишни бошлаганидан сўнг у вишнуитлар ўртасида Мирабаи сифатида танилган.

Аёллар орасида Мирабаичалик бҳакти гояларидан таъсирланган ва маъбуд Кришнага ўзининг бутун меҳр ва садоқатини берган бошқа шоира аёлни топиш кийин. У Кришнага бўлган меҳр йўлида ҳамма нарсадан, ҳатто, оиласидан ҳам воз кечган, Кришнани ўзининг умр йўлдоши деб билган ва бутун умр Кришна туғилган ер – Матхура, Вриндаван, Дварка каби шаҳарларда Кришнани куйлаб яшаган.

Мирабаи ҳаёти ҳақидаги маълумотлар "варта" жанрининг иккинчи китоби "252 вишнуит ҳаёти" номли китобда ҳамда шу жанрдаги бошқа кичик-кичик тўпламларда учрайди. Мирабаининг ҳаётини ва дунёқарашини, унинг Тангрига бўлган муносабатини араб сўфий аёл Робияга қиёслаш мумкин. Робия бутун борлиғи билан ягона Аллоҳни севган ва ўзини бутунлай унга бахшида этган сўфиёна дунёқарашдаги зот эканлиги маълум, Мирабаи ҳам худди шундай авлиё-дарвешлар билан бирга таркидунёчиликда ҳаёт кечирган.

Мирабаи шеърояти ўрта асрлар кришнабҳакти шеъроятининг Сурдасдан кейинги иккинчи олий намунаси сифатида тан олинади. Айрим мутахассислар Мирабаи Кришнани яқиндан ўрганиш мақсадида ўша давр бҳакти секталаридан Чайтанья мазҳабига аъзо бўлган, десалар, бошқалари у ҳеч қандай сектага аъзо бўлмаган ва ҳеч кимни устоз деб ҳам билмаган, дейдилар. Лекин, унинг "Аштакхап" шоирлари

<sup>245</sup> Сатьяврат Шарма. Мира. Матхура, 1981. Б.13

билан доимий равишда алоқада, Кришна ҳақидаги баҳс-мунозараларда бирга иштирок этганлиги маълум.

Адабиётда Кришна кўпинча Браз аёлларининг меҳрини қозонган сигир боқувчи ёқимтой чўпон образида намоён бўлади ва бхактлар шеъриятида, ҳақиқатан ҳам, Кришна, ўзининг истарали киёфаси ва меҳрли феъл-атвори билан Бразнинг барча аёлларини ўзига ром этгани ҳақида жуда кўп мисралар учрайди. Лекин, Мирабаи Кришнани ҳеч қайси шоирда учрамайдиган “*мадхурья бхао*”, яъни “ишқий меҳр” билан қўйлаган ва Кришнани ўзининг умр йўлдоши, ўз севгиси деб билган. Аслида, Кришнаниннг ҳаётида уч аёл алоҳида ўрин тутган, улар, Кришнаниннг умр йўлдоши Рукмани, Кришнаниннг маъшуқаси Радха ва Кришнани бор вужуди билан севган шоира Мирабаи. Бу уч аёлнинг ҳар бири Кришнаниннг ҳаётида ўзига хос ўрин ва аҳамият касб этади. Биринчидан, уларнинг учови ҳам Кришнага ошиқ, лекин, ҳар бир аёлда ошиқликнинг ўзига хос маълум бир даражаси мавжуд. Хусусан, Кришнаниннг умр йўлдоши Рукманиннг меҳри ва садоқати оилавий ҳаёт, шарқ аёлининг ўз умр йўлдошига бўладиган меҳри доирасида талқин этилади. Радха эса Кришнаниннг маъшуқаси, унинг Кришнага бўлган севгиси жуда эҳтиросли бўлиб, аёл билан эркак ўртасида бўладиган ишқий муносабатлар даражасида тасвирланади ва бундай меҳр одатда севги, муҳаббат, ишқ номи билан юритилади. Уларнинг севгиси шунчалик эҳтиросли ва кучли бўлганки, Кришна-Радха ёки Радха-Кришна жуфтлиги, худди Ромео-Жульетта, Лайли ва Мажнун ёки Фарход ва Ширинлардек, Ҳиндистонда ишқ-муҳаббатнинг энг олий даражадаги рамзига, севги тимсолига айланиб кетган. Саҳна кўринишлари ёки фильмларда қачонки ишқ мавзуси ҳақидаги эпизод намоиш этилса, у ерда, албатта, най чалиб турган Кришна ёки Радха-Кришна жуфтлигидаги маъбудлар ҳайкалчаси ёки расми қўйилган бўлади.

Радха ёки Рукмани исмли аёлларни Кришна номи билан боғлаш қадим-қадимдан шаклланган бўлеа, бу икки аёл қаторига ўрта асрларда Мирабаи номи қўшилган ва у Кришнага шу даражада ошиқ бўлганки, бу рақобатда Рукманиннг номи четга чиқиб, рақобат Мирабаи ва Радха ўртасидаги рақобатга айланиб кетган. Мирабаининг Кришнага меҳри шунчалик кучли бўлганки, Радхадан Кришнани рашк қилиб, у билан ҳатто беллашишга ҳам тайёр бўлганлиги Ҳиндиетон халқлари тилида дoston бўлиб кетган. Бу мавзуга бағишлаб халқ кўшиқларидан

бирида шундай деб куйланади,

*Эк Радха, эк Мира, донон не Шйам ко чаха,  
Антар кйа доно(н) ке бич ме боло.  
Эк прем дивани, эк дарди дивани,  
Эк Радха, эк Мира!*

яъни,

*Бир ёқда Радха, бир ёқда Мира,  
Иккиси ҳам Кришнага зор.  
Айтчи, недир уларнинг севгисида фарқ,  
Бирини туйғу эзар, бирин эса дард.  
Бир ёқда Радха, бир ёқда эса Мира.*

Мирабаи эса Кришнани Радхадан кам севмаган, ўз ҳаёти ва ижодини унга бағишлаган шоира. “Маҳабхарата”да Кришнанинг ҳаётида икки аёл Рукмани ва Радха ҳақида сўз борган бўлса, ўрта асрларда, бхакти адабиётида Кришнага муҳаббат масаласида Радха ва Мирабаи ҳақида сўз бориши шакланган. Бу уч аёл ҳақидаги кўп асрлардан бери давом этиб келаётган турли талқинлар асосида шуни айтиш мумкинки, ҳинд адабиётшунослигида бу масала бўйича икки хил қараш мавжуд, уларнинг бирида Рукмани ва Радха исмли аёллар бўлганлигига ишонч билдирилади, иккинчисига кўра, бу аёллар тўқима образ сифатида тан олинади. Лекин, Кришнанинг маъбудлик хусусияти Радха образида, Кришнанинг оддий инсон, яъни чўпон Кришна сифатидаги хусусиятлари Рукмани образида намоён бўлади. Мирабаига келсак, у Кришнага кучли меҳр қўйган реал тарихий шахс, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар аниқ бўлиб, тарихда умрини Кришнани мадҳ этишга бағишлаган шоира сифатида ном қолдирган. Бугунги кунда Сурдас қаторида Мирабаи номи ҳам Кришна сўзига синоним дейиш мумкин, чунки ҳар бир ҳинд Сурдас деганда ҳам, Мирабаи деганда ҳам, албатта, Кришнани тушунади ва, аксинча, Кришна номи тилга олинганида ўз-ўзидан Сурдас ёки Мирабаи ёдга тушади.

Мирабаи кришнабхакти шеърляти билан жаҳонга танилди, лекин бхакти йўлига кириб бхакт бўлиш бу машҳурлик супасига чиқиш дегани эмас албатта, чунки, аёллар орасида шундай бхактлар бўлганки, улар қалб поклиги, аъмол ва фикр софлиги, ўзининг Тангрига бўлган юракдаги чуқур ва сирли меҳри билан бхакт бўлиб, маъбуд Кришна ёки Вишнунинг меҳр-мурувват ва ҳурматига бу дунёнинг ўзида сазовор

Булган аёллар бўлиб, улар ҳақидаги маълумотларни биз “Бхактмал”лар ёки “варта” жанридаги агиографик адабиёт намуналари таркибида учратишимиз мумкин.

Бхакт аёллар ҳақидаги маълумотлар жамланган, браж адабиётининг “варта” жанридаги илк насрий асар “Чаураси вейшнаван ки варта”<sup>246</sup> (“84 вишнуит ҳаёти”) номли асардир. Мазкур асарда бхакт аёллар Мирабаидек шоира бўлмасалар-да, лекин улар ҳам севган тангриси Кришна билангина ўзларини тирик ҳисоблаб, ҳаётларини Кришнага хизмат қилиш ва ахир-оқибат уларнинг энг олий мақсади бўлган Кришнанинг дийдорига етишишга бағишлаганлар. Улардан ҳеч қандай адабий мерос қолган эмас, лекин шу даврнинг кришнабхакти йўлида ўз тангриси Кришнага етишган бхакт аёллар сифатида “варта” жанридаги тушунилган (бхактлар антологиясида) улар ҳақида маълумотлар қолдирилган. Бу китобга номи киритилган бхактлар “Пушти” сектасининг аъзолари бўлиб, уларда секта асосчиси Валлабхачарья ва унинг фаолиятининг давомчиси ўғли Витхалнатхнинг бхакти йўлида олий мақсадига эришган шогирдлари ҳақида маълумотлар қолдирилган. Бу икки китоб ўрта аср браж бадий насрининг илк намуналари сифатида тан олинади.

“84 вишнуит ҳаёти” асаридаги аёл бхактлар турли ёшдаги ва турли каста вакиллари бўлиб, улар ўз Тангриларини кўпроқ “*ватсая бхао*” - оналик ёки “*сакхи бхао*” - дўстлик меҳри билан севганлар. Кришнани оналик меҳри билан севган бхакт аёллар кўпинча Кришнанинг энагаси Яшодага ўхшашни, бола Кришна ҳам уларни Яшодадек кўришини, аркалик қилиб, уларни ўз онасидек севишини орзу қилганлар. Айниқса, Кришнанинг қаймоқ ўғирлаб ейишлари, бунинг учун энагаси Яшоданинг койиши, Кришнанинг қўшнилар ёки экинзорларга киришини куйлаш шоирларнинг севимли мавзусидир. Бола Кришнага ўзини бағишлаган бхакт аёллар уйларидаги ибодатхонада бола Кришнанинг ҳайкалчасини ёки расимни сақлаб, унгагина ибодат қилганлар. “84 вишнуит ҳаёти” асаридаги шундай аёллардан бири Рукманидир. У бхакти тарғиботчиси Валлабхачарьянинг шогирди Пурушоттамнинг қизи бўлган. Рукмани тангри Кришнани шунчалик севар эдики, унга хизмат қилишдан ортиқ муқаддас бурч бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблар эди. У барча қизлар қатори кўчаларда

<sup>246</sup> Дваркадае Парикх. Чаураси вейшнаван ки варта. Патна, 1979.



ўйнаб, қизларга қўшилиб Ганг сувларида чўмилиб, ёшлик гаштини суришдан кўра тангри Кришнага хизмат қилишни афзал кўрган. Кунлардан бир кун Валлабхачарьянинг Ганг дарёси бўйига келганини эшитиб, у биринчи бор отасидан Ганг дарёсини зиёрат қилишига ижозат беришини сўрайди ва у ерда биринчи бор Валлабхачарья билан учрашади. Фақат унинг дуосигина Тангрининг висолига етишишига йўл очишини Рукмани отасидан эшитган эди. Валлабхачарья Рукманини бҳакт аёл эканлигини дарҳол сезиб, уни суҳбатга тортиб сўрайди: "Сен Ганга сувида неча марта чўмилгансан?" - деса, Рукмаини: "24 йил илгари бир марта келган эдим», - деб жавоб беради. Тангрига бўлган меҳр ва садоқатига қойил қолган Валлабхачарья уни дуо қилиб ўз шогирдлигига олади. Рукмани ҳам тангри Кришнага берган меҳрига жавобан Валлабхачарья устозлигида ўзининг муқаддас орзусига, яъни Кришнанинг суюкли бҳакти бўлиш ва унинг меҳр-муруватини қозониш бахтига муяссар бўлади.

Шундай аёллардан яна бири Валлабхачарья шогирдларининг онасидир. Бу аёлнинг икки ўғли бўлиб, икковининг ҳам эътиқоди кучли бўлганлиги учун Валлабхачарья уларни ўзига шогирдликка олган. Лекин, онасининг ҳам орзуси қолган умрини Тангрига хизмат қилиб, Кришнанинг севимли бҳакти бўлиш эди, лекин аёлнинг умр йўлдоши дунёвий инсон бўлгани боис Валлабхачарья аёлга эрининг хизматини қилишни буюради. Тангрига меҳрсиз бўлган эрининг вафотидан кейин она ўз фарзандлари билан бирга Валлабхачарьяга шогирд тушиб, тангри Кришнага сидқидилдан хизмат қилишни бошлайди, натижада Кришнанинг меҳрини қозониб, ўзининг энг олий мақсадига - Кришнанинг дийдорини кўришга эришади. Бу йўлда Валлабхачарья ўзининг дуолари билан уларга яхши устозлик вазифасини бажариб туради.

Асарда аёлларнинг бҳакт бўлишдан аввалги ҳолатлари турличадир, яъни айримлари турмушга чиқиб умр йўлдоши билан бирга бҳакти йўлига киради, айримлари қариб, бева бўлганидан кейингина бҳакти йўлига киради ва яна бошқалари ёш қизлик вақтида отасининг ёки акасининг изидан бориб бҳакт бўлади. Бу эса, ўз навбатида, "меҳр ёш танламас", "Тангри учун барча тенгдир" деган бҳакти ғояларининг амалий исботи бўлиб хизмат қилади. Бҳакт бўлгандан кейинги ҳар бир аёлнинг ҳаётида бўладиган ўзгаришлар, албағга, ижобий ва ўйлаган мақсадларига мувофиқ бўлиб, мақсад эса пок инсон, Тангри севган

Бунда бўлиб яшаш ва бу дунёнинг ўзидаёқ Яратганнинг ердаги тижассуми бўлган маъбуд Кришнанинг дийдорига эришиш бўлган. "84 нишунит ҳаёти" асарида бу турдаги бхакт аёллардан ўндан ортигининг ҳаёти ҳақида маълумотлар берилган. Жумладан, кшатрий кастасидан бўлган бева Амма, қайнона-келин - Горжа ва Самараи, синханандлик кшатрий аёл ҳақида ва бошқалар. Асарда эр-хотин бхактлар ҳам кўпчилиқни ташкил этади. Жумладан, Пурушоттам ва унинг аёли, Кришнадас ва унинг аёли, Баднараяндас ва унинг аёли, Мадҳав Пател ва унинг аёли ва ҳоказолар. Эр-хотин бхактларнинг ҳаёти асарда биргаликда берилган, яъни бир неча эпизоддан иборат бир ҳикоя тирзида. Бунда аёл бхактлар ҳаёти билан танишар эканмиз, улар бошқа аёллардан ўзларининг қатъиятлиги, ростгўй ва меҳрибонлиги, чуқур эътиқодли ва кўркмаслиги билан ажралиб туришларини кузатиш мумкин. Бу аёллар учун ўз эътиқодида қатъий туриш, унга садоқатли бўлиш ва уни ҳимоя қилишдан кўра муқаддасроқ бурч йўқ. Уларнинг қилган ҳар бир ишида, ҳар бир сўзида эътиқод мустаҳкамлиги яққол кўриниб туради. Уларнинг жамиятга таъсири ҳам шунчалик кучли бўлганки, устоз Валлабхачарья омма билан бўлган учрашувларда ҳамиша уларга: *"бхактлар билан доим суҳбатда бўлинг"*, деб маслаҳат берган. Дарҳақиқат, варталарда бош қахрамонлардан ташқари иккинчи даражали шундай образлар ҳам борки, уларнинг кўпи бхактлар билан суҳбатларда ёки улар билан дўстлашиш орқали бхакти йўлига кирган ва ўз хоҳишлари билан Валлабхачарьяга шогирд тушганлар. Ҳикоялар орасида "Кришнадас ва унинг аёли" ҳақидаги ҳикоя жуда қизиқарлидир. Ҳикояда аёл кишининг ўз эътиқоди ва устозининг сўзига садоқати ва покликнинг нопоклик устидан галабаси муқаррар эканлиги амалий мисол орқали ёритиб берилади. Ҳикояда Кришнадас ўз аёли билан Валлабхачарьяга шогирд тушади ва устози уларга зиёрат учун йўлга отланган мусофир бхактларга хизмат қилиш вазифасини топширади. Кунлардан бир кун бир гуруҳ бхактлар зиёрат учун йўлга чиқиб Кришнадас уйида тунайдилар. Шу кун уйда егулик ҳеч нарса қолмаган эди. Кришнадас эса пул топиш учун бозорга кетади. Унинг аёли бхактларни қандай меҳмон қилишни билмай боши қотади. Унинг ҳаёлида фақат устози буюрган топшириқни қандай қилиб бажариш ҳақидаги уйлар жўш урарди. Қишлоқда эса унга доим кўз олайтириб юрадиган савдогар бор эди. Аёл ўша савдогар олдига бориб ўзини гаровга қўйиб, бир кеча унинг меҳмони бўлишга ваъда бериб ўндан

карзга озик-овқат олиб келади ва бхактларни меҳмон қилади. Кечкурун эри келиб бхактларни овқатланганини эшитиб ҳайрон бўлиб сўраганида аёли қилган ишини оқизмай-томизмай эрига сўзлаб беради. Устоз сўзига бўлган садоқатига қойил қолган эри аёлига қараб: "Сен устознинг ҳурмати учун, берган сўзингга вафо қилиб, ўзингни курбон қилишга ҳам тайёр бўлибсан, энди биз ҳам ўша бизнинг ҳожатимизни чиқарган савдогарга берган сўзимизни устидан чиқиб, унинг ҳожатини чиқаришимиз лозим. Эртага яхшилаб кийиниб, ясениб уникитга меҳмонга борасан", - дейди. Аксига олиб эртаси куни челақдан қуйгандек жала ёмғир ёғиб, ҳамма ёқни сув босади. Кришнадас эса аёлига: "Бундай ёмғирда меҳмоннинг уйига кўчанинг лойларини босиб киришинг яхши эмас. Аёл кишисан, озода бўлишинг керак", - деб уни елкасида кўтариб, савдогарнинг уйига ташлаб келади. Жала ёмғирда аёлнинг топ-тоза оёқ билан кириб келганини кўрган савдогар ҳайрон бўлиб сўрайди: "Ҳаммаёқ ёмғир, лой бўлса, сенинг оёгинг нима учун топ-тоза?". Шунда аёл эрининг айтган сўзлари ва қилган ишини яширмай бирма-бир сўзлаб беради. Бу гапдан хабар топган савдогар эр-хотиннинг қандай инсонлар эканини тушуниб, уларнинг эътиқодига, поклигига ва устозига бўлган садоқат ва ҳурматига қойил қолади ва аёлнинг оёғига бош уриб кечирим сўраб шундай дейди: "Мен жуда катта гуноҳга йўл қўяётган эканман. Сизлардек покдомон инсонларнинг борлигини ҳатто ҳаёлимга ҳам келтира олмас эдим, энди кўзим очилди. Мени ақл ва одобда тенги йўқ эрингиз билан таништиринг", - дейди. Аёл унга ўз устози ҳақида ҳам сўзлаб беради. Тавбасига таянган савдогар эр-хотиннинг садоқатидан қаттиқ таъсирланиб бхакти йўлига киради ва Валлабхачарьяга шогирд тушиб, ўз ҳаёт тарзини ўзгартириб, Тангри Кришнанинг меҳрига сазовор бўлади.

Бу ерда Кришнадаснинг аёли, бизнинг наздимизда, икки муҳим нарсага риоя қилган ҳолда ножўя қадам қўйишга қарор қилади. Бири, устоз сўзига садоқат, ваъдага вафо бўлса, иккинчиси пок ва мустаҳкам эътиқод инсонга ҳеч қачон ёмонлик олиб келмаслигига қатъий ишонч. Бхакт аёлнинг қатъиятлилиги ва поклиги нафақат унинг ўзини, балки адашган бир инсонни ҳам тўғри йўлга киришига сабабчи бўлади.

Варталарда бхактларнинг бошқаларга таъсири натижасида уларнинг ҳам бхакти йўлига кирганликлари ҳақидаги ҳикоялар жуда кўп. Бу бхактлар ҳинд жамиятида қандайдир бир қаҳрамонлик кўрсатиб эмас,

Тангри талаб қилгандек яшаб, Унга сидкидилдан хизмат қилиб, Унгагина меҳр бериб яшаган инсонлардир. Бҳактлар ҳақидаги бундай асарларни яратишдан мақсад бҳакти йўлининг тўғри эканлиги ва бҳакт инсонлар ҳақиқатан ҳам бўлганлигини келажак авлодга етказиш орқали уларнинг номини абадийлаштиришдир.

"84 вишнуит ҳаёти" асари билан танишган китобхон бҳакт ким, бу йўлга кирган инсон ўзининг қандай хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб туради, унинг асосий ютуғи нимадан иборат деган саволларга тўлиқ жавоб олиши мумкин. Бҳактининг ислоҳотчи ҳаракат деб номланиши ҳам бежиз эмас. Бу йўлга кирган инсон онгида, шбатта, ислоҳ юз беради ва унинг онги маънавиятнинг юқори чўққилари томон ривожлана боради. Лекин, бунинг учун инсонда меҳр на садоқат туйғулари соф ҳамда кучли эътиқод мавжуд бўлиши лозим.

Асарда аёл бҳактларнинг сони ўн бештадан ортик, бундан ташқари "252 вишнуит ҳаёти" китобида ҳам жуда кўп аёл бҳактлар, ҳатто бҳакт қушлар ҳақида ҳам ҳикоялар мавжуд. Маълумки, ҳинд фалсафасига кўра оламдаги жамики жонзодни Тангри яратган, уларнинг ҳар бирининг юрагида Яратганга нисбатан меҳр мавжуд бўлиб, мана шу меҳр жонзодни Тангрига яқинлаштирувчи куч- қудратдир. Бҳактлар ҳаётига оид асарлар мана уч юз йилдирки, ҳинд халқининг сеvimли китоблари бўлиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолиси бўш вақтларда доим жамоа бўлиб ёки оила даврасида бу асарларни сеvim муталаа қилади. Ҳиндистонда оддий халқ, айниқса қишлоқ аҳли, замонавий ҳинд ёзувчилари, уларнинг ёзган асарларини билмасликлари мумкин, лекин "варта"лардаги бҳактларнинг ҳар бири ҳақида жуда яхши билимга эга эканлигини кузатиш мумкин. Ҳиндистонда бугунги кунда ҳам ҳақиқий бҳакт бўлиш орзусида яшаб юрган инсонлар кўплигини ва уларнинг ёшлар маънавиятини тарбиялашда муҳим аҳамиятини назарга олган ҳолда "варта"лар ўрта аср браж тилидан ҳиндий тилига таржима қилиб нашр эттириш ишлари амалга оширилмоқда. Биринчи бўлиб "84 вишнуит ҳаёти" китоби ўн бир қисмда нашр этилган, "252 вишнуит ҳаёти" китобининг таржима ишлари якунланиш арафасида эканлиги маълум. Бундай китоблар ҳар бир хонадонда ахлоқ ва одобни юксалтириш учун зарур дастуруламал адабиёт ҳисобланади. Ҳинд бҳакт аёллари юксак маънавиятли шахслар бўлиб, уларни жамият маънавиятини сақловчи ва мустаҳкамловчи куч, деб ҳинд доғишмандлари бежиз айтмаганлар.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, сагун бхакт шоирларнинг эътиқод объекти аниқ ва шу эътиқодларига садоқатлари ҳам жуда кучли эканлигини уларнинг ҳаёти ва ижоди мисолида кузатдик. Лекин, бхакти ҳаракати меҳри дарё, эзгулик йўлида бутун борлигини беминнат сарфлайдиган, инсонни ва Тангри яратган оламни севувчи инсонларни ҳам ўз бағрига олиб, уларнинг бхактида ноанъанавий, сагун бхактларда учрамайдиган янги бир йўлга ниргун бхакти йўлига асос солишларига имкон яратган. Бобурийлар даврида ниргун бхакти ҳам жуда ривожланган ва кўпгина сант шоирлар бу йўналишда ижод қилган. Ниргун бхакти шеърятининг энг йирик вакили бу сант Кабирдир<sup>247</sup>. Ниргун бхактига Кабирдек *“Тангри фақат инсоннинг қалбидагина бўлиши мумкин”* деган шиор остида яшайдиган сант шоирлар киради. Қуйида ўзининг ажойиб, ҳеч кимга ўхшамайдиган дунёқараши билан ниргун бхакти йўлида бўлган сант шоирлар ижоди билан танишамиз.

Ниргун бхактида ўзига хос дунёқараш ва шу дунёқарашга асосланган бхакти йўлини танлаган сантлардан бири бу Малукдасдир. *“Сант, аслида устозга ҳам, бирон бир сектага ҳам боғланиб қолмайди, унинг ҳақиқий устози Яратаганнинг ўзидир”*<sup>248</sup> - деган сўзлар Малукдасга мансубдир. XVII-XVIII асрларда яшаб ўтган Малукдас Илоҳободда туғилган. У бхактининг тенглик ғоясини баланд кўтариш орқали ўз замондошлари орасида донг таратган. Унинг бхактиси худди Кабирдек инсон қалбини улуғлаш, асл ҳақиқат ҳам фақат инсон қалбидагина мавжуд бўлиши мумкин, деган ғоя билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги боис уни маълум маънода бхактида Кабир издошларидан бири дейиш ҳам мумкин. Ўша даврда унинг ғояларини тарғиб қилувчи мактаблар Вриндаван, Жаганнатхпури, Деҳли, Жайпур, Кара, Мултон, Патна шаҳарларида, Гужорат штатида, Непал, Қобул ва Америкада (Калифорния штатида) ҳам шаклланган. Бу мактабларнинг айримлари, хусусан, Деҳли, Вриндаван, Жайпур, Америка мактаблари бугунги кунгача ҳам мавжуд, дейилади.

*“Бугун инсоният ҳаёт мазмунини ўзидан эмас ташқаридан изламоқда, бхакт ва сантлар эса уни ўзингдан изла деб ўргатадилар”*<sup>249</sup> - деб ёзади Малукдас ижодини ўрганган адабиётшунос олим Балдев

<sup>247</sup> Гафурова Н.Б. Кабир и его наследие. -М., 1976

<sup>248</sup> Балдев Ванши. Малукдас. Дели, 2006., Б.11

<sup>249</sup> Ўша китоб, Б.10

Ванши. Кўпчилик бхактларга хос нарса бу Ҳақ йўлида билим олиш, ўз йўлига содиқлик ва устозлар суҳбатида кўпроқ иштирок этиш, уларнинг маслаҳатига риоя қилиш бўлса, Малукдаснинг бхактиси бошқа бхактлардан фарқли равишда одамларга доимий равишда беминнат хизмат кўрсатишдан иборат. Малукдас туғилиб ўсган Илоҳобод шаҳрида ўша даврда ҳиндулар ҳам, мусулмонлар ҳам бирдек ночор аҳволда яшаганлар. Малукдас эса уларнинг ҳолидан хабар олиш, оғирини енгил қилиш ва ночорларнинг ҳожатини чиқаришни ўзининг энг асосий бурчи деб билган ва бу бурчига умрининг охиригача содиқ бўлиб қолган. Бу борада унинг қуйидаги мисралари ҳам машҳурдир:

*Бхукхин тук, пйасехин пани.  
Эйхи бхагати хари ке ман махи.*<sup>250</sup>

яъни,

*Очга нон, чанқаганга сув бериш,  
Тангрини таниганнинг ишидир.*

Унинг фалсафий қарашлари ҳам аниқ мантиққа асосланган, жумладан, ҳар бир нарса сабаб ва оқибат қонунига бўйсунди, демак, бу олам бесабаб эмас, у бир сабабга кўра яратилган, деган фикр Малукдас фалсафий қарашларига хосдир. Ўзининг 108 йиллик умр давомида Малукдас бобурий шоҳларнинг тўрт авлодини – Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон ва Аурангзеблар даврини кўрган. Тўрт мусулмон шоҳни кўрган Малукдас Аурангзебнинг ислом динини кучайтириб, ҳиндуларга қарши қаттиқ сиёсат олиб борганлигини қуйидаги мисраларида баён этган:

*Сахишжахан сут(путр) Аурангзеб, чалей супантх куран китеба,  
Вед, пуран мане карваве, Ваман<sup>251</sup> пужа кар на паве.  
Кажжи маолана каре бараи, ҳинду ко жажийа лагвай<sup>252</sup>.*

таржимаси,

*Шаҳаншоҳ Аурангзеб Қуръон йўлини танлаб,  
Веда, пуранларни четга сурди, брахман ибодатин ман қилди.  
Қози муллаларни қўллаб, ҳиндуларга жузъя солди.*

<sup>250</sup>Ўша китоб, Б.14

<sup>251</sup>Кичик брахман вaman дейилади

<sup>252</sup>Ўша китоб, Б.11

“Бошқаларнинг ҳожатини чиқариш”га асосланган Малукдаснинг бхакти йўли болалигиданоқ намоён бўла бошлаган, яъни у жуда чимтомок, ёлғизликни севадиган бўлган. Болалигида ҳам кўпинча Ганг дарёси бўйига бориб турли хаёлларга чўмиб ўтиришни жуда яхши кўрган. У хаёлга шунчалик берилиб кетар эканки, ҳатто атрофидагиларни ҳам, ёнига кимдир келганини ҳам сезмай қолар экан. Кунлардан бир кун у 5 ёшлигида кўчада ўйнаб юрганида кўчадан ўтиб кетаётган бир авлиё-дарвеш Малукдасни кўриб унинг бошқа болаларга ўхшамаслигини сезиб, болага яқинроқ келиб уни бироз кузатади. Боланинг қўлининг узунлиги тиззасигача етар, ўзи оғир-вазмин ва ўйчан кўринади. Буни кўрган авлиё Малукдаснинг отасини чақиртириб унинг бу ўғли кароматли эканлигини ва келажақда у шоҳ ёки авлиё бўлиб тарихда катта ном қолдириши ҳақида айтган экан. Дарҳақиқат, кейинчалик секин-аста унинг кароматлари ҳам намоён бўла бошлайди. Унинг барча кароматлари ҳам камбағал, оч-наҳор ва муҳтожлар ҳожатини чиқариш билан боғлиқ масалаларда намоён бўлган. Жумладан, кунларнинг бирида уларникига бир камбағал дарвеш тиланчилик қилиб келади. Унга раҳми келган Малукдас омбордаги бор донни бериб юборади. Кўчадан келган онаси буни кўриб ўғлига жаҳл қилади. Малукдас эса идишларни аллақачон донга тўлдириб қўйган эди. Онасига омбордаги донлар жойида турганини, бориб яхшилаб қараши лозимлигини айтади. Бориб донларни кўрган онаси жаҳлдан тушади, лекин бунинг сири нимада эканлигини билмай ҳайратда қолади. Шу тарзда у қишлоққа келган касалликларни ва турли табиий офатларни йўқ қилишда ва шунга ўхшаш одамларнинг турли ҳожатларини чиқариш билан боғлиқ кўпгина кароматлари билан шуҳрат қозона бошлайди. Унинг бхакти ғоялари шоҳ Аурангзеб саройигача етиб боради ва Аурангзеб Малукдасни саройга келтиришни буюради. Малукдас Аурангзеб ҳузурига етиб келади, улар узоқ суҳбат қурадилар, Аурангзеб Малукдасга саройда қолишни таклиф этади, лекин одамлар учун хизмат қилиш унинг энг асосий бурчи эканлигини айтиб, Малукдас бу таклифни рад этади.

Малукдаснинг ҳар бир ғояси, фикр ва мулоҳазалари шеърый мисраларда баён этилган ва бу шеърлар “Малукдас грантх”, яъни “Малукдас шеърлар тўплами” номи билан шогирдлари томонидан тўпланган. Тўплам уч қисмдан иборат, улар: “Гўан бодх” – “” Илм йўли, “Бхакти вивек”- “Бхакти ҳақида мулоҳаза”, “Гўан парочхи” –

“Фалсафий илмлар”. Буларнинг барчасида инсон қалби, Яратган билан муносабатлар, руҳ ва олам, илм ёки бхакти йўли ҳақидаги Малукдаснинг қарашлари баён этилган.

Дарҳақиқат, бу даврда юзлаб бхакт шоирлар етишиб чиққан, уларнинг барчаси бхакти, яъни меҳр ва садоқат йўлини танлаган бўлсаларда, бу йўлдаги амоллари турлича бўлган. Жумладан, Малукдаснинг бхактиси инсонга бўлган меҳр асосида шаклланган ва унинг бхактидаги шиори “инсониятга хизмат қилиш, бошқаларнинг ҳожатини чиқариш”дан иборат. Бу ғоя эса Кабирнинг “*инсонга хизмат қилиш Ҳаққа хизмат қилиш билан тенгдир*, деган ғояси билан бутунлай мутаносибдир. Малукдас ҳам, Кабир ҳам умрининг охирига қадар ўз гоёларига садоқатли бўлиб қолганлар.

Ражастанлик Даду Дайал Акбаршоҳ билан доимий равишда мулоқотда бўлиб турадиган, шогирдларининг сони<sup>253</sup> жиҳатдан биринчи ўринда турадиган сантлардан бўлган. Унинг бхакти йўли “*Даду пантхи*” (“Даду йўли”) деб номланади.

Даду Дайалнинг ҳаёти, келиб чиқиши, ота-онаси ва оиласи ҳақида ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ. Бугунги мавжуд маълумотлар фақат тахминлар ва оғиздан-оғизга кўчиб юрган маълумотларга асосланади. Ҳинд мутахассислари Даду ҳақида маълумотларнинг йўқлиги унинг олдий одамлар орасидан чиққанлигига ишора қилади, таниқли одамлар ҳақида эса тарих доим нимадир ёзиб қолдиради, деб ҳисоблайдилар. Ривоятларда Дадунинг Кабирга ўхшаб бир брахман оила топиб олган ва боқиб олган ҳам дейилади. Айрим манбалар унинг аёли, ўғиллари (Ғарибдас ва Мискиндас) ва қизлари (Нанибаи ва Матабаи) бўлган деса, бошқалар уларни Дадунинг шогирди бўлган, дейдилар. Дадунинг ўзи ҳам асарларида бу ҳақда ҳеч нарса демаган, ҳатто ундан кўпинча қайси каста ёки миллат вақилисиз, оилангизни қандай боқасиз деган саволларни берганларга Даду, “*мен олам бандасиман, Яратган эси менинг оилам*”<sup>254</sup>, деб, ёки бўлмаса, “*Она тўққиз ой қорнидаги боласига емиш етказа олади, нима учун худодек куч қудрат мени боқа олмайди, биз бундай нарсаларни ўйлашимиз керакмас, бу худо бажарадиган иш*”<sup>255</sup>, деб жавоб берар экан. Руҳ такомили йўлида устознинг аҳамияти на, умуман, устоз ҳақида ҳам жуда кўп мисралар ёзган, лекин ўзининг

<sup>253</sup> Даду Дайалнинг 152 та шогирди бўлган

<sup>254</sup> Рамбакш. Даду Дайал. Дехли. 2011, Б. 15

<sup>255</sup> Ўша китоб, Б. 18



устози ким, унинг исми нима бўлган бу ҳақда ҳам ҳеч қандай маълумот етиб келмаган.

Даду Дайалнинг фалсафий қарашлари, олам ва уни Яратган Худо, инсоният ҳақидаги қарашлари ўзига хос, жуда мураккаб ва серқирра бўлган, дейиш мумкин. Чунки, Даду бу масалаларда ўзига ўзи жуда кўп саволлар берган ва уларга жавоб излашга ҳаракат қилган. Жумладан, Олам мая, яъни алдамчи, Ҳақиқат эса худодир. Унда Яратгани оламдан нега излаймиз? Нима учун бхакт ва сантлар Худо яратган оламни мадҳ этади, демак, уларнинг мадҳияси ҳам ёлгон мадҳия экан. Бхакт ва сантлар ижодини ўрганиш алдамчи оламни ўрганиш эмасми? Шу тарзда Даду ўзига ўзи Олий ҳақиқатни излаш йўлида саволлар беради ва бу саволларга ўз шеърларида яна жавоб беради. Жумладан, у шундай деб ёзади:

*Даду ёлгон мавжудот, ёлгон оламда, ёлгон ошлада,  
Ёлгон дунё, ёлгон рўзгор, бола-чақа,  
Ёлгон аёл, ёлгон тана,  
Ёлгон барча касталар, ёлгон ота-она,  
Инкор эт барча ёлгонларни Даду<sup>256</sup>.*

Лекин, Даду борлиқни, барча нарсаларни ёлгон, алдамчи деса ҳам, дунёни тарк этиш, оламдан юз ўгириш каби таркидунёчиликни ҳеч қачон тарғиб қилмаган ва бундай деганларни, ҳатто, қаттиқ танқид остига ҳам олган. Даду дунёдан эмас, дунёда инсонни Ҳақ йўлдан адаштирувчи Маядан, яъни ёлгон нарсалардан, алдамчи туйғулардан, дунёга берилишдан асранишга чақирганлигини кузатиш мумкин. Чунки, Даду инсонларни севган ва уларга Ҳақ йўлини кўрсатишни ўзининг бурчи деб билган ва шундай яшаган ҳам. Даду одамлар олам алдамчи, фақат Ҳақ йўли тўғри деб билишлари шарт эмас, улар фақат олам нима учун алдамчи, оламда нимадан биз ўзимизни эҳтиёт қилишимиз лозим, шуни билсалар бас, бунинг учун уларга фақат билим бериш лозим, деб ҳисоблаган. Дадунинг шеърлари шогирдлари томонидан “*Дадувани*” (“*Даду овози*”) номли тўпламга жамланган.

У шу даврнинг энг таниқли ва ўзига хос кам учрайдиган бхакти йўлини танлаган сантлардан яна бири Ражжабдир. Ражжаб худди сант Малукдас ва бхакт Ананддханлардек кўпгина бобурий шоҳларни

---

<sup>256</sup> Ўша китоб, Б. 35.

(Жаҳонгир, Шохжаҳон ва Аурангзебларни) кўрган ва Даду Дайалнинг сеvimли шогирдларидан бири бўлган. Шу боис Ражжаб дунёқарашида устози Даду Дайалнинг таъсири кучли бўлган.

Ражжабнинг бхакти йўли ҳам бошқа бхактлар йўлига ўхшамайди. Бу йўлнинг ўзига хослигини шундай ифодаш мумкинки, яъни Сурдас учун олам Кришнадан, Тулсидас учун Рамдан, Рамалингам учун шам нуридан, Ананддхан учун “ниж ананд”дан иборат бўлса, Ражжаб учун бу олам Устоздан иборатдир. Ражжабнинг олами ҳам, саждагоҳи ҳам, эътиқоди ва ишончи ҳам унинг устозидир. У ўзини фақат устози учун яшаётган инсондек ҳис қилади. Бхактлар орасида устозга меҳрли ва сидоқатли бўлишда Ражжабга тенг келадиган бхактни топиш амри маҳол.

Ражжабнинг отаси ҳарбийлардан бўлганлиги боисми, у жуда баланд бўйли, гавдали, бақувват ва алпқомат йигит бўлган. Унинг қомати кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб этган. Ражжаб 20 ёшга тулганида отаси уни уйлантириш тараддудига тушади ва келин топади. Ўғлининг порозилигига қарамай тўй бошлайди. Лекин, тўй куни Ражжаб отасига инвал устозимникига борамиз, кейин келиннинг уйига борамиз деб туриб олади. Отаси рози бўлиб ўгли билан устоз Дадунинг даргоҳига боради. Ражжаб куёв кийимида секингина келиб устозининг ёнига Утиради ва уйланишдан бош тортаётганини айтади. Ражжабнинг отаси ҳам Даду Дайалга мурожаат этиб, “ўғлим сизни жуда ҳурмат қилади, у фақат сизнинг гапингизга кириши мумкин, унга уйланиш лозимлигини тушунтирсангиз, у уйланишдан бош тортаяпти”, - дейди. Шунда устоз шогирди Ражжабга қараб ўз фикрини икки мисра шеър билан ифодалайди:

*Кия тха кучх каж ко, сева сумираан саж,  
Даду бхуля бандаги, сарйа на эко каж.*<sup>257</sup>

таржимаси,

*Кийибсан хос кийимни, бажсар энди бурчингни,  
Даду эса инсонлигин унутган, бажсармади ҳеч бир бурчини.*

<sup>257</sup> Нандкишор Пандей. Сан Ражжаб. Варанаси. 2004. Б.71

Яъни, Яратган сени ўзининг бир мақсади йўлида шохон кийинтирибди, лекин сен бурчингни бажаришдан бош тортаяпсан, деб Ражжабни қойийди. “Таркидунёчилик йўлига кириш ўткир қилич тиғи устида юриш билан баробардир. Бундай қарорни шошмашошарлик билан, ўйламасдан қабул қилиб бўлмайди. Нафсни тийиш осон иш эмас. Сен аввал уйлан, ўз бурчингни бажар, кейин бу йўлга киришинг мумкин. Ҳозир уйланмасанг, кўзинг доимо аёлларда бўлади, бу эса таркидунёчиликка хос нарса эмас, сен оилали бўлиб ҳам истаган йўлингдан боришинг мумкин”, - деб уқтиради. Лекин, Ражжаб устозига қарори қатъийлигини билдириш учун шундай дейди:

*“Ражжаб гхар (гх)дхарнии тажже, паргхарнии на сухаай  
Ахи таж анни ку(н)чаки, каки пахре жаай”<sup>258</sup>.*

Таржимаси,

*“Мен ўз никоҳимдаги аёлни тарк этаётган бўлсам,  
бегона аёлнинг менга нима кераги бор”.*

*Житнии жанмии жагат ме, жан ражжаб кии маат!<sup>259</sup>*

мазмуни,

*Жаҳонда қанча аёл тугилмасин, мен учун ҳар бири онадир.*

*Сарп аннии канчулии каа пратйааг кар  
дуусре санп кии ке(н)чулии нахи(н) дхаран картии<sup>260</sup>*

мазмуни,

Ўз инини тарк этган шлон, бошқа шлоннинг инига кирмайди-ку, ахир. деган жавобни берганидан кейин устози отасига уни зўрлаш нотўғри эканлигини тушунтиради ва унга умрини устоз ва халқ хизматига бағишлаши учун розилик беради.

Шу кундан бошлаб Ражжаб устозининг уйида қолиб унга хизмат қилади. Лекин, айтишларича, Ражжаб куёв кийимида таркидунёчиликни қабул қилгани боис устозининг маслаҳатига кўра умрининг охиригача куёвлик кийимида қолган экан, кийими эскириб қолса, яна қайтадан худди шундай кийим тиктириб беришар экан. Ражжабнинг дунёқарашини ҳам, қилган амолларини ҳам, ўз навбатида,

<sup>258</sup> Ўша китоб, Б.72

<sup>259</sup> Ўша китоб, Б.72

<sup>260</sup> Ўша китоб, Б.72

Устоз сўзига ва танлаган йўлига садоқати ҳам ўзига хос, ажойиб бир бхактининг намунаси, дейиш мумкин.

Ражжаб қаламига мансуб шеърин мисралар “*Дадунинг туғилиши ҳақида*” тўпламида ёки Рағҳавдас муаллифлигидаги “*Бхакатмал*” (“Бхактлар гулчамбари”) тўпламида ва айрим шеърлари бошқа бхактларнинг шеърин тўпламларида учрайди. Ражжаб, асосан, *доха* (иккилик) жанрида ижод қилган. Ражжабнинг бхакти ғоялари ва эътиқоди шунчалик кучли бўлганки, уни сўзда ва баҳс-мунозараларда енгил жуда қийин бўлар экан. Рағҳавдас китобида Ражжаб ҳақида бир ҳикоя бор. Унга кўра, кунлардан бир кун Дурса исми бир донишманд ўзининг кучли моҳиятли шеърлари билан пандитларни баҳсда енгил Санганерга келибди. Бу ерда у Ражжаб ҳақида эшитиб, у билан учрашил ниятида унинг ёнига борибди ва шундай дебди:

*“Баван акшар сапт свар, мукха бхаша чхаттис  
Инке упар жо катхе, то жанун кави иириша”<sup>261</sup>*

мазмуни,

*Элик икки ҳарф ва ўттиз олти тил*

*Ундан ортиқ нима айта олсанг, тан берурман мен.*

деса, бунга жавобан Ражжаб:

*Баван акшар сапт свар, кантх бхаша чхаттис  
Инке упар ур бхажан, ан акшар Жагдиш”<sup>262</sup>.*

яъни,

*Элик икки ҳарф ва ўттиз олти хил парда (куй),*

*Юракдан чиққан қўшиқ Яратгандан ўзгани куйламас.*

деб жавоб берибди. Ражжабнинг бу жавобидан ҳайратда қолган Дурса Ражжабдан шогирдликка олишини сўраган экан. Ражжаб эса, унча мунча одам енга олмайдиган билимга эга бўлишига қарамасдан, ўзини устоз бўлишга лойиқ деб ҳисобламаган ва ким шогирд бўлиш истагини билдирса, уларга доим ўз устозини тавсия этган. Дурсага ҳам шогирд бўлиш учун устоз Дадунин ёнига боришни таклиф этади. Дурса эса ўз ақл заковати учун Жаҳонгир шоҳ томонидан берилган катта бойликни Ражжабнинг оёқ остига қўяди, лекин Ражжаб, албатта, буни

<sup>261</sup> Ўша китоб, Б.76

<sup>262</sup> Ўша китоб, Б.76

кўзига богич боғлаб ўтган, шу боис Гандхари образи аёл садокатининг юксак намунаси деб баҳоланади.

Бхакти бу руҳий такомилликка эришиш йўлидир. Ҳинд дини фалсафий қарашларида Яратганга етишишнинг беш асосий йўлидан бхакти йўли инсон учун энг осон ва энг яқин, ҳиндулар таъбири билан айтганда, Яратган учун энг севимли йўл, деб ҳисобланади. Айнан шу назариянинг амалий тасдиғини бхактига асос солган файласуфлар ва бхакт шоирлар ўз ҳаёт тарзлари билан исботлаб, инсон агар истаса ўн меҳрининг куч-қудрати билан ҳатто Яратганни ҳам ўзига ром эти олиши мумкин, деган ғояни илгари сурганлар ва бхакти йўлига астойдил киришганларга ҳам бу йўлда муваффақиятга эришишда кўмаклашганлар. Бу борада ҳинд халқи ўртасида юрадиган бир ривоятни мисол келтириш ўринлидир. Унинг мазмуни қуйидагича:

Бир подшоҳ, бадавлат инсон, диндор ва оддий бир инсон Яратганга кимнинг меҳри кучли эканлиги ҳақида бахслашибдилар. Подшоҳ, “мен бор салтанатим, бойлигим ва оиламни Яратганга баҳшида этаман”, - дебди. Бадавлат инсон эса, “Мен бутун бойлигимни Яратганга баҳшида этаман”, деса, диндор, “мен бор йўғимни сарфлаб Яратганга атаб ҳеч қаерда йўқ ажойиб бир ибодатхона қурдираман”, - дебди. Оддий инсон эса улардек имкониятга эга бўлмаганлиги учун, мен Яратганга чексиз меҳр бериб, Унигина яхши кўриб, сидқидилдан, садоқат билан Унга хизмат қиламан, дебди. Шунда самодан “Менга айнан шу нарса керак эди, чунки мени сидқидилдан севган, менга садоқатли бўлган инсонгина мен учун ҳамма нарсасини - бойлигини ҳам, оиласини ҳам, салтанатини ҳам, бутун вужудини ҳам беминнат баҳшида эта олади”, - деган овоз келган экан. Самодан келган бу овоз орқали Яратган ҳам меҳр гадоси экалигини, меҳр ва садоқатни сўзсиз қабул қилишини англатади, бу эса бхакти йўлидир.

Бу даврдаги ҳинд жамиятида илм, йога, дин ва аъмол йўлида юрганлар эмас, айнан бхакти йўлида юрганларгина ўзларининг олий мақсадларига, аниқ натижаларга эриша олганлар ва бу ҳодиса бхакти шиор қилиб олган меҳр йўлининг, ҳақиқатан ҳам натижали ва мевали эканлигини кўрсатган. Жумладан, Сурдас олти ёшида ота-онасининг уйини ташлаб чиқиб кетган, ўн етти ёшгача кўча кўйида кўшиқ куйлаб ўз насибасини териб юрган. Ўн етти ёшида у бхакти

---

<sup>267</sup> ғйан, дхарам, карам, йог ва бхакти йўллари

тиргиботчиларидан Валлабхачарья билан учрашиб, унга шогирд тушган ва ундан ҳаёт сабоқларини ўрганиб, Кришнанинг номи билан танишган, бхакти йўлига кирган ва умрининг охирига қадар шу йўлда садоқат билан юриб, кришнабхакти шеърятининг шоҳ асарларини яратган ва 105 ёшида Кришна ибодатхонасида Кришнага бағишланган мадҳиясини куйлаб туриб оламдан ўтган.

Диний ғоялар асосида шаклланган бхакти жамият орасига кириб борган сари хилма хил тус ола бошлаган. Бу хилма хиллик эса бхактининг демократик тамойилларининг мевасидир. Яъни, инсон бу дунёда ўзига нимани олий мақсад деб билиши, шу мақсад йўлида изланиши, изланиш йўлидаги садоқати унинг бхакти йўлини белгилаб берган. Турли бхактлар ҳаётини ўрганиш асосида шуни айтиш мумкинки, бхактининг байроғи ва шиори бўлган инсондаги меҳр ва садоқат Олий Ҳаққа ёки у яратган оламдаги бошқа бир нарсага, масалан, устозга ёки бирон бир қадриятга нисбатан шаклланиб, бу унинг олий мақсадига айланган бўлиши мумкин. Ўз вақтида бхакти мазҳабларидан “Пушти” мазҳабининг асосчиси Валлабхачарьянинг “*Яратганга бўлган меҳр у яратган оламга бўлган меҳрдан бошланади*”, - деган фикри бхактидаги айнан шу ҳолатга берилган таъриф, дейиш мумкин. Инсоннинг ўз танлаган йўлида меҳр ва садоқатини беминнат сарфлаши ҳақиқий бхакти йўли бўлиб, бхакт ўзининг мана шу садоқати эвазига кўзлаган мақсадига эришади, дейилади. Демак, бхактида меҳр ва садоқатнинг нимага қаратилганлиги эмас, унинг инсон қалбида мавжудлиги, мустаҳкамлиги кўпроқ аҳамият касб этади ва бу нарса ҳар бир инсон учун ўз мақсадига эришиш йўлида энг ишончли куч қудрат бўлиб хизмат қилади.

Яратган билан суҳбат қуриш, каромат кўрсатиш, ерда яшаб туриб руҳан сирли оламларда юриш бхактлар учун оддий бир ҳолдир. Назарий жиҳатдан бундай карашлар азалдан ҳар бир динда мавжуд, бироқ бу назариянинг амалий натижасини ҳам бхакти йўлида бўлган инсонлардагина аниқ кузата оламиз. Руҳиятнинг бундай олий даражасига етишиш учун, бхакти таълимотига кўра, инсон ижтимоий ёки сиёсий жиҳатдан эмас, маънавий жиҳатдан юксак даражада таракқий этган бўлиши лозим. Маънавий таракқийнинг асосларини эса бхакти ўзига байроқ қилиб олган меҳр, садоқат, самимийлик, бағрикенглик, тенглик, тил ва дил бирлиги, яхшилик ва эзгулик ишлари

билан яшаш каби амоллар ташкил этади. Бу борада худди Кабир ва Малукдас қарашларидаги ўхшашликдек, динларда ҳам бир мазмунни англатувчи фикрлар баён этилган, яъни ислом динида *“Мен ҳар ерда мавжудман”* дейилса, насронийларда *“Я везде и во всём”* (*“Мен ҳар ерда ва ҳар нарсада мавжудман”*) ибораси бор, ҳиндуизмда (хусусан, упанишадларда) *“Ахам брахмасми”* (*“Мен ҳар ердман”*) ва *“Бхагвадгита”*да *“Мей хи саб ме хунг, аор саб муж ме хенг”* (*“Мен ҳар нарсадаман ва ҳар нарса менда”*) дейилади. Бир маънони англатувчи бу турли хил иборалар барча динларнинг туб моҳияти, охириги манзили бир эканлигини яққол кўрсатади. Ҳиндуизмда инсонлар Олий Ҳақиқатнинг зарралари бўлиб, ҳар бир заррада ўша Олий куч кудрат мавжуд, дейилади. Бу жумланинг мазмунида, демак, инсон истаса, инстилса ва курашса, руҳиятини такомиллаширса, комилликнинг энг олий даражасига етиб, Яратган билан бу дунёнинг ўзида дийдор кўришиши, мулоқотга кириша олиши мумкин, деган ғояга ишора яширинган. Ҳар бир динда бу даражага етишишнинг турли йўллари ҳам кўрсатилади, лекин бхакти (ҳамда тасаввуфда) бу йўлларнинг барчасини тан олган ҳолда инсон учун Ҳаққа етишишнинг энг яқин ва энг осон йўли бу меҳр йўлидир, дейилади. Чунки, руҳияти олий даражада такомиллашган инсонда Яратганга ва ўзига бўлган ишонч кучайиб, руҳиятида сокинлик ва эркинлик шаклланади. Бхактларнинг ҳаёти, уларнинг ҳар бир сўзи ва хатти ҳаракатлари, ёзган шеърлари, фалсафий қарашларида руҳий озодликнинг энг олий намунасини кузатишимиз мумкин. Номи жаҳонга танилган бхакт шоирлар мероси бунга тўлиқ гувоҳлик беради. Малукдас ўз йўлида дадил қадам ташлаган бхактлардан бўлиб, бхакти йўли ва бхакт ким деган саволга у қуйидагича жавоб беради: *“Яратганнинг меҳрини қозонишнинг ягона йўли бу инсонда меҳр, раҳм шафқат, гамхўрлик туйғуларининг бўлишидир..., чанқаганга сув, очга нон бера олмаса, ўзи учун эса ҳар нарса тайёр бўлиб, очлик нималигини билмаса, бундай инсон Яратганнинг меҳрига қандай сазовор бўлиши мумкин. Раҳм шафқат инсонни инсонлигини белгилайди. Мен зиёрат ва ибодат қилиш каби расмиятчиликлардан воз кечдим, чунки, менинг кўнглимда олмос каби бебаҳо бир туйғу - жонзотларга раҳм шафқат, меҳр кўрсатиш ва доим мададкор бўлиш туйғуси уйгондики, бу менинг кўнглимдаги*

*Яратганнинг менга кўрсатган йўлидир*<sup>268</sup>. Бу сўзлар Малукдаснинг бхакти йўлини белгилайди, унинг учун бхактининг моҳияти бу барча жонзотларга беминнат хизмат қилишдир. Малукдас шу йўлни танлаган ва умрининг охиригача ўзи танлаган бхакти йўлини садоқат билан босиб ўтган. Худди шундай бхакти йўли Малукдасдан илгари яшаган Кабирга ҳам хос бўлган, чунки, Кабир ҳам инсонни улуғлаган ва унга хизмат қилишни ўзининг олий мақсади деб билган. Қуйидаги мисраларда уларнинг Яратган билан мулоқот масаласидаги қарашларининг ҳайратда қоладиган даражада бир хиллигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин, хусусан, Кабир ёзади,

*Кадир ман нирмал бхайа, жейсе Ганга ниир,  
Пичхе пичхе Хари пхире, кахат Кабир Кабир*<sup>269</sup>.

яъни,

*“Яратган доим Кабир, Кабир, деб кетимдан юради,  
Худди мен эй Худо, эй Худо деб, Унинг кетидан юрганымдек”.*

Малукдас эса бу борада доим, *“Яратган менинг хизматимда, мен эса унинг хизматидаман”*, - деб юрар экан. Олий ҳақиқат билан боғлиқ бу даражадаги фикрни юритиш учун инсон, албатта, комилликнинг энг юқори поғонсига эришган бўлиши лозим.

Руҳиятнинг олий даражага етиш ҳолатини деярли барча бхакт ва сантларда кузата оламиз. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос сўзлари ва бхактига хос туйғулари бўлиб, бу уларнинг йўлини ҳақиқатан ҳам том маънода чароғон қилган ва уларга шогирд бўлиш истагида бўлганлар ҳам жуда кўп бўлган.

Ҳар бир бхактнинг шеърят мавзуси ҳам унинг бхактисининг ўзига хослигидан келиб чиқади. Шеърый мисраларда нимани тасвирлаганига қараб унинг фалсафий дунёсини, тасаввур оламини англаб олишимиз мумкин. Жумладан, табиат тасвири шеърятнинг муҳим мавзуларидан бири бўлиб, уни ҳар ким ўз тасаввури доирасида акс эттиради. Малукдасда бу мавзу ҳамманикига ўхшамайди, табиат ҳақида унинг тушунча ва тасаввурлари фақат унинг ўзигагина хос бўлиб, табиатни соф фалсафий назария асосида тасвирлайди. Ҳинд фалсафий

<sup>268</sup> Балдев Ванши. Малукдас. Дехли. 2007. Б.41-42

<sup>269</sup> Пурушоттам Агравал. Акатха кахани прем ки. (Кабир ки кавита вор унка самай). Дехли, 2010. Б.23



қарашаларида эса табиат беш асосий унсурдан - ер, осмон, сув, олов ва ҳаводан ташкил топган. Унинг шеърлятида табиат деганда фақат манш шу беш унсур тушунилади ва шеърлятда ҳам табиатни унсурлар орқали тасвирлайди. Одатий бўлган, тоғ-тошлар, боғ-роғлар, ўрмон ва ҳайвонлар, океан ва денгизлар, қишлоқ ва шаҳарлар унинг шеърлятида кам учрайди. Бу ҳақда гапирганида у фалсафий маънодаги беш унсур тушунчасидан фойдаланган, масалан,

*Жати ҳамари атма, нам ҳамара Рам,  
Панч татв ка путра, ааи кийа вишрам*<sup>270</sup>

яъни,

*Менинг миллатим (эътиқодим) руҳ, исми Рам,  
Беш унсур фарзандиман, маконим ёруғ олам.*

Шу тарзда ҳар бир шоир ўз ижодида Яратган, борлиқ ва инсонга бўлган муносабатини турлича ифода этган ва уларнинг асарларини бхакти ғояларини ифодаловчи манба сифатида ўрганиш бхактининг ички оламидаги хилма хилликни англаш имконини беради. Яъни, бхакти йўлидан ҳар бир инсон, у қайси дин ёки мазҳаб вакили бўлишидан қатъий назар, бориши мумкин ва, айнан, шунда бхактининг тенглик ғояси яққол кўзга ташланади, масалан, шамга (*оловга*) сиғиниш – заратуштра таълимотига, Яратганни инсон қалбида яшовчи абстракт бир куч-қудрат деб билиш – ислом динига, Яратган дийдорини *нур* деб билиш тасаввуф, Яратганнинг аниқ бир қиёфага эга бўлиши ва одамлар орасида яшашини *лила* дейиш ҳиндулар динига хос таълимотдир. Турли динларга хос бу таълимотлар бхактидаги меҳр ва садоқат билан йўғрилгандагина натижали бўлиши мумкин, деган хулоса қилиш мумкин. Асрлар оша ўлмайдиган бундай машҳурлик, халқ меҳри ва эътиборига бхакт ва сант шоирлар илм, йога ёки турли диний ақидларни бажариш йўли билан эмас, юракдаги меҳр ва садоқатлари билан бхакти йўлини танлаш орқали эришганларини уларнинг ҳаёти ва ижодий мероси аниқ кўрсатди.

Демак, ўрта асрларда (XV-XVIII асрлар) яшаб ижод этган бхакт ва сант шоирлар адабий меросини, шоирлар шеърлятида акс этган бхакти ғояларини, уларнинг бхакти ҳақидаги тушунчалари ва қарашларини қиёсий ўрганиш асосида шуни айтиш мумкинки, динни ислоҳ қилиш

<sup>270</sup> Балдев Ванши. Малукдас. Дехли. 2007. Б.58

Ўлида шаклланган бхакти ижтимоий ҳаракат сифатида ривожланиб, у, асосан, адабиётда ўз аксини топди ва, айнан, адабиётда ўзининг хилма-хил хусусиятларини намоён этди. Бхакти гоё олиб кирди ва бу гоё ҳар бир инсонга ўзича таъсир кўрсатди ва бу таъсирнинг хилма хиллиги бхакти етиштирган мевалар, яъни бхакт ва сантлар дунёқарашада, уларнинг аъмолларида ва яратган асарларида кўзга ташланади. Бхакти тирғиб этган меҳр ва садоқат ҳам ҳар кимда ҳар хил намоён бўлди ва турли натижаларн берди, жумладан, кимдир меҳрини аниқ қиёфага эга бўлган Яратганга берган бўлса (сагун бхакти, яъни шивбхакти, кришнабхакти ва рамбхакти), кимдир Яратган мавжуд бўлиши мумкин бўлган инсон қалбига берди (Кабир, Малукдас, кашмирлик Лаллешвари ва шайх Нуриддин ва б.) ва яна кимдир эса Яратган билан тенг кўрилган Устозига берди (Ражжаб, жайнлар ва натхлар), кимдир эса Олий ҳақиқатни кўра олган шам нурига берди (Рамалинг). Бхактининг йўллари турлича бўлишига қарамасдан, бхакт ёки сантларнинг эришган натижаси бир, у ҳам бўлса Яратганнинг меҳр ва мурувватига бу дунёнинг ўзида сазовор бўлиш ва бхактини тараннум этувчи асарлар яратишдан иборат бўлди. Буларга “Аштачхап” шоирлари, Мирабаи, Тулсидас, Кабир, Малукдас, Ражжаб, жайнлардан Ананддхан, бир қанча шивбхактлар, шам нурига сиғинувчи Рамалинг каби бхакт ва сантларнинг ҳаёти ва ижоди мисол бўла олади. Уларнинг деярли барчаси умуман саводсиз, илмсиз ва камбағал оиладан чиққан бўлиб, Яратганга меҳр ва садоқат йўлини танлаш орқали шу даражага етганлар.

Бхакти адабиётига оид манбаларни ўрганиш асосида, шундай хулосага келиш мумкинки, *биринчидан*, ўрта асрларда халқни Яратган билан яқинлаштириш ва ҳиндуизмни ислоҳ қилишдек муҳим вазифа йўлида шаклланган бхакти ҳаракати асосан икки эпосга – ҳинд халқи эътиқод қиладиган Рам ва Кришна маъбудларининг саргузаштлари билан боғлиқ “Рамаяна” ва “Маҳабхарата” эпосларига таянган, шу боис бхакти ҳаракати асосида бунёдга келган бу давр адабий мероси ўз мазмун ва моҳиятига кўра эпослар билан чамбарчас боғлиқ ва, айнан, эпослар асосида шаклланган, десак муболага бўлмайди.

*Иккинчидан*, “маҳакавья” жанрида яратилган санскрит адабиётининг энг йирик намуналари бўлган “Рамаяна” ва “Маҳабхарата” эпослари Ҳиндистонда кейинги давр ҳинд миллий адабиётларининг шаклланишида юксак назарий ва маънавий аҳамият

касб этган ва улар Ҳиндистон халқлари адабиёти учун ахлоқий ва эстетик стандартлар, бадий санъатлар, сюжет ва образлар, тарихий-фантастик воқеалар манбаи сифатида жуда катта аҳамият касб этган асарлардир.

*Учинчидан*, санскрит тили адабий жараёндан бутунлай чиқиб кетишига қарамасдан, иккала эпос ҳам ўрта асрларда ўз мавқеини аввалгидан ҳам юксак даражага кўтариб, ўзининг таъсир доирасини фақат кенгайтириб борган ва Ҳиндистоннинг барча миллий адабиётлари ҳамда кўпгина қўшни мамлакатлар адабиётига ҳам кириб бориб, бу адабиётларда ҳам шу турдаги асарларнинг яралишига асос бўлган. Бу асарлар асрлар оша ҳар бир миллий адабиётнинг бебаҳо маънавий бойлиги сифатида халқ онгида ўчмас из қолдирганлиги доимо мутахассислар томонидан таъкидлаб ўтилади.

*Туртинчидан*, “Рамаяна” ва “Маҳабхарата” эпослари ўрта асрларда шимол ва жанубда кетма-кет шаклланган бхакти диний-ислохотчилик ҳаракатининг ҳам асосида ётади. Бхакти, бир томондан, ўзининг демократик ғоялари билан, аввалига, мутаассиблик кўчасига кирган ҳиндулар, кейин эса шу даврда мавжуд бўлган бошқа динларни ҳам ислоҳ қилиш, яъни улардаги инсон онги тараққиётига тўсқинлик қилаётган, тенгсизликка олиб келган кастачилик тизими, аёлларга муқаддас китобларни ўқишнинг ман қилинганлиги, қурбонлик келтириш имконига эга бўлмаган саводсиз камбағал халқ учун ибодатхона эшикларининг ёпилиши каби бир қанча бошқа чекловларга қарши курашиш орқали халқ орасида ҳиндуизмни фаоллаштирган бўлса, иккинчи томондан, Рам ва Кришна маъбудлари номи билан динни ислоҳ қилиш асосида қадимий эпосларни ўрта асрлар адабий жараёнида бхакти ғоялари сингдирилган ҳолда аввалгидан ҳам мазмунлироқ шаклда яна қайта яралишини таъминлади.

*Бешинчидан*, Ҳиндистоннинг турли миллий тилларида қайта яратилган “Рамаяна” ёки “Маҳабхарата” эпослари асосий сюжет ўзгартирилмаган ҳолда, улардаги айрим эпизодлар (қисмлар) - асар копозицияси, образларнинг исми ва урф-одатлар шу миллатга хос тарзда ўзгартирилиб, маҳаллий халқ дунёқарашига мослаган ҳолда қайта яратилган.

*Олтинчидан*, мелоддан кейинги давр адабий меросини ташкил этувчи кўпгина бадий асарлар таркибида эталон тарзидами, рамзий ёки

мишжозий маънодами эпослар билан боғлиқ ҳодиса, ном ёки ғояларни жуда кўп учратиш мумкин, жумладан, Аржундек камонбоз, Бхимдек биқувват, Видурдек донишманд, Ситадек пок-домон, Рамдек илолатпарвар ва бошқалар. Бу дегани, эпосларнинг бугунги кун Ҳиндистон халқлари адабиётига бўлган таъсир кучи ҳанузгача ўз кучини йўқотмаган, ва аксинча, улардан фойдаланиш бадиий исарларнинг қимматини фақат ошириш йўлида хизмат қилади десак, муболаға бўлмайди.

*Еттинчидан*, бхакти ҳаракати ҳинд адабиёти тарихида “бхакти адабиёти” номи билан юриладиган катта бир меросни яратганки, у ўзининг мазмун моҳиятига кўра қадим ва ўрта асрлар даври ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини бажарган. Бхакти ҳаракатини, “Рамайна” ва “Маҳабхарата” эпосларини тушунмасдан туриб Ҳиндистонни ва ҳинд халқининг юрак уришини, унинг борлиғи, орзу-умид, истак ва муаммоларини тўлиқ тушуниб етиш деярли мумкин эмас. Бхакти ҳаракати эса халқ билан эпослар ўртасидаги риштани яна ҳам мустаҳкамлади ва бу ишларни амалга ошириш вазифасини эса шу даврнинг қобилятли, юраги меҳрга тўла юзлаб бхакт ва сант шоирлар зиммасига юклади.

*Саккизинчидан*, бхакти адабий мероси сифатида бизга, бугунги кунда, асосан, тўрт йўналишдаги адабий мерос етиб келган, улар юқорида кўриб ўтганимиздек, сагун бхактидаги шив, жейн ва вейшнав бхактлар яратган адабий мерос ҳамда ниргун бхакти йўналишида ижод қилган сант шоирлар яратган адабий мерослар.

Ўрта асрлар шимолий Ҳиндистон ҳудудларида шаклланган бхакти адабиётининг асосий мероси ва бу мерос вакиллариининг ўзига хос хусусиятлари шулардан иборат бўлиб, булар орасида бхакти ва тасаввуф адабий мероси ўз даври мафқурасини, ўрта аср кишисининг дунёқарашини ва, умуман, ўрта асрлар воқелигини ўзида ҳар томонлама акс эттира олган асосий ва бой мерос сифатида баҳоланади ва уларнинг деярли барчаси бизгача етиб келган. Бу катта меросни ўрганиш жараёнлари хали яқунланмаган бўлиб, бу мерос ҳинд ва жаҳон шарқшунос мутахассисларининг диққат марказини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Бхакти ҳаракати ва бхакти адабиётининг ривожланиш даврини XV-XVIII асрларга тўғри келади дейиш бхактига шу билан яқун ясалди, дейиш эмас. Бхакти ва бхактлар, тор доирада бўлса-да, ҳанузгача ҳинд

учун, инсон муаммоларини ҳал этиш учун яратилганини инкор этиб бўлмайди. Ведалар орасида Ригведа энг биринчи тўплам бўлиб, у Агни – Олов маъбудига мурожаат билан бошланади. Мурожаат эса инсон томонидан, шу инсоннинг ёки жамиятнинг муаммосини ҳал этиш учун амалга оширилади. Мурожаат мазмуни инсон ва табиат ўртасидаги муносабат, инсонга ёрдам бериш, унга ҳайрихоҳлик қилиш, уни қўллаб қувватлаш кабиларни сўраб илтижо қилишдан иборат.

Шу тарзда Яжурведа, Самаведа, Атхарваведа каби ведалар тўпламидаги барча қўшиқлар табиат кучлари ва ҳодисаларини ифодаловчи– Ваю (ҳаво), Ушас (тонг), Рудра (ўрмон ва тоғлар), Сома (ичимликлар), Индра (осмон ва момақалдирак) каби маъбудларга инсоннинг эътиқоди ва мурожаати ифодаланган қўшиқлар тўплamidир. Демак, адабиётнинг илк ёдгорликлари бўлган ведалар ва уларнинг образлар тизими маъбудлардан ва уларга мурожаат этувчи мавҳум инсонлар мажмуасидан иборат бўлган.

Инсониятга билим етказишнинг кейинги босқичи бу ҳиндуизм бўлиб, унда олам ва одам, рух ва Олий рух, бу дунё ва у дунё каби диний-фалсафий илмлар инсон қиёфасидаги маъбудлар тимсолида етказилади. Лекин, ведалардан фарқли равишда ҳиндуизмда маъбудлар худди инсонлардек жуфтликда талкин этилади, яъни Брахма-Сарасвати, Вишну-Лакшми, Шива-Парвати, Рам-Сита, Кришна-Радха ва бошқалар. Уларнинг фаолият доираси ҳам инсон муаммолари доирасида бўлиб, севги ва садоқат, хиёнат, оила, фарзанд, уларнинг тарбияси, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ота-онага ҳурмат, аёлга меҳрли бўлиш, ўзаро курашлар, келажак авлодга нималарни ўргатиш лозиму, нималардан уларни асраш кераклиги<sup>271</sup> билан боғлиқ масалалардан иборат. Шу боис, Ҳиндистон халқлари адабиётида

---

<sup>271</sup>Маъбуд Рамнинг ота-онага бўлган юксак ҳурмати туфайли 14 йил ўрмонда сургунда юриши, укаси Бхаратанинг акага бўлган чексиз ҳурмати йўлида 14 йил ўрмонда юриши, шоҳ ва маъбуд Рамнинг ўз аёли Ситага бўлган садоқати йўлида уни ёзув Раван қўлидан озод этишни ўзининг муқаддас бурчи деб билиши, маъбуд Шиванинг ўз аёли Парватига ҳар куни ҳеч ким тингаламаган янги ҳикоя сўзлаб бериши, Шива ва Парватининг ўз фарзандлари Ганеш келажаги ҳақида қайғуришлар ёки бўлмаса маъбуд Шиванинг қаҳрамонликлари ҳақида сахна кўриниши қилгани боис Шиванинг ярим маъбуд Бхаратага “Натьяшастра” асарини совға қилиши ва бошқалар

маъбудлар образи адабиётда инсон концепцияси масаласининг илк босқичи сифатида баҳоланиши мумкин.

Ўрта асрларда эпик давр ва қисман ведалар даври маъбудлари образи бхакти ғояларини тарғиб этиш асносида адабий жараёнларга қайта кириб келган. Бу образлар адабиётда ғоя тарғиботчиси сифатида иштирок этгани боис улар даврнинг етакчи образлари деб қаралади. Лекин, қадимда ҳам, ўрта асрларда, ҳам адабиётда иккинчи даражали образлар ҳам борки, қадимда уларга веда маъбудларига мурожаат этувчи мавҳум инсонлар, диний маросим жараёнларини ўтказувчи роҳиблар, ўрта асрларда давр мафқурасидан узоқ бўлган оддий халқ вакиллари, ҳиндулар тили билан айтганда “праваҳ ме бехневала” – “хаёт оқимида юрувчи” кабиларни киритиш мумкин. Улар ҳам ҳинд адабиёти образлар тизимида ўз ўрни ва инсон концепцияси масаласида ўз аҳамиятига эга бўлган образлардир.

Тарихий тараққиёт ҳар бир давр учун зарур бўлган янги мафкура ва янгича қарашлар мажмуасини шакллантириб беради ва бу жараёнда, ўз-ўзидан, янги мафкура, янги адабиёт ва янги номлар ҳамда янги образлар кириб келаверади. Буни биз инсон концепцияси тараққиётининг *иккинчи босқичи* сифатида баҳолашимиз мумкин.

Бу даврда ведаларда биринчи ўринда турган маъбудлар образи ўз ўрнини, секин-аста инсонга, онги шаклланиш жараёнидан ўтган бир жамиятга бўшатиб беради. Эпик давр адабиётдаги образлар тизимида маъбудлардан ташқари аниқ инсонлар ва ҳайвонларни олиб кирди. Ведаларда инсоннинг яшаш масаласи етакчи масала бўлса, эпик давр адабий жараёнида инсон ва жамият, уларнинг ўзаро муносабати масаласи етакчи ўринга чиқди. Инсон концепцияси масаласида янги турдаги инсон образи шаклланди. Бу инсон табиат ва табиий ҳодисалар билан курашувчи мавҳум шахс эмас, балки онги ривожланган, ўзи яшаётган жамият муаммолари ва уларни ҳал этиш, уни сақлаб қолиш йўлида эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш масалалари билан машғул бўлган аниқ инсонлар ва уларнинг ҳимоячиси бўлган маъбудлар образи тизимиини шакллантирди. Бу жараён адабиётдаги инсон концепцияси масаласини яна ҳам долзарб масалага айланишида катта аҳамият касаб этди. Эпик давр инсони деб номланадиган бу образлар тизими, асосан, “Рамаяна” ва “Маҳабхарата” эпосларида акс этган персонажлар, яъни маъбудлар Рам ва Кришна, турли осмон маъбудлари, ярим маъбудлар, шу билан бир қаторда аниқ шаклланган жамиятда яшовчи, эзгулик ва

ёвузлик нималигини англаб етган оддий инсонлар образидир. Эпик давр образлари, хоҳ у маъбуд бўлсин, хоҳ инсон, бадий жиҳатдан пухталиги билан, гоёлар ва вазибалар аниқлиги билан ажралиб туради. Жумладан, “Маҳабхарата” эпосидаги биргина лаҳм (ер ости йўли) қазувчи шахс образини олайлик. Унга юклатилган вазифа, ўз моҳиятига кўра, шаҳзодалар умрини, қолаверса, бутун бир салтанатни сақлаб қолишдек муҳим аҳамият касб этади. Қазувчининг ўзи ҳам буни жуда яхши англаб етган ҳолда унга ёрдамга келган шаҳзода Бҳимга шундай дейди: *“Ватанни ҳимоя қилиш фақат шоҳларнинг вазифаси эмас, бу ҳар бир фуқаронинг ҳам вазифасидир. Сиз менга ўз бурчимни адо этишимга изм беринг. Бу вазифани ўзим уддалашим лозим”*. Бу сўзлар каттагина эпоснинг кичик бир воқеаси жараёнида оддий бир фуқаронинг айтган сўзлари, лекин ундаги аниқлик ва бурчга садоқат асрлар оша ҳар бир инсонга энг яхши ўғит сифатида хизмат қилишига асло шубҳа йўқдир. Эпос мазмунида бундай образлардан жуда кўпини санаб ўтиш мумкин, масалан, вазир, устоз, табиб, сарой хизматчилари, хизматкорлар, курувчилар, қўйинги, жамиятнинг жуда кўп соҳаларининг вакиллари исол келтириш мумкин. Эпосда ҳатто ёвузлик тимсоли бўлган девзотлар ҳам ўз вазифасини аниқ бажарувчи сифатида ишонарли тасвирланган. Шу тарзда, эпосда ҳар бир образ, у қандай образ бўлишидан қатъий назар, катта маҳорат билан, яқуний образ сифатида мукамал тасвирланган.

Демак, эпослардаги образлар орқали ҳинд маънавиятининг асослари жуда юқори савияда тасвирланган ва шу асосда инсон концепцияси ҳам мукамал даражага етган, дейиш мумкин. Чунки, уларда инсоният билан боғлиқ муаммоларнинг деярли барчасининг аниқ ечими ва аҳамияти аниқ берилган.

Эсослардан кейинги давр ҳинд адабиётининг образлар тизими буддавийлик (Жатаки, Ашвагхоша асарлари ва б.), жайнлар (Махавир ва унинг шогирдлари адабий мероси) ва ундан кейин эса сикхлар дини (Гуру Нанак ва унинг тўққиз шогирди адабий мероси) яратган янги мафкура ва диний таълимотларга асосланган адабий мерос таркибида ривожланди ва шу тарзда инсон концепцияси яна янги-янги поғоналарга кўтарилиб борди. Уларнинг мазмунида инсон муаммолари ечимининг турли хил янги усуллари, масалан, буддавийликда инсоннинг азоб укубатлардан қутулиб нирванага етишиши мумкинлиги ёки жайнларда жонзотларга озор етказмаслик, инсоннинг дунёвий

илмларни ўрганиши, янги-янги илмларни кашф қилиши, аёлларга илм олишни чеклашга қарши бўлган янгича фикрларга асосланган дунёқараш шаклланди. Албатта, бу таълимотлар жамиятда янги турдаги инсонни ва адабиётда янги турдаги образларнинг шаклланишига асос бўлди. Бу образлар шакл жиҳатдан бошқача бўлса-да, мазмунан ўша умуминсоний ва ҳаётий кадрятлар доирасида ривожланишда давом этди. Жумладан, мелодий III асрларда яшаган, ўзи брахман кастасидан бўлган, лекин буддавийлар таълимотини афзал кўриб, шу таълимотни илк бор санскрит адабиётига олиб кирган таниқли шоир ва драматург Ашвагхошанинг дунёқараш ва ижоди бунга яққол мисол бўла олади. Ашвагхоша брахман бўлса ҳам кастачилик тизимига қарши қаратилган буддавийлик тарафдори бўлган. У буддавийликдаги ҳар бир инсон ўз онгини ривожлантириш асосида рухий озодликка эришиши мумкин эканлиги уни ўзига жалб этган. Ашвагхоша брахманлик кастасидан воз кечиб буддизмни қабул қилиб, буддизмнинг тенглик ғоясини ҳинд халқи ўртасида тарғиб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган адибдир. Будда таълимотини тарғиб қилишнинг энг тўғри йўли адабиёт деб ҳисоблаб, ўзининг барча асарларини буддизм ғоясига таянган ҳолда яратади. Ашвагхоша буддизм ғояларини шунчалик чуқур ўрганганки, бу ҳақда ҳатто афсоналар ҳам тўқилган. Улардан бирида шундай ҳикоя қилинади: «Кунлардан бир кун Будда шогирдлари билан суҳбатлашиб кетаётганида боғда бир булбул куйлаётганини эшитиб, унинг овозига ошиқ бўлиб қолади ва уни *«шундай гўзал ва ёқимли овозли булбул кейинги туғилишида албатта инсон бўлиб туғилсин»* – деб дуо қилган экан. Ўша Будда дуо қилган қушча Ашвагхоша киёфасида дунёга келган, дейилади. Ҳинд адабиётида Ашвагхошани «буюк ҳинд буддисти» деб бежиз айтмайдилар. Ашвагхошанинг буддим таълимоти билан боғлиқ бешта асари етиб келган. Улар орасида *«Буддачарита»* («Будданинг ҳаёти») Ашвагхошанинг шоҳ асари бўлиб, муқаддас китоб сифатида буддавийликнинг *«Уч сават»* номли муқаддас китобидан кейин иккинчи ўринда туради. Бу асарни Ашвагхоша Будданинг ҳаётини тўлиқ тасвирлаш мақсадида яратган. Кейинги асар *«Важрасучи»* («Олмосдан ясалган игна») номли асарда Ашвагхоша асосан кастачилик тизими ҳақида сўз юритади ва бу тизимни жамиятда брахманларни кўллаб қувватловчи тизим сифатида қоралайди. Буддизм тарғиботига бағишланган энг кучли асари бу



«Сундарананда» («Сундара ва Нанда») асари бўлиб, унда Ашвагхоша Будданинг укаси Нанданинг қандай қилиб буддизм динини қабул қилганлиги ҳақида ҳикоя қилиди.

Буддавийлик ва жайнлар таълимотидан кейинги инсон концепциясининг яна бир янги поғонаси ўрта асрлардаги бхакти ва тасаввуф мафкуралари доирасида, комил инсон деган янги концепция доирасида янгича талқин қилина бошланди. Бу мафкуралар инсонга диндан узилиш мумкин, лекин Яратгандан узилиш мумкин эмаслигини, Худо билан инсон ўртасидаги муносабатлар абадий эканлигини уқтириш мақсадида шаклланган диний-ислохотчилик ҳаракатлари сифатида кириб келди. Бу янги мафкуралар ислом ва ҳиндуизмдаги матаассибликка қарши, оддий халқ манфаатини ҳимоя қилиш йўлида шаклланган мафкуралардир. Бу давр адабий меросида уч турдаги образлар тизимини, яъни маъбудлар (асосан, Рам, Кришна, Вишну, Шива), комил инсон (гуру, пир, бхакт, сант ёки сўфийлар) ва оддий инсонлар образини кузатиш мумкин. Бу давр адабий меросида бу уч образнинг асосий хусусияти шундан иборатки, комил инсон маъбудга интилади ва оддий инсонларни ҳам шу йўлдан боришга ундайди, инсон ва худо ўртасидаги алоқа воситаси бўлган дин ва дин пешволари эса танқид остига олинади. Бундай ғоялар тарғиботи адабий асарлардаги образлар тизими воситасида амалга оширилган. Бхакти ва тасаввуф адабиётидаги уч образ инсоннинг онги, дунёқароши ва эътиқоди доирасида бўлиб, уни тўғри белгилаш дунёвий ҳаётнинг ҳам мазмунли ташкил этилишига асос бўлиши тарғиб қилинган. Кимдир фақат Кришнага, кимнингдир фақат Рамга, ва яна, кимнингдир Аллоҳга интилиши ва чуқур эътиқоди динни четлаб ўтиш асоси эканлиги шу даврда яратилган бадиий асарларнинг ғоявий мазмунини ташкил этади. Бундай асарларга юқорида таҳлилга тортилган бхакти ва тасаввуф адабиётига оид асарлар ва бхактигача бўлган сиддх ва натх секталари вакиллари томонидан яратилган асарларнинг барчасини киритиш мумкин.

Демак, ўрта асрлар адабий меросининг образлар тизимида биз, асосан, инсон, маъбуд, бхакт, сант, суфий, пир ва гуру тушунчалари билан тшқнашамиз.

Бхакт ва сант синоним сўзлар, лекин, бхакт сўзи сант сўзига нисбатан анчагина қадимий бўлиб, бхактлар ҳақида қадимий ҳинд адабиёти

намуналари бўлган - Пуранлар, Брахманлар, Араньяклар ва Упанишадларда ҳам жуда кўп ҳикоятлар мавжуд.

Сант атамаси эса ўрта асрларда, Ҳиндистонга ислом дини кириб келганидан кейин мавҳум, ҳеч қандай қиёфага эга бўлмаган Худога ёки Яратган фақат инсоннинг қалбида бўлиши мумкин деган тушунчалар жамиятда шаклланиганидан кейин пайдо бўлган ва у ниргун бхакти йўналишига асос бўлган. Шу боис ҳинд мутахассислари бу икки атамадан *бхакт* атамасининг келиб чиқиши ҳақида изланишлар олиб борганлар.

Бхактидаги «садоқат» сўзида, аслида, маълум бир динга, қолаверса, ўша даврда Яратувчи сифатида тан олинган маълум бир маъбудга бўлган садоқат, унга бўлган ишонч ва чуқур эътиқод назарда тутилади. Демак, «бхакт» атамаси Ҳиндистон диний-фалсафий қарашлари тизимида янги эмас, балки қадимдан мавжуд атама ва у, асосан, диний-фалсафий мазмун кашф этади. Лекин, адабий атама, яъни бадий асардаги образни англатувчи атама сифатида шаклланиши ўрта асрларга - бхакти ҳаракати асосида бхакти адабиёти шаклланиган даврга тўғри келади. Ҳинд жамиятидаги диний атама бўлган бхакт сўзи ўрта асрларда адабий жараёнга ҳам кириб бориб, янги, бадий асардаги образни англатувчи атама сифатида шаклланди. Қадимги давр бхактлари эътиқод йўлида шуҳрат қозонган айрим шахслар бўлса, ўрта асрлардаги бхактлар оддий инсонлар орасидан етишиб чиққан эътиқоди мустаҳкам инсонлардир. Бундай бхактларга эса, одатда уч хусусият хос бўлган: Олий Ҳақни тушуниб етиш; эътиқод йўлида садоқатли бўлиш; тил, дил ва амол бирлиги бўлиб, фақат эзгулик йўлида юриш. Мана шу уч нарса инсонда шаклланса ҳеч қандай оламшумул қаҳрамонлик кўрсатмаган ҳолда ҳаётдаги энг олий мақсадга эришиш мумкин деб ҳисоблаганлар ва бу ҳақиқатни улар бхакти таълимоти орқали тушуниб етганлар.

Ҳиндистоннинг шимолий қисмларида ислом дини асосида шаклланиган тасаввуф ва унинг вакиллари ҳам адабий асарлар, шеърлар мазмуни орқали ўз гоё ва қарашларини халққа етказиб борганлар. Бу ҳодиса бхактига параллел равишда иккинчи турдаги адабиётнинг, яъни тасаввуф адабиётининг шаклланишига олиб келган. Икки оқимнинг ҳам бир даврда ёнма-ён шаклланиши ўрта аср адабий жараёнида «бхакт» ва «сўфий» номи билан юритиладиган бадий образларнинг

шаклланишига ва шу асосда бу сўзларнинг адабий атамага айланишига олиб келган.

Сўфий атамасига илмий адабиётларда турлича таъриф ва шарҳлар мавжуд. Бу таърифларга қўшилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, сўфий бу худди бхактга ўхшаб дин мутаассиблигига қарши курашган инсондир. Бхакт ҳам, суфий ҳам, бир йўлда, бир мақсад сари юради ва уларнинг кураш усули ҳам, охирги манзили ҳам бирдир. Уларнинг фикрича Яратганнинг ердаги макони инсон қалбидир, ундан бошқа ерда Яратганнинг мавжуд бўлиши уларга бутунлай бегонадир. Бадиий тил билан айтганда, бхакт ҳиндуизмнинг, тасаввуф эса ислом динининг инсон онгига ижобий таъсирининг мевасидир. Шу боис сўфийлар ҳам, бхактлар ҳам абадий барҳаёт шахслар, уларнинг образи ҳам адабиётда ўлмас образлардир, деб баҳолаш мумкин.

Бхактларнинг адабиётдаги ўрни ҳақида сўз юритар эканмиз, уларнинг ўрта аср ҳинд адабиётидаги алоҳида мавқеини эслаб ўтиш лозимдир. Бхакт бу Ҳаққа етишган инсон ва ўрта асрлар бундай инсонларнинг кўплиги билан характерланади. Лекин, уларнинг номи маълум бир вақтларгача бхакти файласуфлари томонидан сир сақланган. Кейинчалик, файласуфлар бхакти йўлига кирган шахс қандай натижаларга эришиши мумкин эканлигини оддий халқ оммаси орасида тарғиб қилиш ва ҳақиқатан ҳам бхакти, яъни меҳр ва садоқат йўли Ҳаққа етишишда энг тўғри ва ҳар бир инсон учун қулай йўл эканлигини исботлаш мақсадида халқ орасидан чиққан бхактлар ҳаётидан лавҳалар асосида кичик – кичик ҳикоялар ёзиб, уларга «вачан амрит», яъни «ўлмас сўзлар» деб ном берганлар. «Вачан амрит»ларнинг сони кўпайгач бхактининг ўрта асарлардаги энг биринчи мевалари сифатида бхактлар ҳақида дастлабки тўплам яратилган ва унга «*Чаураси вейшнаван ки варта*», яъни «84 вишнуит ҳаёти» (ХУП аср) деб ном берилган. Шу йўсинда кетма-кет бошқа турли бхактлар ҳаёти ҳақида сон-саноксиз «варта»<sup>272</sup>лар яратила бошланади ва улар бугунги кунда ўрта аср насрининг илк намунаси сифатида, «варта» эса шу даврда бхакти таълимотининг адабиётга таъсири натижасида вужудга келган насрий жанр сифатида баҳоланади. Демак, кеч ўрта асрлар ҳинд адабиётида дастлабки

---

<sup>272</sup>Христиан дини асосида шаклланган «жития святых» жанрига ўхшаш жанр.

наsrнинг шаклланиши ва авлиёлар ҳаёти акс эттирилган махсус «варта» насрий жанри бхакти ва бхактлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ ҳодисадир. Шеърят борасида эса юқорида ижоди ўрганилган бхакт шоирлар қаламига мансуб бхакт шоирларнинг “сагарлари” (шеърят уммони) шу давр назмининг бой мероси эканлиги айтиб ўтилди.

Демак, бхакт ва суфий атамалари диний-фалсафий мазмун доирасида чегараланиб қолмасдан, ўрта асрларга келиб адабиётда ҳам маълум бир гоёни тарғиб этувчи шахсларнинг образи сифатида адабиётга кириб келган. Улар, асосан, тарихий шахслар бўлиб, баъзан туқима образ сифатида ҳам адабиётда, кўпроқ тасаввуф адабиёти, учрайди.

Бхактни ва суфийни Ҳақ йўлига бошлайдиган шахс - бу уларнинг устози-пиридир. Бхактларда Гуру, суфийларда Пир йўлидан юриш бу Устоз йўлидан юришдир. “Пир- пирлик даражасига етгунга қадар ошиқ энди бошлаётган йўлни босиб ўтган, сабрли, қалби илоҳий ишқ нашидаси билан сурурга тўлган, ориф, билимдон, тариқат мақоматларини ипидидан игнасиғача билган, “нафаси жон бағишловчи”, муридига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлмоғи лозим. Кошифийнинг сўзлари билан айтганда: “Биринчидан, шайх (яъни пир) комил маърифат эғаси бўлсин. Иккинчидан, ўткир фаросатли, одамшунос киши бўлиб, бир нигоҳ ташлаш билан муриднинг қобилиятини илғай олсин. Учтинчидан, етук руҳий маънавий қуввати бўлсин, токи агар мурид тариқат йўлидан адашса, унга маънавий мадад бериб, мушкулини осон қила олсин, тўғри йўлга солсин. Тўрттинчидан, етарли даражада эркин одам бўлсин, яъни ҳеч нарсага муҳтож бўлмасин. Бешинчидан, ихлоси мустаҳкам бўлиб, риё ва таънани тарк этсин. Мол ва мансаб деб бировга сарғаймасин, эгилмасин. Олтинчидан, ростлик ва бегараз дўстликни шиор қилсин — ҳақ сўзни ҳар ерда, ҳар қандай шароитда айта олсин, гапирганда иккиюзламачилик қилмасин. Еттинчидан, қалбида шафқат нури порлаб турсин, мурид манфаатини ва умум манфаатини ўз манфаатидан устун қўйсин”.<sup>273</sup> Пирга қўйилган бу талабларда устоз-шоғирдлик муносабатларининг энг олий, юксак намунасини кўрамити<sup>274</sup>. Гуру на

<sup>273</sup> Хусайн Воиз Кошифий. "Футуватномаи султоний". Т., Мерос, 1994. 24-бет.

<sup>274</sup> С.Сотиболдиева. Фоний ғазалларининг бадиияти. Ном.дис. Т., 2001, 135-бет

Пирлар бхакти ва тасаввуф адабиётида энг кўп учрайдиган образлардир. Устоз эса ҳиндуларда Яратгандан кейинги иккинчи инсон саналади ва унинг ўғитига кириш шогирдни ҳаёт йўлини тўғри белгилашига асос бўлади. Ўз устозини Яратган билан тенг кўрадиган бхакт (Сурдас, Парамананаддас, Кришнадас, Кумбхандас, Мирабаи, Расхан, Рахим ва бошқалар) ҳамда сантлар (Ражжаб, Малукдас, Даду ва бошқалар) ижоди ҳақида бхакти адабий мероси таснифи бўлимида батафсил гапириб ўтилди.

Ҳинд адабиётида образлар тизимининг тараққиёт тарихига бир назар ташлайдиган бўлсак, улар қуйидаги тарзда шаклланганлигини кузатишимиз мумкин:

- Ведалар (мелоддан аввалги IV минг йиллик) - маъбудлар образи
- Эпослар (мелоддан аввалги II минг йиллик) - маъбуд, инсон ва ҳайвонлар образи
- Буддавий ва жайнлар адабиёти (мелоддан аввалги I-V асрлар) – инсон, устоз ва ҳайвонлар образи
- Эртақ ва масаллар (мелодий III-X асрлар) - инсон ва ҳайвонлар образи
- Драматургия (мелодий III-VII асрлар) - инсон образи (бадий жиҳатдан сайқалланган)
- Бхакти адабиёти (XV-XVIII асрлар) – маъбуд, инсон, комил инсон (бхакт, сант, суфий)лар образи
- Тасаввуф адабиёти (мелодий XV-XVIII аср) - сўфий ва оддий инсон образи
- Рити адабиёти (мелодий XVIII-XIX аср) - инсон образи (Ўзининг кундалик муаммолари билан)

Ўрта асрлар ҳинд адабиётида, кўриб турганимиздек, оддий инсонлар билан бир қаторда бхакт ва сўфийлар етакчи образлар бўлган. Бу давр адабий мероси эса мана шу икки мафкура тарғиботи асосида шаклланиб икки дин вакиллари тилида, яъни ҳиндуларнинг ҳиндий<sup>275</sup> ва мусулмонлар тили бўлган урду<sup>276</sup> тилида яратилган.

---

<sup>275</sup> Ўрта асрларда ҳозирги ҳиндий тили ўрнида браж тили адабий тил бўлган. Шу боис бхакти адабиёти асосан браж тилида яратилган. Ҳозирги кунда у ҳиндий тилининг диалектларидан бири саналади.

<sup>276</sup> Бу даврда урду тили ҳам турли номлар билан юритилган, масалан, дакхини ёки ҳиндустани ёки ҳиндави (А.Х.Дехлави ижодида) ва бошқалар.

Бхакти адабиёти вакилларига биз, асосан, уч йўналишда ижод этган адибларни киритишимиз мумкин. *Биринчиси*, биргун бхакти йўналишида ижод этган шоирлар (Кабир ва унинг издошлари), *иккинчиси*, Кришна бхакти йўналишида ижод этган шоирлар («Аштачхап» шоирлари, Мирабаи, Расхан, Рахим ва б.) ҳамда *учинчиси*, Рам бхакти йўналишида ижод этган шоирлар (Тулсидас ва унинг издошлари). Бхакти адабиётининг бу уч йўналиши вакиллари томонидан яратилган асарларнинг барчасида, албатта, бхакти ғояси ва уни тарғиб қилувчи бхакт ёки сант, у эътикод қиладиган маъбуд ва оддий инсонларга мурожаат мавжуд. Бхакти йўлида аниқ натижаларга эришган бхактлар образи эса «варта» насрий жанрига кирувчи асарлар таркибидан ўрин олган. “Варта” жарнига киритилган бхактлар образининг бошқа асарлардаги образлардан асосий фарқи шундаки, улардаги бхактлар аниқ тарихий шахслардир. Бу бхактлар орасида турли касб, ёш ва каста вакиллари, аёллар, ёш қизлар, йигитлар, оилалар, турли ҳудудларда яшовчи инсонлар мавжуд. Уларнинг барчасининг ёши, касби, ҳудуди ва тили турли хил бўлишидан қатъий назар эътиқоди ва танлаган йўли бир бўлган шахслардир. Бу образлардаги географик ҳудуд, тил, жинс ва ёшдаги хилма-хиллик бхактининг «Яратган олдида барча тенгдир» деган ғояни амалий исботини кўрсатувчи омиллардан биридир.

Ҳинд тасаввуф адабий мероси ҳам шу даврда, яъни ХУ-ХУШ асрларга оид бўлиб, улар орасида шухрат қозонган асарлар ҳақида юқорида сўз юритилди. Бу асарларнинг асосий мавзуси дунёвий ишқ бўлиб, асар давомида бу ишқ илохий ишқ даражасигача кўтарилди ва улардаги ошиқ ва маъшука ўз муҳаббатларидан шунчалик маст бўладирларки, уни сўфийларнинг Яратганга бўлган ишқи билан қиёслаш мумкин. Бу маънода ҳинд тасаввуф адабиётига бхактининг, хусусан сагун бхактининг таъсирини кузатиш мумкин. Чунки, суфиёна мазмундаги асарлардаги севгининг тасвирида ошиқ ўз маъшуқасининг қиёфасида Яратганни кўра бошлайди ва бунинг натижасида у ўзлигини унутиб, уни ўраб турган муҳит ва жамиятдан ва, умуман, дунёвий ҳаётдан бутунлай узилиб, уларнинг вужудида ўз маъшуқасига, унинг дийдорига етишишдан бўлак истак қолмайди.

Ўрта аср ҳинд адабиётида эса бундай асарлар суфиёна мазмундаги асар деб баҳоланади. Бу ерда юқорида тилга олинган ҳинд диний-фалсафий қарашларидаги Яратганни эркак ва ўзини аёл деб ҳис этиш,

меҳри тушиб қолган ўша руҳга бу дунёнинг ўзида эришиш бхактининг тасаввуф таълимотига таъсирининг натижаси дейиш мумкин. Чунки, Яратганни бундай кучли севги билан севиш ва унинг дийдорига шу дунёнинг ўзида эришиш сагун бхактларга хос хусусиятдир. Бхакти йўлида бу даражага эриша олган бхакт ва сантлардан биз Сурдас, Мирабаи, Кабир, Тулсидас, “Аштачхап” шоирлари, Ражастханлик Ананддхан, Даду Дайал, Ражжаб, Малукдас, Тамил бхактларидан Аппар, Налварлар, Рамалинг, Тиругйансамбандхар, Сундарар, Махараштр бхактларидан Намдев, Тукарам, Рамдас, жайн бхактлардан Хирвижайсури, Вижайсенсури, Шантичандрасури ва бошқа бир қанча ҳинд миллий адабиётларидаги бхактларни мисол келтиришимиз мумкин.

Суфиёна ишққа мубтало ошиқларнинг айрилиқ ва ҳижрон азоблари ҳамда висол онлари сўфийларнинг Яратгандан айрилиқда чекадиган азобларидек жуда кучли эҳтирослар билан тасвирланган. Балки шу боис ҳам уларни суфиёна ишқ сифатида тасвирлаганлар.

Демак, бхакт ва сўфий тушунчалари диний қарашлар асосида шаклланган атамалар бўлса-да, кейинчалик жамиятда маълум бир ғоя ёки мафкурани бадий асарлар орқали тарғиб этиш асосида адабиётда маълум бир турдаги образларнинг номига айланган. Иккала тушунча ҳам икки хил бир-бирига қарама-қарши динлар - ҳиндуизм ва ислом – асосида шаклланган бўлишига қарамасдан, уларнинг асл моҳияти, таклиф этган ғоялари ва охириги мақсадлари бир, шу сабаб улар моҳиятан бир бирига яқин образлар бўлиб, ўрта асрларда адабий атамага айланган. Бу образларнинг ҳар иккаласи ҳанузгача ҳинд жамиятида ва ҳинд адабиётидаги комил инсонни англаувчи образлар сифатида қадрланади.

Бхакти атамаси пайдо бўлганидан то бугунги кунгача диний-фалсафий қарашларда ҳам, адабий жараёнда ҳам ўзининг асл моҳиятини йўқотмаган ва кўп асрлар давомида ўрта аср ҳинд мафкурасини ўзида акс эттирувчи образ сифатида бадий асарлар саҳифасида бизгача етиб келган. Шу билан бир қаторда, ўрта асрлар Ҳиндистонидаги мусулмон адабиётида ҳам сўфий сиймоси шу давр адабиётининг етакчи образларидан бирига айланган. Сўфий ҳам бхактлардек Яратганга бўлган меҳр орқали инсонпарвар ва демократик ғояларни ўз мафкурасининг байроғига айлантирган ва шу давр мусулмон адабиётининг етакчи образига айланган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳинд адабиётида инсон концепцияси ведалар давридан бошланган бўлса, ўрта асрларда у “комил инсон” даражасига етган. Бу эса шу даврнинг бхакти ва тасаввуф таълимотларининг адабиётга таъсири натижасидир. Ҳар бир давр инсони ўзининг тарихий тараққиёт босқичидаги ҳукмрон мафкура доирасида шаклланиб, асрлар оша турли диний ва фалсафий таълимотлар билан бойиб бориб бугунги инсон концепцияси даражасига етиб келган. Лекин, муҳими шуки, ўша ўрта асрларда шаклланган қолмил инсон образи ҳали хануз ўз аҳамияти ва ўрнини йўқотмай келмоқда, зеро нафақат ҳинд жамиятида балки жаҳон ҳамжамиятида ҳар бир янгилик инсон камолоти, унинг қомилликка етишиши йўлида амалга оширилади. Лекин, бу қомилликнинг энг асосий мезони бу маънавий юксаклик бўлиб, бхакти ва тасаввуф айнан фақат маънавий поклиги билангина қомил инсон бўлиш мумкинлигини тарғиб этган таълимотлардир.



## ХУЛОСА

Бхакти адабиёти Ҳиндистон халқлари адабиётининг энг сермазмун ва халқ учун энг севимли адабий меросидир. Чунки, бу адабиёт ҳинд халқининг юрак тўридан ўрин олган “Рамаяна” ва “Махабхарата” эпослари асосида ўрта асрларда бунёдга келган бўлиб, бу орқали ҳинд халқи ўз қадимий миллий анъаналари, урф одатлари ва миллий кадриятларини қайта тиклаш имкониятига эга бўлди.

Бхакти адабиёти ҳиндулар дини мутассиблиги йўлида шаклланган ва ўрта аср ҳинд файласўфлари томонидан тарғиб қилинган бўлса, унинг шимолий

Бхакти ҳаракати ҳинд халқига юзлаб иқтидорда тенги йўқ, оддий халқ орасидан етишиб чиққан, жаҳон миқёсида номи таралган Сурдас бошчилигидаги “Аштачхап” шоирлари, Мирабаи, Тулсидас, Кабир, Даду Дайал, Ражжаб, Малукдас, Ананддхан, Рамалинг ва бошқа бир қанча шоирларни етиштириб берган. Улар ўз ижодлари билан бхакти ғояларини халқ орасида кенг ёйиш ишларига катта ҳисса қўшганлар. Уларнинг адабий мероси бугунги кун ҳинд адабиётининг тенги йўқ намуналари сифатида баҳоланади.

Бхакти ҳаракатининг Ҳиндистон шимолий худудларида ривожланиб халқ орасида кенг ёйилишида Бобурийлар сулоласи ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Акбардан тортиб Аурангзебгача Бобурийлар салтанати худудида яшаб ижод этган кўпгина бхакт шоирлар билан доимий алдоқада бўлганлар, уларнинг кўпчилигини Бобурийлар шоҳлар салтанатнинг юқори мансабларига тайинлаган. Юрт ободончилиги, адабиёт ва санъатга қизиқиши катта бўлган Бобурийлар бхакт шоирларни ўз даврида турли дин вакилларида ташкил топган мураккаб ҳинд жамияти вакиллари тинч-тотув яшашини таъминлашда зарурий инсонлар деб қараганлар ва уларнинг ижоди учун барча шароитларни яратиб берганлар. Бхакт шоирларнинг кўпчилиги, хусусан, Малукдас, Ражжаб, Ананддхан, Бобурийлар авлодининг тўрт сулоласи ҳукмронлиги даврида яшаганликлари ҳақида ўз асарларида ёзиб қолдирганлар.

Ўрта асрларда бхакти билан бир вақтда ҳинд тасаввуф адабиёти ҳам шаклланганлиги бу давр адабий меросининг нақадар бой эканлигини кўрсатди. Ҳинд тасаввуф адабиётининг йирик намоёндалари ижоди билан танишиши шуни кўрсатдики, ҳинд тасаввуфи ўз мазмун

моҳиятига кўра ҳинд бхакти ғоялари таъсирида шаклланган ва у бошқа тасаввуф адабиётларидан мазмун жиҳатдан фарқланиши кўзга ташланди. Лекин, ҳар қандай фарқ мавжудлигида ҳам бу икки адабиётнинг ички моҳияти бир эканлигини инкор этиб бўлмайди.

Бхакти адабий меросида бхакт ва сант атамаларининг қиёсий тадқиқи шуни кўрсатдики, бхакт ва сант аслида синоним сўзлар бўлиб, улар фақат Яратганни аниқ қиёфада тушуниш ёки уни мавҳум бир Зот деб тушуниш доирасидагина кўзга ташланади. Аслида эса бхакт ва сўфий атамалари диний-фалсафий мазмун билан чегараланиб қолмасдан, адабиётда ҳам маълум бир ғоянинг тарғиботчиси, шу ғояни қўллаб қувватловчи шахслар образи вазифасини бажарди. Бу образлар ҳам тарихий, ҳам тўқима образ сифатида ўрта аср бадиий адабиётида жуда кўп учрайди.

Бхактининг лексик ва стилистик маънолари ва ҳинд халқи ҳаётида бажарган вазифасига кўра қадим ва ўрта асрларга оид атама бўлиб, ҳинд халқи ҳаётида жуда катта аҳамият касб этган. Чунки, бхакти адабиёти ҳанузгача нафқат тадқиқ этиб келинмоқда, балки турли тилларда яратилган бхактига оид адабий асарлар етук шоирлар асарлари сифатида ҳиндий тилига ўгириб нашр эттириш ишлари давом этмоқда. Бу эса бхактининг мазмун моҳияти ҳинд халқи учун жуда яқинлигини ва у халқ севган Маҳабхарата ва Рамаёна эпослари, меҳр оқибат, садоқат ва ишонч тушунчалари билан боглиқ бўлганлиги сабаб ҳинд халқи орасида абадий яшайдиган бир ҳодиса эканлигидан далолат беради. Кеч ўрта аср бхакти адабиёти ҳинди тилида яратилган бой меросга эга бўлишига қарамасдан ХХI асрда ҳам жанубий бхакти адабиётининг илк ўрта асрларга тегишли тамил ва бошқа қўшни штатлар бхакт шоирлари томонидан яратилган асарларнинг бир қанчаси ҳинди тилига изохлар билан таржима қилиниб чоп этилмоқда. Ҳанузгача халқ орасида бхакт шоирлар асарлари севиб ўқилади, миллий байрамларда қўшиқ қилиб ижро этилади, чунки миллий байрамларнинг асосий қисми эса Рам ёки Кришна, Шива ёки Ганеш ёки яна бошқа бир маъбуд билан боглиқдир. Бхакти эса айнан шу маъбудларга бўлган меҳр ва садоқатни халқ орасида тарғиб қилган, тарбиялаган ва кучайтирган ҳаракатдир.

## Фойдаланилган адабиётлар

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари:

1. Каримов И.А.. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. –Т.: Ўзбекистон, 1999
2. Каримов И.А. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса. –Т.: «Ўзбекистон, 1996
3. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. –М.: Дрофа, 1997
4. Каримов И.А. Межнациональная толерантность в Узбекистане: теория, социология, практика. – Т.:2004
5. Каримов И.А. Независимость – наше общее достояние, залог свободной и достойной жизни. Выступление Ислама Каримова на торжествах, посвященных 17-летию Независимости Республики Узбекистан. 31 августа, 2008
6. Каримов И.А. “Юксак маънавият энгилмас куч”. Т.: Маънавият, 2010
7. Каримов И.А.. «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. - Т.:1999
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., Ўзбекистон 2003

### I Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдураззакова М.А. Эволюция секуляризма в Индии. Т. 2004
2. Агзамова С. Хозирги Панджаб. –Т.,1974
3. Антонова А.К. Очерки общественных отношений и политического строя могольской Индии времен Акбара (1556-1605). –М.: 1952
4. Азимжоновна С. Государство Бобура в Кабуле и в Индии. М.: Наука, 1977
5. Ал-Фараби. Существо вопросов. «Ибранные произведения мыслителей Ближнега и Средного Востока». –М.:1961
6. Ахметбекова А.К. Абай и суфизм. Восточные языки и культуры. Материалы

### III Международной научной конференции. Москва, 2010

7. Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. –Т.: 2010
8. Бартольд В.В. Ислам. Сб. Соч.-М.1966
9. Беляев Е.А. Мусульманское сектанство. –М.: 1957
10. Берк С.М. Акбаршоҳ бобурийларнинг энг буюги. –Т.: “Мумтоз сўз”, 1999
11. Березиков Е. Святые ислама. Казань. 1996
12. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Москва: 1965
13. Библиография Индии. – М.: Наука, 1965, 1976, 1982
14. Босворт К.Э. Мусульманские династии. –М. 1971
15. Буюк сиймолар, алломалар. Тошкент, 1997
16. Бўронов Қ.Б. Тасаввуф фалсафаси хусусида. Ташкент-2000
17. Васлий Самарқандий. Имом Аъзам тарихи. Тошкент.,1995
18. Ганди, Моя жизнь. –М., 1969
19. Гафурова Н.Б. Кабир и его наследие. –М.,1976
20. Гринцер П.А. Древнеиндийский эпос. –М.,1974
21. Гусева Н.Р. Джайнизм. –М.: 1968
22. Гусева Н.Р. Индуизм. –М.: 1977

23. Джавахарлал Неру. Автобиография, Москва, 1955
24. Джавахарлал Неру. Открытие Индии, -М.: 1960
25. Древнеиндийская цивилизация. -М.: 2004
26. Ўрта камолоти. -Т.: 1996
27. Жалолиддин Руми. Маъни маснавий. -Т.: 1999
28. Жимуниский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. -Л.: 1979
29. Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон - Тошкент. Адолат, 2001
30. Иброҳим Н. Ибн Батуа ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Тошкент, 1963
31. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент, 1991
32. Иброҳим Ҳаққул. Такдир ва тафаккур. -Т.: 2007
33. Из истории культурных связей Центральной Азии и Индии -Т., 1984
34. Инамходжаев Р., Тюрко-персидское двуязычие в литературной жизни Индии 16 в. -Т.: 1993
35. Индуизм. Традиции и современность. -М.: 1985
36. Илохий ҳадислар. Тошкент, 1994
37. Иномхожаев Раҳмонхожа. Тюрко-персидское двуязычие в лиературной жизни Индии XVI в. -Т.: 1993
38. Ислом асослари. -т.: Ёзувчи, 1991
39. Идрис Шайх. Суфизм. -М.: 1994.
40. Исабек Бахтиёр. Яссавия ва Нақшбандия. //Мулоқот. -№3. -Б.37-40
41. Ислам. Энциклопедический словарь. -М.:1984
42. Ислам. Проблемы идеологии, права, политики и экономики. Сборник статей. -М.: Наука, 1985
43. История всемирной литературы. В 9 томах. -М., 1983-1994
44. История Индии в средние века. -М., 1968
45. Кабир Грантхавали (собрание). -М.:1992
46. Кароматов Ҳ. Куръон ва ўзбек адабиёти. Тошкент, 1993
47. Кароматов Ҳ. Хўрланган пайғамбарлар ғалабаси. Тошкент, 1998
48. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент 1-2 жилд. 1996
49. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: 2009
50. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Тошкент., 1994
51. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент, 2009
52. Комилов Н. Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. Тошкент, 2010
53. Коран. Пер. и коммен. И.Крачковского. - М.: Наука, 1963
54. Қўшчинов М. Моҳият ва бадиийлик. Тошкент, 1977
55. Ламшуков В.К. Маратхская литература. -М.: 1970
56. Литература Востока в средние века. Ч. 1. -М.:1970
57. Маннанов А. Рошанийская литература. -Т.: Фан. 2006
58. Марғышкин Р.В. Политические взгляды Мохандааса Карамчанда Ганди, М., 1985
59. Минг бир ҳадис. Тошкен, Ўзбек маскани, 1991
60. Муминов Й.М. Философские взгляды мирзы Бедия. -М.:1957

61. Мусоев Шониёз. Латоиф ул-ахбор – бобурийлар давлати тарихи бўйича муҳим манба (XVI асрнинг ўрталари). Т.: 2007.
62. Муҳибова У.У., Индийская агиографическая литература. Ташкент, 2008
63. Назаров Б.Н. Ислоҳ Агиография тизимида мақоматнинг ўрни ва унинг бадиий хусусиятлари (Баҳоуддин Накшбанд мақоматлари асосида).- Докторлик дисс. - Тошкент. 2000
64. Низаметдинов Н.Ф. XV-XIX аср Ҳиндистон туркийзабон адабиёти. Докт дисс. Автореферати. -Т., 2000
65. Низомиддинов И.Г. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон муносабатлари. -Т.: Фан, 1986
66. Олим С. Ишк, Ошиқ, Маъшук. Тошкент. 1992
67. Осипов Ю.М. Сказание о Раме в Сиаме». -М.: 1984
68. Рабинович И.С. Сорок веков индийской литературы. -М.: 1969
69. Расулов А. Бадиийлик безавол янгилик. Тошкент, 2007
70. Сазанова Н.М.. Нет жизни без Кришны. -М., 1992
71. Сазанова Н.М. Океан поэзии Сурдаса. -М.:1973
72. Саид Эҳтишам Хусейн Литература урду. Москва 1978
73. Сатимов Ф. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври. -Т.: Гофур Гулом. 2008.
74. Семёнова Н.И. История сикхского движения в Индии. М.:1963.
75. Семенов И.В. История сикхского движения -М.: 1973
76. Серебряков И.Д..Пенджабская литература. -М.:1963
77. Сирожиддинов Ш.Багрикенглик – динларнинг маърифий асосидир. - Т.:2010
78. Словарь литературных терминов. -М.: 1974
79. Суфизм в контексте мусульманской культуры. -М.:1974
80. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Гарб. Тошкент. 1993
81. Суфийская мудрость. Минск, 1998
82. Сухочев А., Литература урду. Москва 1967
83. Сухочев А. От дастана к роману, -М.: 1971
84. Танонова Е.В. “Главная героиня древнеиндийского эпоса Махабхарата и эпоса телугу”. Дисс. автореферати. -Спб., 2011
85. Тиллабаев А. Среднеазиатские агиографические сочинения XI-XVI вв. как источник (жития шейхов Накшбандия) Автореф. Дисс. док. исторических наук. Ташкент. 1994
86. Тогаева Г.Ж. Ўзбек матбуотида тасаввуф таълимотининг ёритилиши: муаммолари, тамойиллари ва шакллари. Номз.дисс. автореферати. Т., 2007
87. Тошев Нурёғди. Шоҳ Жаҳон, -Т.: 2002
88. Усмонов О. XV-XVII асрлар Хирот маданий муҳити ва Хатгак шеърляти. – Док. Дисс.- Тошкент, 1993
89. Увагов У. Донолардан сабоқлар. Тошкент. 1994
90. Федоров Г.П. Святые древней Руси. – М. изд-во Московский рабочий, 1990
91. Ҳадис. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Тошкент, 1994

92. Ҳақкул И. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент, 1991
93. Ҳомидий Ҳ. Кӯҳна шарқ даргалари. Тошкент, 1999
94. Ходжаева Т.А. Пенджабская литература. -Т.: 2007
95. Хошимов И. Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи салтанати. -Т.: “Ўқитувчи”. 1996.
96. Цветков Ю.В. Винаи Сурдаса. – Литература и фольклор народов Востока. - М.:1967
97. Цветков Ю.В. О композиции и жанре “Сурсагара”. - Теоретические проблемы восточных литератур. -М.:1969
98. Цветков Ю.В. К характеристике окружения Сурдаса. – В кн.: Литературы Индии. –М.: изд-во Вост.лит., 1973
99. Цветков Ю.В. Сурдас и его поэзия. – М.: 1976
100. Цветков Ю.В. Тулсидас. -М.: 1987
101. Штаты Индии -М.: 1968
102. Яссавий Аҳмад Ҳикматлари. Тошкент, 1990
103. Гиёсов Т.Ф. Ҳиндистоннинг ўрта асрлар тарихи. -Т.: 2004

#### II Ҳинди тилидаги адабиётлар:

1. Амар Баҳадур Синх. Жаяси эк навьябодх. Лакхнау. 1979
2. Асад Али. Бхактикал аор муслим санскрити. (Бхакти ва муслмон маданияти). – Дилли, 1971
3. Балдев Ванши. Мулукдас. Сахитья академи. Дилли, 2007
4. Балдев Ванши. Дадү грантхавали. Пракашан санстхан, Дилли, 2005
5. Бурхануддин Жанам. “Калемат ул - хақақ”. Хайдаробод, 1961
6. Васант Ямдамил. Чхитсвами. Виба прес. Дилли, 2003
7. Венкатагари П. Бхарат ке барах алвар. Мадрас, 1989
8. Говинддае Жха. Говинддас. Сахитья академи, Дилли, 2007
9. Дваркадас Парикх. Чаураси вэйшнаван ки варта. Патна, 1979
10. Даршан Сетхи. Жаяси. Бхарат мудраналай. Дилли, 1992
11. Даве Кришнаваллабха. Сант кави Дадү. Дилли, 1983
12. Жайбаҳадур Лал. Суфи сант сахитья ка удбхав аор викас. Лакхнау, 1977
13. Жйоти садхак Рамлинг свами “Валлалар” вйактитва, крититва эвам даршан”. Дилли. 1999
14. Йогендра Синх. Сант Редас. Акшар пракашан. Дилли, 1972
15. Кешарчандра Шарма. Бхакатмал аор хинди сахитья ме уски парампара. Мангхан пабикешан, Рохтак. 1983
16. Кишнарам Вишнои. Дадүдайал: Сиддхант аор кавита. Нирмал пабл. Хаус. Дилли, 1996
17. Кумарпал Десаи. Анаиддхан (жейн кави). Дилли, 2006
18. Мадхьякалин Бхарат. Дилли, 1986
19. Матапрасад Гупта. Мригавати “Куғубан”. Агра, 1968
20. Менежер Паңдей. Сахитья аор итихае. Вани пракашан. Дилли, 2009
21. Мира Кант. Мирабаи мукти ки садхика. Дилли, 2002
22. Набхадас криғ Бхакатмал аор Приядас криғ тика канатхалочан. Абхинав

бхарати. Илахабад, 1981

23. Нандкишор Пандей. Сант Ражжаб. Варанаси. 2004

24. Нандадуларе Важпейи. Хинди сахитъя ка санкшипт итихас. Дилли, 2010

25. Натхрам Преми. Жейн сахитъя аор итихас. Нью Бхарат Принтинг пресс, Бамбай, 1942

26. Пурушоттам Агравал. Акатха кахани прем ки (Кабир ки кавита аор унка самай). Ражкамал пракашан. Дилли, 2010

27. Равиндра Кумар Сетх. Тамил шевбхакт кави Аппар. Сахитъяшоддх санстхан, Дилли, 2002

28. Рагхуванш. Кабир эк найи дришти. Илахабад, 2009

29. Рамкишор Шарма. Кабир грантхавали. Локбхарати пракашан, Илахабад, 2003

30. Рампати Рай Шарма. Ниргун кавъя пар суфи прабхав. Канпур, 1977

31. Рампужан Тивари. Жаяси. Радхакришна пресс. Дилли, 1973

32. Раскхан рачнавали. Вани пракашан. Дилли, 1985

33. Раскхан дохавали. Дилли, 1982

34. Рахим грантхавали. Вани пракашан, Дилли, 1994

35. Рам Пати Рам Шарма. Ниргун кавъя пар суфи прабхао. Пустак пракашан, Дилли-Канпур, 1977

36. Рамчандра Шукла. Хинди сахитъя ка итихас. Камал пракашан. Дилли, 2010

37. Сарла Чодхри. Нанддас. Шакун принтерс. Дилли, 2006

38. Суфи аор суфимат. Дилли, 2004.

39. Сарожбал Деви Бансал. Асам ке бхакт кави Шанкардев эвам Сурдас ке кавъя ка тулнатмак адхйайан. Мератх, 1985

40. Сетх Равиндер Кумар. Тируваллувар эвам Кабир ка тулнатмак адхйайан. Нэшнал паблишинг хаус. Дилли, 1972.

41. Умапатирай Чандел. Хинди суфи кавъя ме пураник акхйан. Абхинай пракашан. Дилли, 1976

42. Хазарипрасад Двिवеди. Кабир. Ражкамал пракашан. Дилли, 2010

43. Харирай. Сурдас ки варта. Матхура, 1951

44. Харгулал. Говиндсвами. Шив Офсет пресс. Дилли, 2003

45. Харгулал. Кришнадас.. Пракашан вибхаг. Дилли, 2001

46. Чандравали Пандей. Тасаввуф атва суфимат. Сарасвати мандир, Варанаси, 1966

47. Шивкумар Мишра. Бхакти андолан аор бхакти сахитъя. Патна, 2010

48. Шив Кумар Шандиля. Молана Дауд крит Чандайан ка бхаша сваруп эвам вьмбатмак санчетна. Бхаша пракашан, Дилли, 1978

49. Шйам Сундар Дае. Раскхан. Дилли, 1998

50. Шукдев Синх. Редас вани. Радхакришна прак. Дилли, 2003

51. Шринивас Ватра. Хинди аор фарси суфи кавъя ка тулнатмак адхйайан. Дилли, 1979

52. Шринивас Шарма. Жаяси. Падмават. Дилли, Ашок пракашан, 2002 Шри Чандравали. Тасаввуф атхва суфимат. Варанаси, 1966

### III Инглиз тилидаги адабиётлар:

1. Abdul Fazl. The Akbarnama. Vol.I-II. Trans. By A.S. Beveridge. delhi, 1993.
2. Abdul Hamid Lahuri. Padshahnama. Calcutta. 1866-72.
3. Akbarnama. Translated from Persian by H. Beveridge. Delhi.1977.vol.
4. Lal P. Indian Influences on English, American and European Literature, Asia Society. 2001
5. Smith Vincent. Akbar the Great Mogul. Delhi. 1966.

### III Газета, журналларда чоп этилган мақолалар:

1. Бобоназар Муртазоев. Адабиёт ва санъат. “Термиз окшоми” – ижтимоий-сиёсий газета. №4, 2008.
2. Франсуа Бернье. История последних политических переворотов в государстве великого монгола. Журн. “Звезда Востока”, №1,2, 1996 г.
3. Иброхимов А. Бобурийлар мероси. Т.: “Меҳнат” журн. 1993.
4. Сатимов Ф. Бобурийлар даврида маориф тизими. “Бошлангич таълим” журн. 1998. №1, 28-29 бетлар.
5. Ғиёсов Т.Ғ. XVI-XVII асрларда Бухоронинг Ҳиндистон билан савдо-сотик алоқалари. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. Т., Фан. 1997, б.35-36.
6. Ғиёсов Т.Ғ.Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистоннинг илмий-маданий муносабатлари. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти тизимида. Т., 2004, б.101-102.
7. Сатимов Ғ.. Акбаршоҳ. Журн. “Мулоқот”. № 4, 1997, 37-40-бетлар.
8. Сатимов Ғ.. Бобурийлар Ҳиндистони адабиёти. Журн. “Гулистон”. 1998, №1, 16-18 бетлар.
9. Сатимов Ғ.. Бобурийлар давлатидаги маориф тизими. Журн. “Бошлангич таълим”, 1998, №1, 28-29 бетлар.
10. Сатимов Ғ. Бобуришоҳ оиласи. “Мулоқот” журн. 1997. №2, 41-42 бетлар.
11. Сатимов Ғ.. Бобурийлар салтанатида давлат бошқаруви. Вилоятлар ҳокимияти. Журн. “Қонун ҳимоясида”. 1998, №3, 34-37 бетлар.

### IV Интернет ахборот сайтлари:

- Файзиев Т. Тарихга бир назар. [www.ziyou.net.uz](http://www.ziyou.net.uz). 2010
- Мухаббат Содиқова. Бобурий ижодкорлар. [www.Кашкаларё.htm](http://www.Кашкаларё.htm). 2010
- Мўғуллар Ҳиндистонда. [www.islom.uz](http://www.islom.uz). 2007
- Мўғул ҳукмдорлар. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com). 2009



**УЛФАТХОН МУҲИБОВА**

**БҲАКТИ АДАБИЁТИ**

Техник муҳаррир: М.М. ЗАРИФОВ

Компьютер таҳрири: Д.У. АРИФЖАНОВА

Нашрга руҳсат берилган 11.11.2012.

Формат 60x84 1/16 Шартли б.т. – 10 Тираж 100. Заказ №

“TEZKOR-PRESS PRINT” МЧЖ бомаҳонасида чоп этилди.

Тошкент, Фарҳод кўчаси, 21 А уй.

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2012